

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Т.М. ЗИЯЕВ, Ш.Т. ИСРАИЛОВА,
Д.Т. ЁҚУБ, Б.Э. МАМАРАХИМОВ**

Турмуш фаровонлиги назарияси

*Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан 5 А 340101 –
«Иқтисодий назария» магистратура мутахассислиги талабалари учун
ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган*

ТОШКЕНТ – 2019

УДК:

ББК 67.404.1

К 98 Ё-18

Турмуш фаровонлиги назарияси. Зияев Т.М., Исроилова Ш.Т., Ёқуб Д.Т., Мамарахимов Б.Э.- Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги - Т.: «YANGI NASHR», 2019. -306 б

Ушбу қўлланма 5А340101 “Иқтисодиёт назарияси” магистратура мутахассислиги талабалари учун мўлжалланган намунавий ва ишчи дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Давлат таълим стандарти асосида тайёрланган.

Республикамизда мустақилликка эришилган дастлабки кунданок, асосий эътибор, аҳолининг турмуш фаровонлиги ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга, шу соҳада ишлаётган ходимларни бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилди. Айниқса, ижтимоий-маданий, илм-фан, жисмоний тарбия ва спорт соҳалари юқори даражада ривожланмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳалари халқ таълими, соғлиқни сақлаш, санъат ва маданият, илм-фан, жисмоний тарбия ва спорт, илмий изланишлар, давлат бошқаруви, муҳофаа, маиший хизмат каби соҳаларни қамраб олади. Буларсиз жамият тараққиётини тасаввур этиш мумкин эмас. Чунки бу соҳа ходимлари меҳнатнинг умумий йўналиши инсон ва жамиятнинг ижтимоий, маънавий ривожланиши учун қаратилган. Ўқув қўлланмада ана шу масалалар ўз аксини топган.

Ўқув қўлланма мазмунини баён этишда Президент Ш.М.Мирзиёев асарлари, республика қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан, мамлакатимизда нашр этилган дарслик ҳамда ўқув қўлланмалардан, шунингдек, унинг илмий ва амалий жиҳатдан мукамаллик даражасини ошириш мақсадида монография, диссертация ва авторефератлар, республика ҳаётига оид статистик материаллардан кенг фойдаланилган. Қўлланма олий ва ўрта махсус ўқув юртларида “Иқтисодиёт назарияси” фанидан дарс берувчи ўқитувчилар, аспирант, магистратура ва бакалаврият талабалари, малака ошириш институти тингловчилари учун мўлжалланган, ундан бу фан билан қизиқувчи барча китобхонлар ҳам фойдаланиши мумкин.

© Зияев Т.М., Исроилова Ш.Т., Ёқуб Д.Т., Мамарахимов Б.Э.

© «YANGI NASHR», , 2019

КИРИШ

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг барча босқичларида инсон ҳаётининг асосини моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ташкил этади. Бу жараён иқтисодиётнинг доимий ва бош масаласи – эҳтиёжлар чексизлиги ва иқтисодий ресурсларнинг чекланганлиги шароитида амалга оширилади. Ушбу чекланган иқтисодий ресурслардан оқилона фойдаланиб, аҳолининг тўхтовсиз ўсиб боровчи эҳтиёжларини қондириш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, ундаги жамият аъзоларининг фаровонлиги ва турмуш даражаси уларнинг иш билан банд бўлиб қилган меҳнати натижасида олинган даромадларига боғлиқ. Аҳоли турмуш даражасини ошириш, яъни унинг фаровонлигини таъминлаш турли ижтимоий-иқтисодий тизимлар, давлатлар иқтисодий сиёсатининг асосий мақсади ҳисобланади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” деб номланган тўртинчи йўналиши аҳоли бандлигини ошириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизациялаш, аҳолини электр энергия, газ билан таъминлашни яхшилаш, аҳолининг муҳтож қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам сифатини ошириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мақомини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш, мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширишни назарда тутди.

Фаровон турмуш куриш йўллари ҳақида инсоният асрлар давомида бош қотириб келади. Иқтисодчиларнинг бу борадаги фикрлари қонунлар, тамойиллар, моделлар, тенденциялар деб аталади. Ҳарбда бу қонунларни ифодалаб беришга қаратилган

дастлабки илк асар муаллифи А. Смит ҳисобланади. Унинг “Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари ҳақидаги тадқиқотлар” номли асари 1776 йилда чоп этилган. Бу асарда А. Смит жамиятда табиат қонунлари каби амал қиладиган унинг ривожини белгиловчи объектив иқтисодий қонунлар ётишини кўрсатиб берган. У ўз асарида У. Петти тадқиқотларини давом эттириб уни бойитиб умумлаштирган. У. Петти бойликнинг отаси ва фаол тамойили меҳнат, онаси – ер, деган эди.

Турмуш фаровонлиги ва унинг даражаси ҳақида Шарқ олимлари, жумладан Ибн Холдун ҳам тадқиқот олиб борган. Унинг бу мавзудаги асари “Муқаддима” деб аталади. Ибн Холдун фикрича, кишиларнинг моддий неъматлар билан таъминлаш зарурати маданият, илм-фан, сиёсат иккиламчидир, иқтисод бирламчидир. Бундай фикрларни Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо сингари мутафаккир аждодларимиз ҳам ўз асарларида билдириб ўтишган. Маълумки, инсон фаровон турмуш кечириши учун, энг аввало, иш билан банд бўлиши лозим, шундагина у даромадга эга бўлиб турмуш даражасини ошириш учун зарур ижтимоий-иқтисодий шароитларга эга бўлади. Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига ўтиш шароитида инсон манфаатларига йўналтирилган иш билан бандлик стратегияси ишлаб чиқилган. Ушбу стратегия меҳнатга лаёқатли ҳар бир инсон учун ўз қобилиятини намоён этиш ва ўз меҳнати билан ўзи ҳамда оиласи учун инсонга мансуб яхши турмуш шароитларини таъминлашни тақозо этади.

Аҳоли турмуш даражаси унинг зарурий моддий ва номоддий неъматлар ҳамда ижтимоий соҳа, яъни хизматлар билан таъминланганлик даражаси, уларни истеъмол қилиш даражасини ифодалайди. Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар кишиларнинг жисмоний, маънавий, маданий, ижтимоий, маиший эҳтиёжларини қондириш ва даромадлари ошишини ифодаловчи кўрсаткичлар мажмуидан иборат. Бу кўрсаткичлар ушбу ўқув қўлланмада баён этилади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар инсонни ҳар томонлама камолотга етказиш ҳамда аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш, унинг фаровонлигини оширишга қаратилган. Республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти негизига асосланган ҳолда инсон манфаатларига қаратилган.

Мустақиллик йилларида аҳоли даромадлари ва фаровонлиги, турмуш даражаси ҳамда сифатини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Масалан, мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодиёт қарийб 6 баробар, аҳоли даромадлари жон бошига нисбатан ўсиш 8,7 баробардан зиёдни ташкил этди. Ижтимоий соҳани ривожлантириш натижасида “Давлат бюджетининг умумий харажатларида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ажратилган харажатлар 2000 йилда 42,5 фоиз бўлган бўлса, жорий йилда кутилаётган 54 фоиздан 2020 йилда 56 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, кам таъминланган ва моддий ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашга ва болали оилаларга бериладиган нафақалар учун ажратилган харажатлар 2017 йилда қарийб 2,6 триллион сўмдан ортиқ миқдорда, яъни 2008 йилга нисбатан 4 баробар кўп маблағ ажратилган.”¹

“2018 йилда «истеъмол нархлари ўзгаргани сабабли» аҳолининг умумий даромадларининг реал ўсиш суръатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 111,4 фоизни (Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2017 йилнинг тўққиз ойи давомида 110,6 фоиз), умумий даромадларнинг аҳоли жон бошига нисбатан реал ўсиши суръатлари эса 109,5 фоизни (2017 йилнинг худди шу даврида 108,8 фоиз) ташкил қилганини қайд этди.

2018 йилда ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун давлат бюджетидан умумий харажатларнинг 53,4 фоизи миқдорда маблағлар сарфланди. Бу харажатлар ЯИМга нисбатан 11,8 фоизни ташкил этди. 19 трлн сўм ёки ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий

¹Ўзбекистон иқтисодиёти ахборот-таҳлилий бюллетени. Тошкент-2019. 65-бет

қўллаб-қувватлашга ажратилган маблағларнинг 65,8 фоизи ойлик маошларни молиялаштириш ва иш ҳақларига ажратмаларга йўналтирилган.

2019 йилги давлат бюджети лойиҳасини ҳамда 2019–2021 йилларда бюджет сиёсати мақсади турар жойлар ва аҳолининг ижтимоий-маиший шароитлари, ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимларини яхшилаш, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш ва янги иш ўринларини яратишдан иборат.

2019 йилда 54 фоиз давлат бюджети харажатлари ушбу мақсадларга йўналтирилади ва бунда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш устувор аҳамиятини сақлаб қолади. 2019 йилда ижтимоий харажатларга 57,8 рлн сўм ажратиш режалаштирилган.

Жумладан, кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам ва товон пуллари харажатлари 5,3 трлн сўмни ташкил этади. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 58,5 фоизга кўп демакдир. Моддий ёрдам олувчи кам таъминланган ва 14 ёшгача фарзандли оилалар сонини ошириш мақсадида 643,5 млрд сўм ажратиш кўзда тутилган. Бу моддий ёрдам олувчи оилалар сонини 507 мингтадан 621 мингтага ёки 1,2 мартага ошириш имконини беради.”²

Бугунги кунда жамият ривожланиб, аҳолининг турмуш даражаси ошиб боргани сари олий маълумот олишга бўлган эҳтиёж ҳам ўсиб боради. Сабаби, инсон ўз ҳаёти давомидаги зарур ва муҳим эҳтиёжларини тўлиқ қондириши учун, албатта, унинг қобилиятли, билимли, масъулиятли бўлиши етарли бўлмасдан, олий маълумотли бўлиб, бирор касб (мутахассислик)ни эгаллаши ҳам зарур бўлмоқда.

Иқтисодиётда шундай қонуният борки, унинг даражаси қанчалик паст бўлса, қуйи гуруҳлар кўп, юқори гуруҳлар кам бўлади. Шунингдек, улар ўртасидаги гуруҳ ҳам озчиликни ташкил этади. Аксинча, даромадлар қанчалик юқори бўлса, қуйи гуруҳлар

² <https://www.gazeta.uz/oz/2018/11/13/byudjet/>

ҳисобидан ўрта гуруҳ ўсади, лекин юқори гуруҳлар салмоғи катта бўлмайди.

Ўрта гуруҳлар қатлами тўғрисида биринчилардан бўлиб фикр юритган қадимги грек файласуфи Аристотель: “Қайси жамиятда ўрта қатлам (элемент) салмоқли бўлса, ўша жамият фаровон бўлади”, – деган хулосага келган. Шунинг учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш асосида жамиятда ўрта мулкдорлар қатлами ҳиссасини ошириб бориш мақсадга мувофиқ. Бу борада мамлакатимизда сезиларли ижобий ишлар олиб борилмоқда.

Юқоридаги ижобий ютуқларга қандай эришилганликни тушуниб олиш, аҳолининг турмуш тарзи, даромадлари, ижтимоий соҳа ва ишчи кучи бандлигининг долзарб жиҳатларини билишга “Турмуш фаровонлиги назарияси” номли ўқув қўлланма ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

I боб. “ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ НАЗАРИЯСИ” ФАНИНИНГ МАЗМУНИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1.1. “Турмуш фаровонлиги назарияси” фанининг предмети ва вазифалари

Ҳар қандай мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси ва унинг фаровонлиги шу мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқ. Аҳоли турмуш даражаси инсонлар ҳаёти ва фаолиятининг мавжуд ижтимоий-иқтисодий шароитлари мажмуи билан тавсифланувчи мураккаб ва кўп қиррали тушунча бўлиб, аҳоли фаровонлиги, неъматлар ва хизматлар истеъмоли даражаси, инсонларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондириш меъёрини тавсифловчи шароит ва кўрсаткичлар мажмуидир.

Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий самараси кишилар фаровонлиги, яъни турмуш даражаси ва турмуш сифатида намоён бўлади. Унинг муҳим жиҳати ноз-неъматлар истеъмоли ҳисобланади. Фақат яратилган товар ва хизматларни истеъмол қилиш мумкин. Шу сабабли истеъмол миқдори ва таркибининг ишлаб чиқариш ҳолатига қараб шаклланиши қонуний ҳодисадир. Ишлаб чиқариш қанчалик юқори бўлса, истеъмол шунчалик яхши ва сифатли бўлади.

Турмуш фаровонлиги ялпи ички маҳсулот миқдори, миллий даромаднинг ҳажми ва унинг тақсимланишига боғлиқ. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига аҳоли бандлиги даражаси ҳамда ижтимоий соҳа иқтисодиётининг ривожланиш ҳолати ҳам таъсир кўрсатади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 5 баробар, аҳоли даромадлари жон бошига ўртача 8,7 баробар ўсди, бу даврда мамлакат аҳолиси 1,5 марта кўпайиб, 2015 йил 1 январда 31 миллион 500 минг кишини ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари то‘ғ‘рисидаги Парламентга Мурожаатномасида: “Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг ғоят муҳим йўналиши бўлган ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси ҳам босқичма-босқич

таъминланмоқда.

Мамлакатимизда 2019 йилда Шаҳар ва қишлоқларимизда жами 3,5 миллион квадрат метрдан зиёд намунавий уйлар ва кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди. Бу рақамни аввалги йилларга таққослайдиган бўлсак, 2007-йилга нисбатан 20 баробар, намунавий уй-жойлар қуриш дастури бошланган 2010-йилга нисбатан 3,5 баробар, 2014-йилга нисбатан эса 2 баробар кўп уй-жой қурилиши кутилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, мамлакатимиз кейинги 25 йил давомида биринчи марта аҳоли учун арзон, барча қулайликларга эга бўлган кўпқаватли уй-жойлар қуришни бошлади. 2017-йилнинг ўзида 800 минг квадрат метрдан зиёд ана шундай уй-жойлар қуриб фойдаланишга топширилди. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида жорий йилда 420 минг квадрат метр кўпқаватли уй-жой фонди фойдаланишга топширилди. Бу ўтган 2017 йилга нисбатан қарийб 3 баробар кўпдир.”³ «Ўзбекистон Республикасида 2017-2021 йилларда ижтимоий соҳани ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁴ , Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги «2016 — 2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»⁵ 55-сон қарорининг қабул қилинишидан бошланган десак, мақсадга мувофиқ бўлди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейинги дастлабки кундаёқ ижтимоий масалаларни ривожлантириш давлатнинг асосий эътиборида бўлиб келмоқда.

Давлат бюджети лойиҳасида кўрсатилишича, 2019 йилда харажатларнинг 54 фоизи ижтимоий соҳага, 26,5 фоизи таълимга, 13,1 фоизи иқтисодиёт ва 11,3 фоизи соғлиқни сақлаш соҳаларига йўналтирилади. Давлат бюджети лойиҳасида прогнозланаётган харажатларнинг энг катта қисми – 54 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилади.

³ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. <http://uza.uz/uz/documents/o-zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoyevning-o-22-12-2017>

⁴ Ўзбекистон Республикаси биринчи президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва хизмат соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида» - Халқ сўзи 2006йил 18 апрел

⁵Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги55-сон қарори

Ушбу *фаннинг предмети* аҳоли фаровонлигига таъсир этувчи омиллар, яъни аҳоли даромадлари, турмуш тарзи, аҳолининг иш билан бандлиги, ижтимоий ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг тутган ўрни ҳамда аҳамияти ҳисобланади.

Фаннинг *мақсади ва вазифалари* этиб қуйидагилар белгиланади:

- аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигига таъсир кўрсатувчи омилларни очиб бериш;

- ишчи кучи ҳамда бандлик борасидаги турли қарашлар ва назарияларни ўрганиш;

- Ўзбекистонда демографик вазият ва ишчи кучининг такрор ҳосил қилиниш хусусиятларини ўрганиш;

- ижтимоий ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигига таъсири ҳамда бошқа масалаларни ўрганиш.

1.2. “Турмуш фаровонлиги назарияси” фанининг иқтисодиётда тутган ўрни

Бу фаннинг бошқа фанлар ва ўқув адабиётлари билан алоқадорлиги мавжуд. Жумладан, фалсафа, иқтисодиёт назарияси, социология, солиқлар ва солиққа тортиш, молия, туризм ва бошқалар.

Аҳоли турмуш даражаси – аҳоли фаровонлиги, неъматлар ва хизматлар истеъмоли даражаси, инсонларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондириш меъёрини тавсифловчи шароит ва кўрсаткичлар мажмуи. Бошқача айтганда, турмуш даражаси жамиятда яшовчи инсон эҳтиёжларининг ривожланиш ва қондирилиш даражасидан иборат бўлиб, у турли неъматларнинг истеъмол қилиниши ёки истеъмол учун олинганларнинг фойдалилик даражаси билан белгиланади. Аҳоли турмуш даражасининг турли компонентлари мавжуд (1-жадвал).


Аҳоли турмуш даражаси компонентлари

БМТ концепцияси	Швед модели
1. Саломатлик	1. Меҳнат ва меҳнат шароити
2. Овқатланиш	2. Иқтисодий имконият
3. Таълим	3. Сиёсий имконият
4. Бандлик ва меҳнат шароити	4. Мактаб таълими
5. Турар жой шароити	5. Саломатлик ва тиббий ёрдамдан фойдаланиш
6. Ижтимоий таъминот	6. Ижтимоий имконият (оила ва оила муносабатлари шаклланиши)
7. Кийим-кечак	7. Турар жой
8. Дам олиш ва бўш вақт	8. Овқатланиш
9. Инсон ҳуқуқлари	9. Бўш вақт ва уни ўтказиш

1-жадвалда аҳоли турмуш даражаси компонентларини акс эттирувчи БМТ концепцияси (1961 й.) ва швед модели (70-йиллар) кўрсатилган. БМТ концепциясида асосий эътибор саломатлик ва овқатланишга, швед моделида эса меҳнат ва меҳнат шароитларига қаратилган.

Аҳоли турмуш даражаси – мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати самарадорлигини баҳолашнинг энг муҳим мезони ҳисобланиб, унинг амалга оширилиши жамият ривожланишининг асосий мақсадидир. Аввало, турмуш даражаси иккита таркибий қисмнинг бирикмаси ва ўзаро боғлиқлиги билан тавсифланади: аҳолининг моддий ва номоддий бойликлар билан таъминланганлик ва уларнинг истеъмол даражаси.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда турмуш даражаси аҳоли томонидан олинadиган даромад, овқатланиш даражаси, турар-жой шароитлари ҳолатига асосланади, қашшоқлик эса фақат жисмоний эҳтиёжларни қондириш учун етарли озиқ-овқат харажатлари улуши билан баҳоланади.



1-расм. Аҳоли фаровонлигини ташкил этувчи компонентлар

БМТ статистика комиссияси турли мамлакатлар аҳолиси турмуш даражасини “аҳоли ҳаёти ва фаолияти шароитлари, истеъмол даражаси, инсон бандлиги ва эркинлиги таъминланиши” призмаси орқали баҳолашни таклиф қилади. БМТ Бош Ассамблеясининг 40/179-қарорида (“Истеъмол моделлари: ишлаб чиқаришнинг миқдорий жиҳатлари”) турмуш даражаси ошишининг аниқ баҳоси аҳоли турмуш даражаси ва бандлигининг, улар билан боғлиқ бошқа омиллар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим, уй-жой шароитлари, таълим тизими, соғлиқни сақлаш ва асосий ижтимоий таркиб

истеъмолининг кўплаб кўрсаткичларидан иборат тегишли ўлчов бирлигини талаб қилади.

Жамият иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичи аҳоли турмуш даражасини ошириш ва фаровонлиги билан бевосита боғланган. Фаолиятнинг ҳар қандай соҳасини ривожлантириш, у хоҳ саноат, қишлоқ хўжалиги ёки соғлиқни сақлаш бўлсин, охир оқибатда бевосита ёки билвосита турмуш даражасини ва фаровонлигини оширишга қаратилади. Турмуш даражаси ва фаровонлигини таҳлил қилишда ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг катта мажмуини тадқиқ қилиш зарур.

Қисқача хулоса

“Турмуш фаровонлиги назарияси” фани аҳолининг турмуш тарзи, даромадлар сиёсатининг моҳиятини яхлит, мураккаб, муайян тарихий, нисбатан мустақил ҳодиса сифатида тушуниш, ички ва ташқи алоқалар, муносабатлар, омиллар, шунингдек, йўналишлар, қонуниятларни аниқлаш ва уни такомиллаштириш истиқболларини белгиловчи фан ҳисобланади.

Аҳоли турмуш даражаси аҳоли фаровонлиги, неъмат ва хизматлар истеъмолининг даражаси, инсонларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондириш меъёрини тавсифловчи шароит ва кўрсаткичлар мажмуидир. Бошқача айтганда, турмуш даражаси жамиятда яшовчи инсон эҳтиёжларининг ривожланиш ва қондирилиш даражасидан иборат бўлиб, у турли неъматларнинг истеъмол қилиниши ёки истеъмол учун олинганларининг фойдалилик даражаси билан белгиланади.

Назорат саволлари

1. “Турмуш фаровонлиги назарияси” фанининг моҳиятини тушунтириб беринг.
2. Фаннинг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
3. Фаннинг предметини тушунтириб беринг.
4. “Турмуш фаровонлиги назарияси” фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлигини тушунтириб беринг.
5. “Турмуш назарияси” тушунчасининг таркибий тузилишини

айтиб беринг.

6. Аҳолининг турмуш тарзи деганда нимани тушунасиз?

7. Турмуш сифатини ифодаловчи қандай кўрсаткичларни биласиз?

8. Аҳоли турмуш даражасига қандай омиллар таъсир этади?

9. Нима учун даромадлар турмуш даражасининг индикатори ҳисобланади?

10. Турмуш даражасининг “БМТ концепцияси”ни тушунтириб беринг.

Таянч иборалар: *аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражаси, истеъмол моделлари, турмуш тарзи, аҳоли турмуш даражаси компонентлари кўрсаткичлари.*

II боб. ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА ИШЧИ КУЧИНИНГ ТАКРОР ҲОСИЛ ҚИЛИНИШИ ВА ИШЧИ КУЧИ БОЗОРИ ТЎҒРИСИДАГИ ТУРЛИ НАЗАРИЯЛАР

2.1. Аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигига демографик вазиятнинг таъсири

Жамият тараққиётининг ҳар қандай босқичида зарур бўлган моддий неъматларни ишлаб чиқариш жараёни инсон билан географик муҳит ўртасидаги ўзаро алоқадорлик натижаси ҳисобланади. Географик муҳит инсон ҳаётининг фаолиятининг пойдевори ҳисобланса ҳам, аҳоли даставвал ижтимоий ишлаб чиқариш қонуниятлари асосида ривожланади. Демак, инсон ресурсларининг шаклланиши иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт хусусиятларини ўзида акс эттирган жараёндир.

Ўзбекистон улкан инсон салоҳиятига эга бўлган мамлакатдир.

“Инсон салоҳияти энг фаол, энг бунёдкор омил бўлиб, у мамлакатнинг ислохотлар ва туб ўзгаришлар йўлидан тинимсиз илгарилаб боришини таъминлаб беради”⁶. Жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаси билан белгиланувчи мазкур омил, ўз навбатида, уни ривожлантириш ва тараққий эттиришда муҳим аҳамиятга эга.

Инсон салоҳиятининг шаклланиши жуда кўп омилларга боғлиқ бўлиб, улар ичида ижтимоий демографик вазият алоҳида ўринга эга. Ишчи кучи ва бандлик муаммоларини таҳлил қилганда жаҳон миқёсидаги ва Ўзбекистондаги демографик вазиятга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

XX аср Ер шари аҳолисининг кескин ва тез ўсиш даври ҳисобланади. Ер шарида яшовчи аҳоли сони неолит даврининг сўнгги йилларига келиб (мелоддан аввалги 3 минг йиллар илгари) 50 млн. киши атрофида бўлган бўлса, асримизнинг бошларига келиб, 230 млн. кишига етган эди. Агар XIX аср бошларида ер шарида яшовчи аҳоли сони 1 млрд. кишини ташкил этган бўлса, 1930 йили 2 млрд.

⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. 252-б.

кишини, 1961 йили 3 млрд. кишини, 1974 йили 4 млрд. кишини, 1987 йили эса 5 млрд. кишига етган эди, эса 7,3 млрд. кишини ташкил этди. 2050 йилга бориб дунё аҳолиси 10 млрд. киши бўлиши кутилмоқда. Булардан кўринадики, авваллари 1 млрд. киши кўпайиши учун 30 йил зарур бўлса, кейинчалик 12-13 йил кифоя қилмоқда.

Ер шари аҳолисининг кескин ўсиш жараёни XX асрга хос бўлиб, буни олимлар одатдагидек «демографик портлаш» жараёни билан боғламоқдалар. Бундай тез ўсишнинг асосий сабаби нималардан иборат? Аввало, бу даврда аҳоли ўртасидаги ўлимнинг кескин пасайиш имкониятига эга бўлинди. Бунда туғилиш ниҳоятда юқориликча қолган (бу ҳол асосан ривожланаётган мамлакатларга хосдир) ёки сал пасайган бўлса-да, бироқ ўлимга нисбатан юқорилик бўлган. Таъкидлаш лозимки, дунё аҳолисининг ярмини 25 ёшдан кам бўлганлар ташкил этади, 16-24 ёшдагилар эса бир миллиарддан ортиқ. Кейинги 30 йил давомида дунё аҳолиси ўсиш даражаси 2 фоизга пасайган бўлса-да, мутлақ миқдорда унинг ўртача йиллик ўсиши 80 млн. кишидан ортиқроқни ташкил қилмоқда. Мавжуд ўзига хос тенденциялардан бири шуки, ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг мутлақ ўсиш даражаси саноати ривожланаётган мамлакатларга нисбатан юқори бўлиши сақланиб қолган. БМТ мутахассислари маълумотига кўра, 1975-2014 йилларда кўпайиб бораётган умумаҳолининг 92 фоизи ривожланаётган мамлакатларга тўғри келди ва 2014 йилда бу давлатларда Ер шари аҳолисининг 80 фоизидан ортиғи яшамоқда.

2050 йилга бориб Италия, Япония ва Россия каби мамлакатлар аҳолиси қисқаради, Буюк Британиянинг аҳолиси эса ҳозирги даражада қолади. Мали, Саудия Арабистони ва Нигерияда шу давр ичида аҳоли сони 3 баравар, Миср ва Кенияда эса 2 баравар ошади. БМТ мутахассислари ривожланган мамлакатларнинг аҳолиси 2050 йилга бориб қисқаради (1,8 млрд. кишидан 1,16 млрд. кишигача), ривожланаётган мамлакатларнинг аҳолиси эса кўпаяди (4,57 млрд. кишидан 8,2 млрд. кишигача), деб ҳисобламоқдалар. Ҳар сонияда

дунё бўйича 21 киши туғилиб, 18 киши ўлмоқда. Ҳар куни Ер аҳолиси 250 минг кишига кўпаймоқда.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиий кўпайиши юқори бўлган мамлакатлар жумласига киради, яъни йилига 2,2 фоиз кўпайиши кузатилмоқда. Масалан, 1987-1997 йилларда Ўзбекистондан 900 минг одам кўчиб кетган бўлишига қарамай, кейинги 20 йил ичида Ўзбекистон аҳолиси 10 млн. кишига кўпайган. 2015 йил 1 январь ҳолатига кўра эса 31,5 млн. кишини ташкил этди.

Агар 1900 йилда Ўзбекистон аҳолиси 4,1 млн. киши бўлган бўлса, 1940 йилда 6,6 млн. киши, 1960 йилда 8,8 млн. киши, 1980 йилда 15,8 млн. киши, 2001 йилда 25,0 млн. киши, 2005 йилда 26,3 млн. киши, 2007 йилда эса 27,1 млн. кишини, 2010 йилда 29,9 млн. киши, 2015 йил 1 январь ҳолатига кўра эса 31,5 млн. кишини ташкил қилди. Келажакда, тахмин қилинишича, 2020 йилда 34,4 млн. киши, 2030 йилда 38,6 млн. киши, 2040 йилда 42,8 млн. киши ва 2050 йилда 45,1 млн. кишини ташкил қилади. 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси 31,5 млн. киши бўлган бўлса, шундан 16,5 млн. меҳнат ресурслари, 13,5 млн. киши иқтисодий фаол аҳоли, 12,8 млн. киши иқтисодиётда банд бўлган.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси сони 2014 йилда 2013 йилга нисбатан 532,7 минг кишига кўпайди. Аҳолининг табиий кўпайиши, асосан, қишлоқ жойларга тўғри келмоқда.

Республика аҳолиси ўсишининг асосий омилларидан бири туғилиш даражаси бўлиб қолмоқда. Ҳар учта янги туғилган чақалоқлардан иккитаси (69,1 фоиз) қишлоқ жойларига тўғри келади. Аҳолининг умумий туғилиш коэффициенти (ҳар минг кишига ҳисобланганда) қишлоқ жойларида 22,1 промилле шаҳар жойларда эса 17,3 промиллени ташкил қилди. 2014 йилнинг январь-декабрида туғилганлар сони 721,5 мингтани ташкил қилди ва 2013 йилнинг шу даврига (679,5 минг киши) нисбатан 42,0 кишига кўпайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 23,5 промиллени ташкил қилди ва 2013 йилнинг шу даврига (22,5 промиллени) нисбатан 1,0 промиллега кўпайди. Таъкидлаш лозимки, бозор муносабатларига ўтиш шароитларида МДҲ мамлакатлари аҳолиси сони анча камайган.

Белорусь, Россия, Украина ва Қозоғистон каби мамлакатларидан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда аҳоли сони маълум даражада ошиб бормоқда.

1897 йилда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида атиги 3,9 млн. киши яшар эди, яъни ўтган 100 йилдан сал кўпроқ вақт мобайнида бу ерда аҳоли 6,3 баравар (2008 йилга келиб 28,0 млн. кишигача) кўпайди. XX асрда Ўзбекистон аҳолисининг сони бир текис ошгани йўқ. Унинг дастлабки икки ҳисса кўпайиши салкам 60 йил давомида рўй берди, кейинги икки ҳисса кўпайиши эса 20 йил ичида амалга ошди. Республика аҳолиси 2001 йилнинг охирига келиб 1980 йилга нисбатан 1,6 баравар кўпайиши кутилган эди, аҳолининг учинчи маротаба икки ҳисса кўпайиши эса унинг юзага келган кўпайиш суръати сақланган тақдирда XXI аср иккинчи ўн йиллигининг охирида рўй бериши кутилмоқда.

Аҳоли кўпайиши билан бир йўла унинг зичлиги ҳам анча ошмоқда: 1940 йилда ҳар км²га 14,6 киши тўғри келган бўлса, 2008 йилда 54,1 киши тўғри келди (зичлик 3,7 баравар ошган). Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг 14 та ҳудудий бўлинмасидан 10 таси, шу жумладан, Тошкент шаҳри аҳоли зич бўлган ҳудудий бўлинмалар жумласига киради, ваҳоланки, улар Ўзбекистон ҳудудининг атиги чорагини, аҳоли унча зич бўлмаган тўртта вилоят эса республика ҳудудининг қолган тўртдан уч қисмини эгаллаган. Аҳоли ниҳоятда зич бўлган минтақаларга бутун аҳолининг, меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол ва иш билан банд аҳоли, туғилган болалар ва аҳоли табиий кўпайишининг бешдан тўрт қисми, ялпи ички маҳсулотнинг 74 фоизи, инвестицияларнинг 79 фоизи ва истеъмол харажатларининг 88 фоизи тўғри келмоқда.

Аҳоли кўпайиб кетиши уни озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимлик суви, иш ўринлари билан таъминлашдаги қийинчиликлар, шунингдек, экологик оқибатлар ва касаллик кўпайишини келтириб чиқаради. Айни чоғда Ўзбекистоннинг аҳоли ниҳоятда зич бўлган минтақаларида ишлаб чиқарувчи кучлари энг юқори даражада ривожланган ва яшашни таъминлаш шарт-шароитлари қулай бўлган ҳудудий бўлинмалар мавжуд, шу сабабли аҳолининг кўпайиб кетиши

уларда ишсизлик даражасига камроқ таъсир этди. Аҳоли ниҳоятда зич бўлган минтақалар ҳиссасига республика меҳнат ресурсларининг 81 фоизи тўғри келаётган бўлса, ишсизлар улар умумий сонининг атиги 55 фоизи миқдорига тўғри келмоқда. Умуман, Ўзбекистон бўйича расмий ишсизлик даражаси 0,5 фоизни ташкил этаётган бўлса, аҳоли ниҳоятда зич бўлган минтақаларда 0,3 фоизни ташкил этмоқда.

Юқоридаги рақамларга кўра, Ўзбекистон – улкан инсон салоҳиятига эга мамлакат. Инсон салоҳияти негизини ташкил этувчи меҳнат захиралари 2014 йилда бутун аҳолининг 48 фоизига тенг бўлиб, 2000-2014 йилларда ҳар йили ўртача 250-300 минг кишига кўпайиб бормоқда.

Аҳоли ёш таркиби инсон ресурсларининг такрор барпо қилиниши жараёнига тўғридан-тўғри таъсир қилади. Чунки туғилиш ва ўлим жараёнлари аҳолининг ёши билан узвий алоқадор. Ўртача умр даврининг кенгайиши, нафақахўрлар ва қариялар сонининг ўсиши, аҳолининг «қариши»га сабаб бўлади. Мазкур жараён чуқур ижтимоий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Маълумки, инсоният тараққиётининг ҳар бир босқичида у ёки бу аҳоли ёш даври ҳақида ўзига хос тушунчалар мавжуд бўлган. Кишилар ижтимоий фойдали фаолиятининг ёш чегараси ҳар хил даврларни ўз ичига олган. Яъни мустақил ҳаёт, меҳнат фаолияти ва таълим олишнинг бошланиши ҳамда тугалланиши, никоҳланиш, фарзанд туғилиши, меҳнат фаолиятининг яқунланиши ҳар хил ёш гуруҳларида амалга ошади. Ҳар бир давр чегаралари жамият иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётига боғлиқ ҳолда аниқланади. Инсоннинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти, асосан, унинг ёши билан боғланади. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда аҳолининг меҳнат фаоллиги 18-19 ёшдан бошлаб кескин кўпая бошлайди. Қолоқ мамлакатларда бу кўрсаткич 10-14 ёшни ташкил этади. Яъни, уларда болалар меҳнатидан кенг фойдаланилади.

Тадқиқотчилар маълумотига назар солсак, инсон билим даражаси ошиши билан уни нисбатан паст ёшларда иш билан бандлиги ўртасида тескари алоқа мавжудлигидан далолат бермоқда.

Ёш ўзгариши билан инсон истеъмол қиладиган моддий неъматларнинг нафақат ҳажми, балки таркиби ҳам ўзгаради. Агар ўртача истеъмолни 100 фоиз деб белгиласак, унда 10-14 ёшдаги кишининг истеъмоли 82 фоиз, 30-39 ёшда 129 фоиз, 60-64 ёшда эса 70,9 фоизни ташкил этишини венгер олимлари аниқлаганлар⁷. Шундай қилиб, инсон ёши унинг меҳнат фаолиятига ҳамда яшаш ва турмуш кечиришига зарур бўлган озиқ-овқат ва кийим-кечаклар учун кетадиган харажатларга ҳам таъсир қилади.

Аҳолининг ёш таркиби, айниқса, унинг табиий қайта такрор барпо этилиши жараёнига катта таъсир кўрсатади. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда туғилган болаларнинг асосий қисми 25-34 ёшдаги аёлларга тўғри келади, қолоқ мамлакатларда эса мазкур кўрсаткич 16-29 ёшни ташкил этади. Тадқиқотчилар фикрича, иқтисодий фаоллик 15-19 ёшда бошланиб, 65-69 ёшда тўла-тўқис тугайди. Бунда иқтисодий фаоллик 30-44 ёшда ўзининг энг юқори нуқтасига етади.

Ўзбекистон аҳолисининг ёш-жинсий таркиби кўп тарихий ва ижтимоий омиллар натижаси бўлса ҳам, унинг ҳозирги вақтдаги ҳолати демографик нуқтаи назаридан ижобий баҳоланади.

Республикамыз аҳолисида ҳозирги кунда жинсий мутаносиблик мавжуд, яъни эркак билан аёллар нисбати деярли тенг. Шу билан бирга, айрим, айниқса катта ёшдаги аҳоли гуруҳларида аёлларнинг салмоғи устун эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Бундай аҳвол жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларига хос бўлиб, объектив сабаблар билан асосланади. Республикамыз аҳолисининг аксариятини болалар ва ўсмирлар ташкил қилади, шу билан бирга кейинги йилларда меҳнатга яроқли ёшдаги аҳолининг улуши кўпаймоқда. Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизига яқини йигирма беш ёшга етмаган. Экспертлар баҳолашича, 2015 йилда Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан кўпроғи меҳнатга лаёқатли ёшда. Ўртача умр кўриш даврининг ўсиши билан пенсия ёшидаги аҳолининг салмоғи ҳам

⁷ Набиев Э., Қаюмов А. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти. –Т.: Академия, Университет, 2000. 41-б.

кўпаймоқда. Республикамизда ўртача умр кўриш 1990 йилда 67,0 ёш бўлган бўлса, 2017 йилда 72,5 ёшдан ортиқдир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 60 ёшдан ошганлар сони 873 мингдан кўпроқни, 80 ёшдан ошганлар 225 минг нафар, 90 ёшдан ошганлар 8 минг 700 нафар, 100 ёшдан ошганлар 3 минг 100 нафарни ташкил қилади. Бу ижобий ҳолатлар халқимиз турмуш даражаси ва фаровонлиги ошиб бораётганидан далолат беради.

Айрим мамлакатларнинг аҳолиси йил сайин камайиб бормоқда. Масалан, 2000 йил 8 июнда Россия Президенти В. Путин Федерал Мажлисга йўллаган ўз мактубида, миллатнинг яшаб қолиш масаласи Россия учун энг ташвишли муаммо, деб таъкидлади. Айрим тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, Россия аҳолиси 25-30 йилдан кейин ҳозирги 140 млн. кишидан 100 млн. кишига тушиб қолиши мумкин, бу эса ўз навбатида, Россия учун салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Юқоридагилардан хулоса қилиб айтсак, инсон омили жуда муҳим ҳисобланади. Умуман, иқтисодиёт ривожланиши қуйидаги ресурслар: инсоний ресурс; табиий ресурс; капитал ҳамда технология ва тадбиркорлик фаолиятига боғлиқ. Инсон ресурсларининг биринчи ўринга қўйилиши бежиз эмас, чунки қолган омиллар ҳам шунга боғлиқ бўлиб, жаҳон иқтисодиёти ресурсларининг муҳим кўринишларидан биридир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда инсон ва ишчи кучи тушунчалари бир-биридан ажралмасдир. Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш, уларнинг самарали иш билан банд бўлиш масалалари иқтисодиётда муҳим аҳамият касб этади.

2.2. Меҳнатнинг мазмуни. Ишчи кучи тушунчаси иқтисодий категория сифатида

Меҳнат кишиларнинг ҳар бир шахс ва умуман, жамият эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўладиган моддий ва маънавий неъматлар яратиш соҳасидаги мақсадга мувофиқ фаолиятидир.

Меҳнат жараёнининг оддий жиҳатларига фаолият ёки меҳнатнинг ўзини, унинг мақсадга мувофиқлигини, меҳнат предмети ва меҳнат воситалари (ишлаб чиқариш воситалари) жонли меҳнат

жараёнига киритилмаса, улар ўз-ўзидан фаолият кўрсатавермайди, жонли меҳнат эса ҳамиша фақат кишиларнинг табиатга муносабатидан иборат бўлиб қолмай, шу билан бирга бу жараён қатнашчилари ўртасидаги муносабатдан ҳам иборат.

Иқтисодиёт назариясига мувофиқ, меҳнат фаолияти жонли меҳнатнинг моддий шарт-шароитларини ҳосил қилувчи ишлаб чиқариш воситаларисиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам меҳнат жараёни унинг учта асосий жиҳатини механик равишда бирлаштиришдан иборат бўлмай, балки уларнинг узвий бирлигидан иборат, унинг ҳал қилувчи омиллари эса инсоннинг ўзи ва унинг меҳнат фаолиятидир.

Меҳнат жараёнида инсон меҳнат воситалари ёрдамида меҳнат предметида мўлжалланган ўзгаришларни, яъни жонли меҳнатни вужудга келтиради ва материалда моддийлашиб, бу билан мазкур материални ўзгартиради. Ишлаб чиқариш жараёнининг барча уч жиҳати: материал, меҳнат қуроли ва меҳнат бир бўлиб меҳнат маҳсулига қўшилади.

Ана шундай умумий тарзда олиб қараладиган меҳнат инсон ҳаётининг абадий, табиий шартидан бошқа нарса эмас. У мазкур ҳаётнинг бирон-бир муайян тарзда ташкил этилишига боғлиқ бўлмайди.

Шундай қилиб, меҳнат аслида бир-бири билан узвий боғланган икки жиҳатдан намоён бўлади: бир томондан, меҳнат предметларини ўзгартириш ва муайян турдаги маҳсулотни яратиш жараёни сифатида, иккинчи томондан, ижтимоий муносабат сифатида намоён бўлади. Инсоният тарихи инсоннинг ижтимоий ривожланишида меҳнатнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Меҳнат инсоният ҳаётининг биринчи, асосий шартидир.

Инсонлар атроф-муҳитга таъсир кўрсата бориб ва уни ўзгартира бориб, тобора ортиб бораётган эҳтиёжлар туфайли инсон табиатини ҳам ўзгартирадилар: меҳнатга бўлган қобилиятни ривожлантирадилар; ўз билимларини бойитадилар, улардан фойдаланиш имкониятини кенгайтирадилар; меҳнат фаолияти соҳасини кўпайтирадилар, меҳнат жараёнини такомиллаштирадилар.

Маълумки, ижтимоий тизимлар бир-бири билан нималар ишлаб чиқариши билан фарқ қилмайди, балки моддий неъматларни қандай ишлаб чиқариш воситалари ёрдамида яратиши билан фарқ қилади.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиб боришига қараб кишилиқ жамиятининг ўзи ҳам, кишиларнинг турмуш тарзи ҳам ўзгариб боради. Фан-техника инқилоби меҳнат унумдорлиги ўсиши, ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиши, жамият аъзолари турмуш даражаси ошишининг манбаидир.

Жамият ишлаб чиқарувчи кучлари ривожининг қудратли омили, бу –фандир, аниқроғи фаннинг ишлаб чиқариш билан узвий бирикиб кетишидир, чунки фан-техника инқилоби фақат янги энергия турлари, янги материаллар, электрон-ҳисоблаш машиналари ва ҳатто ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш шунчаки татбиқ этиш эмас, балки ишлаб чиқаришнинг бутун техникавий негизини, уни ташкил этиш ва бошқариш шакллари чуккур қайта куришни англатади. Натижада инсон учун атмосферадан, жаҳон океанидан, ҳатто космосдан ҳам фойдаланиш йўлга қўйилмоқда.

Ишчи кучи инсоннинг жисмоний ва ақлий қобилияти йиғиндиси бўлиб, мазкур қобилиятнинг амалда ишлатилиши меҳнат ёки иш деб аталади.

Ишчи кучи шундайки, уни инсондан ажратиб бўлмайди. У моддий шаклга ҳам эга эмас. Ишчи кучи бозорда меҳнат омилини таклиф этувчи сифатида намоён бўлади. Ишчи кучи соҳиблари билим, малака, маҳорат ва иш тажрибасининг ҳам соҳиблари бўладилар. Шундагина улар ишлаб чиқаришдаги мақсулот ва хизматларни яратувчи куч бўла оладилар. Иш кучининг миқдор ва сифат ўлчами бор. Миқдоран олганда, бу – ишлай оладиган ишчиларнинг сони. Масалан, Ўзбекистон Республикасида 2008 йил 1 январь ҳолатига кўра 15100 минг кишини ташкил қилади, бу мамлакат аҳолисининг 54,0 фоизига тенгдир. Сифат жиҳатидан, бу – ишловчиларнинг малака-маҳорати, билим-тажрибасидир. Жамиятнинг қанча ноз-неъматлар ярата олиши мана шу икки жиҳатга боғлиқ.

Демак, ишчи кучи ёки меҳнат қобилияти деганда, инсон организми, инсоннинг тирик шахсига эга бўлган ва у ҳар сафар

бирон-бир истеъмол қийматини ишлаб чиқарганида ишга соладиган жисмоний ва руҳий қобилиятларининг йиғиндисини тушунамиз.

Яна ҳам аниқроқ қилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолининг иш билан бандлигини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2002 йил 31 январь қарорига асосан, “ишчи кучи” тушунчаси товар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун меҳнат таклифини таъминловчи ҳамда иш билан бандлар ва ишсизлардан иборат аҳоли қисми тушуниладиган “иқтисодий фаол аҳоли” тушунчаси синоними сифатида ишлатилмоқда.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) эълон қилган материалларда ишчи кучи деганда, фақат иш билан банд ёлланма ходимлар, шунингдек, ёлланма иш излаётган одамлар тушунилади.

2.3. Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш

Ҳар қандай ижтимоий тизимда тараққиёт соҳиби бўлиб хизмат қиладиган инсон асосий ишлаб чиқарувчи куч ҳисобланади. У бир вақтнинг ўзида моддий бойликлар ва хизматларни ишлаб чиқарувчиси ҳамда истеъмол қилувчиси бўлганлиги сабабли, айнан унинг туфайлигина ишлаб чиқариш ва истеъмол тизимида мувозанатга эришилади. Фақат киши эҳтиёжини жуда муҳим деб билган ва уни самарали такрор ишлаб чиқарилишини таъминлаган жамиятгина энг юқори тараққиётга эришади. Жамиятнинг бошқа барча воситалари, мулкчилик шакллари, ишлаб чиқариш, илмий салоҳият, молия, кредит, нархлар ва ҳ.к. ушбу асосий мақсадга бўйсундирилиши лозим.

Ижтимоий маҳсулот ҳисобига такрор ишлаб чиқаришнинг фақатгина моддий омили эмас, шу билан бирга унинг шахсий омили бўлган ишчи кучи ҳам такрор ишлаб чиқарилади. Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг муҳим томонидир.

Ҳақиқатан ҳам, талабга эга бўлган ишчи кучи жисмоний, ақлий ва касбий қобилиятларнинг белгиланган мажмуасига эга бўлиши керак. Ишлаб чиқариш жараёнига бу қобилиятларни татбиқ эта

туриб, у ўз истеъмол сифатларини йўқотмаслиги учун доимо қайта ишлаб чиқарилиши лозим.

Ишчи кучи турли техникалар ёрдамида ўзгариб боровчи технологиялар асосида ишлайди. Шунинг учун у вақти-вақти билан ўз малакасини ошириб туриши лозим, янги техника ва технологияни ўзлаштириб олиши зарур. Бундан ташқари, ҳар бир ишчи доимий эмас, у қарийди, ишга яроқсиз бўлиб қолади. Шунинг учун ишчи ўз ўрнини эгаллаши учун ўринбосарлар етиштириши керак. Бунинг учун эса ишчининг оиласи, бола-чақаси бўлиши керак ва ишчи уларни боқиши лозим.

Юқорида санаб ўтилган ишчи кучини қайта тиклаш ва ўринбосарлар етиштириш маълум даражада озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, уй-рўзғор буюмлари бўлишини ҳамда ўқиш, даволаниш харажатларини талаб қилади. Бу харажатларнинг асл манбаи миллий даромаддан ҳосил бўлган истеъмол фондларидир. Унинг бир қисми иш ҳақи, бир қисми эса ижтимоий истеъмол фондлари сифатида ишчига бориб тушади. Шунинг учун ҳам кўпгина дарслик ва бошқа адабиётларда ишчининг ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришнинг манбаи иш ҳақи ва ижтимоий истеъмол фондлари деб кўрсатилади. Ишчи нафақат ўзини қайта ишлаб чиқариш, балки ишчи кучи ресурслари ва бутун аҳоли сифат кўрсаткичларининг ҳам яхшиланишини ошириб ёки пасайтириб, ушбу тенгсизликни йўқ қилиши мумкин.

Демак, ишчи кучини такрор ҳосил қилиш инсоннинг жисмоний кучлари ва ақлий қобилиятларини узлуксиз қайта тиклаб, таъминлаб туриш, уларнинг меҳнат малакасини муттасил янгилаб ва ошириб бориш, умумий билим ва касбий даражаси ўсишини таъминлаш демакдир. Ишчи кучи ресурсларининг сони ва сифати мамлакат аҳолисининг сони ҳамда жинси ва ёши жиҳатидан белгиланади. Булар эса, ўз навбатида, аҳолининг табиий ҳаракатланишига боғлиқ. Аҳолининг табиий ҳаракатланиши, уни такрор ишлаб чиқариш характери кўпгина ҳолатлар билан мамлакатнинг sanoat тараққиёти ва урбанизация даражаси, ижтимоий шарт-шароитлар, маданият ва

маиший турмуш анъаналари, аниқ тарихий омиллар, демография жараёнлари билан белгиланади.

Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш нисбатан мустақил иқтисодий ва ижтимоий муаммо бўлиб, бу муаммо аҳолининг табиий ҳаракатлари шаклида намоён бўлади. Шу сабабли ишчи кучининг такрор ҳосил қилиниш асоси аҳолининг табиий кўпайишидир. Ишчи кучи ресурсларининг сони мамлакат аҳолисининг сони ҳамда жинси ва ёши жиҳатидан таркиби билан белгиланади. Булар эса, ўз навбатида, аҳолининг табиий ҳаракатланишига боғлиқ.

2.4. Ишчи кучи бозори тушунчасига турли хил ёндашувлар

Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодиётнинг олдида турган долзарб муаммолардан бири ишчи кучи бозорини шакллантириш ва самарали ривожлантиришдир. Бунинг учун, аввало, ижтимоий ва иқтисодий тизимлар ривожланишининг объектив қонунларидан унумли ва ишни кўзини билиб фойдаланиш зарур.

Ишчи кучи бозори бозорнинг бошқа тизимлари билан узвий боғланган.

Иқтисодчи олимлар ўртасида “Меҳнат бозори”, “Ишчи кучи бозори” деган тушунчалар кенг тарқалган.

Ишчи кучи бозори жамият иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётининг муҳим соҳасидир. Ҳозирги пайтда ишчи кучи бозори хўжалик юритишнинг таркибий қисмларидан бирига айланган. Шундай бўлса-да, ҳамон ишчи кучи бозорига ягона, умумлашган изоҳ берилмаган. Айрим мутахассислар фикрича, ишчи кучи бозори ишчи кучига талаб ва таклифни ифодаловчи механизм сифатида кўрилса, бошқа иқтисодчилар гуруҳи ишчи кучи бозори фақатгина ишчи кучига бўлган талабни қондиришга шароит яратади, деб ҳисоблайдилар. Учинчи хилдаги тоифа ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг фикрига кўра, ишчи кучи бозори – ўз шахсий қобилияти, ишчи кучларини такрор ишлаб чиқариш ҳамда уларни ижтимоий меҳнат тақсимооти тизимида товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш қонунлари асосида ҳаётий кундалик воситаларга алмаштириш муносабатларининг мураккаб тизимини ўзида ифодалайди.

Ишчи кучи бозорининг иқтисодий тушунча сифатидаги моҳияти, унинг турли ижтимоий-иқтисодий шароитлардаги хусусиятлари, ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш, тақсимот, ўзлаштириш ва фойдаланиш механизми, у ёки бу жамият иқтисодий муносабатлари тизимида бу тушунчанинг роли ва аҳамияти классик иқтисодиёт назарияси намоёндалари ҳамда хорижий мамлакатлар машҳур иқтисодчи олимларининг тадқиқот предмети бўлган. А. Смит, Ж. Кейнс, Д. Рикардо, М. Фридман, Я. Корнан ва кўп сонли бошқа иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган.

Иш билан бандлик ва ишчи кучи бозорининг ишлаш механизмини ўрганишга турлича ёндашувлар мавжуд. Одатда, иқтисодий адабиётларда тўрт концептуал: классик, янги классик, кейнсча ва монетаристик ёндашув ажратилади.

Ишчи кучи бозори классик назариясининг замирида классик сиёсий иқтисод постулатлари ётади. Д. Рикардо, Ж.С. Милль ва А. Маршалл асосчилари бўлган ушбу назария тарафдорлари, иш билан тўлиқ бандлик бозор иқтисодиётининг меъёри, давлатнинг ажралмас сиёсати эса энг яхши иқтисодий сиёсат, деб таъкидлар эдилар. Ишчи кучи бозори классик назариясининг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:

- умумий ортиқча ишлаб чиқаришнинг мумкин эмаслиги, чунки таклиф ўз талабини юзага келтиради;

- тўлиқ иш билан бандликда ишлаб чиқарилган маҳсулотни харид қилиш учун харажатлар етарли даражада бўлишининг иложи йўқ;

- агар умумий харажатлар даражаси етарлича бўлмаган тақдирда ҳам нарх ва иш ҳақи каби тартибга солиш дастаклари ғоят тез ишга тушади, натижада умумий харажатлар пасайиши ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми, иш билан бандлик ва ҳақиқий даромадлар қисқаришига олиб келмайди;

- ишчи кучи бозоридаги рақобат мажбурий ишсизликни йўққа чиқаради. Ишлашни истайдиган ҳар бир киши бозор белгилайдиган иш ҳақи ставкаси бўйича осонликча иш топа олади;

- бозорни тартибга солиш дастаклари бўлган фоиз ставкасининг ўзгарувчанлиги ҳамда нархлар ва иш ҳақи нисбатининг мослашувчанлиги каби иқтисодиётдаги кўрсаткичлар тўлиқ иш билан бандликни сақлаб бора олади;

- иқтисодиётнинг ишлаб туришида давлат ёрдам бериши ортиқча ва зарарлидир.

Ишчи кучи бозори янги классик назариянинг тарафдорлари (Ж. Перри, М. Фелдстайн, Р. Холл ва бошқ.) барча бошқа бозорлар каби ишчи кучи бозори ҳам нарх мувозанати асосида ишлайди, ишчи кучининг нархи эса ишчи кучи бозорининг асосий тартибга солувчисидир, деб ҳисоблайдилар. Янги классик назариянинг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:

- ишчи кучи нархи ёки иш ҳақи ёрдамида ишчи кучига талаб ва ишчи кучи таклифи тартибга солинади ва уларнинг мувозанати сақлаб борилади;

- ишчи кучи нархи бозор эҳтиёжларига мослашувчан муносабатда бўлиб, талаб ва таклифга қараб ортади ёки пасаяди;

- ишчи кучи бозорида мувозанат мавжуд бўлса, ишсизлик юзага келмайди;

- ишсизлик ихтиёрий табиатга эга бўлади;

- ишчиларнинг камроқ иш ҳақи олиши меҳнат қилишдан қочишга ва ишсизликка сабаб бўлади; иш ўрнини излаш – ишчи кучи бозорида беқарорликни келтириб чиқарадиган ҳодисадир;

- бўш ўринлар ва бўш ишчи кучи тўғрисида ахборотнинг йўқлиги ишчи кучи бозорининг “нонукамаллиги”дан далолат беради.

Кейнсча назария тарафдорлари (Ж. Кейнс, Р. Гордон) бозор доимий ва чуқур мувозанатсизлик ҳолатида бўлади, деб таъкидлайдилар. Бу назариянинг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:

- иқтисодиётда тўлиқ иш билан бандликни кафолатловчи ҳеч қандай механизм мавжуд бўлмайди;

- тўлиқ иш билан бандлик қонунийлик даражасида бўлишдан кўра кўпроқ тасодифийроқ бўлиши;

- ишчи кучининг нархи қатъиян белгиланган ва амалда пасайиш томон ўзгармайди;

- ишчи кучининг нархи ишчи кучи бозорини тартибга солувчиси бўла олмаслиги;

- давлат ишчи кучи бозорини тартибга солувчи ролини бажариши лозим бўлиб, у ялпи талабни камайтириши, ошириши ва бу билан ишчи кучи бозоридаги мувозанатсизликни тугатиши мумкин;

- ишчи кучига бўлган талаб ишчи кучининг бозор нархлари билан эмас, балки ишлаб чиқариш ҳажми билан тартибга солиш;

- ишсизлик мажбурий табиатга эга бўлиши, лекин унинг айрим қисми ихтиёрий табиатга эгаллиги.

Хулоса қилиб таъкидлаш лозимки, ҳар хил дунёқарашга эга бўлган ҳамда чуқур тафовутлар билан фарқланувчи классик ва кейнсча назариялар келишмовчиликлар негизини ташкил этади. Ушбу назариялар бозор иқтисодиёти тизими ва рақобатчилик руҳи мавжуд жамиятга энг яхши хулосалар қилишни таъминлайди. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар классик назарияда марказий ўрин эгаллайди ва чекланмаган ҳамда бузилмас деб фикрланади. Классик мактаб тарафдорлари давлат фаолиятини шахсий ҳуқуқлар ва эркинликларга солинадиган энг жиддий таҳдид, деб ҳисоблайдилар.

Кейнсча мактаб хусусий мулкчилик принципи ва эркин тадбиркорлик тизимини ҳимоя қилади. Бироқ бу мактаб намояндалари шахсий мулк ҳуқуқи ва ишчи кучи бозорида эркин ҳаракат қилишни тўлиқ қабул қилмайдилар. Уларнинг фикрича, унисини ҳам, бунисини ҳам ижтимоий манфаат тамойилига бўйсундириш керак. Кейнсчилар давлат хусусий секторининг харажатлари билан боғлиқ ҳар қандай ўзгаришларни қоплаш учун ўз сарф-харажатларининг кичиклигидан келиб чиқиб, жами талаблар даражасини барқарорлаштирадиган антициклик тадбирларни амалга оширилиши лозим, деб ҳисоблайдилар. Ишчи кучи бозорига кейнсча ёндашишнинг классиклар ва янги классиклар ёндашувидан тубдан фарқи айти шундай шароитда намоён бўлади, классик ва янги классиклар “аралашмаслик” тамойилини ёқлайдилар ва давлатнинг

ролини ишчи кучи бозори ишлаши учун кулай шарт-шароитлар яратишдан иборат, деб биладилар.

Ишчи кучи бозорининг монетаристик назарияси тарафдорлари иш билан бандлик ва иқтисодиётни барқарорлаштиришни таъминлаш мақсадида пул-кредит усуллари бош ўринга қўядилар. М. Фридман, Ф. Кейген, А. Мольцер, Д. Майзельман, К. Бруниер ушбу назария тарафдоридирлар.

Монетаристик назариянинг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:

- бозор хўжалиги ички тенденциялари туфайли барқарорликка, ўзини ўзи изга солишга интилади;

- бозор хўжалиги бузилишлари номутаносибликлар натижасида рўй берса, улар аввало ташқи аралашув натижасида рўй берган бўлади;

- давлат аралашуви хўжалик ривожланиши меъёрида боришининг бузилишига олиб келади;

- давлат тартибга солгичларининг сонини мумкин қадар қисқартириш лозим, солиқлар ва бюджет соҳасидаги тартибга солиш бундан мустасно;

- давлат томонидан иш ҳақининг энг кам даражаси белгиланиши, бозордаги мувозанатсизликни кучайтиради ва ишчи кучи бозорининг салбий омиллари бўлади;

- ишчи кучи бозорида мувозанатни юзага келтириш учун Марказий банкдаги дастаклардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Монетаристлар пулни иқтисодиётни билвосита тартибга солишнинг ҳал қилувчи омили деб қарайдилар. Пул етишмаслиги, улар фикрича, таназзулни юзага келтиришнинг бош сабабидир. Албатта, “пул муҳим аҳамиятга эга”, деган фикр тўғри, лекин монетаристлар, аслида, бошқачароқ фикрни, “фақат пул аҳамиятга эга” деган маънодаги фикрни айтадилар. Монетаристлар иқтисодий беқарорлик даврлари рўй беришидаги бош айбни давлатга юклайдилар. Шу туфайли улар тартибга солишнинг кейнсча усуллари танқид қиладилар. Бюджет ва солиқларни тартибга

солишнинг самарасизлигини, иқтисодиётнинг хусусий секторидан ресурслар жалб қилинишини сабоқ бўлади деб кўрсатадилар.

Кўриб чиқилган назариялардан қай бири илғорроқ ва замонавий муаммоларни ҳал қилади, уларнинг қай бири афзаллик ва камчиликларга эга эканлигини кўрсатиб беради. Ҳозирги вақтда кўпчилик мамлакатда қабул қилинган амалиётда кейнсчаликка ёки монетаризмга интилишни кузатиш мумкин. Масалан, Ўзбекистон ўз иқтисодий сиёсатини асосан монетаристик назарияга таянган ҳолда олиб бормоқда. Лекин кўриб чиқиладиган назариялар ишчи кучи бозорини тартибга солишда, асосан, молиявий сиёсатдан келиб чиқади.

Маълумки, “ишчи кучи бозори” тушунчасига иқтисодиёт назарияси олимларининг ёндашувлари турлича. Бир гуруҳ иқтисодчи олимлар “меҳнат бозори” тушунчаси тарафдори бўлсалар, бошқалар “ишчи кучи бозори”, дейишни маъқуллайдилар. Бу тушунчаларга бефарқ қарайдиганлар ҳам йўқ эмас. Масалан, А. Ўлмасов: “Ишчи кучини олди-сотди қилиш меҳнат бозорида юз беради..., бунда ишга ёлланувчилар ўз меҳнатини таклиф этадилар”, дейди⁸. А. Ўлмасов, М. Шарифхўжаевнинг “Иқтисодиёт назарияси” дарслигида “меҳнат бозорида инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти сотилади”⁹, дейилган. Шу нуқтаи назардан Қ. Абдурахмонов, Р. Убайдуллаева, Ф. Мамарасулов ҳамда Россиянинг кўплаб меҳнат муаммолари билан шуғулланувчи йирик иқтисодчилари А. Никифорова, В. Радаев, И. Заславский, А. Романовский кабилар “меҳнат бозори” тушунчаси тарафдоридирлар.

“Бозор иқтисодиёти назарияси” дарслигида бозор шакллари ҳақида сўз юритилиб, “ишчи кучи бозори” тушунчаси ишлатилади. Айтиладики, “инсоннинг қобилиятлари ва билимлари ишчи кучи бозорида сотилиши мумкин”¹⁰. Б. Токарский, А. Лившиц, Н. Вишневскаялар ҳам “ишчи кучи бозори» тушунчасини ишлатишни тўғри, деб ҳисоблайдилар. К. Макконелл, Л. Брю “Экономикс” 2-

⁸ Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. -Т.: Ўзбекистон, 1997. 111-б.

⁹ Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: Меҳнат, 1995. 230-б.

¹⁰ Бекнозов Н. ва бошқалар. Бозор иқтисодиёти назарияси. -Т.: Университет, 1993. 15-б.

томининг 158-бетида “меҳнат бозори”, 293-бетида “ишчи кучи бозори” тушунчаси ишлатилган. Республикамиз қонунларида ва амалий ҳаётда “меҳнат бозори”, “меҳнат биржаси” тушунчалари ишлатилади.

Л. Максакова “меҳнат бозори” тушунчасининг ўрнига “ишчи кучи бозори” тушунчасини қўллаш зарур, деб ҳисоблайди. “Меҳнат ресурслари бозори” тушунчаси қўлланса, янада тўғрироқ бўлади, дейди.

Биз бу ерда узоқ мунозарага бормасдан “ишчи кучи бозори” деган тушунчани ишлатишни лозим топамиз, чунки меҳнат сотилмайди, балки бозорда ишчи кучи сотилади. Биз ушбу фикр тарафдоримиз, ўқув жараёнида буни далиллар билан исботлашга ҳаракат қиламиз.

Фикримизча, *ишчи кучи бозори* меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган қисмлари, иш берувчилар ўртасидаги муносабатлар ҳамда уларнинг шахсий манфаатларини ҳисобга олувчи контрактлар (меҳнат келишувлари) асосида “меҳнатга қобилиятлари”ни харид қилиш – сотишни амалга оширувчи ҳамда ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатларни бевосита тартибга солувчи, бозор иқтисодиётининг мураккаб, кўп қиррали, ўсувчи ва очиқ ижтимоий-иқтисодий тизимдир.

Республикамиз учун меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан бандлигини ошириш бўйича муаммони ҳал этишнинг энг самарали қуролларидан бири бўлган *ишчи кучи бозори* (ИКБ) тушунчаси, таркиби, хусусиятлари ва вазифаларини тадқиқот қилиш катта илмий-амалий аҳамиятга эга. Уларни ўрганиш қуйидаги демографик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятларни инобатга олишни тақозо этади:

■ республикада меҳнатга қобилиятли аҳолининг 60 фоизидан ортиғи қишлоқ жойларда яшаб, ялпи ички маҳсулотнинг 40 фоизидан кўпроғини ишлаб чиқаради;

■ ноқишлоқ хўжалиги иш жойларининг етишмаслиги сабабли иш билан банд бўлмаган қишлоқ меҳнат ресурслари улуши республикамизнинг иш билан банд бўлмаган бутун аҳолисининг 60 фоизидан ортиғини ташкил этади ва уларнинг сони ўсмоқда;

■ меҳнатга қобилиятли иш билан банд бўлмаган меҳнаткашларнинг малакаси ва сафарбарлигининг пастлиги уларнинг яшаш жойларидан шаҳарга ва мамлакатнинг кам меҳнат билан таъминланган ҳудудларига ҳамда хорижий давлатлар объектларига қараб ҳаракат қилишларига асосий тўсиқ бўлмоқда;

■ меҳнат ресурслари сонини меҳнатга татбиқ этиш минтақаларга нисбатан тезроқ ўсиши яширин ишсизликни, айниқса қишлоқ хўжалигида ишчи кучини таклиф этиш унга талабни ошиб кетадиган даражада кўпайишига бевосита ёрдам беради;

■ ҳудудларда саноат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш корхоналари ҳамда хусусий хўжаликларда янги иш жойларини яратиш йўли билан ишчи кучи талаби ва таклифи ўртасидаги оқилона нисбатни таъминлаш учун ҳақиқий имкониятлар мавжуд.

Ишчи кучи бозори таркибий қисмининг асосий элементларига қуйидагилар киради: ишчи кучига талаб ва унинг таклифи, қиймати баҳоси ва йўлланмадаги рақобат.

Ишчи кучи бозорининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ишчи кучига талаб ва таклиф ҳажмининг таркиби ҳамда нисбатини шакллантириш;

- бозор услубида хўжалик юртишининг иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий механизмлари ёрдамида ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солиш;

- меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашга бевосита таъсир кўрсатиш;

- ишсизларни иш топишга, уларнинг малакаси ва рақобат қобилиятини оширишга кўмаклашиш;

- ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва меҳнат тақсимотини ўзгартириш.

Қисқача хулоса

Ишчи кучи тушунчаси муҳим иқтисодий категория бўлиб, у мунтазам равишда тадқиқ этиш ва аниқлашни талаб этувчи кўп қиррали тушунчадир. Жамиятнинг барча иқтисодий ва ижтимоий муаммоларига ишчи кучи ва бандлик нуқтаи назаридан ёндашиш мумкин.

Собиқ Иттифоқ даврида давлат тизимида, асосан, ягона мулкдор ва иш берувчи мавжуд бўлиб, ходим сиёсий иқтисоднинг классик қонунларига кўра ёлланма ишчи ҳисобланмас эди. Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгач, амалга оширилган иқтисодий ислохотлар мулк шаклларининг хилма-хиллигини вужудга келтирди, ишчи кучи ёлланадиган бўлди ва у товарга айланди, ҳамда ишчи кучи бозори шакллана бошлади.

Ҳар қандай бозорда талаб ва таклиф қонуни амал қилади, сотувчилар ва харидорлар иштирок этадилар. Улар якка тартибда ва ихтиёрий равишда шартнома муносабатларига киришади, товарнинг баҳосини ва уни сотиш билан боғлиқ бошқа шартларни белгилайди. Ишчи кучи бозори ҳам ана шу хусусиятларнинг барчасига эга бўлганлиги сабабли бошқа бозорлардан фарқ қилмаса-да, бу ерда гап ўзига хос бозор ҳақида ва у билан боғлиқ иш билан бандлик ҳақида боради, чунки «ишчи кучи» деган товарнинг ўзи ноёбдир ва бошқа товарлардан фарқ қиладиган алоҳида хусусиятларга эга. У ўз соҳиби бўлган инсондан ажралмайдиган бирдан-бир антиқа товардир. Ишчи кучи – инсоннинг меҳнат қилишга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятларининг йиғиндисидир. Иш билан бандлик фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи ёки меҳнат даромади келтирадиган фаолиятдир.

Назорат саволлари

1. Аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигига демографик вазиятнинг таъсири қандай?
2. Меҳнат категориялари нима?
3. Ишчи кучи бозори тизими нима?

4. Ишчи кучи бозорининг таркибий қисмлари ва вазифалари нималардан иборат? .

5. Ишчи кучи бозори тушунчасига турли хил ёндашувларни тушунтиринг

6. Кейнсча назариянинг асосий қоидалари нималардан иборат?

7. Ишчи кучи бозорининг монетаристик назарияси тарафдорлари иш билан бандлик ва иқтисодиётни барқарорлаштиришни таъминлашни қандай изоҳлайдилар?

8. Меҳнат жараёнининг оддий таркибий элементлари нималардан иборат?

9. “Меҳнат” иқтисодий категорияси тушунчасининг мазмуни ва моҳияти нимадан иборат?

10. Меҳнат категорияси тушунчасининг мазмуни ва моҳиятини тушунтиринг.

11. Меҳнат турларини санаб беринг.

12. Меҳнат жараёнининг оддий таркибий элементлари нималардан иборат?

Таянч иборалар: *ишчи кучи, меҳнат, мутафаккирлар, меҳнат жараёни, такрор ишлаб чиқариш, ишчи кучи бозори, турли ёндашувлар, ишчи кучига талаб ва таклиф, бандлик, табиий кўпайиш, рақобат.*

III боб. ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА ИШЧИ КУЧИ БОЗОРИ. ИШЧИ КУЧИГА БЎЛГАН ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ

3.1. Ишчи кучи бозорининг моҳияти, мазмуни ва тузилиши

Аҳолини турмуш фаровонлигини оширишда ишчи кучи бозори бозор иқтисодиётининг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб, унда амалга ошириладиган иқтисодий жараёнлар ишлаб чиқаришнинг асосий таркибий қисми бўлган ишчи кучини айирбошлаш муносабатлари билан боғлиқ. Ишчи бозори деганда, ишчи кучини сотиш, сотиб олиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуаси тушунилади.

Ишчи кучи бозорида ишчи кучининг қиймати белгиланиши билан бирга уни ёллаш, иш ҳақининг миқдори, меҳнат шароитлари, таълим олиш ва касб-маҳоратини ошириш имкониятлари, иш билан бандлик кафолатлари ва бошқа бир қатор шартлар аниқланади. Ишчи кучи бозори аҳолини иш билан бандлик даражаси, унинг тармоқлар, касб-малака, демографик ва ҳ.к. кўрсаткичлар бўйича тақсимланиши, ишсизликнинг кўлами ва ўзгариши каби асосий жараёнларини акс эттиради.

Ишчи кучи бозори иш берувчилар билан ёлланма ишчи кучининг манфаатларини юзага келтиришдаги ижтимоий муносабатлар тизимидан иборат. Ишчи кучи бозорининг фаолият кўрсатишидаги бир нечта муҳим қоидаларини қайд қилиб бозордаги иш кучига талаб билан таклиф ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг мажмуидир. Иккинчидан, турли иқтисодий ва ижтимоий манфаатлар ҳамда функцияларнинг туташган жойидир. Учинчидан, корхоналар нуқтаи назаридан олганда, унинг ходимларининг, яъни потенциал ёки ҳақиқатда ишлаётган, лекин фирма доирасида бошқа иш жойига ўтишни ўйлаётган ходимларнинг ўзаро муносабатда бўлиш майдонидир.

Бозорнинг моҳияти ва тузилишини қараб чиқишдан олдин ишчи кучи бозорида нима: “*ишчи кучи*”ми ёки “*меҳнат*” сотилиши ва сотиб олинишини аниқлаб олиш зарур. Бу масалада бир қанча бир-

бирига зид қарашлар бор. Биринчи қараш – бозор муносабатлари марксча назария тарафдорлари фикрича, ишчи кучи бозорида ишчи кучи, яъни меҳнатга бўлган қобилият сотилади, уни иш берувчи эксплуатация қилади. Иккинчи хил иқтисодий назариячиларининг фикрича, меҳнат бозорида айнан меҳнат сотилади ва сотиб олинади, иш ҳақи меҳнат учун тўланган ҳақдир дейилади. Шунинг учун ҳам бу меҳнат ҳақи дейилади. Учинчи нуқтаи-назар тарафдорлари меҳнат бозорини ресурслар бозори, деб ҳисоблайдилар. Олди-сотдининг асосий субъектлари бўлиб иш берувчи – меҳнат харидори, шунингдек, юридик жиҳатдан эркин ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланган мулк эгаси – меҳнат ресурсининг сотувчиси майдонга чиқади. Меҳнат ресурсининг сотувчиси ўз ишчи кучининг эгаси, яъни меҳнат фаолиятининг муайян турларига бўлган жами ўз қобилиятларининг эгасидир. Бу алоҳида ресурс бўлиб, унинг хусусияти ўз мулкдоридан жисмоний жиҳатдан ажралмаслигидадир, бу эса меҳнат бозоридаги олди-сотди объекти хусусиятида акс этади. Бу ўринда бозор битишуви объекти муайян шароитда, муайян вақтда муайян сифатга эга бўлган меҳнат ресурси бирлигидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳисобланади.

Меҳнат бозоридаги меҳнатнинг нархи ставка – иш берувчи билан ишга ёлланувчи ўртасида тузиладиган шартномада кўрсатиладиган иш ҳақи (соатлик ставка) шаклида намоён бўлади. Ана шу асосда мазкур сифатга эга бўлган меҳнат ресурси бирлигининг бозор нархи меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф нисбатига боғлиқ равишда вужудга келади. Натижада меҳнатнинг ҳақиқий нархи иш ҳақининг мувозанатли ставкасини акс эттиради, деб қарайдилар. Шахсан биз биринчи нуқтаи назарга қўшиламиз. Яъни ишчи кучи бозорида меҳнат эмас, балки ишчи кучи сотилади, меҳнат сотилмайди, деб қараймиз. Шунинг учун биз меҳнат бозори деб эмас, балки ишчи кучи бозори иборасини ишлатиш тарафдоримиз. Ишчи кучи бозорининг асосий таркибий қисмлари умумий таклиф (Т) бўлиб, бутун ёлланма ишчи кучини қамраб олади, шунингдек, бу таркибий қисмлардан бири умумий талаб (T^1) бўлиб, у

иқтисодиётнинг ёлланма ишчи кучига бўлган умумий эҳтиёжидир. Улар жами ишчи кучи (меҳнат) бозорини ташкил этади.

Ишчи кучи бозори иқтисодий тизимлар дастаги бўлиб, у меҳнат (ишчи кучи)дан фойдаланиш ва ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришни таъминловчи меъёр ва тартиблардир.

Ишчи кучи бозорининг фаолият юритишида ижтимоий-иқтисодий шартлар:

-бозорнинг амал қилишида рақобатга бардош берувчи ва эркин танланувчи фаолиятларнинг ҳуқуқий асосини яратиш;

-ягона ва ҳудудий томондан ёпиқ меҳнат биржаси тизимини самарали ташкил этиш;

-фуқароларнинг эркин ҳаракат қилиши учун имкониятга эга бўлган ягона иқтисодий макон бўлиши;

-иш ҳақи миқдорини чекламаслик ҳамда иш жойлари ва уй-жой бозорини таъминлашдан иборат.

Шундай қилиб, умумий талаб (T^1) умумий таклиф (T)нинг кесишуви йўли билан ҳосил бўладиган қисми меҳнат (ишчи кучи)га бўлган қондирувчи талаб (KT) деган ном билан аталади. Кесишмайдиган қисмлар жорий бозорга мос келади.

$$ЖБ=УБ-+Т,$$

Бунда: УБ – умумий ишчи кучи бозори;

ЖБ – жорий ишчи кучи бозори.

Жорий ишчи кучи бозори ишчи кучи ва иш ўринларининг табиий ва механик ҳаракатидир (янги иш ўринларини ишга тушириш ва эскиларини тугатиш). Жорий ишчи кучи бозори айрим элементлардан ташкил топади:

Очиқ ишчи кучи бозори – иш қидираётган, тайёрланишга ва қайта тайёрланишга муҳтож бўлган фаол аҳоли, шунингдек, иқтисодиётнинг барча секторларидаги бўш (вакант) иш ўринларидир.

Яширин ишчи кучи бозори – булар иқтисодиётда расман банд бўлган кишилар, лекин айна вақтда ишлаб чиқаришнинг қисқариши ёки унинг таркибан ўзгариши муносабати билан ишдан озод қилиниши мумкин.

3.2. Ишчи кучи бозорининг таркибий қисмлари

Ишчи кучи бозори таърифи ва хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг асосий элементларини аниқлаш мумкин, булар: ишчи кучи бозори субъектлари; ишчи кучи бозорида субъектлар муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий жиҳатлар; бозор конъюнктураси; аҳоли бандлиги хизмати; ишчи кучи бозори инфратузилмаси; ижтимоий ҳимоя тизими ва бошқалардир.

Ишчи кучи бозорининг асосий субъектлари иш берувчилар билан ёлланма ходимлардир.

Иш берувчи ёлловчи бўлиб, у мулкчиликнинг қонунлаштирилган тузилмасига боғлиқ равишда турли “қиёфа”да намоён бўлиши мумкин. Иш берувчи давлат корхоналари, ҳиссадорлик жамиятлари, жамоат ташкилотлари, жамоа хўжаликлари, хусусий корхоналар, кооперативлар, кўшма корхоналар, якка тартибдаги ёлловчилар ва шу кабилар бўлиши мумкин.

Ёлланма ходимлар эркин фуқаролар бўлиб, ёлланиб ишлаш улар учун тирикчилик воситаларини ишлаб топиш ва ўз-ўзидан кўпайиш манбаи ҳисобланади. Иш берувчилар учун улар жинси, ёши, малакаси, ижтимоий мақоми ва бир қатор ижтимоий ҳосил қилинган сифатлари (жавобгарликни ҳис қилиши, ишчанлиги, интизомлилиги, тадбиркорлиги ва ҳ.к.) билан турли даражада кадрлидир.

Ишчи кучи бозоридаги муносабатлар тизими уч асосий таркибий қисмдан ташкил топади:

1. Ёлланма ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги муносабатлар.

2. Ишчи кучи бозори субъектлари билан вакиллар (касаба уюшмалари, иш берувчилар уюшмалари, бандлик хизматлари) ўртасидаги муносабатлар.

3. Ишчи кучи субъектлари билан давлат ўртасидаги муносабатлар.

Ишчи кучи бозори барча элементларнинг мавжудлиги ва ўзаро алоқаси мазкур бозорнинг фаолият юритиши учун зарур.

Ишчи кучи бозори қуйидаги бир қатор вазифаларни бажаради:

а) иш берувчилар ва ёлланма ходимлар учрашувларини ташкил этиш;

б) ишчи кучи бозорида иш берувчилар ўртасида ҳам, ёлланма ходимлар ўртасида ҳам рақобатларни таъминлаш;

в) иш ҳақининг мутаносиб ставкаларини белгилаш;

г) аҳоли бандлиги масалаларини ҳал қилиш;

д) халқ хўжалигида ишчи кучини ишлаб чиқариш тармоқлари ва соҳалари ўртасида қайта тақсимлаш, банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш йўли билан ишсизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш.

Бозор конъюнктураси ишчи кучи бозори таркибини барча ташкил этувчилар доирасида талаб ва таклифнинг нисбатидир. У иқтисодиётнинг аҳволи (юксалиш ёки таназзули)га; хўжаликнинг тармоқ тузилишига; техник базасининг ривожланиш даражасига; фаровонликка (аҳоли даромадлари даражаси, шу жумладан киши бошига тўғри келадиган даромад даражасига); товарлар, хизматлар, уй-жой, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишига; ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси аҳволига; иқтисодиётнинг кўп укладлилигининг ривожланиш даражасига; интеграцион алоқалар, тармоқ ва ҳудудий алоқалар)нинг ривожланиш чора-тадбирларига қараб қарор топади.

Бундан ташқари, унга демографик, этник-ижтимоий, сиёсий, экологик ва бошқа айрим омиллар таъсир кўрсатади.

Талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатга қараб ишчи кучи бозори конъюнктураси уч турда бўлиши мумкин:

а) ишчи кучи тақчил бўлган бозор, унда ишчи кучини таклиф қилишда етишмовчиликлар бошдан кечирилади;

б) ишчи кучи ортиқча бўлган бозор, унда кўп миқдорда ишсизлик мавжуд бўлади ва тегишли равишда ишчи кучи таклифи ортиқча бўлади;

в) мувозанатли бозор, унда ишчи кучига бўлган талаб уни таклиф қилишга мувофиқ бўлади.

Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтаётган республикамиздаги ишчи кучи бозорининг жорий конъюнктураси ишчи кучи талаби ва

таклифига нисбатан айрим номутаносибликлар билан ажралиб туради. Булар вақтинчалик хусусиятига эга бўлиб, ходимларнинг корхоналар, иқтисодиёт секторлари ўртасидаги ҳаракатини секинлаштиради.

Рақобат ишчи кучи бозорида кўп миқдордаги мустақил харидорлар ва сотувчилар мавжудлигидан далолат беради, бу эса уларнинг ишчи кучи бозорига эркин равишда кириш ва уни тарқатиш имконини беради. Рақобат ҳар қандай бозор механизми таркибий қисмларини ташкил этувчи омилдир. Соф рақобат бозори кўп миқдордаги харидор (фирма)лар мавжудлигини кўрсатади. Харидорлар муайян меҳнат турини ёллашда бир-бирлари билан рақобат қиладилар; бир хил малакага эга бўлган кўпдан-кўп ходимлар бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўз ишчи кучларини таклиф этадилар; фирмалар ҳам, ходимлар ҳам иш ҳақи ставкаларини назорат қилмайдилар ва тикиштирайдилар.

Ишчи кучи бозорининг тўлақонли ишлаши учун ривожланган инфратузилма талаб қилинади. Ишчи кучи бозори инфратузилмаси давлат муассасалари, бандликка кўмаклашувчи нодавлат тузилмалари, корхоналар ва фирмаларга кадрлар билан хизмат кўрсатиш, ишчи кучи бозоридаги талаб билан таклиф ўртасидаги энг самарали ўзаро ҳамкорликни таъминловчи жамоат ташкилотлари ва жамғармалар кабилардир.

Инфратузилма иш кучининг баҳоси, меҳнат шароити, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш хусусида иш берувчи билан ходим ўртасидаги муносабатларни тартибга солиши, шунингдек, ишчи кучи бозорида иш берувчилар билан ёлланма ходимлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жараёнларини ташкил этиш ва тартибга солиш лозим.

Ишчи кучи бозорининг асосий таркибий қисмларидан бири ишчи кучининг таклифи ҳисобланади. Ишчи кучининг таклифи деганда, меҳнатга қобилиятли аҳолининг ўз ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида уни ишчи кучи бозори доирасида сотиш (айирбошлаш) учун олиб чиқиш ҳолатига айтилади.

Одатда, ишчи кучи эгаларининг сони ишчи кучи бозоридаги ишчи кучининг умумий таклифи миқдорига тенг бўлади.

Ишчи кучи бозорининг ишчи кучи билан тенг миқдорда аҳамиятли қисми – ишчи кучига бўлган талабдир. Ишчи кучига бўлган талаб деганда, иқтисодиёт соҳалари ва корхоналар учун зарур бўлган ишчи кучи миқдори тушунилади.

Иқтисодиётдаги мавжуд иш ўринлари банд иш ўринлари ишчи кучи билан таъминланган, бўш иш жойлари бўлса ишчи кучи билан таъминланмагандир. Бундан ташқари, маънавий иш жойлари ҳам мавжуд бўлиб, уларни ишга тушириш яқин ва узоқ келажакка мўлжалланган режа (дастур)ларга киритилади. Мазкур иш жойлари миқдори ишчи кучига бўлган қўшимча талабнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

3.3. Ишчи кучи бозорининг амал қилиш шартлари

Ишчи кучи бозори бошқа хил бозор тизимларидек макроиқтисодий усулларни қўллаш соҳаси бўлиб, у бир-бирига боғлиқ бўлган талаб ва таклиф таъсирида ўзгаради. Ишчи кучи бозорининг амал қилиш шартлари маданийлашган ишчи кучи бозорининг бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган меъёردа амал қилиши бир қатор шартларнинг бўлишини тақозо этади. Уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

а) бозорнинг амал қилишида рақобатдош ва эркин танланувчи фаолиятларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш;

б) фуқароларнинг ишчи кучи бозорида эркин ҳаракат қилишлари учун зарурий иқтисодий имконнинг бўлиши;

в) ягона ва ҳудудий жиҳатдан ёпиқ меҳнат биржалари тизимининг самарали амал қилишини ташкил этиш;

г) иш ҳақи миқдорини чегараламаслик ҳамда иш жойлари ва уй-жой бозорининг мавжуд бўлиши.

Ишчи кучи бозорида амалга ошадиган муносабатлар доирасида, асосан, ишчи кучини сотувчи ва сотиб олувчилар иштирок этиб, бу жараёнга, бир томондан ишлаш истаги борлар (унга иш билан банд бўлганлар ҳам, ишсизлар ҳам ҳам киради), иккинчи томондан товар

ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун ходимларни ёлловчилар киради.

Ишчи кучи бозори фақатгина бўш иш жойларини яратишга ва ишсизларга иш топиб беришгагина хизмат қилмасдан, балки кенг мазмундаги амалий муаммо бўлган ёлланма меҳнат соҳасини ўрганишни ҳам ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам ишчи кучи бозори ва аҳолини иш билан банд этиш сиёсатининг объекти бўлиб меҳнат муносабатлари ва унда жалб этилган ходимларга боғлиқ, кенг миқёсли соҳа хизмат қилади.

Бозорнинг барча турларида, ишчи кучи бозорида ҳам талаб ва таклифнинг ўзаро алоқадорлиги натижаси ўлароқ сотилаётган товар миқдори (иш билан бандлик даражаси) ва унинг баҳоси (иш ҳақи) муҳим ўрин эгаллайди.

Ишчи кучи бозорининг ишлаши ишчи кучини меҳнатни татбиқ этиш соҳалари, халқ хўжалиги тармоқлари, корхоналар, ташкилотлар, фирмалар ўртасида қайта тақсимлаш эркинлигини юқори даражада бўлишини назарда тутди.

Ишчи кучи бозорининг ҳақиқий ишлашининг муҳим шарти унда барча меҳнат муносабатлари иштирокчилари: давлат, иш берувчилар ва ёлланма ишчиларнинг мос хатти-ҳаракатлари ҳисобланади.

Ҳозирги кунда режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар бошқача шароитга тушиб қолди. Уларда меҳнат муносабатлари доимо ҳам эркин танланавермайдиган тўла иш билан бандликка мувофиқ келадиган кишиларнинг сезиларли контингенти шаклланган. Иш билан банд киши учун меҳнат муносабатларига бозор муносабатлари элементларининг киритилиши анчагина оғир кечади. Бир хил ишга бир хил иш ҳақи бериш кишиларнинг тушунмовчилик ва норозиликларига сабаб бўлиши мумкин. Кишиларда ишсиз қолиш гумони, айниқса, иш жойидан ўз айби билан эмас, балки иш ҳажмининг камайиши ёки корхонанинг банкрот бўлиши туфайли маҳрум бўлиши руҳий зарбага олиб келиши мумкин. Ёлланма ходим ишчи кучи бозорининг асосий ходими ҳисоблангани учун ҳам унинг тушунча ва қарашлар тизими шу бозорга мувофиқ бўлиши талаб этилади. Ишчи кучи бозорида

кишидан юқори касб-малака даражаси, касбий қайта ўқиш, малакани оширишга, зарур бўлганда, касби ёки иш жойини алмаштиришга тайёрлик ва лаёқат талаб этилади. Фақат ижтимоий ва ҳудудий ҳаракатчанлиги юқори даражада бўлган кишига ўзи учун ишчи кучи бозорида юқори рақобатбардошлик даражасини таъминлашга имкон бериши мумкин.

3.4. Ишчи кучи бозорининг шаклланиш тамойиллари, омиллари ва тартибга солиш усуллари

Маълумки, бозор айрим товарлар ва хизматларга талаб билан муурожаат қилувчи харидорлар ва таклиф асосида етказиб берувчи сотувчиларни бир-бирига қўшадиган институт ёки механизмдир. Бозорларнинг тури кўп.

Бозорлар орасида ишчи кучи бозори алоҳида ўрин тутади. Бозор иқтисодиётининг ажралмас ва муҳим таркибий қисми – *ишчи кучи бозоридир*. Ишчи кучи бозори иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари бўйича иқтисодий-ижтимоий эҳтиёжларга мувофиқ равишда фаолият турлари ва шакллари бўйича тақсимлаш ҳамда қайта тақсимлаш вазифасини бажариб, у ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни мослаштиради.

Ишчи кучи бозорида ишчи кучи ёлланма меҳнат сифатида намоён бўлади. Ишчи кучи бозорини иш берувчилар – ишлаб чиқариш воситаларининг эгалари билан ёлланма ишчилар – ишчи кучи эгалари ўртасидаги – биринчиларнинг ишчи кучига талабини ва иккинчиларининг яшаш воситалари манбаи сифатида ишга ёлланиш бўйича эҳтиёжларини қондириш борасида шаклланадиган муносабатлар тизими тарзида таърифлаш мумкин.

Бу жараённинг вужудга келиши кўплаб йилларни ўз ичига олади, яъни ишчи кучи товар шаклини олиши лозим. Ишчи кучининг товарга айланиши учун қатор асослар юзага келиши талаб этилади. Бу ишчи кучи бозорда, унинг эгаси уни бозорга олиб чиққан ва ўзи сотган тақдирдагина, иш кучи бозорда товар сифатида қатнашиши билан боғлиқдир. Яъни ўз ишчи кучини сотаётган инсон эркин фуқаро бўлиши лозим, демак бу жараён фақат капитализм тизими

вужудга келиши билан боғлиқ (кулдорлик, феодализм тизимларида бундай бўлишга асос йўқ эди). Ишчи кучининг эгаси уни товар сифатида сота олиши учун у бу ишчи кучини эркин тасарруф қилиш имкониятига эга бўлиши лозим. Ишчи кучи маълум муддатга сотилади. Шу билан бирга, ишчи кучини эгаси эркин товар ишлаб чиқарувчи бўлиш имкониятидан маҳрум бўлиши керак.

Иқтисодиёт тарихидан маълумки, товар-пул муносабатлари шаклланиши ва ривожланишининг дастлабки босқичларида эркин фуқароларнинг кўпчилиги бозорга ўз меҳнати маҳсулотлари билан чиққан. Ўзини ўзи иш билан банд қилган, аммо Европада XVIII аср мобайнида юзага келган йирик машинали ишлаб чиқариш кўплаб ёлланма ишчи кучини талаб қилган. Бу, ўз навбатида, ёлланма меҳнатдан, ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилишдан бегоналаштирилган, фақат ўз ишчи кучининг эгаси ҳисобланадиган кишилар меҳнатидан фойдаланиш кўламининг кенгайишига ёрдам берди.

Ишчи кучи бозорининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, мазкур бозорда товар буюм шаклида бўлмайди. Меҳнатнинг товарлар ва ишлаб чиқариш ресурсларининг барчасидан фарқи шундаки, у инсон ҳаётининг фаолиятининг энг муҳим соҳаси, инсон шахсининг ўзини намоён этиши шаклидир. Ишчи ўз ишчи кучини бозорда сотади ва ишчи кучи товар шаклини олади, аммо у бошқа товарлардан тубдан фарқ қилади, чунки у ўз қийматидан кўпроқ қиймат яратиш хусусиятига эга.

Ишчи кучи бозорининг шаклланишига демографик, ижтимоий, иқтисодий ва ташкилий омиллар таъсир кўрсатади.

Ишчи кучи бозори субъектлари ўртасида шартлашишга эришилгач, меҳнат шартномаси (контракт) тузилиб, унда ишчи кучига ва унга ҳақ тўлашнинг шарт-шароитлари, таклиф қилинаётган иш муддати ва ҳоказолар акс эттирилади. Ходимларни иш жойлари, касблар, фирмалар, тармоқлар ва минтақалар бўйича тақсимлаш ишчи кучи бозоридаги битимларнинг пировард натижаси бўлади.

Ишчи кучи ишчи кучи бозорининг объектидир. Иш берувчилар, ишсизлар, ёлланма ходимлар, мустақил равишда иш билан банд

ходимлар субъект бўладилар. Ишчи кучининг таклифи ва унга бўлган талаб ишчи кучи бозорининг бош таркибий қисмларидир.

Ишчи кучи бозорида юзага келувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимида аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат шароитларини белгилаш ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, ижтимоий-меҳнат можароларини бартараф этиш бўйича иш берувчилар билан ёлланма ходимлар ўртасидаги муносабатлар марказий ўрин эгаллайди. Ишчи кучи бозорида мазкур муносабатлар *жамоавий, шахсий* ва *ҳудудий* усуллар асосида тартибга солинади. Жамоавий битимлар тузилаётганда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ)нинг Конвенцияси ва тавсияларига асосланади. ХМТ Конвенцияси (54-банди)да таъкидланганидек, “Жамоавий музокаралар бир томондан тадбирлар, тадбиркорлар гуруҳи билан, бошқа томондан эса меҳнаткашларнинг битта ёки бир неча ташкилоти ўртасида: а) меҳнат шароити ва бандликни белгилаш; б) тадбиркорлар ва меҳнаткашлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш; в) тадбиркорлар ёки уларнинг ташкилотлари ва меҳнаткашларнинг ташкилоти ёки ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадларида олиб бориладиган барча музокараларни билдиради” (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, 483-б).

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ишчи кучи бозори бозор иқтисодиётининг муҳим элементларидан биридир. У иш берувчилар билан ёлланма ишчи кучи манфаатларини мувофиқлаштиришда ижтимоий муносабатлар тизими ҳисобланади. Ишчи кучи бозоридаги муносабатлар тизими учта асосий таркибий қисм: ёлланма ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги муносабатлар, ишчи кучи бозори субъектлари билан уларнинг вакиллари ўртасидаги муносабатлар ҳамда ишчи кучи бозори субъектлари билан давлат ўртасидаги муносабатлардан ташкил топади.

Ишчи кучи бозорининг асосий вазифаси муомала соҳаси орқали халқ хўжалигидаги ишчи кучини қайта тақсимлашдан иборат.

Ишчи кучи бозорини тартибга солишнинг учта усули, яъни жамоавий, шахсий ва ҳудудий усуллари мавжуд экан.

Республикамизда ортиқча ишчи кучи ресурсларига эга ҳудудлар мавжуд бўлиб, уларга Андижон, Фарғона, Наманган, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Хоразм, Самарқанд ва Тошкент вилоятларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бунда ишчи кучларига таклифни камайтириш, кўпайтириш йўллари ва усулларини аниқ мисоллар келтириш мақсадга мувофиқ. Ишчи кучи бозоридаги умумий ижтимоий-иқтисодий муносабатлар жамоа ва шахсий шартномалар асосида тартибга солинади, меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган ҳудудларда ишчи кучига талабни ошириш ва унинг таклифини камайтириш усуллари билан тартибга солинади, меҳнат ресурслари билан кам таъминланган ҳудудларда эса ишчи кучи бозори ишчи кучига таклифининг камайиши; ишчи кучига талабнинг камайиши; ишчи кучи таклифининг ортиши ва ҳ.к.

3.5. Ишчи кучи бозорининг моделлари

Ишчи кучи бозори моделлари уларнинг ушбу ҳодисани тавсифлаш андозаси сифатидаги мақсадига қараб, турлича бўлиши мумкин.

Ишчи кучи бозоридаги рақобатчилик даражасига қараб, соф рақобат бозори модели, монопсония модели, касаба уюшмалари ҳаракати ҳисобга олинган модел, икки томонлама монополия модели¹¹ ажратилади.

Соф рақобат бозори модели қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади:

- аниқ ишчи кучи турини ёллашда кўп сонли фирмалар бир-бири билан рақобат хизматларидан қатъи назар мазкур малака турини таклиф этадилар;

- на фирмалар, на ишчилар иш ҳақи бозор ставкаси устидан назорат қилмайдилар, демак на улар, на булар иш ҳақи қандай бўлишини буюра олмайдилар.

¹¹ Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономика. Т.2. – М., 1992.

Моносония модели (яъни, битта харидор монополияси) ёлловчининг сотиб олиш (ёллаш) монополиясига эга бўлиши вазиятини акс эттиради.

Фирма ишчи кучи бозорида бирдан-бир йирик ёлловчи бўлган тақдирда у, аслида, тўлиқ моносония ҳукмронлигига эга бўлади. Бирон-бир корхона баъзида иш билан бандликнинг бирдан бир манбаи бўлиб қоладиган баъзи кичик шаҳар ва олис минтақалар иқтисодиёти бунга мисол бўла олади.

Баъзан оз миқдордаги фирмалар (уч ёки тўртта фирма) ишчи кучи бозорида монополияга эга бўлиб турган бўлса ёки таклиф қилинган меҳнатнинг аксарият қисмини ёллаш оладиган бўлса, *олигопония* рўй берган бўлади. Бунинг устига, олигопониячиларда ходимлар ёллашда қандайдир моносониячи сифатида биргаликда ҳаракат қилиш тенденцияси кузатилади.

Кўплаб бозорларда касаба уюшмалари ходимлар манфаатини ёқлаб чиқадилар ва уларнинг номидан ёлловчилар билан музокаралар олиб борадилар. Мазкур ҳолда касаба уюшмаларининг ҳисобга олинадиган ишчи кучи бозори модели намоён бўлади. Бунда касаба уюшмаларининг бошқа иқтисодий вазифаси иш ҳақини оширишга эришишдан иборат. Улар ушбу мақсадни қуйидагича йўллар билан амалга оширишлари мумкин:

1) реклама ёрдамида маҳсулотга ва меҳнат хизматларига талабни ошириш, ишларнинг хилма-хил турларига шартномалар олиш учун сиёсий лоббининг аралашуви ёки ишчи кучининг эҳтиёжи қандайлигидан қатъи назар, уларни сақлаб қолиш амалиётини қўллаш йўли билан;

2) меҳнат унумдорлигини ошириш орқали;

3) иш ҳақи ставкаларини ўзгартириш орқали. Касаба уюшмалари ходимларини бирлаштириб ва меҳнат таклифини назорат қилиб, фирмага рақобатдагидан юқорироқ иш ҳақи ставкалари тайинлашни тикиштирадилар.

Икки томонлама монополия модели кучли тармоқ касаба уюшмалари ҳаракат қиладиган моносоник бозор шароитларига хосдир. Бошқача айтганда, моносоник модель билан касаба

уюшмалари ҳаракати ҳисобга олинадиган модель бирлаштирилган тақдирда икки томонлама монополия ўрин тутди. Касаба уюшмалари шу маънода меҳнатни монополистик сотувчиси бўлиб, у меҳнат тақлифини назорат қилади ва иш ҳақи ставкаларига таъсир эта олади. У иш билан бандликни ўзгартириш йўли билан, иш ҳақига таъсир эта оладиган монопсонистик ишга ёлловчига қарама-қарши туради.

Турли мамлакатларда иш билан бандлик ва ишчи кучи бозори моделлари ўзига хос хусусиятларга эга, ана шуларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

Франция модели. Францияда охириги 10 йил ичида ишсизлик даражаси 12,0 фоиз атрофида сақланмоқда. Ишсизликка қарши курашиш учун ҳам фаол, ҳам сушт чора-тадбирлар қўлланилади, лекин ишчи кучи бозорида пассив (сушт) сиёсат маъқулроқ кўрилади.

Ишсизларга узок вақт нафақа тўланади. Бундай нафақа тўланишининг энг узок давом этиши 5 йилни ташкил этади. Шу билан бирга Франция бюджетидан ишчи кучи бозоридаги пассив сиёсатга харажатлар улуши фаол ижтимоий сиёсат ўтказишга қилинадиган харажатлар улушидан деярли икки баравар юқоридир¹².

Ҳозирги вақтда Франция корхоналарида меҳнат ресурсларини бошқариш соҳасида ишсизликка қарши курашнинг глобал воситаси деб қаралаётган иш билан тўлиқсиз бандлик сиёсати амалга оширилмоқда. Лекин Францияда ишсизлик бундан буён ҳам 10-12 фоиз даражасида қолаверади, яъни Ғарбдаги кўпчилик мамлакатлардагидан юқорироқ даражада бўлади, деб тахмин қилинмоқда. Ана шуларнинг барчаси ишчи кучи бозоридаги пассив сиёсатнинг фаол сиёсатга қараганда, самараси анча паст эканлигини кўрсатмоқда.

Швеция модели. Швецияда ишчи кучи бозоридаги сиёсат бўш иш ўринларини ишсизлар билан тўлдиришга кўмаклашиш ва ишсизларга фақат нафақалар бериб боришдан иборат бўлиб қолмаслиги лозим, деб ҳисобланади. Иш билан тўлиқ бандликни

¹² Чернов Ю.И. Меҳнат унумдорлиги ва ишсиз иқтисодиёт. –М., 1992, 24-б.

юзага келтириш анъанавий стратегияси муқаррар равишда инфляциянинг юқори даражасига чиқиш ва иш ҳақи борасида силжишлар рўй беришига олиб келиши эътироф этилган эди. Шу боис Швеция ишчи кучи бозорида фаол сиёсат юритилиб, у қуйидаги тўрт элементни ўз ичига олади:

1. Чекловчи фискал сиёсат. Унинг мақсади товарлар ва хизматларга кам даромадли корхоналарнинг фаолиятни тўхтатишга мажбур қиладиган суръатда талаб ва инфляциянинг ошишига йўл қўймайдиган эгри солиқлар белгиланишидан иборат. Жуда юқори фойда оладиган фирмалар ўртасида иш ҳақини ошириш борасида инфляцияга олиб келувчи рақобатга йўл қўймаслик учун фойдани жиловлаб туриш лозим.

2. Иш ҳақи борасида олиб борадиган ҳамжиҳатлик сиёсати. Бунинг маъноси шуки, барча ишчи ва хизматчилар тадбиркорларнинг молиявий аҳволидан ёки фирманинг қайси тармоққа қарашли эканидан қатъи назар, тенг меҳнатга тенг ҳақ олишлари керак.

3. Янги иш ўринлари, шунингдек, ходимларни тайёрлаш ва қайта ўқитиш марказларини яратишни рағбатлантириш.

4. Селектив (танлама) тарздаги иқтисодий юксалиш. Иқтисодий кўрсаткичлари паст бўлса-да, ижтимоий зарур хизматларни таъминловчи секторларда иш билан бандликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши тўғрисида гап бормоқда.

Швеция фаол сиёсат олиб бориш бўйича бир қатор Европа давлатлари ва Америка Қўшма Штатларидан анча олдинда бормоқда.

Америка модели. Америка Қўшма Штатларида конъюнктура ўзгарган ва қўлланилаётган ишчи кучи ҳажмини камайтириш зарурати пайдо бўлган ёки корхона норентабел бўлиб қолган тақдирда ходимларни ишдан бўшатиш чораси ишга солинади. Бунинг устига, ходимлар токи ишдан бўшатиш ва корхонанинг ёпилиш вақти келгунигача ишдан бўшатишганликлари тўғрисида ахборот олмайдилар. Йирик саноат компаниялари одатда ходимларнинг касб-малака тайёргарликларига кам эътибор берадилар, махсус ишларга тайёргарлик бундан мустасно. Иш ҳақи ишларнинг мураккаблигига қараб таснифланишга боғлиқ. Ходимнинг ишда кўтарилиши, одатда,

касб-малака йўналишини кенгайтириш билан эмас, балки бошқа ишга ўтиши билан боғлиқ. Иш ҳақи узоқ вақтга тузиладиган шартномалар билан белгиланади. Корхоналар маъмурияти ва касаба уюшмалари ўзаро сушт боғланганлар ва деярли ахборот алмашилиб турмайдилар. Ушбу моделга ишчи кучининг касбий жиҳатдан ҳам, географик жиҳатдан ҳам юқори даражада ҳаракатчанлик хосдир.

Америка Қўшма Штатларида ишсизликка қарши курашнинг анча қатъий усули қўлланилади. Ишсизлик бўйича нафақа атиги ярим йил давомида тўланилади, ишсизларга ёрдам беришнинг фаол чоратadbирларини кўриш одат тусига кирмаган. Чунончи, ишчи кучи бозорида фаол давлат сиёсатини олиб бориш харажатлари, Ялпи ички маҳсулотнинг атиги 0,19 фоизини ташкил этади¹³. Ана шундай ёндашиш шароитида одамларнинг ўзлари фаоллик ва собитқадамлик билан ўзларига иш қидирадилар. Бундай сиёсат натижасида ишсизлик даражаси нисбатан паст бўлмоқда (5,4 фоиз). Шу билан бирга кўпдан-кўп америкаликлар ўзларининг иш берувчига қарам эканликлари ва тез-тез ишни ўзгартириш, янги жамоага, янги иш шароитларига мослашиш зарурлигидан ўзларини руҳан нохуш сезадилар.

Япония модели. Бу мамлакатда меҳнат муносабатлари тизими умрбод ёлланиш ходимларнинг корхонада ишлайдиган энг юқори (55-65) ёшга етгунларига қадар иш билан бандлик кафолатланишини кўзда тутди. Умрбод ёлланиш тизими иш ҳақи, мукофотлар ҳамда ижтимоий тўловлар тарзидаги моддий тақдирлаш миқдорларининг ошириб боришни кафолатлайди. Умрбод ишга ёллаш йўли билан корхоналарда ходимларни мустаҳкамлаш, ички фирма даражасида малака ошириш, тезкор равишда касб-малака таркибини иш ўринларининг тузилмаси билан, техника ва технологияларни ривожлантириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотни модификациялаш билан мувофиқлаштириб бориш имконини беради.

Япония фирмалари ёлланма ходимлардан узоқ вақт мобайнида фойдаланишни кўзлайдилар. Бу эса ходимлардан меҳнатга ижодий муносабатда бўлиш ва ниҳоят даражада сифатли ишлашга

¹³ Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. – Т., 2004, 165-б.

интилишни тарбиялашга қаратилган сиёсатга асос бўлиб хизмат қилди. Бу маълум даражада тадбиркорларнинг ишлаб чиқаришни ва қўлланилаётган ишчи кучини ходимларни қисқартиш ҳисобига эмас, балки иш вақтини қисқартириш ёки ходимларни шуъба корхоналарига ёки ўзаро келишув бўйича бошқа фирма корхоналарига ўтказиш ҳисобига ҳал қилишга интилишларини ҳам белгилади.

Доимий ходимлар ва вақтинча ходимларни бир-биридан аниқ фарқлаш мавжуд, вақтинча ходимлар иқтисодий таназзул даврларида биринчи бўлиб ишдан бўшатилади ва кўпинча иқтисодий фаол аҳолининг таркибидан ҳамишаликка чиқади. Бунинг устига, фирманинг кўлами қанчалик кичик бўлса, унда вақтинча ходимлар салмоғи шунчалик кўп, уларнинг ишсиз бўлиб қолиш хавфи даражаси шунчалик юқори бўлади.

Японияда ишсизлик даражаси 2000 йилда атиги 3,3 фоизни ташкил этди. Ишчи кучи бозорида давлат сиёсатини олиб бориш харажатлари юқори эмас: улар Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг 0,52 фоизини ташкил этади, шу жумладан, фаол сиёсат юритишга 0,3 фоиз, пассив сиёсат ўтказишга 0,39 фоиз сарф-харажат қилинади¹⁴. Умуман, ишчи кучи бозорида Япония модели ишлаб чиқариш эҳтиёжларини иш берувчиларнинг ҳам, ёлланма ходимларнинг ҳам манфаатларини тўлиқ ҳисобга олган ҳолда оқилона равишда иш билан бандликни шакллантиришга хизмат қилади, бу эса, ўз навбатида, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига кўмаклашади, ана шулар жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлайди, чунки амалда ҳар бир киши эртанги кунга ва ўз ижодий салоҳиятини намоён этиш имкониятига эга эканлигига ишончи комил.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра, ишчи кучи бозори моделларидан биронтаси ҳам ўзгармай қололмайди, у ҳамиша ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг хусусиятларига боғлиқ. Чунончи, умрбод ёлланиш сиёсати ёш ва истикболли ходимларнинг манфаатларига муайян маъноларда зид келди ва шу туфайли унинг

¹⁴ Ўша манба, 166-б.

қўлланиш соҳаси торайиши мумкин. Швецияда меҳнат катта сарф-харажатларни молиялаш учун юқори миқдордаги солиқлар сиёсати чет эл инвестициялари ошишини келтириб чиқарди. Ушбу тенденция Швециянинг ўзида компанияларнинг раванқ топишига йўналтирилган танлама иқтисодий юксалтириш сиёсатига путур етказмоқда. Ижтимоий нафақалар миқдори юқорилиги ишчи кучи таклифи камайишига олиб келди ва иш ҳақини ошириш заруратини кучайтирди. Корхоналар иш ҳақи борасидаги чекланишларни четлаб ўтиши учун ходимларга фойдада қатнашиш тизимлари бўйича кўпроқ маблағ тўлайдиган бўлиб қолдилар.

Шундай қилиб, ишчи кучи бозори моделининг самарадорлиги иш билан бандлик борасида амалга оширилаётган сиёсатга, унинг ўзгарувчанлиги ва умуман, иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришларга мослашувчанлигига боғлиқ. Мамлакатимиз ишчи кучи бозоридаги қандай моделга мос келишини ҳозирча фақат тахмин қилса бўлади.

Қисқача хулосалар

Турмуш фаровонлигини оширишда ишчи кучи бозори асосида миллий ресурс-ишчи кучи шаклланади ҳамда корхоналар, тармоқлар ва ҳудудлар бўйича тақсимланади. Ишчи кучи бозори кенг маънода – меҳнат миқдори ва сифати мувофиқ тақдирланадиган, уни нормал қайта тиклаш ҳамда самарали фойдаланишни таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар, шу жумладан юридик норма ва тартиботлар тизимидир. Тор маънода ишчи кучи бозорини иш берувчилар – ишлаб чиқариш воситалари эгалари билан ёлланма ишчилар – ишчи кучи эгалари ўртасидаги – биринчиларининг меҳнатга талабини ва иккинчиларининг яшаш воситалари манбаи сифатида ишга ёлланиш бўйича эҳтиёжларини қондириш борасида шаклланадиган муносабатлар тизимидир. Ишчи кучи бозори рақобатчилик даражасига қараб, соф рақобат бозори модели, монополиция модели, касаба уюшмалари ҳаракати ҳисобга олинадиган модел ва икки томонлама монополия модели турларига ажратилади.

Ишчи кучи бозорини фақат талаб билан таклиф тебратмайди, балки уни ташкил қилиш ва бошқаришда давлатнинг тутган ўрни ҳам

муҳим аҳамиятга эга, бу, асосан, меҳнат биржалари орқали амалга оширилади. Жаҳонда ишчи кучи бозорининг турли моделлари мавжуд, яъни Америка, Франция, Япония, Швеция модели ва бошқалар.

Назорат саволлари

1. Турмуш фаровонлигини оширишда ишчи кучи бозорининг шаклланиш тамойиллари ва омилларини тушунтиринг.

2. Ишчи кучи бозорининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва вазифаларини айтинг.

3. Ишчи кучи бозоридаги талаб ва таклиф қандай омиллар билан белгиланади?

4. Ишчи кучи бозорини тартибга солиш зарурлиги нимада?

5. Ишчи кучи бозорининг хусусияти (бўғин)лари нималардан иборат?

6. Ишчи кучи бозорини тартибга солишнинг ҳудудий усулларини аниқлаб беринг.

7. Ишчи кучи бозоридаги талаб ва таклиф қандай омиллар билан белгиланади?

8. Ишчи кучи бозори шаклланишига қандай шарт-шароитлар таъсир этади?

9. Ишчи кучи бозорининг таркибий қисмлари нималардан иборат?

10. Ишчи кучи бозорининг қандай моделларини биласиз?

Таянч тушунчалар: *ишчи кучи бозори, ишчи кучи бозорида талаб ва таклифга таъсир этувчи омиллар, ишчи кучи бозорининг турлари, ишчи кучи бозорининг объектлари ва субъектлари, бозор конъюнктураси, ишчи кучи бозорини тартибга солишнинг уч усули (жамоавий, шахсий, ҳудудий), ишчи кучи бозорининг таркибий қисмлари, ишчи кучи бозорининг моделлари.*

IV боб. ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА ИШЧИ КУЧИ БОЗОРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

4.1. Ишчи кучи бозори ва бандлик хизматини такомиллаштиришда давлат сиёсати

Турмуш фаровонлигини оширишда ишчи кучи бозорида фаол сиёсат олиб боришнинг энг самарали йўналишларидан бири ишчи кучи бозорининг энг муҳим институти бўлган иш билан бандликнинг ихтисослашган умуммиллий хизматидир. Унинг асосий вазифаси ишчи кучи бозори ҳақидаги ахборотнинг тарқалиши ҳисобига унинг самарадорлигини оширишдан иборат. У, биринчидан, ишсизларнинг бўш иш ўринлари қидиришларига, тадбиркорларнинг ходим қидиришига сарф этиладиган вақтни қисқартиришни таъминлайди, иккинчидан, иш берувчиларнинг ўз талабларига энг кўп даражада мос келадиган ходимлар ёллашга ёрдам беради, ходимларга эса меҳнат шароитлари ва иш ҳақи даражаси мувофиқ келадиган иш жойини топишларига ёрдам беради.

Давлат бандлик сиёсати доирасида ишчи кучи бозорини тартибга солишда бандлик жамғармаларининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Бандлик жамғармаси харажатларини шартли равишда 4 та йўналиш бўйича қисмларга ажратиш мумкин:

1. Ишсизлик бўйича нафақа сарфланадиган маблағлар, ишсизларга моддий ёрдам кўрсатиш, узоқ муддатли пенсиялар тўлаш. Буларни пассив сиёсат деб аташ қабул қилинган.

2. Қайта тайёрлаш ва жамоат ишларига сарфланадаган маблағлар. Фаол сиёсатнинг мазкур шакли амалдаги қонунчиликдан келиб чиқади, яъни бандлик соҳасидаги давлат хизмати учун мажбурий ҳисобланади.

3. Молиявий қўллаб-қувватлашга, қимматли қоғозлар сотиб олиш ва бошқа харажатларга мўлжалланган маблағлар. Айтиб ўтилган бу шаклларни бирлаштириб турадиган томон шуки, улар қонун билан кафолатланмаган. Шунингдек, “молиявий қўллаб-қувватлаш” моддасига доир харажатларни меҳнат бозоридаги фаол

сиёсат шакллариغا киритиш қабул қилинган.

4. Бандлик хизматларини ривожлантириш учун мўлжалланган маблағлар (уларни таъминлаш, капитал маблағлар реклама, “бандлик” ахборот хизмати).

Давлат бандлик хизмати қуйидаги тўловларни амалга оширади:

- ишсизлик бўйича нафақа тўлаш;

- бандлик хизмати йўлланмаси билан у кўнгилли равишда бошқа жойларга кўчиб борувчининг йўл чиқимлари билан боғлиқ моддий харажатларни қоплаш;

- вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик учун ҳақ тўлаш;

- бандлик хизмати томонидан касбий тайёргарлик, қайта тайёрлаш, малака ошириш учун стипендиялар. Ишсизларга узоқ муддатли пенсиялар тайинланиши муносабати билан пенсия жамғармаси харажатлари бандлик жамғармасидан қопланади. Аҳолининг бандлик жамғармасидан бадаллар тўлаш учун суғурта тарифи меҳнат ҳақиға тўлашга мўлжалланган 1,5 фоизни ташкил этади. Бадаллар тўлашдан ногиронларнинг жамоат ташкилотлари, ногиронлар ва пенсионерларнинг жамоат ташкилотлари, уларга тегишли бўлган корхоналар, шунингдек, диний бирлашмалар озод қилинади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ишчи кучи бозорини бошқаришда бир қатор йўналишлар мавжуд бўлиб, улар аҳоли бандлиги давлат хизматиға тааллуқлидир. Бу хизматнинг асосий вазифаси ишчи кучи бозори ҳақидаги ахборотни тарқатиш ҳисобига ишчи кучи бозорининг фаолият кўрсатиши самарадорлигини оширишдан иборат.

Ўзбекистонда давлат бандлик хизмати 1991 йилда ташкил этилган эди. Республика аҳолиси бандлик хизмати ишининг асосий тамойиллари халқаро амалиётға мувофиқ келади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон аҳоли бандлиги хизмати минтақалар (вилоятлар, шаҳар ва туманлар)да ишлаб турибди.

Келгусида Ўзбекистон Республикасида ишчи кучидан самарали фойдаланиш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадға мувофиқ:

- ижтимоий йўналтирилган ишчи кучи бозори фаолиятини такомиллаштириб бориб, улар томонидан ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларининг мунтазам ўтказилишини таъминлаш;

- ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солувчи мустаҳкам ривожланган маҳаллий ва хорижий бандлик хизмати ташкилотлари тизимини такомиллаштириш;

- республика ва унинг ҳудудларида янги иш жойларини ташкил этиш, аҳолининг бандлик даражасини ошириш ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан мақсадли фойдаланиш бўйича чуқур иқтисодий ислохотларни оғишмай амалга ошириш;

- аҳолининг оқилона бандлигини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган дастурлар мониторингини мунтазам олиб бориш;

- қайта ишлаш саноати, хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш жойларини яратиш;

- ишчи кучига талабнинг ошиши ва ишсизликнинг камайишини таъминловчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш;

- хизмат кўрсатиш соҳаларини маҳаллий ва хорижий самарали техника ва технология билан таъминлаш;

- маҳаллий кадрлар малакаси, рақобатбардошлиги ва хорижга юборишни амалга ошириш;

- ишчи кучи бозори, ишсизлик ва аҳоли бандлиги жараёнларини тартибга солувчи ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш.

4.2. Меҳнат биржалари ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш йўллари

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунда 240 дан ортиқ меҳнат биржалари фаолият кўрсатмоқда. Улар бошқа биржалар сингари товар-ишчи кучини пулга айирбошлашда воситачилик қилади, ишчи кучи эгаси билан ёлловчи корхона ёки фирма ўртасида туради. У бир вақтнинг ўзида ҳам ишчи кучини сотувчи, ҳам унинг харидори номидан иш кўради.

Меҳнат биржалари ишчи кучининг сотилишини уюштириш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш кабиларни бажариш билан ҳам шуғулланади. Мазкур органлар мурожаат қилган ишчи кучига маъқул келадиган ишни таклиф эта олмаса, улар ишсиз деб эътироф қилинади. Расман ишсизликни ҳисобга олиб бориш мамлакат ишсизлик даражасини аниқлаш имкониятини беради ва у иқтисодиётнинг ривожланиш ҳолатини белгилайди.

Тажрибаларга кўра, меҳнат биржалари ишчи кучи бозорининг тўла маънода тартибга солувчи таъсирчан восита бўлиб қолиши мумкин экан. Меҳнат биржалари ишчи кучи бозори ҳақидаги маълумотларни, унинг аҳволи ва истиқболи тўғрисидаги ахборотларни ўзида тўплайди. Бозор тузилмаси сифатидаги меҳнат биржаси хилма-хил вазифаларни ҳам бажаради.

Жиддий талафотларга йўл қўймаслик мақсадида давлат ишсизларни иш билан таъминлаш сиёсатини ўтказади. Чунончи, ишсизликнинг фрикцион ва бошқа турлари ўсганда давлат:

- қайта касб ўргатади;
- таълим бериш тизимини кенгайтиради;
- бўш иш жойлари ҳақидаги ахборотларни кенг тарқатади.
- меҳнат биржаларига инвестицияларни кўпайтиради.

Агар ишсизлик даврий хусусият касб этса, давлат фискаль, кредит-пул воситаларини ишга солади, яъни:

- иш билан бандликни кучайтириш учун ишлаб чиқаришга кўпроқ маблағ сарфлайди;
- тадбиркорнинг манфаатларини ошириш учун ссуда ҳамда кредитларнинг фоиз ставкаларини пасайтиради;
- ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларга солинадиган солиқларни камайтиради;

Бу тадбирлардан ташқари давлат ишчи кучи бозорини ташкил этиш ва тартибга солишда:

- аҳоли сони, ёши ва жинсининг салмоғидаги ўзгаришлар;
- иш билан бандликдаги тармоқ ва ҳудуд ўзгаришлари;
- қўшимча ишчи кучининг ишлаб чиқаришга жалб этиш мезонлари;

- ишлаб чиқариш ҳажмига, унинг ўсиш суръатига, ишлаб чиқариш таркиби;

- ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий жойлашуви каби омилларга алоҳида эътибор беради.

Таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда давлатнинг иш билан бандлик хизматининг роли ва вазифаси ҳам тобора ошиб бормоқда. Унинг асосий вазифаси ишчи кучи бозори ҳақидаги ахборотнинг тарқалиши ҳисобига унинг самарадорлигини оширишдан иборат. У, биринчидан, ишсизларнинг бўш иш ўринлари қидиришларига, тадбиркорларнинг ходимлар қидиришларига сарф этиладиган вақтни қисқартиришни таъминлайди, иккинчидан, иш берувчиларнинг ўз талабларига энг кўп даражада мос келадиган ходимлар ёллашга ёрдам беради, ходимларга эса меҳнат шароитлари ва иш ҳақи даражаси мувофиқ келадиган иш жойини топишларига имкон беради.

Бундан ташқари, иш билан бандлик хизмати вазифаларига қуйидагилар киради: иш қидирувчиларга касблар бўйича маслаҳатлар бериш ва ишсизларни янги мутахассисликлар бўйича ўқитиш; ногиронлар, ёшлар, ҳарбий хизматдан бўшаб келган ёшлар ва фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишга муҳтож бўлган бошқа гуруҳлари учун иш жойларини банд қилиб қўйиш; иш кучини ҳудудлар бўйича қайта тақсимлаш; оддий йўл билан ишга кира олмайдиган фуқароларнинг (кўп болали ва ёлғиз ота-оналарнинг) иш билан бандлигига кўмаклашиш учун иш ўринларини қўллаб-қувватлаш; ишсизларнинг тадбиркорлик ва мустақил фаолияти билан шуғулланишларига ёрдам кўрсатиш; оммавий ишдан бўшатишларни тўхтатиб қолиш учун компенсация тўловларини амалга ошириш.

Республикамизда давлат иш билан бандлик хизмати 1991 йилда ташкил этилган эди. Иш билан бандлик хизмати ишининг асосий тамойиллари халқаро тажрибага мос келади. Масалан, аҳолининг иш билан бандлиги тўғрисидаги қонунга кўра давлат фуқароларига ўзлари учун мос келадиган иш танлашда ва ишга жойлашда бепул ёрдам кўрсатади, ишсизларга бепул таълим олиш имконияти яратиб берилади, янги касбга ўқиётган вақтда стипендия тўланади, ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш имкони берилади, ишсиз

фуқаролар даромадларини қўллаб-қувватлаш сиёсати амалга оширилади.

Иш билан бандлик хизмати мурожаат қилган меҳнаткашларга ва иш берувчиларга ишга эга бўлиш имконияти ҳақида ва ишчи кучи билан таъминлаш тўғрисида, бирор касб эгаллашни истайдиган фуқароларга қўйиладиган талаблар ҳақида ахборотлар берилади; фуқароларнинг ўзларига мос келадиган иш топишларида, иш берувчиларга эса зарур ходимлар танлашда кўмаклашади. Иш билан бандлик хизмати иш берувчиларга ёшлар, ногиронлар, ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун иш ўринлари сақлаш ва яратиш дастурларини қўллаб-қувватлашни кафолатлайди. Саноати ривожланган мамлакатлардаги ишга жойлаштириш бюрolari каби республика иш билан бандлик хизмати органлари иш ўринларини таклиф қилиш ва ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф тўғрисидаги статистика маълумотларини, ахборот материалларини эълон қилиб боришни таъминлайдилар.

Умуммиллий иш билан бандлик хизматлари муайян ишчи кучи бозори сегменти (бўлаги)ни тартибга солиб туради. Мамлакатларнинг ривожланиш тажрибасини умумлаштириш шуни кўрсатадики, бўш иш жойларининг унчалик кўп бўлмаган қисми улар ёрдамида тўлдирилади, лекин булар бирмунча паст ва ўртача малака талаб қиладиган иш ўринларидир. Масалан, Швецияда иш қидираётганларнинг қарийб 35 фоиз иш билан бандлик хизмати билан алоқага киришади. Францияда иш қидирувчиларнинг қарийб 15 фоиз, АҚШда эса 5 фоизга яқини улар хизматидан фойдаланади. Ҳисобларга кўра, иш қидирувчиларнинг кўпчилиги (50 фоиздан ортиғи) иш жойлари ҳақидаги ахборотларни дўстлари ёки қариндошларидан олади¹⁵.

Касб тайёргарлиги ва қайта тайёрлов ишчи кучи бозоридаги фаол сиёсатнинг асосий йўналиши ҳисобланади, чунки ҳозирги дунёдаги молиявий инқироз даврида ишга эга бўлиш истиқболи тез ўзгаришлар ва таркибий ислоҳотларга боғлиқ бўлиб, инсон

¹⁵ Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. – Т., 2004, 198-б.

капиталига қўйилган маблағлар билан юқори сифатли маълумот ва замонавий касб эгаллашга ёрдам беради, булар ишсиз бўлиб қолишдан кафолатлайди. Кўп сонли далиллар шундан далолат берадики, юқори малакали ходимлар учун хос бўлган ишсизлик малакасиз ходимлардагига нисбатан 4-7 баравар кам.

Шунинг учун ҳам дунёдаги барча мамлакатларда ишсизлар ва ишсиз қолиш хавфи остида турган ходимларнинг касб тайёргарлиги ва уларни қайта тайёрлашдан иборат турли-туман дастурларни ишлаб чиқиш тажриба қилиб кўрилмоқда. Бунда мазкур дастурлар, биринчи навбатда, олдинги касб малакаси иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, ишчи ўринларининг янги касбий тузилишига жавоб бермайдиган кишиларга, шунингдек, аҳолининг заиф ҳимояланган қисми (ҳозирча зарур касбий тайёргарликка эга бўлмаган ёшларга, ишчи кучи бозорига қайтишга қарор қилган аёллар; касбга йўналтиришга эҳтиёж сезадиган ногиронлар ва бошқалар)га қаратилган. Кўпинча таълим олиш учун номзодларни давлат иш билан бандлик хизмати аниқлайди.

Касб тайёргарлиги ва қайта тайёрлов дастурлари давлат, тадбиркорлар ва касаба уюшмаларининг иштирокида ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Бу дастурларнинг бевосита ташкилотчиси кўпинча давлат иш билан бандлик хизмати ҳисобланади, у марказлар ва ўқув курсларининг махсус ташкил этилган шахобчаларда, шунингдек, ўқув юртлари ёки корхоналар билан тузилган шартномалар асосида ташкил этади; таълим олувчиларга стипендиялар тўланади.

Иш билан бандлик хизмати давлат манфаатларини кўзлаб иш олиб боради, ишсизларнинг таълим олиши ва қайта ўқишини уларга маблағлар ажратиш шаклида нафақалар тўлаш орқали рағбатлантиради. Давлат корхоналар ходимларининг таълим олиши учун ажратилган маблағлар ҳисобидан солиқларни олиб ташлаш орқали тадбиркорларни ҳам рағбатлантиради.

“Аҳолининг иш билан бандлиги тўғрисида”ги қонунда ишсиз фуқаролар ҳам иш билан бандлик хизмати йўлланмаси билан бепул касб танлаш, касб тайёргарлиги, қайта тайёрлаш ва малака ошириш

ҳуқуқига эгадирлар, деб таъкидланган. Мазкур ҳуқуқ қонуннинг бошқа моддалари ва бандларида ҳам кафолатланган. Ишчи кучи бозоридаги фаол сиёсатнинг шу йўналишини амалга оширишда асосий қийинчилик иқтисодиётнинг бўлажак касб-малака тузилиши тўғрисида, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда касб соҳасидаги меҳнатга бўлган эҳтиёж қандай бўлиши ҳақидаги ахборотнинг етишмаслигидадир. Яна бир муаммо – ишдан маҳрум бўлган шахсларнинг касбий жиҳатдан қайта тайёрланишга кам талаб билдиришидир, чунки улар олдинги касблари бўйича ишга жойлашишга умид қиладилар. Ишчи кучи бозоридаги фаол сиёсатнинг мазкур йўналишини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи омил иш билан бандлик хизмати фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлашнинг чекланганлиги ҳамдир.

Ҳозирги вақтда ишчи кучи бозоридаги фаол сиёсатни амалга ошириш соҳасидаги фаолият доирасида мустақил иш билан бандликни ривожлантириш, тадбиркорлик малакаларини ўргатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этишга кўмаклашиш дастурлари муҳим аҳамият касб этади. Ишчи кучи бозоридаги сиёсатнинг бу йўналиши энг муҳим ижтимоий вазифа – янгича меҳнат дунёқарашини шакллантиришдир.

4.3. Давлатнинг иш билан бандлик сиёсати даражалари

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётнинг энг муҳим мезонларидан бири иш билан бандликка бўлган муносабатдир. Иш билан бандлик комплекс ижтимоий сиёсатнинг ажралмас қисми деб қаралади. Иш билан бандлик муаммоларининг ижтимоийлиги унинг аввал бошдан инсонга, унинг манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги эҳтиёжларига қаратилганлиги билан белгиланади. Иш билан бандликнинг энг кам деганда 4 та ижтимоий жиҳатни ҳисобга олиш керак:

1. Иш билан бандликнинг инсоннинг конституциядаги белгилаб берилган энг муҳим ҳуқуқи меҳнат ҳуқуқи билан мустаҳкам боғлиқлигидир. Ҳозирги вақтда кўплаб онглими ёки онгсизми, иш билан бандликни меҳнат қилиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш имконияти

билан боғламоқдалар, ахир ишсизлик муаммоси барчани тўлқинлантиради.

2. Турмуш даражаси ва муносиб ҳаёт кечириш шарт-шароитларининг иш билан бандликни ҳал қилувчи аҳамияти, айнан иш билан бандлик фаолиятини ошириш ҳозирги меҳнатга қобилиятли фуқаролар ва улар оилаларининг турмуш даражасини оширишнинг энг муҳим кафолатидир.

3. Ҳар кимнинг ва умуман, жамият фаровонлиги ошишининг негизи бўлган юқори унумли меҳнатнинг янги сабабини шакллантириш.

4. Айнан меҳнат фаолияти инсонни ўзгартиради, унинг касбий имкониятларини очиб беради ва кўпайтиради, шахснинг ривожланишини рағбатлантиради.

Ижтимоий сиёсатнинг бошқа жиҳатлари билан бирга қўшиб қаралганда, иш билан бандлик ривожланишининг асосий йўналишларидан бири деб қаралиши керак, ушбу йўналишлар халқ хўжалигидаги молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларини қайта гуруҳларга ажратишни, фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларини белгилаб беради, шунингдек, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш, турмуш сифати даражасини ошириш йўллари ҳам белгилаб беради. Бу ғоят муҳим муаммолардан бири бўлиб, иш билан бандлик муаммоларини хал қилиш, бинобарин, бутун иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг маваффақияти ана шу муаммони эътироф қилиш ва хал қилишга маълум даражада боғлиқ.

Иш билан бандлик сиёсатини қўйилган мақсадларга эришиш учун жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатиш чоралари мажмуи сифатида қараб чиқамиз. Бунда иш билан бандлик сиёсатининг мақсадлари ва иш билан бандликнинг норматив ҳолатини акс эттириш керак. Ҳозирги кун муаммоларини хал қилиш билан бундай ҳолатга эришиш мумкин.

Иш билан бандлик сиёсати бир нечта даражага эга: умумдавлат (макродаража), минтақавий ва маҳаллий даражалар. Иш билан бандлик сиёсатининг барча даражалари ягона иш билан бандлик

концепцияси билан бирлашган бўлади, бу концепция иқтисодий ривожланишнинг қабул қилинган турини акс эттиради.

Давлатнинг макродаражадаги иш билан бандлик сиёсати ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётидаги иш билан бандликнинг асосий хусусиятларини шакллантиришига, фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш ва юқори турмуш даражасига эришишнинг зарур шарти билан иш билан тўлиқ бандликни таъминлашга қаратилган. Маълумки, бозор мазкур тегишли бошқарув усулларда иқтисодиёт самарадорлигини оширишга, хўжалик юритиш соҳасидан иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган иш ўринларини сиқиб чиқаришга, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва аҳолининг истеъмол талабини қондириш учун ишчи кучини қайта гуруҳларга бўлишга қаратилгандир. Бундай шароитда иш билан тўлиқ бандликка кўмаклашиш стратегик мақсад бўлиб қолади.

Меҳнат самарадорлигини ортиши ва бутун иқтисодиётнинг ишлаб туриши натижасида алоҳида замонавий турмуш андозаларини таъминлаш, иш билан бандлик даражасини камайтириш, иш вақти тўлиқ бўлмаган меҳнат режимини кенгроқ ёйиш иш ҳафтасининг белгиланган вақтини қисқартириш учун моддий асос бўлади. Шахснинг ўз-ўзини намоён қилиш воситаси сифатида касб фаолияти ижтимоий эҳтиёжни амалга ошириш мақсадида ҳатто иш вақти билан бўш вақтни энг мақбул тарзда бирга қўшиб фойдаланиш ҳар бир фуқарога эса меҳнат, ўқиш, дам олиш, болалар тарбияси билан шуғулланиш имкониятига эришиш лозим. Умуман, инсоннинг бўш вақти кўп бўлиши лозим, шунинг учун ҳам мамлакатнинг бойлиги бўш вақт билан ўлчанади, деб айтишади иқтисодчилар. Масалан, Швецияда ишловчи аёлларнинг 45 фоизига яқини тўлиқ бўлмаган иш вақтида меҳнат қилади. Демак, меҳнатни шундай ташкил қилиш лозимки, меҳнатни камроқ вақт ичида ишлаб, дурустгина иш ҳақи олиш имконини берадиган қилиб ташкил этиш лозим.

4.4. Аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилишда давлат томонидан кўриладиган чора-тадбирлар

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳар қандай етарли даражада ривожланган давлат ҳаётининг зарур элементи ҳисобланади.

Ижтимоий ҳимоя қилиш концепцияси XIX аср охири XX аср бошларида пайдо бўлиб, кенг умумижтимоий маънода тегишли атама сифатида биринчи марта АҚШда 30-йилларда юзага келди ва Ғарбдаги социологияда ҳар бир фуқаронинг ишсизлик туфайли иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан азият чекишдан, касаллик туфайли, фарзанди туғилиши, ишлаб чиқаришда шикастланиши ёки касб хасталигига йўлиқиши, ногиронлиги, қарилиги, боқувчисидан ажралиб қолганлиги учун даромадидан маҳрум бўлиши ёки унинг кескин камайишидан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини белгилаш учун секин-аста табакалана бошлади.

Кенг маънода олганда, ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий кафолатларнинг бутун бир тизими бўлиб, улар қуйидагиларга тирикчилик воситаларини таъминлаш учун шарт-шароит яратиб беради:

- меҳнатга лаёқатли фуқароларга – шахсий меҳнат ҳиссаси, иқтисодий мустақиллиги ва тадбиркорлиги ҳисобига;

- аҳолининг ночор қатламларига – давлат ҳисобидан, лекин бу қонун билан белгиланган тирикчилик учун мўлжалланган энг кам миқдордан оз бўлмаслиги лозим.

Ижтимоий ҳимоя қилиш – қонунчилик, ижтимоий-иқтисодий ва ахлоқий-психологик кафолатлар, восита ва чоралар тизимидан иборат бўлиб, улар туфайли жамият аъзолари учун тенг шароитлар яратиб беради, бу шароитлар эса муҳитнинг инсонга ноқулай таъсир кўрсатишига тўсқинлик қилади, унинг муносиб ва ижтимоий мақбул ҳаёт кечириш сифатини таъминлайди. Ижтимоий ҳимоя қилиш, бир томондан, функционал тизим, у ана шу йўналишлар асосида амалга оширилади, иккинчи томондан, у ижтимоий ҳимоя қилишни таъминловчи институтлар тизимидан иборат бўлиб, унга давлат, суд, касаба уюшмалари ва бошқа ижтимоий ташкилотлар киради.

XX асрдаги анъанавий капиталистик жамият ҳақиқатда ўзгариб янги ижтимоий-иқтисодий тизимга ижтимоий йўналтирилган бозор хўжалигига айланди, ҳам умуман жамиятни, ҳам хўжалик организмининг таркибий тузилмаларини қамраб оладиган қудратли ижтимоий ҳимоя тизимлари қарор топди: корхоналар ва фирмалар, акционерлик жамиятлари, кооперативлар, меҳнат ташкилотлари ва ҳ.к. Ҳозирги вақтда Ғарбда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилишнинг америкача, европача, японча ва ҳ.к. андозалари мавжуд бўлиб, улар доирасида яна ўзига хос кўринишлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу андозаларнинг умумий хусусиятлари билан бир қаторда ўзига хос умумий белгилари ва миллий жиҳатлари ҳам мавжуддир.

Республикамизда давом этаётган ва бозор иқтисодиётини қарор топтиришга қаратилган чуқур ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, умуман, фуқароларни самарали ижтимоий ҳимоялашни, хусусан корхона ходимларини ҳимоя қилишни ниҳоятда муҳим вазифалардан бирига айлантирди. Бир томондан, бу ўзгаришлар фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиради, иккинчи томондан эса, инсон фаолиятини айрим муҳим томонларида ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича кўпроқ куч-ғайрат сарфланишини; ишсизликдан, пулнинг қадрсизланиши, фуқароларнинг бирмунча қисми моддий томондан таъмин этилмагани ва шу кабилардан ҳимоя қилишни талаб этади. Биздаги амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг мақсади чинакам ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат.

Объектив эҳтиёжлар ғоят кенг йўналишлар бўйича ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш зарурлигини тақозо этмоқда. Лекин, асосийси, ҳимоя меҳнаткашлар турмуш даражасининг пасайиши ва ишсизликдан ҳимоя қилишдир, муайян корхонада эса бу меҳнат шароити ва мазмуни тўғрисида, ходимлар меҳнатини ташкил этиш ва уларга ҳақ тўлаш тизими ҳақида ғамхўрлик қилишдир. Хуллас, республикада ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича ижтимоий институтларнинг бутун бир тизими самарали иш олиб бормоқда.

Инсонни ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий институтлари – давлат, касаба уюшмалари ва бошқа жамоат бирлашмаларидир. Айни вақтда иқтисодий ҳимоя қилиш қонунларда қайд этилган ижтимоий кафолатларга асосланади.

Қисқача хулосалар

Ўзбекистон аҳолиси тез суръатларда ўсиб бораётган, туғилиш даражасининг юқори бўлиши натижасида аҳолиси ёшариб бораётган, турмуш тарзининг қишлоқ хўжалиги билан боғланганлиги билан ажралиб туради. 1897 йилда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида атиги 3,9 млн. киши яшар эди, яъни ўтган салкам 120 йил мобайнида бу ерда 6,5 баробар (2010 йилда 29,9 млн. кишигача) кўпайди. Ҳисоб-китобларга кўра, республика аҳолиси 2020 йилда 34,4 млн. киши, 2030 йилда – 38,6 млн. киши, 2040 йилда – 42,8 млн. киши ва 2050 йилда – 45,1 млн. кишини ташкил қилади.

Демографик ривожланишнинг юқоридаги кўриниши республикада ишчи кучи салоҳияти ўсишини ифодалайди, бу, ўз навбатида, келажакда ишчи кучи бозори фаолиятининг янада такомиллаштирилишини талаб қилади. Ишчи кучи бозорининг асосий мазмуни ва вазифаларидан келиб чиқиб, ишчи кучи бозоридаги талаб ва таклифни шакллантириш ҳамда уларни мувофиқлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишнинг янада такомиллаштирилишини тақозо қилади. Бунда, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади, бу борада Президентимиз ва ҳукуратимиз томонидан қатор фармонлар, қарорлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Кейинги йилларда янги иш ўринларининг 88 фоизи кичик бизнес соҳасида яратилди. Кичик тадбиркорликнинг устувор ривожланиши натижасида ушбу соҳа республика бўйича жами иш билан банд бўлган аҳолининг 72,5 фоизини қамраб олди. Худудларни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича қарийб 25 мингта инвестиция лойиҳасини рўёбга чиқариш ҳисобига 256,4 минг иш ўрни ташкил этиш орқали аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини тўлиқ ижро этиш назарда тутилган. Ишсизлик даражаси энг юқори бўлган

минтақаларда 46,8 минг янги иш ўрни ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун таълим муассасаларининг 10 минг нафар битирувчисига кредитлар ажратиш режалаштирилмоқда.

Назорат саволлари

1. Меҳнат биржасининг асосий вазифаларини санаб беринг.
2. Ишчи кучи бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлиги нимада?
3. Жамоа шартномасининг мазмунини баён қилиб беринг.
4. Меҳнат шартномаларининг ишчи кучи бозорини тартибга солишдаги ўрни.
5. Қишлоқ хўжалигидаги ортиқча ишчи кучини иш билан таъминлашнинг асосий йўналишларини айтинг.
6. Энг кам иш ҳақи қандай белгиланади ва нималарни ифодалайди?
7. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни ишчи кучи бозоридаги талаб ва таклифга таъсирини баён қилиб беринг.
8. Демографик тенденциялар ва уларни ишчи кучи бозорига таъсирини тушунтириб беринг.
9. Ишчи кучи бозоридаги пассив ва фаол сиёсатда давлатнинг ролини баён қилиб беринг.
10. Иш билан бандлик хизматини вазифаларини изоҳлаб беринг.

Таянч тушунчалар: *ишчи кучи бозорини тартибга солиш сиёсати, бандлик хизмати, ижтимоий сиёсат, ижтимоий ҳимоя, иш билан бандлик сиёсати, бандликка таъсир кўрсатувчи усуллар, меҳнат биржалари, иш билан бандлик хизмати.*

V боб. ИШЧИ КУЧИ БАНДЛИГИ БЎЙИЧА ТУРЛИ ХИЛ ЁНДАШУВЛАР ВА НАЗАРИЯЛАР

5.1. Классик ва неоклассик назариялар

Классик мактабнинг йирик намоёндаларидан Адам Смит ва унинг издоши Давид Рекардолар ўз таълимотларида бозор тизими ресурсларидан, шу жумладан, ишчи кучи ресурсларидан тўлиқ фойдаланишни таъминлашга қодирдир, деб ҳисоблайдилар. Бу борада француз олими Жан Батист Сей ҳам ўз қарашлари билан бир қатор масалаларда классиклар тутган йўлни тўғри, деб баҳолайди. Классик иқтисодчилар қўшимча равишда ўз хулосаларини асослаб, бу хулоса тўлиқ иш билан бандлик бозор хўжалиги учун норма, яна бир далил, нархлар ва иш ҳақи нисбатининг эластиклигидир, деб ҳисоблаганлар.

Сотиш мумкин бўлган маҳсулот ҳажми фақат умумий харажатлар даражасига эмас, шу билан бирга нархлар даражасига ҳам боғлиқ. Агар харажатлар 1000 АҚШ долларини ташкил этиб, нарх 10 АҚШ доллари бўлса, унга 100 та буюм сотиш мумкин эди, агар харажатлар 800 АҚШ долларига туширилса, у ҳолда 100 та буюмни 8 АҚШ долларидангина сотиш мумкин эди. Шу сабабли жамғармалар харажатлар ҳажмини, ишлаб чиқариш ҳажми ва бандликни камайтириб қолмай, шу билан бирга, нархларнинг қисқаришига ҳам олиб келади. Нархларнинг пасайиши эса ишлаб чиқариш харажатларининг, шу жумладан, иш ҳақи харажатларининг ҳам пасайишини талаб қилади. Корхона эгалари ҳақ тўлаш ставкаларини пасайтирадilar. Ишсизлар томонидан бўладиган рақобат эса уларни бунга рози бўлишига мажбур қилади. Бошқа товарлар нархларининг пасайиши ҳам бунга таъсир қилади.

Шу тариқа классик иқтисодчилар мажбурий ишсизликнинг бўлиши мумкин эмас, деган хулосага келганлар. Бозор тартибининг бундай омиллари, чунончи, фоиз ставкаси ва нархлар, иш ҳақи нисбатининг эластиклиги тўлиқ бандликни сақлаб туришга қодирлар. Давлатнинг бу соҳадаги ёрдами фақат ортиқча бўлиб қолмасдан, шу билан бирга зарарли ҳамдир.

XIX аср охирларида классикларнинг издошлари уларнинг қарашларини ривожлантириб, иқтисодий назариянинг неоклассик йўналишларини ифодалаб бердилар. Бу йўналишларнинг асосчиси *Альфред Маршалл* (1842–1924) бўлди. Унинг бозор нархи тўғрисидаги, тадбиркорлик, истеъмолчилик хулқ-атвори ва бошқалар тўғрисидаги янги назарий қоидаларидан ҳозирги вақтда фойдаланиб келинмоқда. А. Маршалл талаб ва таклиф тартибга солиш иш билан бандликни таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган. Шу билан бирга, у бутун талабни пировард тартибга солувчи нарса истеъмолчилар талаби бўлиб, уни тартибга солиш бозор томонидан ўз-ўзидан амалга оширилади, деб ҳисоблаган.

Неоклассик назариянинг бошқа вакиллари каби А. Маршалл ҳам юқори иш ҳақи муқаррар равишда иш билан бандликни камайтиради ва ишсизликни оширади, деб ҳисоблаган. Буни асослаш учун у “энг кам унумдорлик назарияси”дан фойдаланган.

Унинг асари пайдо бўлган вақтда ишсизлик даражаси унчалик катта бўлмаган ва иш билан бандликнинг беқарорлиги у қадар кескин муаммо ҳисобланмаган. “Иш билан бандликнинг беқарорлиги, деб ёзган эди Маршалл, катта мусибат бўлиб, ҳақли равишда жамоатчиликнинг эътиборини жалб қилади. Бироқ у сабаблар йиғиндисига кўра, ҳақиқатда қандайлигидан анча катта туюлади... Иш билан бандликнинг беқарорлиги умуман ортиб бормоқда, деб ҳисоблаш учун етарли асослар йўқ”. У бозор иқтисодиётини ўз-ўзидан тартибга келадиган иқтисодиёт деб ҳисоблаб, иш билан бандликнинг давлат томонидан тартибга солинишига зарурат йўқ, деб билган.

Артур Пигу (1877–1955) Маршаллнинг издоши ва шогирди бўлган. Унинг иш билан бандлик соҳасидаги асосий асари – “Ишсизлик назарияси” 1933 йилда чиққан. Бу асарда иш билан бандлик тўғрисидаги классик назариянинг асосий қоидалари анча тўлиқ баён қилинган эди. Пигунинг фикрича, ишсизликнинг сабаби иш ҳақининг юқори даражасидир, иш ҳақининг қисқариши эса иш билан бандликни оширади, чунки ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради ва қўшимча ишчиларни ёллаш учун имконият

яратилади. Ишлаб чиқариш харажатларининг камайиши, унинг фикрича, товарлар нархининг умумий равишда пасайишига ва иш ҳақи ҳисобига тирикчилик ўтказмайдиган аҳоли гуруҳларининг харид қилиш қобилиятини оширишга олиб келади, бу эса қўшимча талабни вужудга келтиради, мазкур талаб ишлаб чиқариш ва иш билан бандликнинг кенгайишини рағбатлантиради.

Иш билан бандлик ҳажмини белгиловчи бошқа омил, Пигунинг фикрича, меҳнатга бўлган ҳақиқий талаб функциясидир. Пировардида у қуйидагича хулосага келади: “Ёлланма ходимлар орасида мутлақо эркин рақобат мавжуд бўлганда ва мутлақо ҳаракатчан меҳнат мавжуд бўлганда, алоқа хусусияти (ходимлар талаб қиладиган реал иш ҳақи ставкалари билан меҳнатга бўлган талаб ўртасидаги алоқа) жуда оддий бўлади. Ҳамма иш билан банд бўлиши учун иш ҳақи ставкалари билан талаб ўртасида ана шундай нисбат ўрнатилишига кучли интилиш доимий равишда амал қилади”.

Пигу “ихтиёрий ишсизлик назарияси” тарафдори бўлган, унга мувофиқ, ишчиларнинг ўзлари ихтиёрий равишда ўзларини ишсизликка маҳкум этадилар, талаб ва таклиф натижасида бозорда вужудга келадиган “нормал” иш ҳақи учун ишлашга рози бўлмайдилар.

5.2. Ж. Кейнс ва неокейнсчиларнинг иш билан бандлик назарияси

Жон Мейнард Кейнс (1883–1946) атоқли назарийчи ва бошқариладиган капитализм ва иш билан бандлик иқтисодий назариясининг асосчисидир. У ҳақли равишда XX асрнинг атоқли иқтисодчиси ҳисобланади. Унинг асосий асари “Иш билан бандлик, фоииз ва пулнинг умумий назарияси” бўлиб, 1936 йилда босилиб чиққан. Ушбу асарда иш билан бандлик муаммолари таҳлил қилинган бўлиб, унда, таҳлилнинг пировард мақсади – иш билан бандлик даражаси нима билан белгиланиши қайд этилган.

Китоб “буюк турғунлик” йилларида яратилган бўлиб, бу вақтда ишсизлик мисли кўрилмаган даражага етиб, дунёдаги асосий капиталистик мамлакатларни қамраб олган эди. 1933 йилга келиб

АҚШда қайд этилган ишсизлик даражаси 25 фоизга, Англияда 22 фоизга етган эди. Бундай ҳолатни классик назария қоидалари билан тушунтириб бўлмасди. “Биз яшаб турган жамиятнинг энг катта иллатлари, – деб ёзган эди Кейнс, – унинг тўлиқ иш билан банд бўлишни таъминлашга қодир эмаслиги, шунингдек, унинг бойлик ва даромадларни ихтиёрий равишда ҳамда адолатсизлик билан тақсимлашидир”¹⁶.

Кейнс назариясининг асосини самарали талаб тамойили ташкил этади. Унинг ҳисоблашича, корхона эгалари талаб билдирадиган N меҳнат харажатлари ҳажми жамиятнинг истеъмолга қиладиган харажатларига (D_1) ва янги инвестицияларга қилинадиган харажатларга (D_2) боғлиқ. $D_1 + D_2$ – самарали талабдир, иш билан бандлик эса *самарали талабнинг* функцияси ҳисобланади. Унинг назарида, бозорга асосланган капиталистик такрор ишлаб чиқаришнинг муҳим муаммоси бозорнинг ҳажми, унинг товарлар таклифи кўпайишига мувофиқ кенгайиб бориш имкониятидир.

Классик иқтисодчилар Сэй ва Рикардо замонларидан бошлаб таълим бериб келган нарсаларни, яъни таклиф талабни вужудга келтиради, деган фикрни инкор қилиб, уларнинг бир-бирига мос келмаслигини асосладилар, самарали талабнинг умумий миқдорини кўпайтириш зарурлигини таъкидладилар. Фақат самарали талабгина ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва миллат фаровонлигини оширишга олиб келади. Самарали талабнинг етишмаслиги ишлаб чиқариш қувватлари иш билан тўлиқ таъмин этилмаслигига, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари пасайиб, танглик ҳолатларига ва ишсизликка олиб келади. Давлат талабнинг умумий ҳажмига таъсир кўрсатиши лозим. У талаб ҳажмини кенгайтириш билан ишсизликнинг камайишига ёрдам беради, дейди Кейнс.

Кейнс ўз таҳлиллари натижасида келган хулоса: унга замондош бўлган жамият, яъни бозорга асосланган капиталистик хўжалик иқтисодиётидаги мувозанатни ўз-ўзидан механизмига эга эмас. Шунга асосланиб, у давлат иқтисодиётни тартибга солиши, аввало,

¹⁶ Мальтус М., Кейнс Д., Ларин Ю. Антология экономической классики. –М., 1993, 424-б.

самарали талабнинг лозим даражадаги ҳажмини таъминлаши зарур, деган хулосага келади. Кейнс иқтисодий фанда биринчи бўлиб капиталистик бозор хўжалигини тартибга солиш масаласини қўйди, унинг зарурлигини ва асосий йўналишларини белгилаб берди, улар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Кейнс Ғарб иқтисодчилари орасида биринчи бўлиб, *ноилож ишсизлик* тўғрисидаги тасаввурни батафсил ишлаб чиқди, у бундай ишсизлик ялпи самарали талаб етишмаслиги оқибатида келиб чиқади, деб хулоса қилди.

Самарали талаб тўғрисидаги тасаввур Кейнс назариясидаги энг муҳим жойдир. Агар ялпи талаб тадбиркор кутган даражадан пастрокқа тушса ва шу сабабли ишлаб чиқариш харажатларини қоплашнинг имкони бўлмаса, деб таъкидлаган эди Кейнс, ишлаб чиқариш қисқариши рўй беради, бу эса ишсизликка олиб келади. Аксинча, ялпи талаб кутилган даражадан юқорироқ бўлса, ишлаб чиқариш туртки олади. Мувозанат ўрнатилишига олиб келадиган ялпи талаб даражаси самарали ҳисобланади.

Ноилож ишсизлик ва тўлиқ иш билан бандлик кейнсча тушунилишининг коррелятори бўлади. Кейнснинг фикрича, тўлиқ иш билан бандлик – ноилож ишсизлик нолга тенг бўлган ҳолатини акс эттиради. Бундай ҳолатга, иш билан банд одамлар сони самарали талабнинг қўшимча кенгайишига жавобан ҳеч ўзгармайдиган бўлганида эришилади, деб ҳисоблар эди Кейнс.

Шундай қилиб, Кейнснинг бош ғояси ялпи талабнинг (умумий харид қобилиятининг) фаоллаштирилиб рағбатлантириши орқали товар ва хизматлар ишлаб чиқарилиши ва таклифга таъсир этиш, иш билан бандлик даражасини ошириш фикридан иборат. Кейнс назариясининг аҳамияти иқтисодий ривожланиш таҳлилига анъанавий ёндашувларни шунчаки кўриб чиққанликда эмас, балки умумлашма категориялар сифатида реал иқтисодий кўрсаткичлар функционал боғлиқлиги ва ўзаро алоқалари тадқиқ қилинишининг умумназарий негизларини яратиш, уларнинг иқтисодий ривожланишининг бориши ва тенденцияларига таъсирини кўрсатиб беришдир.

Кейнс ғоялари кўпгина иқтисодчиларнинг, чунончи У. Бевериж, Р. Солоу, Д. Стрейчи, А. Хансен, Д. Робинсон ва бошқа бир қатор иқтисодчилар асарларида ривожлантирилди. Инглиз иқтисодчиси У. Бевериж Кейнснинг издоши бўлиб, у иқтисодиётнинг давлат томонидан янада фаолроқ ва бевоситароқ тартибга солиниши тарафдори эди. Бевериж II жаҳон уруши вақтида ана шундай тартибга солиш тажрибасига таянди ва йирик саноатнинг муайян қисмини давлат ихтиёрига олиш, ташқи савдо устидан ҳар томонлама назорат ўрнатишни таклиф этди. Энг асосийси эса, капитал маблағлар, шу жумладан, хусусий маблағлар устидан назорат ўрнатиш бўлиб, бундан кўзланган мақсад – давлат бюджети барча капитал маблағларни ўз ичига олиши, улар тўлиқ иш билан бандлик учун зарур бўлган иш ўринларини сақлаб қолиш ва янгиларини ташкил этишни таъминлаши лозим эди.

II жаҳон уруши арафасида ва шундан кейин орадан 25 йил ўтгач, тартибга солинадиган капитализм тўғрисидаги Кейнс назарияси дунёда ҳукмрон бўлиб қолди. У капиталистик мамлакатлар иқтисодиётининг янада барқарорроқ ривожланишига, улар аҳолиси турмуш даражасининг ортиши ва ишсизликнинг қисқариши, иш билан бандликнинг кўпайишига, ижтимоий тўловлар ва имтиёзларнинг кенгайиши ҳамда ижтимоий низоларнинг бирмунча осонроқ бартараф этилишига имкон берди.

5.3. Ҳозирги замон неоклассик назарияларида иш билан бандлик масалалари

Кейнс назарияси ҳам 70-йилларнинг охирларига келиб, инқирозга учрай бошлади. Бу назарияга мувофиқ жами харажатларнинг ўсиши ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиради, бу билан ишсизликнинг ортиб бориши бирмунча пасайтирилади ва нархларнинг ортиши содир бўлмайди. Урушдан кейинги йилларда (то 70-йилларга қадар) капиталистик мамлакатларнинг ривожланиши бу қоидаларни тасдиқлади – ишсизлик ва инфляция камдан-кам ҳолларда бирга содир бўлди. Бироқ жаҳон иқтисодий ривожланишининг бориши 70-

йилларда юқори инфляциясига олиб келди, у ривожланган мамлакатлар иқтисодий ҳаётининг доимий омилига айланиб қолди.

Инглиз профессори А. Филлипс инфляция ва ишсизликнинг бир-бирига боғлиқлигини эмпирик тарзда (тажрибага асосланиб) таҳлил қилар экан, у инфляция суръатлари билан ишсизлик даражаси ўртасида тескари пропорционал ўзаро боғлиқлик борлигини аниқлаган. У ана шу боғлиқликни “оддий ёки илк” эгри чизик шаклида тақдим этган. Кейинчалик унга тузатиш киритилиб, унинг шарафига *Филлипс эгри чизиги* деб аталган.

Филлипснинг фикрича, инфляциянинг катта даражасига ишсизликнинг камроқ даражаси мос келади ва аксинча, юқори даражадаги иш билан бандлик фақат юқори инфляция шароитидагина бўлиши мумкин. Иқтисодий сиёсатни белгиловчи ва амалга оширувчи давлатдан, одамларнинг вазифаси энг оптимал муқобил ечимни танлашдан иборат. Бу ерда мазкур масала бўйича олимларнинг фикрлари бир-биридан фарқ қилади. Айримларнинг фикрича, инфляциянинг анча юқори даражаси ва ишсизликнинг бирмунча камроқ даражаси яхшироқ экан. Бироқ инфляциянинг ортиши аҳолининг барча қатламларига дахлдор бўлади ва кўпчиликнинг турмуш даражасини ёмонлаштиради, ҳолбуки ишсизлик кучли зарба берса ҳам, ҳаммага тааллуқли бўлмайди.

Монетаристлар. 60-йилларда Филлипс эгри чизигидан сиёсатчилар иқтисодий стратегияни танлаш, яъни ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган икки мушкул нарсадан энг камроғини танлаш асосида фойдаланиб келганлар.

Бироқ 70-йиллардан эътиборан кўпгина ривожланган мамлакатларда ишсизликнинг ортиши нархларнинг ошиши билан боғлиқ равишда содир бўлди: стагфляция муаммоси вужудга келди. Филлипс эгри чизиги ишсизлик ва инфляциянинг ўзаро муносабатидаги реал вазиятни ифодаламай қўйди. Ишсизлик ва инфляцияга қарши кураш Кейнс ва унинг издошлари тасаввур қилганидан ҳам мураккаброқ муаммо эканлиги кўпчиликка маълум. Ўзларининг классик нуқтаи назарларида турувчи турли илмий оқимлар кейнсчиликка қарши чиқдилар. Улар *неоконсерватизм*

номини олган йўналишни ташкил этдилар. Неоконсерваторлар орасида етакчи ўринни *монетаристлар* эгаллайдилар.

Монетаризм йўналишининг асосчиси америкалик иқтисодчи Милтон Фридман ҳисобланади. М. Фридман замонавий янги классик йўналишнинг асосий намоёндаларидан биридир. Ушбу йўналиш доирасида таклиф этиладиган баъзи ёндашувларга тўхталиб ўтамиз.

“Ишсизликнинг табиий меъёри” тўғрисидаги гипотеза тўлиқ ва иш билан бандлик даражасини аниқлашнинг монетаристик версиясидир. Бунда, меҳнатга лаёқатли аҳолининг тўлиқ иш билан бандлигининг умуман иложи чегараланган бўлади. Ҳатто конъюнктура ниҳоятда қулай бўлган тақдирда ҳам ходимларнинг бир қисми ўз мамлакатларини қайтадан оширишига зарурат пайдо бўлади, чунки айрим касблар шунчаки йўқ бўлиб кетиши ҳам мумкин, бундан ташқари, одамлар у ёки бу сабабларга кўра яшаш жойларини ўзгартиришга мажбур бўладилар ва ҳоказо.

Бир қатор иқтисодчиларнинг фикрича, 4-5 фоиз доирасидаги ишсизликни иқтисодий жиҳатдан қониқарли, табиий деса ҳам бўлади ва уни ижтимоий таъминлаш муаммоли бўлмайди. Улар мазкур шароитда иш билан бандлик даражасига мувофиқ келадиган ишсизлик меъёрини табиий деб ҳисоблайдилар. Бунинг маъноси шуки, табиий ишсизлик ишчи кучига бўлган талаб билан қатъий белгиланади.

М. Фридман, ҳар қандай чоғда ҳам реал иш ҳақи ставкалари таркибидаги мувозанатга тўғри келадиган ишсизликнинг қандайдир даражаси мавжуд бўлади, деб таъкидлайди. Ишсизликнинг ушбу даражасида реал иш ҳақи ставкалари муайян “меъерий” суръатда, яъни капитал ҳосил қилиниши, техникавий янгиликлар киритилиши ва бошқа жараёнлар ўзининг узоқ вақтли траекторияларида қолаверган сайин узлуксиз сақланиши мумкин бўлган суръатда ошиш тенденциясига эга бўлади. Башарти, сиёсатчилар иш билан бандликни унинг мазкур шароитидаги табиий меъеридан юқори даражагача оширишга уринсалар, нархларнинг ошиши бунга биринчи жавоб бўлади.

Ишсизликнинг “табиий меъёри” тўғрисидаги назариясининг асосий заифлиги у меҳнат бозорида ҳам, товар бозорида ҳам мукамал рақобат бўлади, пулли иш ҳақи динамикаси инерциал бўлиб, уни секинлаштириб бўлмаган тақдирда нархларнинг кутилаётган ўсиши ҳақиқий ўсиш билан тўғри келиши (Фридманнинг фикрича, бу иш билан банд эмаслик “табиий” даражасининг белгиси бўлади) ишсизликнинг бир меъёрида эмас, балки ғоят хилма-хил меъёрларида ҳам рўй бериши мумкин, яъни бунинг учун ишчи кучи бозорида мувозанатли вазият бўлиши шарт эмас, деб ҳисоблашади.

Янги классиклар ишсизликнинг ноиложданлигини инкор этадилар ва камбағалликка қарши кураш дастурларини тан олмайдилар. Уларнинг фикрича, ишсизлик кўпинча кўнгилли тусда бўлади ва ишни “эркин танлаш” натижасида юзага келади: ишдан бўшатилган одамлар касбларини, яшаш жойларини алмаштиришни хоҳламайдилар ва камайтирилган меҳнат ҳақиға розилик бермайдилар. Баъзида ушбу йўналиш намояндалари энг кам иш ҳақи даражасини пасайтириш ва ишсизлик юзасидан бериладиган нафақаларни қисқартириш тарафдори бўлиб чиқадилар, чунки шу йўл орқали иш билан бандлик даражаси ошади, деб ҳисоблайдилар.

Фридман ҳукуматининг кам ҳақ олиб ишлайдиган ва ижтимоий жиҳатдан заиф ҳимоя қилинган аҳоли қатламларига ёрдам кўрсатишга қаратилган ижтимоий чора-тадбирларига қарши чиқиб, уни самарасиз деб ҳисоблайди. Иқтисодиётни тартибга солувчи асосий восита пул деб ҳисоблайди. Шунинг учун инглизча “ моне ” сўзи пул маъносини берганлиги учун, бу йўналиш иштирокчиларини монетаристлар номи билан атаганлар. Фридман асарларининг кўпчилик қисми пул муаммосига, пул муомаласига, кредит-пул сиёсати стратегиясига бағишланган. Кейнсга қарама-қарши ўлароқ, монетаристлар бюджет ва солиқ тартибига қарши чиқадилар ва умуман. давлат томонидан тартибга солувчи нарсалар энг кам миқдорга келтирилиши керак, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг асосий ғояси – иқтисодиётнинг аҳволи ва конъюнктуранинг ҳолатидан қатъи назар, пулнинг барқарор эмиссиясидир. Фридман пул қондасининг моҳияти, муомаладаги пулнинг ҳар йилги кўпайиш фоизи ички

миллий маҳсулотнинг ҳар йилги ўсиш фоизи билан мос келиши лозим, бунда нархларнинг ўсиши ҳисобга олиниши керак.

Монетаристлар эркин қувватлар ва ишчи кучи мавжуд бўлган пул массасининг ўсиши нархларнинг ўсишига олиб келмайди, деб ҳисоблайдилар. Монетаризмнинг ижобий таъсири пулнинг оламига таъсир кўрсатиш механизмини, пул сиёсатининг иқтисодиёт ривожига таъсир кўрсатишини батафсил тадқиқ қилишдан, давлат бюджетини баланслаш зарурлигини асослаб беришдан иборат.

Юқорида айтилганлардан ҳозирги вақтда иқтисодий тафаккурнинг икки асосий йўналиши: бир томондан, классик ва неоконсерватив (монетаристик) йўналиш, иккинчи томондан, кейнсчилик ва некейнсчилик йўналиши мавжуд. Биринчи йўналиш эркин бозорни сақлаб қолиш ва жами таклифни кенгайтириш зарурлигини ёқлаб чиқса, иккинчи йўналиш жами талабни ривожлантириш ва давлатнинг иқтисодий ролини, унинг тартибга солувчи вазифасини кучайтиришни ёқлаб чиқади.

Неоклассик синтез. Кейинги ўттиз йил мобайнида кўпгина олимлар бир вақтнинг ўзида бозорни тартибга солишдан ва унинг давлат томонидан тартибга солинишидан ўзаро боғлиқ равишда фойдаланиш зарур, деган хулосага кела бошладилар. Шу тариқа *неоклассик синтез* мактаби вужудга келди. Унинг асосчиси ва атоқли вакили америкалик олим *Пол Самуэльсондир*. Унинг икки жилддан иборат “Иқтисодиёт” дарслиги (унинг кейинги нашри ўзбек тилида 1996 йилда чиққан) жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг талабалари учун узоқ йиллардан буён асосий иқтисодиёт китоби бўлиб хизмат қилмоқда.

П. Самуэльсон унда қуйидагича ёзган эди: “Ҳозирги вақтда Ғарбдаги иқтисодчиларнинг кўплари биз бу китобда неоклассик синтез деб атаётган нарсаларга эришишга интилоқдалар, яъни улар самарали кредит-пул ва хазина сиёсати йўли билан Смит ва Маршаллнинг классик макроиқтисодиётини даромад даражасини аниқлашнинг замонавий макроиқтисодиёти билан бирлаштиришга, ҳар икки ёндашувдаги барча соғлом нарсаларни бирга қўшиб олиб

боришга уринмоқдалар”¹⁷. Шу ернинг ўзида у умумий эътирофга кўра иқтисодчилар классиклар далилларини хаддан ташқари соддалаштирилган ҳамда XIX–XX асрлар ҳаёт далилларига жавоб бермайди, деб ҳисоблашларини таъкидлаб ўтган. Эркин оламда ҳукуматлар ва марказий банклар ўзлари хазина сиёсати (харажатлар ва солиқлар) ва пул-кредит сиёсати қуролига эга эканликларини, улар ёрдамида миллий даромад ва иш билан бандликни белгилаб берувчи омилларга таъсир этишлари мумкин эканлигини кўрсатдилар. Неоклассик синтезнинг йўналиши тадқиқотлар мавзуларининг кенглиги ва амалий хусусиятга эга эканлиги, иқтисодий ўсишга, ишсизликни ва уни тартибга солиш усулларини таҳлил қилишга доир муаммоларни чуқур ўрганиш, умумий иқтисодий мувозанат назариясининг яратилиши билан ажралиб туради. Унинг тарафдорлари иқтисодий-математик алоқалар усулларини ишлаб чиқишга катта эътибор берадилар, иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиниши бозорни тартибга солишга нисбатан катта аҳамиятга эга, деб ҳисоблайдилар.

Неоклассик синтезнинг бошқа намоёндаларидан “Экономикс” дарслигининг муаллифлари Кэмпбелл Р. Макконелл ва Стэнли Л. Брюларни алоҳида кўрсатиш мумкин. Улар бу дарсликда ҳам классик ва неоконсерватив (асосан, монетаристик) назарияни ҳамда Кейнс назариясини батафсил ва аниқ баён қилиб берганлар. Шу билан бирга бу баён қилиш кўпинча у ёки бу масалага оид турли назарияларни қиёслаган ҳолда берилади. “Экономикс” китобининг муаллифлари ёзишича, “иқтисодчиларнинг кўпчилиги ҳам кейнсчиликка, ҳам монетаризмга хос бўлган ишонарлиликни эътироф қилишга тайёрдир. Ҳар икки назария фойдали схемалардан иборат бўлиб, макроиқтисодиётни таҳлил қилиш имконини беради”¹⁸. Уларнинг фикрича, кейнсчилар ва монетаристларнинг баҳслари барча йўналишлардаги иқтисодчиларни макроиқтисодий назариянинг

¹⁷ Самуэльсон П. Экономика. Т.2. –М., 1992. 343-б.

¹⁸ Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс. Принципы, проблемы и политика. Т.1. –М.: Республика, 1992. 334-б.

айрим энг фундаментал жиҳатларини қайта таҳлил қилишга мажбур этди ва муҳим муросаи мадорага келинди.

Олимлар ва амалиётчилар хазина ҳамда кредит-пул сиёсатини мувофиқлаштириш зарурлигини англаб етдилар. Бундан ташқари, барча йўналишлардаги иқтисодчилар эндиликда жами талабни ҳам, жами таклифни ҳам таҳлил қилишга эътибор бермоқдалар.

5.4. Иш билан бандликнинг ҳозирги замон назарияларидан фойдаланиш

Турли мамлакатларда ва турли вақтларда иқтисодий сиёсатни, шу жумладан, иш билан бандлик сиёсатини ишлаб чиқишда ҳар хил назариялардан фойдаланилган. Бироқ 30-йилларда рўй берган энг кучли жаҳон инқироzi давридан бошлаб кейнсчилар назарияси устун назария бўлиб қолди, деб айтиш мумкин. У АҚШ президенти Ф. Рузвельт томонидан мамлакатни чуқур тангликдан олиб чиқишда ва оммавий ишсизликни бартараф этиш чораларини кўришда фойдаланилди.

Иш билан бандликнинг янги микроиқтисодий назарияси ишчи кучи бозорини ички томондан бир хил бўлмаган ва ниҳоят даражада динамик тарзда ўзгарувчан, ҳаракатчан тизим деб ҳисоблайдиган янги назарияни акс эттиради. Динамик ёндашувни ишлаб чиқиш, аввало, М. Фелдстейн, Ч. Холт, Ч. Перри тадқиқотлари билан боғлиқ. Бу муаллифлар ишсизликдан, одатда, оила боқувчиси ҳисобланмаган хотин-қизлар ва ёшлар кўпроқ жабрланишини кўрсатиб бердилар. Илмий истеъмолга янги кўрсаткич – тугалланган ишсизликнинг ўртача муддати, яъни ишсизликнинг бошланишидан охиргача бўлган муддати киритилган эди. Одатда, бу муддат кўпи билан бир-бир ярим ойни ташкил этиши аниқланди.

Динамик ёндашув тарафдорлари таҳлил қилиш учун ишсизлик турларини ишчи кучи бозоридаги ишчи кучи оқимлари нуқтаи назаридан таснифлашни қўлладилар. Бу муаллифлар ишсизликни умуман эмас, балки ишчи кучининг ҳар бир алоҳида тоифасига нисбатан тушунтириш, ишчи кучи бозоридаги ҳар бир оқимга

тегишли бўлган ўзига хос сабаблар ва иш билан банд эмаслик манбаларини қидириб топиш лозим, деб ҳисоблар эдилар.

Ишсизлик муаммосини улар ишчи ўринлари сурункали равишда етишмаслигига эмас, балки кўплаб кишиларнинг олинган иш ўрнида узоқ сақланиб қола олмасликларида деб билган эдилар. Бу иқтисодчилар солиқларни камайтириш, ишсизлик юзасидан бериладиган нафақалар миқдорини қисқартириш, қонунда белгиланган энг кам иш ҳақи даражасини бекор қилиш ёки пасайтириш, ишчи кучи бозоридаги ахборот тизимини такомиллаштиришни жамиятнинг иқтисодиётга таъсир этиши чоратадбирлари сифатида таклиф этдилар.

Мувозанат моделлари, тозаланмайдиган бозорлар парадигмаси *иш билан бандлик янги макроиқтисодий назариясига* киради. Ушбу концепциялар ишсизликка узоқ давом этадиган ўзгармас мувозанатсиз феномени деб қарашни акс эттиради. Бу концепцияларда ишсизлик айрим хўжалик бозорларининг умумий мувофиқлаштирилмаганлиги билан изоҳланади. Кейнс назариясидагидек, фақат ишчи кучи бозоридагина эмас, балки, шунингдек, товар бозорига ёйилган нархлар қатъийлиги ва ўзгармаслиги мувозанатсизлик моделларининг умумий шарт-шароити бўлади.

Ҳар икки бозорда нархлар қай даражада ҳосил бўлишига қараб иқтисодиёт қуйидаги тартиблардан бирида бўлади: кейнсча ишсизлик тартиби, бостирилган инфляция тартиби (умумий ортиқча талаб билан таснифланади), классик ишсизлик тартиби (юқорида номи тилга олинган икки тартиб ўртасидаги оралиқ тартиб деб ҳисобланади ва ишчи кучи бозоридаги таклифнинг ортиқчалиги ва товар бозоридаги товарнинг ортиқчалиги билан таснифланади), чала истеъмол тартиби (товар бозоридаги талабнинг етишмаслиги ва ишчи кучи бозоридаги таклифнинг етишмаслиги билан таснифланади), вальрасча мувозанат (бу тўрт тартибнинг туташган нуқтаси бўлади: бунда бозорларнинг бирортасида ҳам на ортиқча талаб, на ортиқча таклиф бўлмайди, битимлар мувозанатли нархлар бўйича амалга оширилади).

Шартномавий иш билан бандлик назарияси 70-йилларнинг ўртасида пайдо бўлди. Деярли бир вақтда ушбу назарияни Д. Гордон, М. Бейли ва К. Азариадислар олдинга сурдилар. Ишчи кучи бозоридаги субъектларнинг цикли хатти-ҳаракатини ушбу субъектлар ўз иқтисодий манфаатлари йўлида ҳаракат қиладилар деган фундаментал аксиома билан келиштиришга уриниш шартномавий назариянинг бошланғич негизини ташкил этади. Ушбу назария муаллифларининг нуқтаи назаридан қараганда муносабатларнинг шартномавий табиатга эга эканлиги ишчи кучи бозоридаги субъектларни, ҳатто улар ёзма шартнома тузмаган тақдирларида ҳам ўзаро боғлайди. Шунчаки ушбу ҳолда шартнома “имплицитли” бўлиб қолади, яъни очиқ-ойдин, юридик жиҳатдан расмийлаштирилган бўлмайди, шундай бўлса-да, унинг шартларига томонлар риоя этишга интиладилар, чунки бу ўзаро манфаатдорликка олиб боради.

Институционал йўналиш. Мазкур йўналиш намояндалари сиёсат, мафкура, ҳуқуқ ва психологияни меҳнатга жорий қилиш ва ишга туширишининг иқтисодий шарт-шароитлари ва қонунларига нисбатан ҳал қилувчи омиллар, деб қарайдилар. Бу муаллифлар макроиқтисодий таҳлилдан четлашадилар, ишчи кучи бозори табиатининг айрим тармоқларини, профессионал ва демографик гуруҳлар динамикасининг хусусиятлари билан изоҳлашга уринадилар. Хусусан, Адам, Шредер, Лейн янги классикларнинг қарашларини рад этиб, тўлиқ иш билан бандликни меҳнат қилишни хоҳлайдиган ҳар қандай киши иш топиши, шу жумладан, тўлиқ иш кунига иш топиши мумкин бўлган ҳолат, деб таърифлайдилар. Адам, ўз навбатида, социализмдаги “ортиқ даражада иш билан бандлик” ёки “яширин ишсизлик” оқибатидаги талафотларни Ғарб мамлакатларидаги ишсизлик оқибатидаги талафотлар билан таққослаб, “ҳаддан ортиқ иш билан бандлик” ёки мақбул даражада сақланар экан, ўринли ҳисобланади, деган хулосага келади. Маънавий ва руҳий жиҳатдан оғир юк ҳисобланадиган ишсизлик иқтисодий жиҳатдан қандай юк эканлигини гапирмаса ҳам бўлади, у жамиятда

қимматга, эҳтимол, ҳатто тўлиқ иш билан бандликни тиклаш ва сақлашдан ҳам қимматроққа тушади.

Шундай қилиб, ишсизликни ялпи талаб етишмаслиги оқибатида ноилождан рўй берадиган ҳодиса деб тасаввур қилиш (Кейнс) ва меҳнат таклифининг иш ҳақи даражасига боғлиқлиги, иш ҳақи оширилмаслиги инфляцияни пасайтириши ҳамда ишлаб чиқариш шароити ва иш билан бандликка ижобий таъсир этиши тўғрисидаги тасаввурдан иборат икки қарама-қарши тенденция иш билан бандлик назариясида ҳамон мавжуд. Иш билан бандлик баъзи концепцияларининг юқорида келтирилган қисқача шарҳи Ғарб мамлакатларида иш билан бандлик муносабатларини тартибга солиш борасида тўпланган тажриба тўғрисида ва ушбу тажрибани Ўзбекистонда қўлланиш мумкинлиги ҳақида тасаввур беради.

Қисқача хулосалар

Бозор иқтисодиёти шароитида ишчи кучи бозори ва иш билан бандлик борасида турли назарий ёндашувлар ва назариялар бор. Жумладан, неоклассик, Кейнсча, монетарча, ҳозирги замон назариялари ва бошқалар.

Ғарб иқтисодий назариясида ишчи кучи бозорига турли ишлаб чиқариш захираларидан бири сотиладиган бозор деб қаралади.

Кейнс ва монеторчилар ишчи кучи бозори ва иш билан бандлик масаласига бошқача ёндашадилар. Кейнсчилар фикрича, бозор иқтисодиёти шароитида тўла бандликни кафолатловчи ҳеч қандай механизм мавжуд эмас. Мазкур назарияга кўра, бандлик даражасини ошириш ва реал ишсизликни камайтириш ташқи омилларга боғлиқ эмас. Аксинча, ишчи кучи бозорига фаол таъсир етказишни фақат ички омиллар, жумладан, инвестициялар ва омонат қўйилмалар орқали амалга ошириш даркор. Улар ишчи кучи бозорини автоматик тарзда тартибга солиш механизмини инкор этадилар.

Бу назарияга кўра, баҳо (иш ҳақи) бозорни тартибга солувчи эмаслиги туфайли у четдан киритилиши керак, деб айтилади. Бундай тартибга солиш ролини давлат бажаради. Айрим иқтисодчилар меҳнатга лаёқатли аҳолининг 97-98 фоизи ишласа тўлиқ бандлик

мавжуд, деб ҳисоблашади. Ишсизлик ва бандлик масалаларига Поль Самуэльсон, Мальтус, Оукен ва бошқалар ўз фикрларини билдиришган.

Назорат саволлари

1. Классик мактаб вакилларининг иш билан бандлик назариялари моҳиятини тушунтириш.

2. Неоклассик назариялар моҳиятини таърифлаб беринг.

3. Маршалнинг иш билан бандлик фикрларини баён қилиб беринг.

4. А. Маршалнинг издоши ва шогирдлари қарашларини таърифлаб беринг.

5. Кейнс ва неокейнсчиларнинг иш билан бандлик назариялари моҳиятини ёритиб беринг.

6. Самарали талаб нималарни билдиради?

7. Монетаристларнинг ғояларини тушунтириб беринг.

8. Ҳозирги замон неоклассик назариялари моҳиятини таърифлаб беринг.

9. Неоклассик синтез мактаби вакилларининг қарашларида нималар ўз аксини топган.

10. Шартномавий иш билан бандлик назарияси моҳиятини тушунтириб беринг.

Таянч тушунчалар: *классик мактаб намоёндалари, неоклассик назариялар, самарали талаб тўғрисидаги фикр, ноиллож ишсизлик ва тўлиқ иш билан бандлик, давлат иқтисодиётни тартибга солиши, ҳозирги замон неоклассик назариялари, Филлипс эгри чизиги, монетаристлар ғоялари, неоклассик синтез, шартномавий иш билан бандлик, сиёсий лоббин аралашуви.*

VI боб. ИЖТИМОЙ СОҶАНИНГ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ РОЛИ

6.1. Ижтимоий соҳа тушунчаси ва унинг ривожланиши

Маълумки мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев 2017 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Фармонга имзо чекди. Мазкур Фармон билан тасдиқланган “Ҳаракатлар стратегияси”да мамлакатимизнинг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши белгилаб берилди. Ана шу “Ҳаракатлар стратегияси”нинг тўртинчи устувор йўналиши “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” ҳисобланади ва бу соҳага тегишли кўплаб вазифалар белгилаб берилган. Президентимиз Ш. Мирзиёев томонидан 2019 йил “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб номланиши бежиз эмас. 2018 йил 28 декабрдаги Олий мажлисга мурожаатномасида таъкидлагандек, “Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз. Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратади. Буни ҳаммамиз чуқур тушуниб олишимиз ва ишимизни шу асосда ташкил этишимиз шарт.”¹⁹

Ҳукумат томонидан Олий Мажлисга тақдим этилган 2019 йилги Давлат бюджети лойиҳаси параметрлари ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 5,4 фоизга ўсиши, инфляция 15,5 фоиз бўлиши ҳисобидан келиб чиқиб прогнозлаштирилган. Унга кўра, 2019 йил Давлат бюджети даромадлари 102,6 трлн. сўмни (2018 йил нисбатан ўсиш 37,8 фоиз), харажатлари эса 107,1 трлн. сўмни (2018 йил нисбатан ўсиш 36,4 фоиз) ташкил этади. Тақчиллик эса 4,5 триллион сўм миқдорида бўлади.

Давлат бюджети лойиҳасида кўрсатилишича, харажатларнинг 54 фоизи ижтимоий соҳага, 26,5 фоизи таълимга, 13,1 фоизи

¹⁹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. Xalq so‘zi 29 dekabr. 2018 yil, N 270–271 (7198–7199)

иктисодиёт ва 11,3 фоизи соғлиқни сақлаш соҳаларига йўналтирилади. Давлат бюджети лойиҳасида прогнозланаётган харажатларнинг энг катта қисми – 54 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилади.²⁰

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг ПФ-4947-сонли 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида, аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш ва пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз кексалар ва аҳоли бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш йўналишлари кўрсатиб ўтилган.

Ижтимоий сиёсатда икки асосий йўналишни ажратиб кўрсатиш мумкин: аҳолини ижтимоий таъминлаш ва давлат ижтимоий кафолатлари. Ижтимоий таъминот пенсия таъминоти, нафақалар билан таъминлаш, аҳолининг айрим табақалари учун белгиланган имтиёзлар ва компенсациялар тизими ва ижтимоий хизмат кўрсатишни ўз ичига олади. Иккинчи йўналиш эса жамиятнинг бир меъёردа ривожланишини, яъни соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва соғломлаштириш, шунингдек, тураржойга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш билан боғлиқ.

Бу вазифани амалга ошириш ўз-ўзидан замонавий, юксак ривожланган хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил қилишни тақозо этади. Келгуси йил давомида ижтимоий сиёсатнинг самарасини ошириб бориш орқали бу соҳаларда юқори натижаларга эришиш кутилмоқда.

²⁰ kun.uz/uz/news/2018/12/05/molia-vazirligi-2019-jil-davlat-budzeti-lojiasidagi-harazatlar-taksimotini-takdim-etdi

Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий соҳа ходимларининг моддий неъматлар ишлаб чиқарувчи тармоқлар фаолиятига қўшаётган ҳиссалари юқори даражага кўтарилмоқда. Шунинг учун ҳам ижтимоий соҳани ривожлантиришга жамиятнинг ҳаддан зиёд моддий, меҳнат ва молиявий ресурслари сарфланмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳалари халқ таълими, соғлиқни сақлаш, санъат ва маданият, илм-фан, жисмоний тарбия ва спорт, илмий изланишлар, давлат бошқаруви, муҳофаза, маиший хизмат каби соҳаларни қамраб олади. Буларсиз жамият тараққиётини тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунки бу соҳа ходимлари меҳнатнинг умумий йўналиши инсон ва жамиятнинг ижтимоий, маънавий ривожланиши учун қаратилган.

Ижтимоий соҳа фаолиятининг тарихига мурожаат қилсак, дастлабки даврларда унинг инсоният тараққиётида эгаллаган улуши ниҳоятда озлигининг гувоҳи бўламиз. Ҳозирда иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши, аҳоли ижтимоий ва маданий эҳтиёжининг ривожланиши ижтимоий меҳнат тақсимоотида ижтимоий соҳанинг йирик тармоққа айланишга сабаб бўлди. Маълумотларга кўра, бу мамлакатларда ишга яроқли умумий аҳоли ўртача 70 фоиздан кўпроғи шу соҳаларда фаолият кўрсатмоқда.

Ижтимоий соҳанинг пайдо бўлиши ва келажакда ривожланиши унинг ижтимоий меҳнат тақсимоотидаги ўрнининг мустаҳкамланиб боришида ва мамлакатнинг иқтисодий ўсишида сезиларли таъсир кўрсатади. Бу соҳаларнинг махсуслашуви, йириклашуви, янги тармоқларнинг ташкил топиши иқтисодиётни бойитган ҳолда ишлаб чиқариш даражасининг ўсишини таъминлайди.

Хизмат кўрсатиш соҳаларининг йўналиши ва ривожланиш тавсифи, унинг таркиби ва алоҳида тармоқларнинг ривожланиш даражаси жамиятнинг иқтисодий қурилиши ва ижтимоий ишлаб чиқариш шакли билан аниқланади.

Республикамизда мустақилликка эришилган дастлабки кунларданок, асосий эътибор, ижтимоий соҳани ривожлантиришга, шу соҳада ишлаётган ходимларни бозор иқтисодиёти шароитида

ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилди. Айниқса, ижтимоий-маданий, илм-фан, жисмоний тарбия ва спорт соҳалари юқори даражада ривожланмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги даврда республикамиз халқи олдида турган ижтимоий-иқтисодий масалаларни ечишда ижтимоий соҳанинг ўрни янада ошиб бормоқда. Инсон омили ва меҳнат унумдорлигининг ошишида хизмат кўрсатиш соҳаларининг ўрни беқиёсдир. Бозор иқтисодиёти шароитида хизмат кўрсатиш соҳалари инсоннинг меҳнат қобилиятини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни ўстиришга таъсир қилиш билан чегараланиб қолмайди, унинг асосий мақсади ривожланган бозор иқтисодиётига ўз ҳиссасини қўшадиган, ҳар томонлама етук шахсни шакллантиришдан иборат.

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтишда халқ фаровонлигини ошириш ва уни янги сифат даражасига кўтаришни асосий вазифа қилиб қўйди. Бу вазифани амалга ошириш ўз-ўзидан замонавий, юксак ривожланган хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил этишни тақозо этади. Келгуси 5-10 йил давомида ижтимоий сиёсатнинг самарасини ошириб бориш орқали бу соҳаларда юқори натижаларга эришиш кутилмоқда.

Ҳозирги шароитда ижтимоий соҳа ижтимоий меҳнат тақсимооти тизими ривожланишида асосий ўринни эгаллайди. Моддий ишлаб чиқарувчилар билан бўладиган иқтисодий алоқаларда ижтимоий соҳанинг ўз ўрни бор. Улар меҳнат фаолиятлари билан ишлаб чиқарувчиларнинг ўз маҳсулотларини реализация қилишларида қатнашадилар.

Хизмат кўрсатиш соҳалари моддий ишлаб чиқариш билан боғланган. Моддий ишлаб чиқарувчилар хизмат кўрсатиш соҳалари меҳнати эвазига ўз меҳнатлари маҳсулотини алмаштириш орқали соҳа ходимларини яшаш воситалари ва меҳнат фаолиятларини материаллар билан таъминлайдилар.

Ижтимоий соҳа хизмати моддий неъматлар ишлаб чиқарувчиларнинг шахсий эҳтиёжи ҳисобланади. Такрор ишлаб чиқариш нуқтаи-назаридан соҳага шахсий истеъмолнинг қўшилиши

абсолют йўқ бўлиб кетишидан дарак бермайди. Акс ҳолда ноишлаб чиқариш соҳалари билан иқтисодий алоқалар тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас эди. Хизмат кўрсатиш соҳалари шахсий истеъмолга қўшиладиган такрор ишлаб чиқариш жараёнининг вужудга келишида объектив шароит яратиб беради. Чунки, биринчидан, бу соҳаларнинг баъзи тармоқлари хизмати ишчи кучи ишлаб чиқариш муомаласига киради ва ишлаб чиқариш жараёнида ишчилар томонидан такрор ишлаб чиқарилади. Иккинчидан, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш бўйича олинган шахсий истеъмол соҳаси ўзида умумий жараённи кўрсатади.

6.2. Ижтимоий соҳа иқтисодиётининг ўзига хослиги

Ижтимоий соҳа хизмати, биринчидан, ўзига хос иқтисодий қонуниятга эга: уларнинг қиймати бўлмайди, чунки қиймат яратиш учун моддий неъматлар барпо этилмайди, аксинча, хизмат кўрсатилади.

Иккинчидан, хизмат кўрсатиш соҳалари меҳнати моддий ишлаб чиқариш соҳалари меҳнатидан алоҳида томонлари билан фарқ қилади. Бу соҳа ходимлари алоҳида кишилар билан мулоқотда бўладилар, турли тоифа ва дидли кишилар саволига жавоб берадилар. Бу эса ходимлардан юксак сифатли касб маҳоратини талаб қилади.

Учинчидан, ижтимоий соҳани жойлаштиришда табиат омили моддий ишлаб чиқариш соҳаларини жойлаштиришдаги каби аҳамиятга эга эмас.

Хизмат кўрсатиш соҳаларининг асосий ишлаб чиқариш фондлари моддий ишлаб чиқариш меҳнат воситаларига ташқи кўринишдан ўхшаши мумкин. Иқтисодий моҳияти эса бир-бирига ўхшамайди, чунки моддий ишлаб чиқаришда меҳнат воситалари ўз қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга аста-секин ўтказиб бориб, амортизация ажратмаси сифатида ўз қийматини тикласа, ижтимоий соҳада истеъмол натижасида меҳнат воситалари ўз қийматини йўқотади ва моддий ишлаб чиқариш соҳалари томонидан яратилган миллий даромад ҳисобига улар қайта тикланади.

Тўртинчидан, хизмат кўрсатиш соҳалари меҳнатининг фақат оз миқдори механизациялаштирилади ва автоматлаштирилади. Шунинг учун ҳам ижтимоий соҳа моддий ишлаб чиқариш соҳаларидан меҳнат сиғимининг кўплиги билан фарқ қилади. Ижтимоий соҳада меҳнат ҳажмини кенгайтириш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, асосан, меҳнат ресурслари сонини кўпайтириш меҳнат ҳамда бошқаришни ташкил этишнинг тараққийлашган усуллари кўллаш орқали амалга оширилади.

Бешинчидан, хизмат истеъмол предмети ҳисобланади. Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳаларининг хизмати, асосан, бепул кўрсатилади. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида республикамизда ижтимоий соҳада маълум хизмат турлари пуллик кўринишда амалга оширилмоқда, лекин бундай хизмат кўрсатишда ҳам маълум доирадаги ижтимоий муҳофазага муҳтож тоифадаги одамларга маълум енгилликлар берилмоқда.

Бепул хизмат ижтимоий соҳанинг ижтимоий, маданий (таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва ҳ.к.) соҳалари хизматидир. Бу хизмат турларининг ривожланиши умумий истеъмол жамғармалари ҳисобидан олиб борилади. Пулли хизмат турларига уй-жой, коммунал хўжалиги корхоналари, маиший хизмат, алоқа, транспорт, саёҳат ва туризм, спорт, дам олиш соҳалари, ҳуқуқ ташкилотлари, қисман тиббиёт ва таълим тизимларидаги хизматлар киради.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида соғлиқни сақлаш, таълим, маданият соҳаларида ҳам ўз ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида бир қатор хизмат турлари пуллик хизмат кўринишида олиб борилмоқда. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатишни кенгайтириш товар массаси билан пул ресурсларини мувофиқлаштиришда асосий роль ўйнайди, чунки у аҳоли даромадларини мақсадли йўналтириш тармоқларини кенгайтиради.

Ижтимоий соҳада пуллик хизматлар жорий этлиш ва уларнинг тижорат борасидаги фаолиятларини ривожлантириш бюджет тақчиллигининг олдини олиш имкониятини беради.

Олтинчидан, ижтимоий соҳа хизматига кенг халқ оммаси мурожаат этишини, хизмат турларининг хилма-хиллигини кўрамиз.

Шунинг учун ҳам баъзи ҳудудларда бу соҳаларнинг хизмати “кўчма” равишда, яъни ўзлари қатнаб хизмат кўрсатишга мослаштирилган. Ижтимоий соҳанинг хизмати бевосита инсон омили билан боғлиқ. Шу сабабли бу хизмат соҳаларига тегишли муассасаларнинг ҳудудлараро жойлашуви кўп жиҳатдан демографик омиллар ва ишлаб чиқариш имкониятларига боғлиқ.

Еттинчидан, ижтимоий соҳанинг фаолият юритиши икки хил усулда молиялаштарилади:

- бюджет асосида;
- хўжалик ҳисобидан.

Саккизинчидан, хизмат кўрсатиш соҳалари ходимларига иш ҳақини тўлашни ташкил этиш ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ходимларнинг иш ҳақи манбалари бу соҳадан ташқари шаклланади: моддий ишлаб чиқариш ходимлари яратган миллий даромад ҳисобига ижтимоий соҳа ходимларининг иш ҳақлари миллий даромаднинг турли қисмларида ташкил топади, демакдир.

Хизмат кўрсаташ соҳалари ходимлари меҳнатига сон жиҳатидан баҳо бериш қийин, шунинг учун ҳам бу соҳа ходимларига иш ҳақи белгилашда меҳнат фаолияти самараси, вазифа тури, корхона тоифаси, маълумот даражаси ва меҳнат стажининг давомийлигига эътибор берилади. Шунингдек, бу соҳа ходимларига иш ҳақи тўлашда ягона ҳақ тўлаш жадвалидан фойдаланилади.

6.3. Ижтимоий соҳа таркиби

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатнинг давлат ва жамият ривожланиши истиқболини стратегик режалаштириш тизимига сифат жиҳатдан янги ёндашувларни бошлаб берди. Бешта устувор йўналишнинг бири “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” деб номланди ва унинг устувор йўналишлари белгиланди. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Ойлик ва маошлар, пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг босқичма-босқич ошиб борилиши;
2. Аҳоли бандлигини оширишнинг самарали усуллари;
3. Аҳолини арзон ва замонавий уй-жойлар билан таъминлаш;
4. Аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш;
5. Ижтимоий инфратузилмани модернизатсия қилиш;
6. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизими;
7. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш;
8. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш.

Ижтимоий ишлаб чиқариш, тақсимлаш, сотиш ва истеъмол қилиш бўғинларини умумлаштирувчи ягона халқ хўжалиги комплекси икки йирик тармоқдан: моддий ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларидан иборат. Шунинг учун ҳам халқ хўжалиги икки соҳа кўриниши билан чегараланади. Моддий ишлаб чиқаришга тарихан ва мантиқан қарайдиган бўлсак, моддий неъматлар яратиш инсоният тараққиётида асосий омил ҳисобланади. Алоҳида ноишлаб чиқариш турлари фаолиятининг ажралиб чиқиши эса ишлаб чиқариш кучлари даражасининг ривожланиши ва ижтимоий меҳнат тақсимоитининг бошланғич шаклидир.

Моддий ишлаб чиқаришнинг бош белгиси ишлаб чиқариш соҳасидаги ишчилар меҳнатини, табиат ресурсларини инсон эҳтиёжига мослаштириш ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари меҳнатининг ажралиб турадиган белгиси – шу соҳа хизматини фақат инсон учун, унинг камол топишига, маънавий эҳтиёжлари қондирилиши ва қолган барча фаолиятининг амалга оширилишига йўналтирилганлигидир. Хизмат кўрсатиш соҳалари халқ хўжалигида бажарадиган вазифасига қараб уч турга бўлинади:

Биринчи гуруҳга ишлаб чиқаришдан бевосита ташқарида моддий ва номоддий фаровонликни қайта ишлаб чиқаришни амалга оширувчи тармоқлар киради. Бу гуруҳга ноишлаб чиқариш соҳаси моддий-техника таъминотининг бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган қуйидаги соҳалари: уй-жой хўжалиги, фан ва фан

соҳасининг бир қатор ташкилотларини такрор ишлаб чиқариш билан боғлиқ соҳалари, яъни конструкторлик ва лойиҳа ташкилотлари, синов базалари, кредит ва давлат суғуртаси, ноишлаб чиқариш соҳаларига хизмат кўрсатувчи транспорт ва алоқа, шунингдек, сув хўжалиги ва табиий бойликлар, геология ва қидирувни киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳга тааллуқли тармоқнинг фаолияти бевосита инсон қобилиятини оширишга, саломатлигини сақлашга, маънавий ва маданий эҳтиёжини шакллантириш ва қондиришга, шунингдек, ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришга қаратилган. Шунинг учун бу гуруҳ «номоддий ишлаб чиқариш»ни ташкил этади ва унинг ходимлари аҳолига ижтимоий-маданий, маиший хизматлар кўрсатадилар. Бу тармоқнинг аҳолига маиший хизмат кўрсатиш турларини йўловчи ташиш транспорти, алоқа хизмати, таълим тизими, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот, туризм, санъат ва маданият каби соҳалар ташкил қилади.

Учинчи гуруҳга бевосита жамиятнинг умумдавлат тизими билан боғлиқ соҳалар киради ва улар аҳолининг бошқаришга бўлган ижтимоий эҳтиёжини, давлат ҳавфсизлигини, ижтимоий мулкни мустаҳкамлаш ва уни қўриқлашга бўлган талабни қондиради.

Ижтимоий соҳа аҳолининг шахсий эҳтиёжларини қондириш ва ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш орқали унга соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, туризм, санъат ва маданият, таълим хизматларини кўрсатади. Такрор ишлаб чиқаришни меъёрида ўтказиш учун шароит яратади, илмий хизматни, бошқаришни олиб боради, ижтимоий мулкни мустаҳкамлайди ва қўриқлайди.

6.4. Миллий иқтисодиётда ижтимоий соҳанинг аҳамияти

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтиб борар экан, ҳукуматимиз асосий эътиборни ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратмоқда, чунки бу соҳани тараққий эттирмай туриб, ривожланган бозор иқтисодиётига ўтиб бўлмайди. Бунга далилий мисоллар тариқасида республикамизда “Соғлом авлод учун” орденининг жорий этилиши ҳамда хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари иш ҳақларини

доимий равишда ошириб келаётганини каби бир нечта жамғармалар ташкил этилиб, ёшларимизнинг билим даражаларини ошириш учун имкониятлар яратилаётганини, жисмоний тарбия ва спортга эътибор кучайтирилаётганини кўрсатишимиз мумкин.

Мустақиллик йилларида тармоқнинг таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикамизда ёшларга таълим-тарбия олишлари учун ижтимоий кафолатлар ва кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш ҳамда қишлоқ ёшларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга кўмаклашиш учун қишлоқ мавжуд ўқув юртлари фаолияти тубдан ўзгартирилди. Ҳар бир туманда тадбиркорлик бўйича ўқув марказлари, касблар бўйича лицейлар, бизнес-мактаблар, кичик ва хусусий бизнес, фермер хўжаликлари ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари учун кадрлар тайёрлаш бўйича касб-хунар коллежлари ташкил этилди.

Халқаро ҳамкорлик кенгайиб бораётганлиги натижасида ўқувчиларнинг хорижий мамлакатлардаги нуфузли олий ўқув юртларида таълим олишлари учун имкониятлар яратилди. Чунончи, ҳар йили республика умумтаълим мактабларининг тест синовидан ўтган кўплаб ўқувчилари чет элларга ўқишга юборилмоқда. Шу билан бирга, хориждаги олий ўқув юртларида ҳам ёшларимиз таълим олмоқда.

Республикамизда кенг миқёсда ривожланган соғлиқни сақлаш тизими мавжуд бўлиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг барча шаклларида фаолият олиб борилади. Тиббий хизмат кўрсатишнинг янги-янги шакллари – кундузги стационарлар, уйда хизмат кўрсатиладиган стационарлар, амбулатория-жарроҳлик марказлари жорий этилган.

Хўжалик ҳисоби тамойиллари асосида ишлайдиган муассасалар, тиббиёт кооперативлари, индивидуал хусусий шифокорлик амалиёти, дори-дармонлар ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналар тармоғи ривожланиб бормоқда. Дорихоналарни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш йўли билан мазкур тармоқнинг моддий-

техника таъминотига боғлиқ бўлган тадбирлар тўла амалга оширилди.

Қисқача хулосалар

Ижтимоий соҳага маориф, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, маданият ва санъат, турар жой, коммунал хўжалиги, савдосотик, умумий овқатланиш, бошқарув, жисмоний тарбия, спорт ва бошқалар киради. Аҳоли турмуш фаровонлиги даражаси мамлакатнинг фақат иқтисодий тараққиёт даражаси билангина эмас, балки ижтимоий соҳалар тараққиёти даражаси билан ҳам ифодаланади. Ижтимоий соҳада давлат томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг натижаси ўз аксини топади ва амалга оширилади. Иқтисодий сиёсат эса барча аҳоли манфаатини кўзлайди. Айнан ижтимоий соҳада давлатнинг инсонпарварлик даражаси ҳар томонлама яққол намоён бўлади. Ижтимоий соҳа тараққиётининг қай даражадалиги маълум жиҳатдан мамлакатдаги сиёсий ва психологик муҳитни, аҳолининг умумий кайфиятини белгилайди.

Назорат саволлари

1. Ижтимоий соҳа тушунчасига изоҳ беринг.
2. Мустақиллик йилларида давлатимизнинг ижтимоий соҳада олиб бораётган сиёсатини баён қилиб беринг.
3. Хизмат кўрсатиш соҳалари билан моддий ишлаб чиқариш соҳаларининг бир-бири билан алоқадорлигини тушунтириб беринг.
4. Ижтимоий соҳа хизмати қандай ўзига хос хусусият ва қонуниятларга эга?
5. Хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари меҳнатига қандай баҳо берилади?
6. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти билан “Иқтисодиёт назарияси” фанининг боғлиқлигини баён қилиб беринг.
7. Хизмат кўрсатиш соҳалари халқ хўжалигида бажарадиган вазифаларига қараб қандай гуруҳларга бўлинади?
8. Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш билан ижтимоий соҳа хизмати ўртасида қандай боғлиқлик бор?
9. Кейинги йилларда пуллик хизмат асосида ишлайдиган қандай муассаса тармоқлари ривожланиб бормоқда?

Таянч тушунчалар: *ижтимоий соҳа тушунчаси, ижтимоий соҳа тармоқлари, ижтимоий соҳа таркиби, хизмат кўрсатиш соҳалари, бепул хизмат, пуллик хизмат, моддий ва номоддий соҳа, ижтимоий ёрдам.*

VII боб. ТАЪЛИМ СОҲАСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ИСЛОҲ ҚИЛИНИШИ

7.1. Узлуксиз иқтисодий таълим тизимини шакллантириш

Ҳозирги вақтда юртимиз, халқимиз олдида турган юксак мақсадларга эришиш учун мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши учун барча имкониятлар етарли. Ўз келажагини ўйлаган ҳар қандай давлат, аввало, ёшлар тарбиясига катта эътибор беради. Шунини айтиш керакки, юртимизда ҳар бир инсоннинг ҳар томонлама камол топиши учун зарур бўлган давлат харажатлари йилдан-йилга оширилиб, бу масала кенг жамоатчиликнинг асосий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев ўз маърузасида: – “Бизнинг асосий вазифамиз - ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз”²¹ – дея таъкидлаган сўзлари, ёшларни юқори даражада рақобатлаша оладиган кенг тафаккур юритувчи кадрларга айлантиришга ундамоқда.

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиклари билан ўтказилган учрашувда, Биринчи Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, таълим тизимини ривожлантириш, инновацион иқтисодиёт тараққиётига алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади²². Дарҳақиқат, бугунги замон барча соҳалар қаторида илм-фанни ҳам янги босқичга кўтариш талаб қилинмоқда. Зеро, жамият олдидаги долзарб масалаларни фақатгина замонавий илм-фан асосларига таянган ҳолда оқилона ечиш мумкин. Шу боис, эндиликда таълим

²¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. Халқ сўзи// 20.09.17 йил.

²²Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ЎзРес. ФА академиклари билан учрашувида сўзлаган нутқи. 2016 йил 30 декабрь. www.gazeta.uz

соҳасининг барча жабҳаларини янада қўллаб-қувватлашга эътибор кучаймоқда.

Вақт ўтиши билан тобора ёрқин намоён бўлаётган, биз биринчилар қаторида амалга оширган ва давом этаётган, дунёда катта қизиқиш уйғотаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури, бир сўз билан айтганда, таълим-тарбия соҳасига энг устувор аҳамият берилаётгани мамлакатимиз катта суръатлар билан барқарор ривожланишида ва юртимиз дадил қадамлар билан илгарилаб боришида мустақкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу дастур биз барпо этаётган ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти талабларига жавоб берадиган ёшларни тарбиялашга қаратилгани учун юксак маърифатга асосланади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда нуфузли янги университет ва ўқув марказлари ташкил этилгани ёшларимизни янада илҳомлантиради. Бу борада, айниқса, “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг ҳаётга изчил татбиқ этилгани муҳим аҳамият касб этди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида Олий таълим олдига қўйилган муҳим вазифалардан бири “янги педагогик ва ахборот технологиялари, тайёргарликнинг модул тизимидан фойдаланган ҳолда талабаларни ўқитишни жадаллаштириш”²³ эканлиги кўрсатилган. Шу боис, таълим-тарбия ва илм-фан соҳаси 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди²⁴. Таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиқиб кадрлар тайёрлаш мазмунини қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш ва сифатини ошириш мақсадида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 20 апрелда “Олий таълим тизимини

²³Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 29 август, 1997 йил. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. 13 бет.

²⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947 –сонли Фармони. www.lex.uz.

янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарор қабул қилинди²⁵. Ушбу ҳужжатнинг асосий мақсади таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этишни назарда тутди.

Олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга ижтимоий янгиланишларда муассасаларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирларининг кучайтирилганлиги таълим олувчиларга замонавий талабларга мос билим олиш имкониятини яратади²⁶. Битирув ишини тайёрлашда талаб ва таклиф моделини кенг миқёсдаги турли хил назарияларини ўрганиб, улар таҳлил қилинди. Талабаларнинг мавзуга оид билимларини ривожлантиришда ушбу назарияларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш зарур²⁷. Шу билан бирга ҳар бир модел талабаларда мавзунини ўзлаштиришда пухта билимга эга бўлишига қаратилади.

Мамлакатимизнинг изчил ривожланиб бораётган иқтисодиётни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, барча ҳудудлар ва тармоқларни стратегик жиҳатдан комплекс ривожлантириш

²⁵Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

²⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори

²⁷Stuart Birks, “Supply and demand models – the impact of framing”, *real-world economics review*, issue no. 67, 09 May 2014, pp. 67-77, <http://www.paecon.net/PAERReview/issue67/Birks67.pdf>

⁸The role of supply and demand analysis in substantiating the company’s business policies

NEAMȚU Liviu and NEAMȚU Adina Claudia Available online at <http://www.academicjournals.org/AJBM>

масалаларини ҳал қилиш борасида олий таълим тизими иштирокини кенгайтириш йўлидаги сай-ҳаракатларимиз, бевосита хорижий тажрибаларни ўрганишга асосланган бўлиб, улардан самарали фойдаланишимизни билдиради⁸.

Республикамизнинг таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш асосида ҳар томонлама етук, баркамол, мустақил фикрлашга қодир, иродали, фидойи ва ташаббускор ёшларни фаоллигини ошириш асосида замонавий касбий билим, малака ва кўникмалар билан қуроллантиришга хизмат қилади.

Қисқа вақт давомида ҳар томонлама етук, комил инсон ва баркамол шахсни тарбиялашга қаратилган узлуксиз таълимнинг яхлит тизими яратилди. Республикада олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳам ислоҳотлар босқичма-босқич, тадрижий равишда амалиётга жорий этилди. Олий таълимнинг жаҳон стандартларига жавоб берадиган икки босқичли тизими – бакалаврият ва магистратура яратилди. Сўнгги йилларда олий малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизими такомиллаштирилди ҳамда шаклланган стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ва катта илмий ходим-изланувчилар институтларининг моддий таъминоти мустаҳкамланди.

Туб ислоҳотларни амалга ошириш, бозор иқтисодиётини шакллантиришда, аввало, ходимларнинг иқтисодий билимлари, кишиларнинг иқтисодий тафаккурини шакллантирмасдан чуқур ўзгаришлар қилиб бўлмайди. Бозор муносабатларини ўргатадиган иқтисодий таълим тизимларининг халқаро андозалари ва моделлари мавжуд. Улар 1996 йил “Жаҳондаги олий таълим тизими маълумотномасида” ўз ифодасини топган.

Умуман, тараққий этган давлатларда иқтисодий таълимнинг асосий икки модели мавжуд:

1) Иқтисодий таълимнинг инглизча-америкача тизими. У иқтисодий таълимни эгаллашнинг кўп даражалилигига ва хилма-

хиллигига асосланган. Бу тизимда ҳам академик, ҳам касб таълими таклиф этилган таълим муассасаларининг кенг тармоғи мавжуд.

2) Иқтисодий таълимнинг германча-русча тизими. Бу тизим бир даражада эгаллашга асосланади. Унда ўқув режаларида бакалавр учун мутахассислар тайёрлаш дастурларига жиддийроқ эътибор қаратадилар.

Ўзбекистон Республикаси чуқур, кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширар экан, узлуксиз иқтисодий таълим тизимини шакллантиришга биринчи даражали аҳамият бермоқда. 1992 йилдаёқ парламентимиз томонидан қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонунда Ўзбекистонда таълим мустақил давлат халқларининг миллат тикланиши, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиётининг асоси бўлиб, жамият ва оила олдида ўз фуқаролик ва ахлоқий масъулиятини ҳис этадиган, ўз вазифаларини чуқур билим ва юқори малака билан бажара олишга қодир, ҳар тарафлама камол топган эркин шахсни шакллантириш мақсадини кўзлайди, деб алоҳида таъкидлайди.

Бутун иқтисодий сиёсат ва иқтисодий ислоҳотларнинг таркибий қисми бўлган узлуксиз иқтисодий таълим тизимининг асосий тамойиллари ана шу мақсадга таянади. Узлуксиз иқтисодий таълим тизимини такомиллаштиришда Иқтисодий таълим ривожланишини такомиллаштиришнинг ғоят муҳимлигини мувофиқлаштирувчи кенгаш ишида БМТ, Европа Иттифоқи, Жаҳон банки ва Халқаро валюта фондининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари К. Аденауер номидаги фонднинг Тошкентдаги ваколатхонаси каби ғоят нуфузли халқаро ташкилотлар иштирок этаётганлиги кўрсатиб турибди.

7.2. Ўзбекистон Республикасида узлуксиз иқтисодий таълим концепцияси

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикасининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳбарлигида ТДИУ университети олимлари ва мутахассислари томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мутахассислари иштирокида “Ўзбекистон Республикасида иқтисодий

таълим концепцияси” ишлаб чиқилган. Бу концепцияда узлуксиз иқтисодий таълимни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш стратегик йўналишлари белгилаб қўйилган бўлиб, улар иқтисодиёт кадрларини тайёрлаш ва умумиқтисодий таълимнинг жаҳон андозаларига мос келишидир. Узлуксиз иқтисодий таълим концепциясини амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад халқаро ҳамжамият томонидан қабул қилинган таълим андозаларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлашдир.

“Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги позитив жаҳон тажрибасини ҳисобга олиш узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча элементларига тааллуқли ва унинг ривожланиши омилларидан бири ҳисобланади”. Шу билан бирга, миллий ғоялар ва анъаналарда қурилган таълим ҳар қачон миллий ривожланишга унлайди.

И. Губкин номидаги Россия нефть ва газ давлат университетининг Тошкент филиали, Италиянинг Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиаллари каби юксак халқаро обрў-эътибор ва чуқур тарихий илдизларга эга бўлган Европа ва Осиёнинг етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари ташкил этилди ҳамда муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ушбу олий ўқув юртларида машинасозлик, нефть-газ иши, ахборот технологиялари, иқтисодиёт ва бизнес бошқаруви, молиявий менежмент, тижорат ҳуқуқи каби меҳнат бозорида талаби юқори бўлган мутахассислар бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланмоқда ва уларнинг битирувчилари бутун дунёда тан олинадиган дипломларга эга бўлмоқда.

Янги ташкил этилган институт ва филиаллар ҳисобидан юртимиздаги олий таълим муассасалари сони 81 тага, ҳудудлардаги филиаллар 15 тага, хорижий университетлар филиаллари 7 тага етди. Шулар қаторида Олмалиқ шаҳрида Москва пўлат ва қотишмалар институтининг, Тошкент шаҳрида эса АҚШнинг Вебстер институтининг филиалларини ташкил этиш бўйича келишувларга эришилганини таъкидлаш лозим.

ОТМида иқтисодиётнинг реал секторидаги талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, сиртқи ва кечки бўлимлар очилди.²⁸

Концепция Халқаро стандарт таълим классификация (ЮСЭЙД) ва Халқаро стандарт касб классификация (ЮСКО) қоидалари асосида ишлаб чиқилган. Концепция яратилишидан аввал улкан тадқиқот ишлари олиб борилди. Бунда иқтисодий таълим жаҳон тизими, айниқса, АҚШ, Англия, Франция, Германия, Япония ва Россия тизими тажрибаси ўрганилди ва умумлаштирилди. Умуман, таклиф этилган концепция асосан иқтисодиёт ходимлари тайёрлашнинг инглизча-америкача тизимига таянади. Аммо унда Ўзбекистон иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари, ўтиш даври, иқтисодиёт таълим босқичлари ва даражаларига бевосита таъсир кўрсатувчи хўжалик юритиш тизими ҳисобга олинган.

Шу муносабат билан кўп даражали иқтисодий таълимнинг таклиф этилган тизимида “Дипломли мутахассис” ва “Аспирантура” каби босқичлар сақланиб қолинди. Инглизча-америкача тизимда эса бу босқичлар йўқ. Узлуксиз таълимнинг барча даражаларини қамраб оладиган концепция таркиби унинг ўзига хос жиҳатидир. Шу муносабат билан концепцияда таклиф этилган узлуксиз иқтисодий таълимнинг асосий босқичлари ва даврларини кўрсатиб ўтиш ўринлидир:

1) гимназия, 1-9 синфларни қамраб оладиган (тўлиқсиз) умумий ўрта таълим бўлиб, унда иқтисодиётни ўрганиш бошланади.

2) лицей, 10-11 синфларни қамраб оладиган тўлиқ ўрта таълим бўлиб, унда бозор иқтисодиёти, бизнес ва тадбиркорлик тизими асосларини ўрганишга киришилади;

3) коллеж, танланган ихтисосликка қараб 2-3 йил муддатлик ўрта махсус таълим. Коллежда иқтисодий тизим, бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти, молия, бизнес бошқаруви ва ҳ.к. кенг ўрганиш бошланади.

4) бакалавриат, муддати камида 4 йил бўлган база олий таълими танланган ихтисослик бўйича иқтисодчиларни умумий назарий,

²⁸Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22 – декабрь 2017 йил. Тошкент – “Ўзбекистон” - 2018

услубий ва амалий тайёрлаш таъминланади. Бакалавр ихтисослиги ёки касб йўналиши бўйича умумиктисодий ва бошқа вазифаларни бажаришини таъминловчи база билимга эга бўлган мутахассисдир;

5) магистратура, 2-3 йил давомида ихтисослик ёки касбнинг аниқ бир соҳаси бўйича узлуксиз иқтисодий билим бериладиган олий касб таълимидир. Магистр танланган ихтисослик бўйича назарий, услубий ва амалий билимга эга бўлган мутахассис ҳисобланади;

б) аспирантура, узлуксиз иқтисодий таълим тизимидаги илмий тадқиқот босқичидир, муддати 3 йил бўлиб, у диссертация ҳимояси билан ниҳоясига етади. Диссертацияда аниқ иқтисодий тизимда таклиф этилган иқтисодий янгилик моделининг самарадорлиги асослаб берилади. Ҳозирги вақтда аспирантура босқичи бекор қилинган;

7) докторантура, узлуксиз иқтисодий таълим ва илмий тадқиқотнинг олий босқичидир. Бу босқич 3 йилни қамраб олади. Фан ва иқтисодий тизим соҳаларига назарий ва услубий йўналиш қўшишга қодир бўлган юқори малакали шахсни шакллантиришга йўналтирилган. Ҳозирги кунда бу босқичда ҳам ўзгаришлар қилинди, буни шу мавзунини охирида кенгрок ёритиб беришга ҳаракат қиламиз.

Қайд этиш керакки, мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизидан ортиғини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Бинобарин, ҳар йили ярим миллион нафардан ортиқ йигит-қиз мустақил ҳаёт оstonасига қадам қўяр экан, улар учун муносиб турмуш шароитларини яратиш чуқур ўйланган ислохотларни амалга оширишни тақозо қилади. Шу боис, бугунги бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда соҳадаги ислохотлар янада чуқурлаштирилиб, меҳнат бозори ва ресурсларининг имкониятларини жадал кенгайтириш чоралари кўрилмоқда.

Соҳани ислоҳ қилиш бўйича миллий моделimizнинг ўзига хослиги шундаки, унда янгиланишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Аввал, таълим тизимининг ҳуқуқий асослари шакллантирилиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди, педагог кадрларни тайёрлаш тизими ва таълим муассасаларининг илмий-методик жараёни олиб бориши йўлга қўйилди.

Бугун чет тилларни пухта билмасдан ва эгалламасдан туриб, келажакни тасаввур қилиб бўлмайди. Шуларни инобатга олиб, умумтаълим мактабларининг биринчи синфидан чет тилларни ўргатишнинг узлуксиз тизими жорий этилди. Барча умумтаълим муассасаларида чет тилларни ўргатиш бўйича 17 мингдан ортиқ ўқув хоналари ташкил этилди. 1-синф ўқувчилари учун мультимедиа варианты илова қилинган минглаб рангли дарсликлар чоп этилди, малакали чет тили ўқитувчилари тайёрланди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида чет тилларни бир хил шароитда ўқитиш, қишлоқ жойларга юқори малакали инглиз тили ўқитувчиларини жалб этиш мақсадида, тариф ставкаларига 30 фоиз қўшимча ҳақ белгиланган ҳолда, уларни моддий рағбатлантириш тизими жорий этилди.

7.3. Узлуксиз иқтисодий таълимни маблағ билан таъминлаш йўллари

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз иқтисодий таълимини маблағ билан таъминлашнинг турли йўллари таклиф этилган. Унда бу тадбирни давлат томонидан ажратиладиган маблағ билан таъминлаш зарурати ҳамда аста-секин буюрмачилар талабига мувофиқ равишда мақсадли контракт тизимига ўтиш аниқ асослаб берилган. Шу муносабат билан таълим босқичларига кўра маблағ билан таъминлашнинг қуйидаги йўллари таклиф этилади:

1) гимназия – давлат томонидан ажратиладиган маблағлар ва давлатга тааллуқли тузилмаларнинг гимназия таълимини ривожлантиришда иштироки;

2) лицей – давлат томонидан ажратиладиган маблағ ва давлатга тааллуқли бўлган тузилмаларнинг умумий ўрта таълимини ривожлантиришда иштироки;

3) коллеж – давлат томонидан ажратиладиган маблағлар ва жисмоний ҳамда юридик шахслар буюртмаларига мувофиқ равишда мақсадли контракт асосида тайёрланади;

4) бакалавриат – давлат томонидан ажратиладиган маблағлар ва жисмоний ҳамда юридик шахслар буюртмаларига мувофиқ равишда мақсадли контракт асосида тайёрлаш;

5) магистратура (дипломли мутахассислик даражаси ҳам қўшилган ҳолда) – жисмоний ва юридик шахслар буюртмаларига мувофиқ равишда мақсадли контракт асосида тайёрлаш;

6) аспирантура – давлат томонидан ажратиладиган маблағлар ва жисмоний ҳамда юридик шахслар буюртмаларига мувофиқ равишда мақсадли контракт асосида тайёрлашга асосланган..

7) докторантура – давлат томонидан ажратиладиган маблағлар ва жисмоний ҳамда юридик шахслар буюртмаларига мувофиқ равишда мақсадли контракт асосида тайёрлаш;

Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги узлуксиз иқтисодий таълим тизимини ислоҳ қилишда халқаро ташкилот ва жамғармалар билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. Қуйидаги инфографикада ижтимоий соҳага сарфланадиган маблағларнинг таркибий тақсимланиши ҳақида тўлиқ маълумот келтирилган.”²⁹



Бюджет сиёсати эса мамлакатда макроиқтисодий барқарорлик, бюджет тизимидаги мувозанатни сақлаган ҳолда, давлат тасарруфидаги маблағларни келгусида унинг молиявий имкониятларини ошириш мақсадида ўта самарадорлик билан

²⁹kun.uz/uz/news/2018/12/05/molia-vazirligi-2019-jil-davlat-budzeti-lojiasidagi-harazatlar-taksimotini-takdim-etdi

ишлатиш, лозимдир. Айтиш керакки, давлат бюджетида йилдан-йилга ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағларнинг улуши ошиб бормоқда. 2016 йилда ижтимоий соҳага ажратилган маблағлар бюджет харажатларининг 59,2 фоизини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилда 59,7 фоизгача кўпайтирилиши белгиланган. Таълим харажатлари эса ўтган йилга нисбатан 18,0 фоизга ўсиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 6,9 фоизни ташкил этади. Демак, давлат бюджетидан мазкур соҳага ажратилаётган салмоқли маблағлар таълим-тарбия масканларида билим олиш шароити ва имкониятларини яхшилаш учун кенг йўл очади³⁰.

Илм-фан равнақи ҳар бир давлатда интеллектуал салоҳиятни оширишга берилаётган эътиборга боғлиқлиги яхши маълум. Тараққий этган давлатлар тажрибаси инсон салоҳиятини ривожлантиришга сармоя киритиш энг самарадор эканлигини кўрсатиб турибди. Иқтисодчиларнинг ҳисоблаб чиқишларича, хусусан таълимга сарфланаётган ҳар бир доллар нисбатан қисқа муддатда 3-6 долларгача фойда келтирмоқда. Ўзбекистон жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторидан ўрин олиш мақсадига эришишнинг энг асосий ва самарали восита сифатида таълим соҳасидаги ислохотларга ривожланган давлатлардагига қараганда 3 баробар кўп – ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 14,0 фоизини сарфланаётганлиги жаҳон ҳамжамиятини хайратлантирмоқда. Масалан, Италиядаги Болонья университети проректори, профессор Ф. Фанфанелининг таъкидлашича, Ғарбда бизда шакллантирилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари тизими каби “ўқув юртлари ҳали йўқ ва Ўзбекистоннинг бу тажрибаси турли мамлакатлардаги замонавий таълим тизимига жиддий ўзгартиришлар киритишга туртки бўлади”³¹.

Юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёшларимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган. Мамлакатимиз умумтаълим мактаблари, академик лицей

³⁰ <http://1news.uz/uz/society/2017-yilda-ijtimoiy-soha-qanday-moliyalashtiriladi/>

³¹ Абдурахмонов Қ.Ҳ. Иқтисодий ривожлантиришда интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида меҳнат муносабатларини такомиллаштириш масалалари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент-2010. 17-бет.

ва касб-хунар коллежлари, институт ва университетларда ўқув жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, истеъдодли талаба ёшларни барвақт аниқлаш, уларни илмий фаолиятга жалб этиш доимий диққат марказидадир. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” деб номланган тўртинчи йўналиши мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширишни назарда тутди.

7.4. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури

Бугунги кунда олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга, таълим босқичларининг ўзаро узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мана шундай чора-тадбирлар қаторида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги³² 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори, мазкур Қарорни бажариш юзасидан ҳамда олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларининг касбий даражасини узлуксиз такомиллаштириш учун шарт-шароитларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг 2017 йил 22 апрелдаги 07/1-845-сонли топшириғини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2016-йил 30 декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи илм фан намоёндалари билан учрашувида мазкур муаммонинг ижтимоий-иқтисодий ва амалий аҳамияти ҳақида гапирганларида “Бугунги замон барча соҳалар қаторида илм-фанни ҳам янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Зотан, жамият олдида турган долзарб

³² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги³² 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 18-сон, 313-модда, 19-сон, 335- модда

масалаларни илм-фансиз ечиш қийин. Мазкур соҳани ва олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг устувор вазифаларидандир”³³ деб таъкидладилар.

2017–2021 йиларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”³⁴ ПФ-4947-сонли Фармони таълим ва фан соҳасини янада ривожлантириш учун устувор вазифаларни белгилаб берди. Ҳаракатлар стратегиясидан ўрин олган “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” номли 4-устувор йўналишда таълим ва фан соҳасини ривожлантириш масалалари устувор вазифа сифатида қўйилган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 28-29 августида бўлиб ўтган сессиясида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мақсади мактабгача тарбия шахобчаларидан бошлаб олий малакали мутахассислар ва магистратура битирувчиларига бўлган ягона таълим тизимини Ўзбекистоннинг ўзига хос бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнига мувофиқлаштиришдан иборат.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида қуйидагилар назарда тутилган:

- бутун таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ишлаб турган ўқув юр்தларини янги йўналишга солиш ҳамда янги шароитлар ва замонавий технологияларда ишлай оладиган мутахассислар тайёрлаш учун янги ўқув юр்தлари, энг аввало техник коллежлар, бизнес мактаблари ва махсус ўқув юр்தлари ташкил этиш йўли билан тузилма янгиланишларини амалга ошириш;

³³ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намояндалари билан “Илм-фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили” мавзусида учрашув маърузаси. Халқ сўзи 2016 йил 31 декабр.

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сонли Фармони. “Халқ сўзи”, 2017 йил 8 февраль, 28 (6722)-сон.

- ўқув-тарбия жараёни сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, таълим, замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг бутунлай янги усуллари жорий этиш;

- ўқув юртлари тузилмаларини такомиллаштириш, хусусан 9-синф битирувчилари учун тадбиркорлик фаолияти асослари, иқтисодий ва ҳуқуқий билимлар дарслари киритилган махсус таълим муассасаларини барпо этиш ва уларнинг тармоғини кенгайтириш;

- ёшларга миллий уйғониш ва унинг инсоний қадриятларини идрок этиш мафқураси асосида Ватанга меҳр-муҳаббат, мустақиллик идеалларига садоқат руҳида таълим-тарбия бериш;

- ёшлар билан мунтазам равишда тинимсиз ишлаш, иқтидорли болаларни қидириб топиш, уларни энг яхши хорижий ўқув марказларида профессионал таълим олишлари учун шароит яратиш;

- Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маънавий эҳтиёжига мос келадиган юксак малакали хорижий мутахассислари билан рақобат қила оладиган кадрлар салоҳиятини юзага чиқариш ва уни ривожлантириш;

- таълим муассасаларининг моддий-техника базасини янги ўқув адабиётлари, замонавий жиҳозлар ва компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш;

- педагогика касбига ҳурматни ошириш, педагог ва мураббийлар меҳнатига қизиқишни кучайтириш учун зарур бўлган ижтимоий-иқтисодий шарт-шароит яратиш.

2005–2012 йиллар давомида мамлакатимизда 8 мингдан ортиқ умумтаълим муассасаси, қарийб 1 минг 500 тадан зиёд касб-ҳунар коллежи ва академик лицей барпо этилди ҳамда реконструкция қилинди. Биргина 2010 йилда мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва лицейларда 2 минг 300 тадан зиёд болалар спорти иншоотлари, жумладан, 61 сузиш ҳавзаси, 724 та мактаб спорт зали барпо этилиб, улар замонавий жиҳоз ва анжомлар, малакали устоз-мураббийлар билан таъминланди. Бу ишлар спорт соҳасида катта ютуқлар қўлга киритилишига сабаб бўлмоқда. Бугун йигит-қизларимиз нафақат, балки кўплаб халқаро турнирлар, қитъа ҳамда жаҳон чемпионатлари,

Олимпиада ўйинларида муносиб иштирок этиб, ҳеч кимдан кам эмасликларини амалда исботламоқдалар.

Жамиятда юксак маънавият, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш ҳамиша долзарб маъно касб этиб келган.

Юртимизда спортни, аввало, болалар спортини ривожлантиришга доимий равишда катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз ҳудудларида болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фойдаланишга топширилди. Ҳозирги пайтда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган қарийб 1 миллион 600 минг бола ёки юртимизда болаларнинг 35,6 фоизи турли спорт турлари билан мунтазам шуғулланмоқда. Хуллас, келгуси йилларда ҳам ижтимоий соҳани янада ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш изчил давом эттирилади. Жумладан, 2012–2016 йилларда мамлакатимизда “электрон таълим” лойиҳасини амалга оширишга алоҳида эътибор берилади. Ушбу лойиҳа доирасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги олий ўқув юртлари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва умумтаълим мактабларида босқичма-босқич электрон кутубхона фондининг эркин каталоги, масофавий таълим ва маълумот алмашуви тизими жорий этилади.

Интернет манбаларига кўра, дунё бўйича умумий саводхонлик даражаси 30–40 фоизни ташкил этади, атиги 30 га яқин мамлакатларда эса бу кўрсаткич 90 фоиздан ортиқ. Ўзбекистонда барча олий ўқув юртларининг тўртдан уч қисмидан кўпроғи, коллежларнинг 60 фоиздан ортиғи Интернет тармоғига уланган. Ўзбекистонда саводхонлик 100 фоиз ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ҳам ёшлар тарбияси, илм олиши ва ҳар жиҳатдан етук кадр сифатида камол топишлари учун кенг имкониятлар яратиш бўйича муҳим вазифалар, устувор йўналишлар белгилаб берилди.

Дунёнинг энг нуфузли олий таълим муассасаларида бўлгани каби республикамиз олий таълим тизимида ҳам соҳани модернизациялашнинг самарали услуб ва воситалари жорий этилмоқда. Жумладан, тизимда замонавий ўқув ва илмий-лаборатория жиҳозлари ўрнатилиб, визуал техника ҳамда технологиялардан фойдаланиш, таълимни интеллектуаллаштириш каби услуб ва воситалар қўллана бошланди. Бу омиллар таълим сифати яхшиланиши, талабаларнинг таълим жараёнидаги фаол иштирокини таъминлашда ва ўз устида муттасил иш олиб боришда муҳим ҳисобланади. Мазкур қарорнинг қабул қилиниши эса бу борадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш имкониятини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Талаба ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини бойитишда мамлакатимиз таълим муассасалари жаҳоннинг энг нуфузли ўқув юртлари билан қалин алоқада эканликлари, Тошкентда Буюк Британия, Италия, Россия, Сингапур каби давлатлар номдор институт ва университетларининг филиаллари ташкил этилганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш энг юксак жаҳон андозалари асосида ташкил этилиши билан бир қаторда, профессор ва ўқитувчилар, талабаларнинг ўзаро тажриба алмашувлари, ҳамкорликда илм-фаннинг етакчи йўналишларида тадқиқотлар олиб боришлари йўлга қўйилган.

Қисқача хулосалар

Мустақилликка эришилиши туфайли аҳолининг таълим савиясини кўтариш, таълим шаклларини ўзгартириш, янги шаклдаги ўқув юртлари – коллеж, лицей, бизнес мактаблари ташкил этиш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Ҳар томонлама камол топган ёшларни, истеъдодли йигит-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим қонунлар қабул қилинди. Улар қаторига “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чоралари тўғрисида”ги қарорлар киради.

Айтиб ўтилган муҳим ҳужжатлар орасида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури алоҳида ўрин тутади ва уни миллий ғоянинг бир қисми деб қаралади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришни мақсад қилиб қўйди ва Ўзбекистоннинг стратегик мақсади – ривожланган демократик давлат, тараққий этган мамлакатлар ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосини вужудга келтиришдек мақсадни амалга оширишда шарт-шароит яратиб беради.

Назорат саволлари

1. Ривожланган давлатларда иқтисодий таълимнинг қандай моделлари бор?

2. “Ўзбекистон Республикасида иқтисодий таълим концепцияси”даги асосий мақсад ва вазифаларни баён қилиб беринг.

3. Ушбу юқоридаги концепцияда таклиф этилган узлуксиз иқтисодий таълимнинг асосий босқичлари ва даврларини кўрсатиб беринг.

4. Ўзбекистонда узлуксиз таълимни маблағ билан таъминлаш йўллари баён қилиб беринг.

5. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мақсади нималардан иборат?

6. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларини баён қилиб беринг.

7. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш нима учун зарур?

8. Узлуксиз таълим тизими ва турлари ўз ичига қандай таълим турларини олади?

9. Кадрлар тайёрлаш бўйича “ўзбек модели”нинг асосий таркибий қисмлари нималардан иборат?

Таянч тушунчалар: *иқтисодий таълимнинг асосий моделлари, “Таълим тўғрисида”ги қонун, нуфузли халқаро ташкилотлар, узлуксиз иқтисодий таълим концепцияси, халқаро стандарт касб таснифи, маблағ билан таъминлаш йўллари, Президент жамғармаси, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.*

VIII боб. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ. ЎЗБЕКИСТОНДА БУ ТИЗИМДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

8.1. Соғлиқни сақлаш соҳасининг иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрни

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Ижтимоий соҳани ривожлантириш» деб номланган тўртинчи йўналишда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизimini такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича устувор йўналишлар белгилаб берилди.

Соғлиқни сақлаш тизими хизмат кўрсатиш соҳасига киради. Иқтисодчилар хизматларга кўпинча моддий қимматдорликлар яратиладиган барча фойдали фаолият турларини киритишади, яъни бирор-бир фаолият турини хизматлар соҳасига киритишнинг асосий мезони бўлиб, ҳис қилиб бўлмаслик, ушбу соҳада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг кўринмайдиган характери ҳисобланади.

Хизматларни, асосан, ҳис қилиб бўлмайди ва улар бир нарсага эгалиқни олиб келмайди. Бу ҳолат, биринчи навбатда, жаҳон хизматлар савдосида катта ҳиссага эга бўлган хизматларни ажратиб кўрсатиш билан боғлиқ. Жумладан, транспорт хизматлари ва туризмга хизматлар билан савдо қилишнинг $\frac{1}{4}$ қисми тўғри келади. Аммо жамиятда тиббий хизматнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд, у қуйидаги тавсиф нотага эга ва моддий товарлардан қуйидагилар билан фарқланади:

- а) унинг номоддий характери ва ҳис этиб бўлмаслиги;
- б) уни сақлаб бўлмаслиги;
- в) сифатининг бир жинсли эмаслиги ва ўзгарувчанлиги.

Ўтган асрнинг 70–80- йилларида айрим иқтисодчилар соғлиқни сақлаш соҳасини моддий ишлаб чиқариш тармоқлари қаторига киритиш лозимлиги ҳақида ўз қарашларини баён этишган, бу борада

номзодлик ва докторлик илмий изланишларни ҳам олиб беришган. Аммо бир қатор иқтисодчи олимлар соғлиқни сақлаш тизимини хизматлар соҳасидаги ўзига хос ўрни ва ролини таҳлил қилиб уни номоддий соҳага тааллуққидир, деб ўз қарашларини далиллар билан исботлаб беришган.

Соғлиқни сақлаш тизими моддий ишлаб чиқаришга қараганда бир қатор хусусиятларга эга бўлиб, қуйидагилардан иборат:

биринчидан, товарлардан фарқли равишда у бир вақтда ишлаб чиқарилади, бир вақтда истеъмол қилинади ва сақланмайди;

иккинчидан, товарлар бу соҳа одатда моддий ишлаб чиқариш соҳасига қараганда хорижий рақобатдан давлат томонидан ҳимоя қилинади;

учинчидан, бу соҳа давлат томонидан қаттиқ назорат қилинади ва тартибга солиниб турилади;

тўртинчидан, бу соҳа ишчи кучини такрор ҳосил қилишни соғлом комил ва баркамол инсонни ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлайди.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи юртимиз раҳбари раҳнамолигида давлатимиз сиёсатида муҳим ўринни эгаллаб келмоқда. Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида кенг кўламли ўзгаришлар рўй берди. Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида”ги (1998 йил 10 ноябрь) фармони ҳам ушбу соҳада мустаҳкам пойдевор, асосий таянч вазифасини ўтамоқда.

Халқ саломатлиги, айниқса, она ва бола муҳофазаси истиқлол йилларда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятини ташкил этади. Жумладан, оналар соғлиғини назорат қилиш учун скрининг марказлари ташкил этилгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Соғлом оилани шакллантириш, бола туғилганда, уни парвариш қилишда, эмлашда давлат томонидан беғараз ёрдам бериш, шунингдек, болаларга барча тиббий хизматларни бепул кўрсатиш, болалиқдан ногиронлар, етимлар, кам таъминланган оилалардан иборат бўлган ижтимоий

ночор қатламнинг давлат томонидан муҳофаза қилиниши мамлакатимиз қонун ҳужжатларида ўз аксини топган.

Бугун мамлакатимизда барча соҳаларида бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Замон талаблари даражасидаги тиббий хизматни ташкил этиш ушбу йўналишдаги ислоҳотларнинг бош мақсадидир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга тақдим этган Мурожатномасида тиббиёт тизимида эришилган ютуқларга қарамасдан ҳали бу соҳада камчиликлар ва ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигини таъкидлаб “Инсон саломатлигини муҳофаза қилиш борасида сўнгги вақтда олиб бораётган ишларимизга қарамасдан, афсуски, жойларда кўплаб муаммолар ҳамон сақланиб қолмоқда. Ана, шуларни ҳисобга олиб, ҳудудлар аҳолиси учун қулай бўлган, сифатли ва замонавий тиббий ёрдам кўрсатиш, касалликларни барвақт аниқлаш бўйича бошлаган ишларимизни изчил давом эттираемиз. Бу борада масофадан туриб профилактика қилишни таъминлайдиган “Ақллий тиббиёт” ва “Ягона тиббий ахборот маркази” концепцияларини ўз шароитимизга мослаштириб татбиқ этишимиз керак” деб айтган эди.³⁵

8.2. Соғлиқни сақлаш тизимининг ижтимоий-иқтисодий вазифалари

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг пировард мақсади ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга, такрор ишлаб чиқариш жараёнларини инсон манфаатлари учун бўйсундиришга қаратилган.

Жамиятимизнинг ривожланиш даврида соғлиқни сақлаш тизими халқ хўжалигининг муҳим ижтимоий-иқтисодий соҳаси ва ўзига хос тармоғи бўлиб, бу тизимнинг асосий вазифаси – фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш, уларга юқори малакали тиббий-профилактик ёрдам кўрсатишни таъминлашдан иборат. Соғлиқни сақлаш тизимининг иқтисодий ислоҳотлар даврида бозор

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Мурожатномаси. “Халқ сўзи”, 23 декабр 2017 йил.

муносабатларига ўтиши муносабати билан унда ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари ва субъектлари сингари мулкчиликнинг турли кўринишлари шаклланиб келмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш даврида тиббий муассасалар мулкчиликнинг турли шаклидан ва ташкилий-ҳуқуқий мақомидан қатъи назар аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишни кафолатлашни давлат мунтазам равишда ўз назорати остига олиб келади.

Аҳолининг турмуш даражасини ошириш, иш шароитини яхшилаш, дам олишга шароит яратиш ва экологик муаммоларни ҳал этиш аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлашда асосий тамойиллигича қолади. Жумладан, аҳолининг саломатлиги, жисмоний ривожланишига қуйидаги омиллар таъсир этади: яшаш тарзи шароитлари – 48-50 фоиз, табиий муҳит – 20-22 фоиз, инсон генетикаси (насли) – 18-20 фоиз, соғлиқни сақлаш тизими – 8-14 фоиз. Инсоннинг саломатлигига соғлиқни сақлаш тизими бор-йўғи 8-14 фоиз таъсир этишига қарамай, ушбу тизимни ривожлантириш ва такомиллаштириш аҳоли соғлиғини сақлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланишига олиб келса, бу, ўз навбатида, соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланишига иқтисодий асос яратиб беради. Оқибатда, соғлиқни сақлаш тизими ишлаб чиқаришга соғ-саломат ишчи кучи яратиб беришга хизмат қилади. Демак, аҳоли соғлиғи яхшиланиши халқ хўжалиги ривожланишини иқтисодий заруратга айлантиради. Маълумки, иқтисодий ривожланиш аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш билан узвий боғлиқ.

Иқтисодиёт ўз моҳиятига кўра, аввало, ишлаб чиқарувчи кучларнинг асоси бўлган инсонларни камол топтириш, уларни ишлай олиши учун қулай шарт-шароит яратиш, табиий муҳитни мусаффо қилиш, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва бошқа бевосита ёки билвосита аҳолининг соғлиғига таъсир қилувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ҳал этишга қаратилгандир. Табиийки, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш тиббий муассасаларни зарур асбоб-ускуналар, дори-дармонлар билан таъминлаш, малакали мутахассис кадрларни

тайёрлаш, илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш ва бошқа муаммолар ечими билан бирга олиб борилади. Шу жиҳатдан айтиш жоизки, соғлиқни сақлаш тизимининг асосий пойдевори иқтисодиёт ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш тизими иқтисодиётнинг мураккаб ижтимоий-иқтисодий соҳаси ва ихтисослашган тармоғи ҳисобланиб, унга муҳим ижтимоий тамойил – фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш, уларга юқори малакали тиббий-профилактика ёрдами кўрсатишни таъминлаш юклатилган.

Соғлиқни сақлаш тизимининг ўзига хос томони шундан иборатки, унинг муаммолари барча аҳолига тўсир этади. Ҳар бир инсон ўзининг ёши, жинси, маълумот даражаси ва ижтимоий аҳволдан қатъи назар у ёки бу даражада тиббий муассасаларга ёрдам учун мурожаат қилади. Унинг меҳнатга лаёқатлилиги, оиладаги ўзаро муносабатлар, соғлиқни сақлаш соҳасидаги давлат сиёсатига ишониш даражаси бу ёрдамнинг сифатига боғлиқ.

Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимида кенг кўламли ислохотлар олиб борилди. Шу йиллар мобайнида ушбу тизимга бағишлаб Президентимизнинг бир нечта фармонлари эълон қилинди. Ўзбекистон Республикасининг соҳага тегишли 12 та қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ўнлаб қарорлари чиқарилди. Ушбу ҳужжатларга мувофиқ, республика даражасида илмий-амалий марказлар, ҳар бир вилоятда кўп тармоқли тиббиёт маркази, тиббий диагностика марказлари ташкил этиш ва уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш кўзда тутилган.

Умуман, мустақиллик йилларида фуқаролар соғлиғини сақлаш борасида амалга оширилган ишлар кўлами салмоқлидир. Жумладан, жуда қисқа вақт ичида юртимизнинг энг чекка қишлоқ ва овулларида замонавий тиббий жиҳоз ва ашёлар билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктлари, Республика шошилинич тиббий маркази ва унинг жойлардаги филиаллари, мамлакатимизда фаолият юритаётган 4 та ихтисослаштирилган тиббий илмий-амалий марказ (урология, жарроҳлик, кардиология ва кўз микрохирургияси), туғма ногиронликнинг олдини олишга мўлжалланган жуда қимматбаҳо

замонавий жиҳозлар, лаборатория ускуналари билан таъминланган Скрининг марказлари аҳолига хизмат қилиб келмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари амалиётга изчил татбиқ қилиш, шифокор ҳамда мутахассислар малакасини оширишда дунёнинг нуфузли тиббиёт марказлари ва клиникалари билан ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Шу қарордан келиб чиқиб, бугунги кунда Корея, Япония, Ҳиндистон, Россия, Туркия, Германия ва бошқа ривожланган мамлакатларнинг етакчи тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда мураккаб ва ноёб жарроҳлик операциялари ўтказилмоқда. Ҳамда мамлакатимизнинг врачлари кўпгина мамлакатларнинг клиникаларида бўлиб, уларнинг фаолияти билан яқиндан танишмоқдалар. Жумладан, 2018 йил май ойида профессор М.Ақбаров бошчилигидаги делегация аъзолари Берлин ва Росток шаҳарларидаги йирик клиникаларда бўлиб, уларнинг ишлари билан танишди. Хусусан, Росток шаҳридаги кўкрак, қон томир, ҳамда трансплантация жарроҳлиги клиникасида бўлиб ўтган мулоқотларда клиника ва академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази ўртасида ўзаро тажриба алмашиш, мутахассислар малакасини ошириш, биргаликда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, семинар ҳамда маҳорат дарслари ташкил қилиш тўғрисида шартнома имзоланди.

Мустақиллик йилларида тиббиёт соҳасидаги ислохотлар самарасини ривожланиб келаётган хусусий сектор фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Тиббий хизматлар бозори вужудга келди.

8.3. Соғлиқни сақлаш тизимининг самарадорлиги

Иқтисомий муаммолар ечими соғлиқни сақлаш тизими учун ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Соғлиқни сақлаш соҳаси

иқтисодиёт нуқтаи назаридан икки жабҳада таҳлил этилмоғи мақсадга мувофиқдир:

- соғлиқни сақлаш тизимининг самараси ёки соғлиқни сақлаш тизимини жамият ривожланишидаги ўрни ва давлат томонидан соғлиқни сақлаш тизими учун мақсадли, тежамкорона ишлатиш зарурати;

- соғлиқни сақлаш тизимини ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш қобилияти, иқтисодиётни эркинлаштириш ва институционал ислохотларга мослашувчанлиги.

Соғлиқни сақлаш тизимининг самарадорлиги аҳолининг кўпайишига, ишчи кучининг иш қобилияти сақланишига, меҳнат унумдорлиги ошишига олиб келади. Аҳоли ўлимини камайтириш учун кўрилган чора-тадбирлар халқ хўжалигида банд бўлган аҳоли сонининг ошиши ва малакали кадрларнинг узоқ йиллар мобайнида ишлашига имкон беради. Бундан ташқари, умумий касалланиш, айниқса, вақтинча меҳнатга лаёқатсизликни камайтириш, халқ хўжалигида банд бўлган меҳнат ресурсларини сақлашга имкон беради. Тиббий хизмат учун сарфланадиган маблағ нафақат ижтимоий суғурта бўйича нафақа тўловларига, балки аҳоли харажатлари таркибига ҳам таъсир кўрсатади. Оғир касалликка чалиниш ёки жароҳатланиш оқибатида меҳнатга лаёқатсизлик, ногиронликка нафақа тўлаш учун қўшимча маблағ талаб қилинишига олиб келади. Аҳоли соғлиғини сақлаш тиббий хизмат харажатларини тежаш билан бир вақтда ижтимоий суғурта жамғармаси томонидан вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганларга сарф қилиниши лозим бўлган маблағни санаторийларда меҳнаткашлар соғлиғини мустаҳкамлашга сарф қилишга асос яратиб беради. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришда қўшимча миллий даромад яратиш манбаига айланади. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий соҳага, жумладан соғлиқни сақлаш тизимига ажратиладиган бюджет маблағи миқдорининг оширилишига олиб келади. Демак, иқтисодий ислохотлар ва бозор муносабатларининг ривожланиш даврида соғлиқни сақлаш тизими муҳим ижтимоий-иқтисодий соҳага айланиб бориши муқаррардир.

Илмий изланишлар натижасида аниқланганки, қон-томир касалликлари гуруҳида даволаш-профилактик чора-тадбирлар ташкил этилганда сарфланган маблағ билан иқтисодий самаранинг нисбати 1:12 ни, онкологик касалликлар гуруҳида 1:19 ни, полиомелит хасталигини тугатиш оқибатида эса иқтисодий харажат ва самара мос равишда 1:63 нисбатни ташкил этади. Жаҳон тажрибасидан маълумки, жамият ривожланишида ижтимоий ислохотлар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Бу ўринда, соғлиқни сақлаш билан боғлиқ бўлган барча муаммо ва вазифалар иқтисодий-сиёсий ислохотлар стратегияси ва мазмунига мос тушиши лозим.

Аҳоли саломатлиги – мамлакатнинг бойлиги. Мамлакат иқтисодиёти, илм-фан равнақи, маданияти ривожланиши аҳоли соғлиғининг салоҳиятига боғлиқ. Шу жиҳатдан айтиш жоизки, мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти соғлиқни сақлаш тизими самараси ва ривожланиш даражасига бевосита боғлиқ. Демак, аҳоли соғлиғи салоҳияти жамиятнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларида ўз ифодасини топади. Масалан, аҳолининг табиий ўсиш суръати, умумий ўлим кўрсаткичи, гўдаклар ўлими (1 ёшгача бўлган), оналар ўлими ва бошқа кўрсаткичлар. Муайян мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий салоҳиятини белгиловчи мезонлар, бошқача қилиб айтганда, иқтисодий-ижтимоий индикаторлари бўлиб ҳисобланади.

Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимининг самарадорлигини ошириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди, жумладан, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлидаги самарали ишларда буни яққол кўриш мумкин. Аҳолининг турмуш шароити ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини изчиллик билан яхшилаш натижасида мамлакатимизда умумий ўлим кўрсаткичи кейинги 10 йилларда (1998–2012 йиллар) қарийб 20 фоизга камайди. Гўдаклар ўлими кўрсаткичи эса янги туғилган ҳар 1000 нафар чақалоққа нисбатан 23 тадан 10 тага тушди ва биргина 2017 йилнинг ўзида 11,2 фоизга камайди. Агар 1991 йилда оналар ўлими билан боғлиқ ҳар 100 минг нафар аёлга нисбатан 65 тани ташкил қилган

бўлса, 2012 йилда 20 та бўлди. Аҳолининг ўртача умр кўриши 1990 йилда 67 ёш бўлган бўлса, 2014 йилда 73,5 ёшни ташкил қилди, эркакларнинг умр кўриши 1990 йилда 66 ёшдан 71 ёшга, аёлларники эса 70 ёшдан 75,8 ёшга узайтирилди.

Кейинги йилларда қарийб 2,7 минг боланинг туғма хасталиклар ривожланишидаги кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига мос келади.

Мамлакатимизда Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг иккинчи босқичини амалга ошириш бўйича махсус дастур қабул қилинган бўлиб, ҳозирги кунда самарали амалга оширилмоқда. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва амалий мақсадга жавоб беришдан келиб чиқиб, тиббиёт соҳаси бошқарув тизимининг барча бўғинлари қайта кўриб чиқилмоқда.

Даволаш-профилактика муассасалари тармоғини қайта ташкил қилиш, вилоятларда катталар ва болалар учун кўп тармоқли тиббиёт марказларини барпо этиш, туманлар миқёсида тузилмаларни такомиллаштириш, қишлоқ врачлик пунктларини мустаҳкамлаш ва уларнинг, аввало, қишлоқ жойларда касалликларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятини кучайтиришга доир ишлар олиб борилмоқда.

Бу борада аҳоли саломатлигини мунтазам равишда назорат қилиб бориш мақсадида ташкил этилган кенг тармоқли скрининг марказларининг аҳамияти бекиёсдир. Буларнинг барчаси, пировард натижада, инсонларга тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш, халқимизнинг ҳаёт сифатини юксалтириш ва умр кўриш даражасини оширишга олиб келади.

Ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш тизимининг барча бўғинларида хизмат кўрсатиш самарадорлигини янада ошириш, бошқарувни такомиллаштириш ва мувофиқлаштириш соғлиқни сақлаш тизими олдида турган асосий вазифа ҳисобланади.

8.4. Соғлиқни сақлаш тизимининг бозор муносабатларига ўтишдаги ўзига хос хусусиятлари

Таъкидлаш лозимки, буйруқбозлик тизимидан бозор иқисодиётига ўтиш даврининг дастлабки босқичларида соғлиқни

сақлаш тизимида ресурсларнинг етишмаслиги, рақобатнинг ўта пастлиги, бюрократик тўсиқлар ва бошқа омилларнинг мавжудлиги, бозор муносабатлари ривожланишини секинлаштиради. Унинг ижтимоий вазифаларни бажариши эътиборга олинса, ишлаб чиқариш соҳасидаги бозор муносабатлари тажрибасини, ютуқларини тўғридан-тўғри мазкур тармоққа кўчириб бўлмайди. Буни тиббий хизматлар сифатини истеъмолчи (бемор)лар томонидан назорат қилиш қийинлиги билан тушунтириш мумкин. Соғлиқни сақлаш тизимининг бозор муносабатларига ўтиши муносабати билан унда ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари сингари мулкчиликнинг турли кўринишлари шакллантирилмоқда. Бу эса тармоқнинг турли ташкилий-ҳуқуқий таркиблар фаолиятини тартиблашда давлатнинг ролини янада оширади. Бозор муносабатларига ўтиш даврида тиббий муассасалар мулкчиликнинг шаклидан, ташкилий, ҳуқуқий мақомидан қатъи назар, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишни кафолатлаши зарур.

Соғлиқни сақлаш тизими инсон фаолиятининг тури сифатида ходимларнинг бандлиги ва ресурсларни ишлатиш кўлами бўйича (моддий, молиявий, кадрлар) халқ хўжалигининг йирик тармоғига айланди. Соғлиқни сақлаш тизими функционал ва технологик алоқалари халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари билан доимо кенгайиб бормоқда. Функционал алоқалар тармоқнинг асосий мақсадига эришиш – аҳоли соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш, технологик алоқалар эса турли ресурслардан оқилона фойдаланиш зарурати билан аниқланади. Халқ хўжалигининг барча тармоқлари каби соғлиқни сақлаш тизими турли ресурсларни, тиббий хизматнинг янги турларини юзага келтирувчи илғор технологик ютуқларни бирлаштиради, натижада тармоқлараро алоқалар кенгаяди.

Соғлиқни сақлаш тизими ҳақида гапирганимизда, фақат хизматлар ҳақида эмас, балки соғлиқни ишлаб чиқариш омили ҳақида таъкидлаш асосий мақсади бўлмоғи лозим. Соғлиқни сақлаш тизимининг компенсатор вазифаси, одатда, иқтисодий назария ва амалиётда бирозгина акс этади. Лекин унинг умумий касалланишга,

ўлимнинг камайишига, кишиларнинг меҳнатга қобилиятлилик даврини узайтиришга таъсирини аниқлаш ўта мушкул.

Соғлиқни сақлаш тизими ижтимоий ишлаб чиқаришнинг таркибий қисми бўлиб, у инсон ҳаётининг турмуш даражаси ва фаровонлиги билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этар экан, шу билан биргаликда, жамиятнинг меҳнат салоҳиятини шакллантириши билан ижтимоий кафолатларни амалга ошириб боради. Соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланиши иқтисодий, экологик ва ижтимоий бошқарув таъсирида юз беради, уларнинг орасида ижтимоий бошқарув устувор ҳисобланади. Чунки жамиятнинг ўсиши инсонга, унинг эҳтиёжи, фаровонлигига, охир-оқибатда, соғлиқни сақлаш имкониятларини рўёбга чиқаришга қаратилган. Шунинг учун соғлиқни сақлаш тизимининг иқтисодий-ижтимоий вазифалари фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган муҳим дастурларни амалга ошириб, муфассал ўрганилиши жуда ҳам муҳимдир.

Илгари тиббиётнинг инсонпарварлик жиҳати ҳақида кўп гапирилар эди-ю, аммо унинг молиявий жиҳати эътибордан четдан қолар эди. Натижада, ажратилган маблағнинг баъзи соҳаларда самарасиз сарфданиши, тизимнинг моддий-техника базасининг ночор аҳволга тушиб қолишига, тиббий ходимларнинг фақат касб маҳоратини эмас, балки уларнинг масъулиятини ҳам камайитиришга олиб келди. Лекин соғлиқни сақлаш соҳасида чегараланмаган монетаризм ижтимоий мувозанатни издан чиқариш омили бўлиши мумкин. Шунинг учун ислохотлар концепцияси чегараланган бюджет харажатларини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига йўналтириш асосида олиб боришни тақозо этади.

Фуқаролар соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлашга сарфланадиган харажатларнинг ўсиши, қатор иқтисодий муаммолар ҳал этилишини тақозо этади: жамиятда соғлиқни сақлаш хизмати нархини белгилаш, миллий бойликнинг муҳим қисмини ташкил этувчи ва иқтисодий ўсишнинг омили сифатида соғлиқ салоҳиятини баҳолаш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимининг ресурслар салоҳиятини аниқлаш ва уни шакллантириш йўллари қидириш шулар жумласига киради.

Бозор муносабатларига ўтиш соғлиқни сақлаш тизими объектлари самарадорлигининг барча усулларини ишлаб чиқиш, тармоқнинг ижтимоий-иқтисодий дастакларига асосланган, фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасида иқтисодий муносабатларнинг мослашувчан механизмини яратиш талаб қилинади. Унда тизимни ривожлантириш иқтисодий жиҳатлари тиббий-биологик ва ижтимоий муаммолар билан боғланиши лозим.

Соғлиқни сақлаш тизимида бозор муносабатларининг қарор топиши энг аввало, тиббий хизматларга эркин нарх белгилаш услубияти, тартиботи ва тартибга солишни биринчи навбатга қўяди. Қачонки тиббий хизмат бозори тўйинган хусусиятга эга бўлса, шундагина эркин нарх белгилаш имкони мавжуд бўлади. Хизматларга белгиланган нархлар адолатли эканлигини бевосита тиббий хизматлар бозори, ундаги рақобат ва истеъмолчининг ўзи назорат қилади. Шунинг назарда тутиш керакки, тиббий ходимлар хизматига истеъмолчилар томонидан пул тўланган тақдирдагина тақлиф мувозанати асосида хизматлар баҳоланади, бу эса бозор муносабатлари шароитида хизматларнинг баҳоланиш қонунияти юзага келади.

Соғлиқни сақлаш тизими самарадорлигини талаб этиладиган даражага етказиш фақат сарфланаётган маблағларни қайтариб олиш эмас, балки анчагина фойда ҳисобидан кўриш мумкин. Тиббиёт бутун дунёда молияга муҳтож бирдан-бир соҳа ҳисобланади. Давлат халқнинг барча талабига жавоб берувчи соғлиқни сақлаш тизимини маблағ билан молиялаштиришга қодир эмас, шунинг учун молиялаштиришнинг бошқа манбаи корхона, ташкилот, суғурта компаниялари ва фуқароларнинг шахсий маблағлари бўлиши мумкин.

Бозор муносабатларига ўтиш тиббий-профилактик, реабилитация ва соғломлаштириш хизматларини бирма-бир таҳлил этишни талаб этади. Мулкчиликнинг ҳар хил турлари асосида бири-бири билан рақобат қилувчи турли соҳалар юзага келиши тизимнинг ишларига ижобий таъсир кўрсатади, кадрларнинг касб маҳорати ва

уларнинг даромадини кўпайтириб, инсонларнинг касбига нисбатан масъулиятини оширишга сабаб бўлади.

Соғлиқни сақлаш тизимида бозор муносабатлари ривожланиши тиббий муассасалар тармоғида иқтисодий шаклнинг ўзгариши, уни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришда кўринади. Давлат муассасалари билан бир қаторда турли мулкчиликка асосланган тиббий акционерлик соҳалари, нотижорат ёки хусусий тиббий муассасалар шаклланишини тақозо этилади. Мазкур соҳа муваффақиятли ривожланиши учун эса, мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган бир-бири билан рақобат қилувчи тиббий муассасаларнинг вужудга келиши, тиббий хизмат бозорини шакллантириш ва ривожлантирган ҳолда хориж инвестициялари асосида қўшма тиббий муассасаларни ташкил этишни рағбатлантириш тақозо этилади.

IX. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ ИСЛОҲ ҚИЛИНИШИ ВА УНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

9.1. Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларнинг мақсадлари ва вазифалари

Мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида дастлабки амалий қадамлар қўйилди. Бу ишлар ўзининг буюк келажагига интилаётган халқимизнинг соғлом авлод тарбиясига устувор вазифа сифатида қарашидан далолат эди.

Республика соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларнинг асосий мақсадлари ва вазифалари соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишдир. Ислохотлар концепцияси ва тармоқни ташкил қилишни, молиялаштириш ва бошқарув тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш тизими салоҳиятини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган асосий тадбирларни кўзда тутди. Ислохотларнинг асосий мақсади мамлакатда аҳоли соғлиқни сақлаш тизимини барпо этишдан иборат.

Қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда Давлат дастурида тармоқнинг иқтисодиётда юзага келаётган бозор муносабатларига кўникма ҳосил қилишни кўзда тутувчи соғлиқни сақлашни ислоҳ қилишнинг стратегик йўналишлари белгилаб берилган.

Давлат дастурида тиббий хизмат кўрсатишнинг пуллик ва бепул соҳалари чегаралари аниқ кўрсатиб берилган. Бепул тиббий хизматлар фақат давлат томонидан кафолатланган тиббий-санитар хизматлар ҳажми доирасида кўрсатилади. Бепул асосда давлат томонидан кафолатланган тиббий-санитар хизматлар ҳажми:

- кечиктириб бўлмайдиган, тез тиббий ёрдам кўрсатиш;
- соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида ва қатор давлат даволаш муассасаларида, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида тиббий хизматлар кўрсатиш;
- қатор юқумли касалликларга қарши аҳолини иммунизация ва вакцинациядан ўтказиш;
- атрофдагиларга хавф туғдирувчи ижтимоий аҳамиятга эга

бўлган касалликлар бўйича ихтисослашган ёрдам.

Юқорида айтилган Давлат дастури қабул қилиниши ислохотларнинг боришида туб бурилиш ясади. Мамлакат стратегик тараққиёти билан уйғун равишда ишлаб чиқилган ушбу ҳужжатда тиббий хизматнинг миллий моделини босқичма-босқич шакллантириб бориш вазифаси қўйилди, ҳамда унинг устувор йўналишлари изчил ва аниқ баён этилди. Ўтган давр ичида мазкур ҳуқуқий ҳужжат ижроси юзасидан амалга оширилган тадбирлар: бирламчи тиббий хизмат тизимини тубдан яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ихтисослаштирилган тиббий марказлар ҳамда шошилиш тиббий хизмат тизимини ташкил қилиш, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, фармацевтика соҳасини ривожлантириш каби йўналишларда салмоқли ютуқлар қўлга киритилди.

Ислохотларни амалга ошириш жараёнида бир қанча салмоқли ютуқлар қўлга киритилди, шулардан баъзиларига эътибор берсак, бу тизимдаги оналик ва болалик муҳофазаси билан боғлиқ айрим жиҳатларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Аёлга ва ўсиб келаётган ёш авлодга бўлган эътибор – жамиятнинг эртаси ва келажагига эътибор демакдир. Қолаверса, она ва бола муаммоси жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳодиса. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда мазкур масалага жиддий эътибор қаратилмоқда. Эндиликда оналар ва болаларга муносабат бир оиладаги маънавий-ахлоқий мезон доирасидан чиқиб, умуммиллий, умумдавлат аҳамиятига эга бўлди.

Шунингдек, соғлом оилани шакллантириш, ёшларни турмушга тайёрлаш бўйича янги тизимлар барпо этилди. Муҳими, занжир мисол, бир-бирига боғлиқ бўлган соғлом авлод, соғлом оила, соғлом жамият ғояси амалга оширилмоқда.

Айниқса, ҳомиладорлик ва туғиш пайтида она ва бола саломатлигини назорат қилиш, туғиш ёшидаги аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш, туғруқ мажмуалари, “Она ва бола” соғломлаштириш марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, перинатал марказлар каби биз учун янги бўлган

тизимларни жорий этиш, бундан 10-15 йил илгари олдимизда жиддий муаммо бўлиб турган масалалар бугунги кунда ўзининг ижобий ечимини топаётгани қувончлидир. Ҳозир юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимида 5406 нафар педиатр, 1405 нафар неонатолог, 5584 нафар акушер-гинеколог ва бошқа ихтисослашган соҳалар шифокорлари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга 2017 йил 22 декабрда тақдим этган Мурожатномасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Жумладан, мамлакатимизда малакали тиббий ходимлар сонини ошириш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича ишларни изчил давом эттириш кўзда тутилган. Соғлиқни сақлаш соҳасига “ақлий тиббиёт” тизими, инновацион технологияларни жорий қилиш кўзда тутилмоқда. Аҳолини арзон нархлардаги сифатли дори воситалари билан таъминлайдиган 2 мингта ижтимоий дорихона ташкил этиш режалаштирилган ҳамда тиббий ўқув юртларига қабул квоталари сони кескин оширилмоқда.

Айтиш жоизки, соғлиқни сақлаш тизимини юксалтиришга қаратилган ана шу ҳуқуқий ҳужжатларга биноан, тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар мутлақо янгича тарзда ташкил этилди. Олий маълумотли шифокорлар томонидан малакали тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида республикамизнинг энг олис ҳудудларида ҳам кам самарали фельдшерлик-акушерлик пунктлари ва амбулаториялар ўрнига замонавий тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган қишлоқ врачлик пункти (ҚВП) барпо этилди. Уларнинг сони бугунги кунда 3,1 мингдан ошди.

Ислоҳотлар маҳсули сифатида ташкил этилган янги тизим – Республика Шошилинч тиббий ёрдам маркази, юртимизнинг деярли барча вилоятлари марказида ихтисослашган замонавий “Она ва бола

скрининг” марказлари аҳолига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Бундан бир неча йил аввал ташкил этилган дастлабки 4 та ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакатимизда тиббиёт соҳасининг муҳим йўналишлари бўйича яна олти та ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ташкил этилганлиги фуқароларимизнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш каби конституциявий ҳуқуқини (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддаси) юқори савияда таъминлашга хизмат қилиши аниқ.

Айниқса, “Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги дастур ижроси бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, соғлиқни сақлаш тизимида фаолият кўрсатаётган малакали мутахассислар иштирокида мамлакатимизнинг барча вилоятларида аёллар ва болалар мунтазам профилактик тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Қолаверса, “Соғлом оилалар” шиори остида никоҳланувчи ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш борасидаги ишлар ҳам катта натижа бермоқда. Айни шу дастур ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши оилада тиббиёт маданиятининг ошиши ҳамда соғлом оилаларни барпо этишда янги ютуқ ва марралар сари йўл очди.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳатлар тиббий хизмат сифатини янги босқичга кўтариб ҳалқимиз саломатлигини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳмиятга эга бўлмоқда. Биргина мисол, аҳолини сифатли кафолатланган дори воситалари билан таъминлаш ҳамда фармацевтика фаолиятини тубдан такомиллаштиришга қаратилган саъйи ҳаракатлар изчил давом эттирилаяпти 1997 йилда республикада 2та фармацевтика корхонаси томонидан 30 га яқин дори воситалари ишлаб чиқарилган бўлса, 2017 йилга келиб бу соҳадаги корхоналар сони 160 тага етиб, улар томонидан 1482 номдаги дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда.

Мамлакатимизда умумий ўлим кўрсаткичи кейинги 10 йилда 20 фоизга камайди. Гўдаклар ўлими кўрсаткичи эса туғилган ҳар 1000 нафар чақалоққа нисбатан 23 тадан 11 тага тушди. Оналар ўлими ҳам кескин камайишига эришилди. Хусусан, 1991 йилда ҳар минг нафар онага 65 та ўлим ҳолати кузатилган бўлса, айти пайтда бу кўрсаткич 22 нафаргача қисқарди. Буларнинг барчаси аҳолининг турмуш шaroити ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини изчиллик билан яхшилаш натижаси эканлигини алоҳида қайд этиш даркор.

Таъкидлаш лозимки, агар 1990 йилда давлат бюджети харажатларининг 31 фоизи ижтимоий соҳаларни молиялаштиришга йўналтирилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2017 йилда қарийб 60 фоизни ташкил этди, унинг 35 фоизи таълим, 15 фоизи соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилди.

9.2. Соғлиқни сақлаш тизимида эришилаётган ютуқларнинг халқаро миқёсда эътироф этилиши

Мустақиллик йилларида тиббий соҳасида мамлакатимиз эришаётган натижа ва ютуқлар жаҳондаги нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Жумладан, БМТнинг болалар жамғармаси ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйича минтақавий директори Мария Каливис 2008 йилда юртимизда бўлиб, “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, хусусан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида кўпгина давлатлар ўрганса арзийдиган тажриба тўпланган”, дея таъкидлагани фикримиз далилидир.

БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Фикрет Ачкура “Ўзбекистонда саломатликка доир кўрсаткичлар ва соғлиқни сақлаш соҳасида эришилган натижалар кишини лол қолдиради”, дея баҳо беришида ҳам катта мезон бор.

Маълумки, Буюк Британияда фаолият кўрсатувчи “Болаларни асранг” (“Save the Children”) халқаро ташкилоти оналар ва болалар ҳуқуқлари билан боғлиқ масалалар билан шуғулланувчи энг нуфузли ташкилотлардан бири ҳисобланади. Мазкур халқаро муассасанинг

юзлаб тадқиқотчилари томонидан дунё мамлакатларида оналик ва болалик муҳофазаси билан боғлиқ ҳисоботда Ўзбекистон эришаётган натижаларга алоҳида эътибор қаратилди. Қиёслаш учун айтиш мумкинки, ушбу кўрсаткич нафақат минтақа ёки МДХ, балки Осиё қитъасида энг юқори даража ҳисобланади.

Шу ўринда диққатга сазовор яна бир воқеани айтиш жоиз. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Европа минтақасида мавжуд 53 та мамлакат ичида фақатгина 4 та давлат, жумладан, Ўзбекистон оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тиббий хизматининг миллий модели юқори баҳоланиб, ана шу давлатлар учун намуна сифатида эътироф этилди. “Саломатлик барча учун: Ўзбекистоннинг янги минг йилликдаги асосий мақсади” номли миллий маърузада мамлакатимиз аҳолисининг ўртача умр кўриш даражаси ҳам ошиб, у ҳозир 73,2 йилни ташкил этаётганлиги қайд этилган. Айтиш жоизки, Ўзбекистоннинг ушбу кўрсаткичи МДХнинг кўплаб давлатлариникига нисбатан анча юқори. Бу кўрсаткич Россияда – 66,7, Беларусда – 69,9, Украинада – 69,5, Қозоғистонда – 66,2, Қирғизистонда – 68,4 йилни ташкил этади. Бу – қўлга киритилаётган ютуқлар Ўзбекистонда аниқ мақсадга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ўтказилаётганидан дарак беради.

Мустақиллик мамлакатимизда халқаро андозалардаги тиббий хизмат кўрсатиш асосларини яратиб берди. Бундан кейин, шубҳасиз, мамлакатимиз тиббиёти янада ривожланиб бораверади. Бугун ана шу мақсад йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар бунга хизмат қилади. Зеро, халқ соғлиғини сақлаш тизимини тубдан яхшилаш мақсадларини кўзлаб ажратилаётган бюджет маблағлари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Жумладан, 1999 йилдагига қиёслаганда 2006 йилда тиббиёт равнақи учун ажратилаётган маблағ ҳажми 7,4 баробар ошди. 2007 йилда ушбу кўрсаткич 625 миллиард сўмга етган бўлса, 2008 йилда 862 миллиард сўмлик 2009 йилда 1256 миллиард сўмлик 2010 йилда 1704 миллиард сўмлик бюджет маблағи соҳа ривожига сарфланди. 2011 йилда эса 2217 млрд. сўм 2015 йилда 5218,5 миллиард сўм, 2016 йилда 5811,6 миллиард сўм, 2017 йилда

эса 7030 миллиард сўмлик бюджет маблағи соҳа ривожига сарфланди.

Бу борада халқаро ҳамкорлик имкониятларидан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Масалан, бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида 96 та вилоят ва туман туғруқ муассасаси Осиё Тараққиёт банки иштирокида амалга оширилаётган “Аёллар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш” лойиҳаси доирасида таъмирланиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. 2009–2010 йиллар давомида эса, ушбу лойиҳага биноан, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё, Самарқанд, Навоий, Жиззах вилоятлари туғруқ муассасаларида ҳам таъмирлаш ва тиббий асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Натижада оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати тубдан яхшиланди. Шунингдек, Жанубий Кореянинг “Эксимбанк”и ва Қувайт Араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларни эътироф этган ҳолда уни янада чуқурлаштириш мақсадида маблағ ажратди.

Германия ва Япония давлатлари томонидан ҳам тиббий ислоҳотларимиз самимий қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, Япониянинг ЈСА агентлиги Республика ихтисослаштирилган Акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббий марказнинг замонавий даволаш-диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозланиши учун 3,5 миллион АҚШ доллари миқдорида грант маблағи ажратди. Кейинги йилларда вилоят кўп тармоқли болалар тиббий марказлари, Республика ихтисослаштирилган Педиатрия илмий-амалий маркази ва Тошкент Педиатрия тиббиёт институти клиникалари КФВ Банкининг (Германия) 10,5 млн. евро гранти доирасида энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Миллий тиббиётимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар дунё тиббиёти эришган ютуқларга эришиш йўлида қатъий ва дадил ҳаракатлардир. Президентимизнинг 2007 йил сентябрь ойида эълон қилинган “Соғлиқни сақлаш тизимини янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий

йўналишлари тўғрисида”ги Фармони бу йўлда ташланган яна бир муҳим қадам бўлди.

Унда мамлакатимизда тиббиётнинг юксак халқаро андозаларда ривожланиши йўлидаги вазифалар акс этган. Умуман, соҳа ривожини йўлидаги бундай умумдавлат миқёсидаги ғамхўрлик тезда ўз самараларини бериши аниқ.

9.3. Ривожланган мамлакатлар соғлиқни сақлаш соҳасидаги тиббий суғурта тизими ва унинг моҳияти

Бозор муносабатларига ўтиш даврида ривожланган мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш тажрибасини, келажакдаги истиқболни ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Иқтисодий ривожланган давлатларда аҳолининг барча қатлами тиббий хизматлардан баҳраманд бўлиши, тиббий-профилактик жараёнларда қимматбаҳо технологияларнинг қўлланилиши, тиббий хизматлар нархининг ўсиши, маъмурий харажатларнинг кўпайиши соғлиқни сақлаш тизимида харажатларнинг ўсишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун, ҳозирги кунда тиббий хизматлар нархининг ўсишини пасайтиришга, унинг самарадорлиги ва сифатини оширишга катта аҳамият берилмоқда.

Кўпгина ривожланган мамлакатлар тиббий суғурталаш жамғармалари ёрдамида самарали соғлиқни сақлаш тизими шакллантирилиб, ялпи харажатларни қоплашда бу жамғармалар асосий манба сифатида қабул қилинган. Ривожланган давлатлар тажрибасида тиббий суғуртанинг турли ташкилий шакллари мавжуд. Суғурта тизими молиялаштиришнинг асосий манбаи бўлиб, унинг қуйидаги шакллари мавжуд: давлат, ижтимоий, хусусий, тиббий, аралаш суғурта тизимлари. Бундан ташқари, тиббий суғурта тизими ижтимоий ва давлат жамғармаларидан ҳам тўла молиялаштирилиши мумкин.

Ҳозирги кунда кўпчилик иқтисодий ривожланган давлатларда тиббий суғурта тизимини, суғурталаш жараёнларини давлат томонидан унификациялаш ва суғурта жамғармаларини

марказлаштириш кўзда тутилмоқда. Бу ҳолда молиявий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда ҳисобот тизимини такомиллаштириш катта аҳамиятга эга, жумладан, тиббий хизматларга муайян нархларни белгилаш. Бундай нархлар прејскуранти касалликларнинг клиник-статистик гуруҳларига асосланади. Бир турдаги беморлар гуруҳини даволашда тиббий хизмат нархларини табақалаштириш, кўламини аниқлаш имконини беради. Даволаш нархи касалликларнинг клиник-статистик гуруҳлари асосида шакллантирилган меъёрлари бўйича белгиланади ва у кўпгина давлатларда кенг қўлланилади.

Жаҳон тажрибасида аҳолининг барча қатлами учун тиббий хизмат олиш имконини берадиган тиббий суғурта тизимининг идеал модели мавжуд эмас. Шунингдек, хорижий давлатлар тажрибасини ўрганмай, республикада тиббий суғурта тизимини жорий этиб бўлмайди.

АҚШда фуқаролар соғлиғини хусусий ва оилавий суғурталаш (74 фоизни ташкил этади), асосан, корхоналар томонидан гуруҳли суғурталаш услубида амалга оширилади, ҳамда “Медикер” (65 ёшдан ошганлар ва ногиронлар учун – 13 фоизни ташкил қилади) Давлат миллий дастури ва “Медикейд” (кам таъминланган аҳоли қатлами учун – 9 фоизни ташкил этади) штатларнинг ижтимоий дастурлари ва хусусий суғурта манбалари ҳисобидан қопланади. АҚШ аҳолисининг 95 фоизи касалланиш ёки жароҳатланиш ҳодисасидан суғурталанган.

“Медикейд” дастури соғлиқни суғурталаш дастури ҳисобланмайди, чунки суғурталанувчи суғурта бадали ва махсус солиқ тўламайди. Бу дастур умумий солиқлардан молиялаштирилади: 50 фоизи федерал бюджетдан ва 50 фоизи штат бюджетидан. Бу дастур ҳар бир штатда ўз хусусиятлари билан фарқ қилади: суғурта бериш шартлари, кўрсатиладиган хизматлар рўйхати, уларнинг тўлов муддати. Лекин бу дастурлар федерал қонунчилиги томонидан белгиланган асосий тамойиллар чегарасидан чиқмайди. Кам таъминланган ва 65 ёшдан ошганлар бир вақтнинг ўзида иккита дастур бўйича ёрдам олиши мумкин.

“Медикер” дастури кўпроқ амбулатория хизматини ва ўткир касалликларни даволашни қўллаб-қувватлайди. Дастур, асосан, барча тиббий хизматлар учун (стоматологик, оптометрик хизматлардан ташқари) харажатларни қоплайди. Тиббий асбоб-ускуналар билан текширувлар учун нархлар анъанавий клиник-диагностик текширувлар усулларида юқорироқ, чунки бу қимматбаҳо технологияларни қўллаш кўламини кенгайтиришга ёрдам беради. Нотижорат хусусий тиббий суғурта компаниялари тиббий муассасаларга тўловларни олдиндан тўлайди. Шунингдек, тижорат тиббий суғурта компанияларининг ҳам суғурталаш шартлари турлича. Одатда, қўшимча харажатлар (“Медикейд”, “Медикер” дастурларида белгиланмаган) учун тўловни хусусий тиббий суғурта компаниялари қоплайдилар.

АҚШда харажатларни олдиндан қоплаш тизими муваффақият билан амал қилмоқда. Тиббий суғурта компаниялари белгиланган харажатларни олдиндан қоплайди ва касалхоналар бу тўловлардан ўз бюджетини шакллантиради. Бунда тарифлар касалликларнинг клиник-статистик гуруҳлари асосида аниқланади. Бундай усулда меъёрларда белгиланган харажатларнинг ортиғига товон (компенсация) тўланмайди, тежалган маблағлар қайтарилмайди, тиббий муассасалар эса кўрсатиладиган тиббий хизматнинг сифатини, самарасини оширишдан манфаатдор бўладилар.

Лекин бу тизимнинг ҳам қатор камчиликлари бор, чунки беморни муддатдан олдин чиқариб юбориш, зарур текширувларни ўтказмаслик ҳисобига маблағ тежалиши мумкин. Беморни касалхонага қайтадан ётқизиш, ташхисни ноаниқ ифода этиш ва бошқалар. Ҳаттоки, тиббий муассасалар фаолиятида суиистеъмолчилик ҳоллари ҳам учраши мумкин. Шунинг учун қатор давлатларда тиббий хизматларга тўлов тарифи тиббий муассасалар ассоциациялари, тиббий суғурта компаниялари ва жойлардаги маъмурий орган вакиллари билан биргаликда кўриб чиқилиб, федерал даражада тасдиқланади.

Ҳозирги кунда АҚШда оилавий тиббий хизматни кенгайтиришга мўлжалланган ташкилотларни бирлаштиришга

қаратилган махсус консорциумни яратиш тажрибасининг амалий аҳамияти ортиб бормоқда.

Японияда мажбурий суғурта тизими “японияликларнинг миллий хусусиятларига” асосланган. Японияда соғлиқни умумий суғурталаш тизими ва қуйидаги суғуртачилар мавжуд: давлат, катта, кичик шаҳар ва қишлоқлар, соғлиқни суғурталаш иттифоқи. Давлат кичик ва ўрта корхоналар хизматчиларининг соғлиғини суғурталаш ҳукумат дастури бўйича тиббий хизмат харажатларининг 16 фоиз атрофида, катта ва кичик шаҳарлар ва қишлоқлар бошқарувидаги миллий соғлиқни суғурталаш дастури бўйича харажатларнинг 50 фоиз миқдоридан субсидия ажратилади. Аҳоли, ўз навбатида, суғурта ташкилотларига суғурта бадалларини тўлайди ва касал бўлган ҳолда тиббий хизматлар учун харажатларнинг 20-30 фоизини ўз жамғармасидан тўлайди. Қолган харажатларнинг 70-80 фоизини тиббий суғурта ташкилотлари тўлайди. Давлатнинг яна бир муҳим вазифаси шундан иборатки, у ҳамма тиббий муассасалар учун тиббий хизматларга ягона нарх белгилайди.

Японияда соғлиқни сақлаш тизимининг қуйидаги ўзига хос томонлари мавжуд: тиббий суғурта тизими бўйича аҳолининг барча қатламига тиббий хизмат кўрсатиш кафолатланган, беморлар хоҳлаган тиббий муассасага мурожаат этиши мумкин, суғурта бадаллари аҳолининг даромадларига мутаносиб ва тиббий хизматнинг бир қисми фуқаролар томонидан мустақил тўланади, баъзи ҳолларда тиббий хизмат учун харажатлар суғуртачи томонидан тўла қопланади, тиббий муассасаларнинг бошқаруви мустақил, мамлакат бўйича тиббий хизматлар учун ягона тариф ўрнатилган, суғуртачи бўлиб давлат, катта, кичик шаҳар ва қишлоқлар ҳамда юридик шахслар ҳисобланади, баъзи бир тиббий суғурта тури аҳоли учун мажбурий.

Японияда тиббий муассасаларнинг кўпчилиги хусусий, лекин улар нотижорат мақомига эга, яъни олинган даромад муассасанинг моддий-техника базасини кучайтиришга йўналтирилади.

Буюк Британияда миллий соғлиқни сақлаш тизими мавжуд бўлиб, вазирлик томонидан бошқарилади. Вазирлик ислоҳотлар

Ўтказилишини қатъий тартибга солиб туради. Бирламчи бўғинда тиббий хизмат бир гуруҳ ёки шахсий нотижорат мақомига эга бўлган умумий амалиёт врачлари томонидан кўрсатилади ва улар мустақил шартнома асосида фаолият юритадилар. Траст ва госпиталларда ихтисослашган тиббий хизмат кўрсатилади. Трастлар ташкилий жиҳатдан вазирликка бўйсунди ва молиявий жиҳатдан унга боғланган. Улар муайян мустақилликка эга бўлиш билан бирга шифокорларнинг маоши давлат томонидан белгиланади.

Буюк Британияда беморларнинг стационарларда даволаниш кунлари жуда кам. Режали операцияларнинг 50 фоизигача бири кунлик стационарларда бажарилади. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, стационарда режали равишда даволаниш учун 9 ойгача навбатда туриш мумкин. Стационарлар давлат мулки ҳисобланади, лекин улар мустақил фаолият юритадилар.

Ислохотлар натижасида 1991 йилдан бошлаб, тиббий хизматларнинг “ички бозори” шакллантирилган, тиббий хизматни молиялаштириш уни кўрсатишдан ажратилган: тиббий хизматларни соғлиқни сақлаш бошқармаси тиббий муассасалардан сотиб олади. Уларнинг муносабати аҳолини танлаш эҳтиёжига асосан, шартнома билан тартибга солинади. Аҳолини кафолатланган давлат дастурини жорий этишда қатнашаётган тиббий муассасаларни танлашдан манфаатдор. Аҳоли эҳтиёжини қондираётган талаблардан фойдаланаётган тиббий муассасалар, биринчи навбатда, молиялаштирилади.

Буюк Британияда барча хизматчиларнинг соғлиғи мажбуран суғурталанади, турмушга чиққан аёллар бундан мустасно. Улар ихтиёрий равишда суғуртага қўйилишлари мумкин. Миллий суғурта тизими етарли таъминламайдиган ёки умуман таъминламайдиган тиббий хизматлар соҳасини хусусий тиббий суғурта тизими қоплайди.

Германияда анъанавий ижтимоий тиббий суғурта тизими мавжуд. Аҳолининг 90 фоизи тиббий суғурта полисига эга. Корхоналар иш ҳақи жамғармасидан 13 фоиз миқдорида тиббий суғурта жамғармаларига ўтказадилар. Бундан корхоналар суғурта

харажатининг 80 фоизини, хизматчилар эса 20 фоизини тўлайдилар. Германияда тиббий суғурта харажатларини қоплашнинг гонорар усули кенг тарқалган. Бу усулнинг камчилиги шундаки, шифокорлар харажатларга асосланмаган ортиқча ва қимматбаҳо муолажаларни қўшишлари мумин. Бунинг муқобил варианты сифатида бир қанча мамлакатда биринчи тиббий бўғинда жон бошига харажатларни қоплаш усули қабул қилинган. Бунда шифокорнинг маоши муайян ҳудудда яшовчи аҳолининг сони билан боғлиқ.

Канадада 1971 йилдан бошлаб аҳоли соғлиғининг универсал миллий суғурта тизими жорий этилган. Бу тизим бўйича бюджет-ижтимоий суғурта доирасида стоматологик хизматлардан бошқа барча хизматлар харажатлари қопланади. Соғлиқни суғурталаш миллий тизими аҳолининг барча қатламлари тиббий хизматдан баҳраманд бўлишини таъминлайди. Суғурта дастурларини молиялаштириш суғурта бадаллари, давлат дотацияларига асосланади. Шунингдек, бунга беморларнинг ва хусусий суғуртанинг маблағлари жалб қилинади. Федерал субсидияларнинг миқдори ҳудуддаги соғлиқни сақлаш тизими бюджетининг 25 фоизидан ошмайди, ҳар бир ҳудудда давлат суғурта агентлиги фаолият кўрсатади, маъмурий харажатлар умумий харажатларнинг 2 фоизидан ошмайди. Соғлиқни сақлаш тизими давлат дастури ҳамма канадалиқни тиббий хизмат билан таъминлаш имконини беради.

Давлат тиббий муассасаларида ишлайдиган шифокорлар билан бирга хусусий амалиёт билан шуғулланувчи шифокорлар, хусусий тиббий муассасаларда ишлайдиган шифокорлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатадилар. Тиббий хизматлар давлат томонидан ўрнатилган тариф асосида қопланади. Тиббий хизматга тарифлар ҳудудий соғлиқни сақлаш органлари ва тиббий муассасалар томонидан келишилган ҳолда белгиланади. Бундай иқтисодий механизм тиббий хизматнинг асоссиз ўсишини чегаралайди. Умуман, амбулатория ва стационар тиббий хизмат харажатларининг 90 фоизи ҳамда соғлиқни сақлашга кетган харажатларнинг 75 фоизи ижтимоий жамғармалар томонидан қопланади.

Бир қанча мамлакатларда амбулатория-поликлиника бўғинида амалиётчи шифокорлар гуруҳи рағбатлантирилади. Шифокорлар гуруҳи муайян бир ҳудудда яшовчи аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш учун мажбурият олади, бу ҳолда тиббий суғурта ташкилоти томонидан белгиланган бадаллар олдиндан тўланган бўлиши шарт. Шунинг учун шифокорлар тиббий-диагностик хизматларни кўрсатишдан кўра, профилактик, соғломлаштириш тадбирларини ўтказишга ҳаракат қиладилар, чунки улар бундан кўпроқ манфаатдор бўладилар.

Ривожланган мамлакатларда соғлиқни сақлаш тизимлари қатор афзалликлари билан бирга бир қанча нуқсонларга эга. Мисол учун, АҚШда 1988 йилда Харрис хизмати аҳоли ўртасида ўтказилган сўровлар натижасини эълон қилган: аҳолининг 10 фоизи мавжуд соғлиқни сақлаш тизимини “яхши” деб баҳолаган ва унга “баъзи бир” ўзгартириш киритиш етарли, деб ҳисоблаган. Аҳолининг 89 фоизи эса соғлиқни сақлаш тизимини “таъмирлаш” лозим, деб ҳисоблаган. Канадада соғлиқни сақлаш тизимини 61 фоиз америкалик, Британия соғлиқни сақлаш тизимини эса 29 фоиз америкалик афзал кўрган (таққослаш учун: сўров ўтказилганда 56 фоиз канадалик мавжуд соғлиқни сақлаш тизимини “яхши” деб баҳолаган). Америкалик 24 млн. аҳоли зарур тиббий хизматни ололмаган, 14 млн. америкалик эса тиббий хизмат қиммат бўлгани учун тиббий хизматни олиш имкониятига эга бўлмаган (Канада аҳолисининг 1 фоизидан камроғи тиббий хизматни ололмаган). “НБС Ньюс” хизматининг 1989 йилда ўтказилган сўровлари натижасида 92 фоиз америкалик тиббий хизматга нархларнинг ўсишдан ташвишда эканлиги, 2/3 қисми эса миллий соғлиқни сақлаш тизимини қўллаб-қувватлашини билдирган. Демак, АҚШда аҳолининг турмуш даражаси тиббий хизматдан баҳраманд бўлишини белгилайди. Шунингдек, онкологик касалликлар, мия қон томирлари, тумов ва зотилжам, қандли диабет 1960 йил кўрсаткичлари даражасида. Бир ёшгача бўлган болалар ўлими кўрсаткичи бўйича 20 та ривожланган мамлакатлар ичида охирги ўринда туради.

Канада соғлиқни сақлаш тизимида шифокорларга “гонорар усули”да ҳақ тўланиши натижасида шифокорлар қанча кўп муолажа ўтказса, даромади шунча кўпаяди. Бундай тажриба зарур бўлмаган тиббий хизматларни кўрсатишга олиб келади. Канада тизими тиббий хизмат сифатининг самарали назорат қилинишини таъминлай олмайди. Профилактик тадбирлар учун маблағ кам ажратилади. Яхши таъминланган канадалик кам таъминланган канадаликка нисбатан 4,5 йил кўп умр кўради ва 11 йил кейин меҳнатга лаёқатсиз бўлади. Соғлиқни сақлашнинг асосий омили аҳолининг турмуш даражаси ҳисобланади.

Япония аҳолининг яхши кўрсаткичларига эга. Шунга қарамай, япониялик экспертлар фикрича, соғлиқни сақлаш тизимида қатор ислоҳотлар ўтказиш зарур. Беморлар тизимида қатор ислоҳотлар ўтказиш зарур. Беморлар хоҳлаган тиббий муассасани танлаш имкониятига эга эканлиги натижасида қимматбаҳо малакали хизмат кўрсатадиган стационарларда касалликнинг енгил шакллари билан оғриган беморларнинг ҳаддан ташқари кўплиги, оммавий хизмат кўрсатадиган клиникаларда эса беморларнинг жуда камлиги қайд қилинган.

2-жадвал

1990 йилларда айрим давлатларда соғлиқни сақлаш тизимининг молиялаштириш таркиби, фоиз

Давлатлар	Давлат бюджет и	Ижтимоий суғурта	Хусусий суғурта	Фуқароларнинг шахсий маблағлари	Ҳомийлар ёрдами
Буюк Британия	73,1	7,7	5,5	13,7	-
Испания	37,6	40,0	5,0	17,4	-
Италия	35,7	40,6	4,9	18,8	-
АҚШ	24,5	18,7	31,2	25,6	-
Швеция	24,0	44,8	6,9	24,3	-
Япония (1997й.)*	32,2	54,0	-	13,8	-
Ўзбекистон (1999й.)**	95,5	-	-	2,7	1,9

Беморларнинг стационарда ўртача даволаниш кунлари бўйича Япония ривожланган мамлакатлар ичида охириги ўринлардан бирида туради. Баъзи беморлар тиббий хизматга муҳтож бўлмаса ҳам стационарда ётиши мумкин. Айрим туманларда шифокорлар йўқлиги, бошқа бир туманларда эса шифокорларнинг ҳаддан зиёд кўплиги қайд этилган. Япония оммавий ахборот воситалари маълумотига кўра, японияликларнинг 30 фоизи соғлиқни сақлаш тизимидан қониқмаган.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб айтиш жоизки, аҳолининг барча қатлами тиббий хизмат олиш имкониятига эга эмас. Ижтимоий адолат нуқтаи назаридан аҳолининг айрим қатлами тиббий суғуртадан кўпроқ, айрим қатлами камроқ наф кўради. Хусусий суғуртанинг кенг жорий этиш имконияти чегараланган, чунки аҳоли қатламида кам даромадли оилалар ногиронлар бу тизимга мослаша олмайди. Шу жиҳатдан, соғлиқни сақлаш соҳасида самарали тиббий хизмат ва суғурта тизимини жорий этишда муқобил йўналишлар ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда тегишли ҳисоб-китобларни амалга ошириш лозим.

Ривожланган давлатлар соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш тажрибаси шуни кўрсатадики, харажатларнинг асосий қисми ижтимоий суғурта, фуқароларнинг шахсий маблағлари ва хусусий суғурталар ҳиссасига тўғри келади (2-жадвал).

Демак, Ўзбекистонда ҳам босқичма-босқич соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришга қўшимча маблағ жалб қилиш лозим. Молиялаштиришнинг қўшимча манбаи бўлиб ташкилотлар, суғурта компаниялари, юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари бўлиши мумкин.

Соғлиқни сақлаш тизимида таркибий ўзгаришлар, жумладан тиббий суғурта тизимининг бозор муносабатлари билан уйғунлашган ҳолда босқичма-босқич, халқимизнинг миллий қадриятлари, урф-одат ва моддий имкониятларини ҳисобга олиб жорий этган тақдирдагина соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар кутилган натижаларни бериши мумкин.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда тиббий суғурталашни босқичма-босқич жорий этиш учун асос тайёрланмоқда. Бу мақсадларда мавжуд даволаш-профилактик муассасаларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ишлари амалга оширилмоқда, таъсисчилар ҳисобига қурилган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиб, хусусий даволаш профилактика муассасалари барпо этилмоқда. Шу билан бирга, ижтимоий суғурта ҳамда хусусий тиббий суғурта бадаллари мавжуд.

Ижтимоий суғурта бадаллари тиббий хизматларга ишлатилиши назарда тутиладиган тўловлардир. Ушбу мақсадли солиқлар иш беручилар томонидан иш ҳақи фондидан чегирмалар тарзида ёки ходимлар томонидан шахсий иш ҳақидан бадал бериш тарзида тўланади. Улар давлат бюджетидан ажратилган ва шу сабабли бюджетдан ташқари жамғармалар деб номланган ижтимоий суғурта жамғармаларида тўплаб борилди.

Хусусий тиббий суғурта бадаллари ҳам худди ижтимоий тиббий суғурта бадаллари каби мақсадли бадаллар ёки суғурталовчи учун тиббий хизматларга сарфланиши назарда тутилаётган маблағ тўланишидир. Лекин ижтимоий суғуртадан фарқли равишда хусусий суғурталаш ихтиёрийдир. Ҳар бир одам қачонлардир тиббий ёрдам олиши ёки олмаслигидан қатъи назар бадал тўлайди. Масалан, агар суғурта бадаллари таваккалчилик хавфини эътиборга олган бўлса, ҳар бири мазкур йилда соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиши ёки фойдаланмаслигидан қатъи назар доимий равишда чекадиган 70 яшар эркак йилига – 4000 сўм, чекмайдиган 25 ёшли киши эса – 1000 сўм тўлаши мумкин. Агар бадаллар бир хил миқдорда белгиланадиган ягона бадал бўлса, келтирилган мисолимиздаги ҳар иккала кишининг ҳар бири 2500 сўмдан бадал тўлаши мумкин.

Истеъмолчиларнинг тиббий хизматларни сотиб олишдаги тўғри тўловлари ёки бевосита харажатлари тиббий хизматлардан фойдаланиш ёки ушбу хизматларни олиш пайтида амалга оширилади. Тўғри, шахсий тўловлар соғлиқни сақлашни маолиялаш муаммосини қисман ҳал қилиши мумкин. Улар, шунингдек, товар ва хизматларга ҳақ тўлашнинг табиий усулидир. Бироқ тиббий хизматлар шу қадар

қиммат бўлиши ҳам мумкинки, ҳақ тўлашнинг бу усули номақбул бўлади ва харажатлар тақсимланиши зарур бўлиб қолади. Шу сабабли, хусусий, рақобатли, ихтиёрий суғурталаш тизими мавжуд. Улар соғлиқни сақлашнинг салмоқли қисмини молиялашга қодир. Бироқ бунда суғуртага камбағалларнинг қурби етмайди. Бу суғурта усули иқтисодий аҳволи ночор кишиларга тўғри келмайди. Унинг қўлланиши катта маъмурий сарф-харажатлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шу сабабли, кўпгина мамлакатларда тиббий хизматларни молиялашда давлатнинг муайян роли сақланиб қолмоқда.

МДХ мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистонда бюджет ҳисобидан молиялаш тизими устунроқдир.

9.4. Соғлиқни сақлаш тизимидаги молиявий сиёсат

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг шаклланиш ва ривожланиш жараёни аниқ ижтимоий йўналтирганлиги билан ажралиб туради. Ислохотлар бошидан давлат ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини қуриш йўлидан борди. Ислохотларни амалга оширишнинг мураккаб шароитида соғлиқни сақлаш соҳаси ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Бу ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидан биридир. Мамлакат бюджетидан ҳам, халқаро жамғармалар томонидан ҳам молияланаётган кўплаб ижтимоий дастурлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Уларнинг барчаси соғлиқни сақлаш тизими тузилмасини такомиллаштириш, тиббий ходимлар малакасини ошириш, мамлакат аҳолисига тиббий хизматлар кўрсатишни яхшилашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, тиббий хизматлар сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш мақсадида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган. Лекин давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар аҳолининг

тиббий хизматга ўсиб бораётган эҳтиёжини тўлароқ қондириш ва миллат соғлиғи соҳасида мустақил ижтимоий ва демографик вазиятни таъминлаш, тиббий хизмат сифатини яхшилаш имконини бермаяпти. Давлат бюджети ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича оғир юкни ўз зиммасига олган, қуйида кўрсатиб ўтилган рақамлардан кейинги йилларда соғлиқни сақлашга давлат харажатлари улишининг ошиб бориши тенденцияси кузатилмоқда. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкик

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2015–2017 йиллардаги харажатлари таркиби.(млрд.сўм.)

3.1-жадвал.

№	Кўрсаткичлар	2015йил	2016 йил	2017 йил
1	Харажатлар (мақсадли жамғармаларсиз) жами	36257,3	40911,3	49344,0
2	Ижтимоий харажатлар	21316,9	24101,6	26922,7
3	Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари	20447,1	22766,0	26708,7
4	Шундан: Маъориф	12162,2	13831,7	15977,7
5	Соғлиқни сақлаш	5218,5	5811,6	7030,3
6	Маданият ва спорт	387,5	460,6	750,2
7	Фан	216,7	238,2	275,6
8	Ижтимоий таъминот	147,5	161,1	435,3
9	Болали оилаларга ижтимоий нафақалар	2102,6	2043,2	2239,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.

Ўзбекистон Республикаси 2009 йилда соғлиқни сақлаш учун қилинган харажатлар 1256 млрд. сўмни 2010 йилда 1704 млрд. сўмни, 2014 йилда 4795 млрд. сўм, 2015 йилда 3.1 жадвалдан кўринадиги 5218 млрд. сўм, 2016 йилда 5811 млрд. сўм сарфлаган бўлса, 2017 йилда эса 7030,3 млрд. сўмни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасида ислохотларнинг чуқурлашуви даврида соғлиқни сақлаш тизимини маблағ билан таъминлаш борасида юзага келаётган муаммоларни бартараф қилиш чоратадбирлари бўйича Давлат дастури ишлаб чиқилди. Аҳолига пуллик асосида юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш тартиб ва тарифлари, беморларнинг имтиёзли тоифасини бепул даволаш, соғлиқни сақлаш муассасаларини ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш тамойилларига босқичма-босқич ўтиш тартиби белгиланган. Жумладан, соғлиқни сақлашни ислох қилиш Давлат дастури бўйича 2007 йилда фельдшер-акушерлик пунктлари ва қишлоқ врачлик амбулаторияларининг янгидан қурилиши ва жиҳозланишига эътибор қаратилди. Шу тариқа республиканинг қишлоқ ва туманларида икки даражали соғлиқни сақлаш муассасаларидан иборат тармоқ ташкил этилди.

Лойиҳанинг асосий мақсади ҳукуматнинг аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасига ажратиладиган маблағларни оширмай туриб, соғлиқни сақлашнинг бирламчи даражасини кучайтириш, қишлоқда тиббий муассасаларни бошқариш ва молиялаштириш тизимини ислох қилиш, соғлиқни сақлаш ходимларини умумий амалиёт соҳасида ўқитиш кабилар ҳисобига қишлоқ аҳолиси саломатлигини яхшилашдир. Эндиликда қишлоқ муассасалари учун мустақил юридик шахс мақоми берилмоқда. Муассасаларни молиялашда аҳоли жон бошига ҳисоблаш тамойилига асосланган янги механизмлар, шунингдек, ходимлар меҳнатини рағбатлантиришнинг янги усуллари ишлаб чиқилади ва жорий этилади, тиббиёт ва иқтисодиёт масалалар бўйича янги ахборот тизимлари жорий қилинади.

Мазкур тармоқланган тизимни тиббий техника билан жиҳозлаш ва малакали ходимларни тайёрлаш Давлат бюджетидан ажратилиши мушкул бўлган харажатларни талаб қилади. Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз томонидан “Саломатлик” лойиҳасини амалга ошириш мақсадида, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкидан кредит олинди. “2005 йил Давлат бюджетидан харажатларда соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришда “Саломатлик-2” лойиҳаси асосида контрагентларнинг (маҳсулот ва хизматлар етказиб берувчилар)

хизмати учун тўлов, даволаш ва ташхис қўйиш воситаларига қўшимча қиймат солиғини белгилаш мақсадида, божхона процедуралари учун 1104,1 млн. сўм ажратилди”. Лойиҳа республикамизнинг уч вилоятида амалга оширилмоқда. Ҳукумат томонидан айнан шу вилоятларнинг танланишига сабаб, ушбу вилоятлар бир-биридан ҳудудий жиҳатдан катталиги ва аҳоли зичлиги каби иқтисодий кўрсаткичлар билан фарқланади, кейинчалик бу тажрибани бошқа вилоятларга жорий қилишда турли шарт-шароитларни инобатга олишга имкон беради.

Маъмурий-буйруқбозлик тизимида тармоқни молиялаш фаолияти фақат давлат вазифаси, деб талқин этиб келинди, бу эса саломатликни сақлашда кенгайтирилган ишлаб чиқаришнинг бошқа қатнашчилари (корхоналар, фуқаролар) масъулиятини оширишда, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш манбалари кенгайтирилишида сунъий тўсиқ бўлиб келди. Айни бир пайтда бундай ёндашув тармоқнинг ўзига хос хусусиятини акс эттирмайди ва айниқса, соғлиқни сақлаш соҳаси кўрсатаётган хизматга мос келмайди. Ҳозирги замонавий шароитда соғлиқни сақлаш жуда кенг турдаги тиббий хизматларни тақлиф этмоқда. Тармоқнинг бундай хусусияти уни молиялаштириш манбаларини белгилашда ҳисобга олиниши лозим.

Якка тартибдаги, хусусий шифокор ва муассаса томонидан алоҳида шаклларда кўрсатиладиган тиббий хизмат бутунлай ёки бирон корхоналар томонидан маблағ билан таъминланиши лозим. Жамият фаровонлиги учун тўловни давлат ўз зиммасига олиши керак. Лекин вазифанинг мураккаблиги шундаки, жамоат ва якка хизматлар ўртасидаги чегарани белгилаб олиш мушкул. Тиббий хизмат ёрдамини олиш соҳасидаги сезиларли ижтимоий эҳтиёжларни қондириш давлат манбалари ҳисобидан амалга оширилиши зарур. Бунда соғлиқни сақлаш харажатларини қоплашда давлатнинг иштирок этиши турли усуллар билан амалга оширилиши давлат хариди ва давлат трансферти механизми воситасида бўлиши мумкин.

Маълумки, давлат бюджети ишлаб чиқаришнинг якуний натижаларини аҳолига етказишда асосий каналларидан бири

ҳисобланади. Маҳаллий бюджетлардан ишлаб чиқариш соҳасининг тармоқлари, биринчи навбатда, озиқ-овқат ва маҳаллий саноат, коммунал хўжалик ва аҳолининг турмуш кечириши учун зарур бўлган аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси, хусусан, соғлиқни сақлаш тизими молиялаштирилади. Соғлиқни сақлаш соҳасида бозор муносабатлари ривожланишини бошқариш механизмининг йўқлиги давлат тиббий муассасалари фаолияти қисман тижорат усулига ўтиб кетишига ва давлатнинг соғлиқни сақлаш тизимидаги ижтимоий муҳим тадбирларни молиялаштириш бўйича масъулияти камайишига олиб келади.

Шундан келиб чиқиб айтиш лозимки, фуқаролар соғлиғини муҳофаза этиш борасидаги давлат сиёсати рўёбга чиқарилишида қатнашадиган тиббиёт муассасалари ягона молиялаштириш манбалари давлат маблағига эга бўлиши даркор. Турли даражадаги бюджетларнинг даромад қисмини шакллантиришдаги мавжуд қийинчилик, шунингдек, пуллик тиббий хизмат тизими бўйича тушаётган маблағларнинг етишмаслиги давлат тиббиёт муассасалари кўрсатаётган хизмат умумий таркибида пуллик тиббий хизмат улуши шаклланиши зарурлигини тақозо этади.

Ҳозирги пайтда хусусий маблағ сарфланмай, соғлиқни сақлаш тизимини маблағ билан таъминлашда сезиларли натижаларга эришиб бўлмайди. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Айтиш мумкинки, бюджет маблағларидан фойдаланишда юқори натижаларга эришиш, мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш, давлат бюджети ҳисобига маблағ билан таъминланадиган тармоқларда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш, бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш ва кадрларнинг сақланиб қолиши учун шарт-шароит яратилди.

Соғлиқни сақлаш муассасаларига юридик шахс сифатида кўшимча даромадлар топишига рухсат этилди. Улар молиявий тарафдан мустақил бўлишлари ва ўз маблағларини ўзлари тақсимлаш имкониятига эга бўлишлари лозим. Соғлиқни сақлаш тизимида ҳомийлар маблағларини жалб қилишдан ташқари бир неча йўналишлар бўйича бюджетдан ташқари даромадлар топишга қаратилган фаолиятларни кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Қисқача хулосалар

Жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний соғлом ва маънавий жиҳатдан бой ёш авлодни тарбиялашда соғлиқни сақлаш тизимининг роли беқиёсдир. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида бир қанча йўналишлар бўйича, аввало, оилага, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоя қилишнинг дунёнинг энг илғор тажрибаларидан фойдаланган ҳолда, ҳуқуқий асослари яратилди ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида бир қанча Давлат дастурлари қабул қилинди.

Мамлакат стратегик тараққиёти билан уйғун равишда ишлаб чиқилган ҳамда шошилишч тиббий хизмат тизимини ташкил қилиш, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, фармацевтика соҳасини ривожлантириш каби йўналишларда салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Юртимизда тиббий тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини кейинги йилларда мамлакатимизда инсоннинг ўртача яшаш даражаси узайганлиги (73,5 ёш), оналар ва болалар ўлимининг кескин камайганлигида яққол кўриш мумкин. Тиббиётнинг хусусий секторида хизмат кўрсатаётган шифокорлар учун шарт-шароит ва имкониятлар доираси тобора кенгайиб бормоқда.

Соғлиқни сақлаш бирламчи бўғинида, айниқса, қишлоқ жойларда жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Самарасиз ишлаётган фельдшерлик-акушерлик пунктлари ва қишлоқ амбулаториялари ўрнида замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган 3 мингдан зиёд қишлоқ врачлик пункти ташкил этилди.

Мамлакатимизда янги ташкил этилган соғлиқни сақлаш тизимида энг юксак замонавий тиббиёт технологиялари билан таъминланган ихтисослашган клиникалар муҳим ўрин эгалламоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимида бугунги кунда эришилган ютуқлар билан бирга, соҳада илм-фаннинг амалиёт билан узвийлигини таъминлаш, такомиллашган қонунчилик базасини мустаҳкамлаш борасида кўпгина вазифалар олдинда турибди. Эндиликда юртимизда фаолият юритиб турган тўртта тиббиёт маркази тажрибасидан келиб чиққан ҳолда яна 6 та, жумладан, Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти ҳамда даволаш базаси ва аёлларнинг репродуктив саломатлик марказлари негизда шу тизимга ихтисослашган марказ ташкил этилди. Ана шу мақсадда, йил бошидан оқ давлат бюджети ҳисобидан керакли миқдорда маблағ ажратилди. Айни пайтда, ушбу маблағ эвазига тиббий муассаса тубдан реконструкция қилиниб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бундан ташқари, ушбу ихтисослаштирилган илмий-амалий марказ Япония давлати томонидан 3,5 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги грант асосида замонавий даволаш диагностика аппаратлари билан жиҳозланиши режалаштирилган. Ҳозирги кунда мазкур марказнинг Нукус, Қарши, Жиззах ва Наманганда ҳам филиаллари ҳам фаолият юритмоқда.

Назорат саволлари

1. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Президентимизнинг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида қандай фармонлари эълон қилинди?

2. Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларнинг вазифалари ва мақсадларини изоҳлаб беринг.

3. Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар натижасида қўлга киритилган ютуқларни баён қилиб беринг.

4. Мустақиллик йилларида тиббий соҳада эришилган ютуқларимиз ҳақида жаҳондаги халқаро ташкилотлар билдирган фикрларига изоҳ беринг.

5. Тиббий суғурта тизимининг моҳиятини тушунтириб беринг.

6. Хориж мамлакатлари суғурта тизимининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

7. Ўзбекистон Республикаси тиббий суғурта тизimini жорий қилиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

8. Ижтимоий суғурта ва хусусий тиббий суғурта бадаллари ҳақида тушунча беринг.

9. Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларнинг асосий ижобий кўрсаткичларини нималарда кўриш мумкин?

10. Соғлиқни сақлаш тизимининг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?

11. Аҳоли саломатлиги ва жисмоний ривожланишига қандай асосий омиллар таъсир этади?

12. Соғлиқни сақлаш тизимининг асосий пойдевори нима?

13. Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимида қандай ишлар амалга оширилди?

14 Скрининг маркази деганда нималар тушунилади?

15. Тиббий хизматлар бозорига изоҳ беринг. Бозор муносабатларига ўтишдаги ўзгаришларни айтиб беринг.

16. Тўйинган тиббий хизмат бозори қандай хусусиятларга эга?

Таянч тушунчалар: *соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар, фармон ва қарорлар, тадбирлар, ислохотларнинг мақсади ва вазифалари, оналик ва болалик муҳофазаси, халқаро миқёсида эътироф этилиши, тиббий суғурта, ижтимоий суғурта ва тиббий суғурта бадаллари, аҳоли саломатлиги, жисмоний ривожланиши, тиббий-профилактик ёрдам, шошилинч тиббий марказ, соғлиқни сақлаш тизими самарадорлиги, соғлиқни сақлаш тизимининг бозор муносабатларига ўтиши, бюджет харажатлари, тиббий хизматлар бозори, хусусий тиббий муассасалар, молиявий сиёсат.*

Х боб. ИЖТИМОЙ СОҲАДА ТУРИЗМНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

10.1. Туризм соҳасининг ўзига хос хусусиятлари

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари билан бир қаторда туризм соҳасини ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистонда туризмни ҳар томонлама ривожлантириш учун бу соҳага илғор хорижий тажрибаларни жорий қилиш зарур. Чунки сўнгги йилларда бўлиб ўтган чуқур таркибий ўзгаришлар туристик соҳани ҳам четлаб ўтмади ва унга ҳам таклиф, ҳам талаб томонидан ўз таъсирини ўтказди. XX асрнинг 90-йиллари бошларида кашф қилинган ва қўлланилган кўпгина инновациялар мазкур соҳанинг туб ўзгаришларига сабаб бўлди. Ривожланган мамлакатларда аҳоли турмуш даражаси оширилиши натижасида туризм оммавий тус олиб, миллионлаб кишиларни ўзига жалб қилди. Кўп мамлакатлардаги иқтисодий ўсиш, олдин туристик оқимни вужудга келтирувчи жой деб тан олинмаган мамлакатларда ҳам “янги туристик талаб” шакллана бошладики, улар глобал туристик талабнинг бозордаги кўлами кенгайишига олиб келди.

Ўзбекистонда ҳам туризм соҳасини йўлга қўйиш мақсадида муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан 1992 йил 27 июлда “Ўзбектуризм” миллий компаниясининг ташкил топиши республикамизда туризм ишининг янгиланиш жараёнини бошлаб берди. Фармонда “Ўзбектуризм” МК таркибига кирувчи корхона ва ташкилотлар рўйхати тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 1995 йил 2 июндаги қабул қилган “Буюк Ипак йўли”ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чоратadbирлар тўғрисида”ги фармонида жаҳон андозалари даражасида кичик ва ўрта меҳмонхоналар, мотел ва кемпинглар тармоғи шакллантирилишига эътибор қаратилди.

Республика биринчи Президентининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган “2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги Фармони ҳам муҳим аҳамиятга эга. Фармонда мулкчилик шаклидан қатъи назар, сайёҳлик ташкилотлари келтириладиган технология ва меҳмонхона ускуналари, сайёҳлик мақсадларига мўлжалланган транспорт воситалари учун божхона “пошлина”лари тўлашдан 3 йил муддатга озод қилинди. Ушбу меъёрий ҳужжатлар республикамизда туризм соҳаси ривожига катта ҳисса қўшди.

“Ўзбектуризм” МК маълумотларига кўра, Ўзбекистонга 1997 йилда 272000 хорижий сайёҳ, 1998 йилда – 274200, 2000 йилда – 278000, 2001 йилда – 231000, 2002 йилда – 196700, 2003 йилда – 230400, 2004 йилда – 262800, 2005 йилда – 241900, 2006 йилда – 273200, 2008 йилда – 370160, 2009 йилда – 383870, 2017 йилда эса 2,5 миллиондан зиёд хорижий сайёҳ ташриф буюрган (“Ўзбектуризм” МК маълумотлари). Ушбу иқтисодий кўрсаткич туризм соҳасининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни қанчалик муҳим эканлигидан дарак беради. Шунинг учун туристик оқимнинг муттасиллиги ва кўламлигини таъминлаш мазкур соҳани барқарор ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида хизмат қилади.

Туризм аҳолига хизмат кўрсатувчи йирик тармоқ бўлиб, у кишилар эҳтиёжини қондириш учун турли хил товар ва хизматлардан фойдаланиладиган ўзига хос иқтисодий соҳадир. Товардан фарқли равишда, туристик хизмат ўз табиатига кўра ташиб бўлмаслик хусусияти билан ажралиб туради. Туристик бозорлар икки – келгинди ва узатиш турларига бўлинади. Шу боис туризм бевосита фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш жойида замонавий хизмат кўрсата оладиган ишлаб чиқариш қувватлари ва инфратузилмани ривожлантириш заруратини туғдиради.

Ҳозирги кунда туристик бизнес дунё бўйича кенг тараққий этган тармоқлардан бирига айланди. У дам олиш воситасигина бўлиб қолмай, ўзида сиёсий, иқтисодий, экологик ва ижтимоий манфаатларни ҳам акс эттирмоқда. Бутун дунёда туризм юқори даромадли соҳалардан биридир, унга сарфланган маблағлар катта

фойда келтиради. Туризмдан олинадиган фойда тадбиркорларни янги йўналишлар, худудлар, унутилган маданиятлар устида илмий ишланмаларни амалга оширишга ундайди. Туризм ноишлаб чиқариш соҳаси ҳисобланиб, унинг хусусияти шундаки, у халқ хўжалигига ёрдам беради. У қанчалик кўп хизматларни амалга оширса унинг, худуд иқтисодий салоҳиятини ривожлантиришдаги ўрни ва нуфузи ҳам шунчалик юқори бўлади.

Туризмнинг хўжалик фаолияти, энг аввало, кишиларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлиб, ҳозирги замон жамиятини ривожлантиришнинг ўзига хос алоқаларини ифодалайди. Туризмнинг хизмати шундаки, у ўзининг соғломлаштирувчи вазифаси билан иш вақтининг қисқариши ва йўқотилишига, кишилар саломатлигининг яхшиланиши, шунингдек, интеллектуал тараққиёт учун бўш вақтдан оқилона фойдаланишга кўмаклашади. Туризм кишиларни жисмоний, маънавий ва психологик жиҳатдан соғломлаштириш борасида универсал имкониятларга эга. Бу эса жамият ишлаб чиқаришига бевосита таъсир этади. Инсон соғлиғини мустаҳкамлаш билан боғлиқ барча нарса муҳим, табиийки, иқтисодий жиҳатдан фойдали ҳисобланади. Туризм соҳасини ривожлантирилиши, аҳоли турмуш даражасини оширади, қўшимча иш ўринларини яратиш ва халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш имконини беради. Шу боис давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистонда шу тармоқ салоҳиётидан янада самарали фойдаланишга йўналтирилган чора-тадбирлар белгиланиб, муваффақиятли амалга оширилаяпти ва бу борада Президентимиз томонидан қарорлар, фармонлар чиқарилаяпти.

10.2. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришнинг мақсадлари ва йўналишлари

Халқаро туризмни ривожлантиришнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

1. Иқтисодий ўсиш катта миқдордаги товар ва юқори сифатли хизматлар ишлаб чиқаришни, мамлакат аҳолисининг турмуш тарзини юқори ҳамда фаровон бўлишини таъминлайди.

2. Халқаро туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлиги ресурслардан фойдаланишда минимал харажатларни сарфланган ҳолда юқори даражадаги фойдага эга бўлишда намоён бўлади.

3. Аҳоли маданияти ва маълумоти даражасини ошириш, республиканинг турли ҳудудларида жаҳон цивилизацияси, маданияти ва санъати билан таништириш.

4. Турли хил туристик хизматлар кўрсатиш йўли билан ўзаро маданий-тарихий ва миллий қадриятларни айирбошлаш.

5. Сифатли асосий ва қўшимча хизматларни кўрсатиш, уларнинг сифатини жаҳон стандартлари даражасига етказиш. Туризм саноатининг моддий-техника базасини валюта тушуми ёрдамида давлат йўли билан таъминлаш ҳамда туристик хизматларга чет эллик туристлар томонидан талабни шакллантириш.

Бундан ташқари, халқаро туризм ривожланиши аэропорт ва автомобиль йўллари, дўконлар, кинотеатрларни қуриш ва таъмирлаш, шаҳарларни ободонлаштириш, тарихий ёдгорликларни қайта тиклаш, сув ҳавзаларини тозалаш ва бошқаларга туртки бўлади.

Кўпгина мамлакатлар учун туризм катта тадбирнинг тез ривожланаётган соҳасига айланган. Масалан, товар ва хизматлар экспортдан келадиган даромадларда туризмнинг ҳиссаси Испанияда – 60 фоиз, Австрияда – 40 фоиз, Швейцарияда – 80 фоизни ташкил этади.

Халқаро туризмнинг муҳим жиҳати шуки, бу соҳага сарфланган капитал қўйилмалар чет эл валютаси сифатида қайтиб келади. Ўз иқтисодий моҳиятига кўра чет эл туризми маълум мамлакатга вақтинча ташриф буюрганлар учун моддий ва маданий бойликлар, товар ва хизматларнинг чет эл валютасида алоҳида кўринишли истеъмоли ҳисобланади.

Шунинг учун чет эл туризми “кўринмас экспорт” деб ҳам айтилади. Маълумки, туризм ҳозирги кунда дунё давлатларининг халқ хўжалигида энг ноёб ва сердаромад соҳасига айланган. Жаҳон мамлакатлари бўйича 1991 йилда туризм дунё бозорида сотилган товар ва хизматлар турининг 7 фоизини, 2010 йилда эса 12 фоиздан

ортиқроқни ташкил этди, ҳозирги кунда дунё бўйича яратилган ЯИМнинг 11 фоиздан ортиғи туризм хизмати ҳиссасига тўғри келмоқда.

Жаҳон туристик ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги кунда туризм соҳасида дунёдаги ишчи кучининг 8 фоизи банд экан. Бу соҳага барча инвестицияларнинг 7 фоизи, истеъмол харажатларининг 11 фоизи, солиқ тушумларининг 5 фоизи, хизматлар савдосининг учдан бир қисми тўғри келади. Айрим мамлакатлар учун туризмдан тушадиган даромадлар амалда ягона ёки ҳал қилувчи ҳисобланади.

Иқтисодий кўрсаткичларга эътибор берсак, Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ) эълон қилган маълумотларга кўра, 2001 йилда дунёда 689 миллион, 2011 йилда 1 миллиард турист қайд этилган. Мутахассислар таҳлилига кўра, бу кўрсаткич 2020 йилда 1,3 миллиардга етади. Шунингдек, туризм дунё соф миллий маҳсулотининг 6 фоизини, ялпи инвестицияларнинг 7 фоизини, иш жойларининг 6,5 фоизини, ялпи даромаднинг 8 фоизини ташкил этади. Туризм экспорти нефть ва автомобиль саноатларидан кейинги ўринда турибди. Дунё бўйича бир йилда туризмдан келадиган даромад 1,5 триллион долларни ташкил этди.

Халқаро бозор конъюнктураси ўзгаришларига қарамай, бу борада Марказий ва Шарқий Европада 10, Осиё-Тинч океани минтақасида 6, Жануби-шарқий Осиёда 12, Жанубий Осиёда 7, Америка қитъасида 2 фоизлик ўсиш қайд этилган.

“Ушбу рақамлар туризм иқтисодий юксалишининг муҳим катализатори, экспорт ҳажмини ошириш ва иш жойлари ташкил этиш, умуман, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий таркибий қисми эканлигини яна бир қарра тасдиқлайди”, - дейди Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош қотиби Талейб Рифаи.

Дарҳақиқат, туризм соҳаси хорижий валюталарни кенг жалб этиш, кўшимча иш ўринларини яратиш ва шулар ҳисобига аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, қолаверса, халқаро муносабатларни мустаҳкамлаш каби ўта муҳим долзарб масалаларнинг ижобий ечим топишида алоҳида аҳамият касб этади.

Туризм нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-маданий, экологик аҳамиятга молик соҳадир. У ҳар бир инсон дунёқарашини кенгайтириб, ҳаёт мазмуни ҳақидаги таассуротларини бойитиб, халқлар ўртасида дўстона муносабатлар қарор топишига самарали таъсир кўрсатади.

Иқтисодиётнинг юксалишида хизматлар соҳасининг ўз ўрни бор. XX аср ўрталарида жаҳон иқтисодиёти таркибида туб ўзгаришлар содир бўлди. Авваллари бирор давлатнинг иқтисодий мавқеи унинг, асосан, саноати ва қишлоқ хўжалиги ривожин билан белгиланган бўлса, эндиликда етакчи мамлакатларда хизматлар соҳаси муҳим ўрин эгалламоқда. БМТ маълумотларига кўра, ўтган асрнинг 80-йиллари хизматлар соҳаси жаҳон иқтисодий ЯИМнинг 64 фоизини ташкил этган.

Жаҳон савдо ташкилоти таснифига кўра, хизматларнинг 600 дан ортиқ турли хил кўриниш мавжуд. Бунда туризм соҳасининг ўрни аҳамиятли бўлиб, кўплаб мамлакатларда туризм бюджетни тўлдирувчи илғор ўринга чиқиб олган. Масалан, бугунги кунда Испания туризм соҳасида Европадаги етакчи мамлакатлардан бирига айланган. Ҳозир Испания туризмдан олаётган даромади (34,0 миллиард АҚШ доллари) бўйича Европада биринчи, (туристлар ташрифи 54,0 миллион киши) ва уларга кўрсатилаётган хизматлари бўйича Франциядан кейин туради. Испанияда ҳар 5,4 ишчидан бири туризм соҳасида хизмат кўрсатади Аммо 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Европа мамлакатларига, шу жумладан, Испанияга ҳам салбий таъсир кўрсатди ва туризмдан тушаётган даромад камаймоқда.

Хитой ялпи миллий маҳсулотининг 34 фоизини хизматлар соҳаси бермоқда. Ялпи миллий маҳсулотнинг 28 фоизини ижтимоий хизматлар берадиган бўлса, 6 фоизини транспорт ва алоқа соҳалари бермоқда. Хитойда иш билан банд бўлган аҳолининг 10 фоизини, яъни 65 миллиондан ортиқ киши хизматлар соҳасида ишлаб, улар мамлакат ялпи миллий маҳсулотининг 34 фоизини бермоқда, бунда туризмнинг ўрни аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоизки, 1986 йилдан бошлаб туризм республикамиз халқ хўжалиги режасига мустақил тармоқ сифатида киритилди ва унинг аҳамияти ҳозирги вақтда йилдан-йилга ошиб бормокда.

Ўзбекистоннинг кўҳна тарихи, қадимий маданий-меъморий ёдгорликлари жаҳон туристларини ҳамиша ўзига чорлаб келган. Лекин собиқ иттифоқ даврида ташқи мамлакатлар билан туристик алоқалар ва бу билан боғлиқ маблағ марказ ихтиёрида бўлганлиги сабабли республика иқтисодиёти ундан унча наф кўрмасди. Натижада туризм иши ўлкада жаҳон андозалари даражасига кўтарилмай, ташкилий жиҳатдан орқада эди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг туризм ишини яхшилаш мақсадида 1992 йилда тузилган “Ўзбектуризм” миллий компанияси Ўзбекистонда сайёҳликнинг ҳуқуқий, иқтисодий асосларини шакллантириб, жаҳон андозаларига мос келувчи сайёҳлик тизимини таркиб топтириб бормокда. Хорижий инвестициялар жалб этилиб, замонавий сайёҳлик мажмуалари қурилмокда. Тарихий-меъморчилик обидалари таъмирланишига, уларни тарғибот-ташвиқот қилиш ишига аҳамият берилмокда.

“Ўзбектуризм” миллий компанияси таркибига вилоятлардаги тизим ташкилотлари – минтақавий бўлинмалар, шунингдек, “Отел Ўзбекистон”, “Шодлик” кўшма корхоналари, “Саёҳат”, “Чорсу” ташқи иқтисодий ишлаб чиқариш мажмуалари, “Ўзинтур”, “Ўзмахсустур” ҳиссадорлик жамиятлари, “Ўзбектурқурилиш” ташқи иқтисодий ишлаб чиқариш бирлашмаси кирди. 1993 йил Бали (Индонезия) шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеяси 10-сессиясида Ўзбекистон Республикаси “Ўзбектуризм” миллий компанияси Жаҳон туризм ташкилотининг тўла ҳуқуқли аъзолигига қабул қилинди.

Тошкент ва Самарқандда Бутунжаҳон Туристтик ташкилотининг “Ипак йўли” лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича халқаро йиғилиш бўлиб, унда Ўзбекистон мазкур қадимий йўналиш маркази деб белгиланди.

Тошкентда БМТ ва ЮНЕСКО раҳбарлигида Жаҳон туризм ташкилотининг “Ипак йўли” халқаро семинари ўтказилди.

Самарқанддаги Регистон майдонида бўлиб ўтган сайёр мажлисда “Ипак йўли” сайёҳлик маршрути халқаро лойиҳасини ривожлантирувчи мамлакатларнинг декларацияси қабул қилинди. Жаҳон туризм ташкилоти семинарининг мантиқий давоми сифатида 1995 йилнинг октябрида Тошкентда “Буюк Ипак йўли бўйлаб саёҳат” биринчи халқаро сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтди.

Айни пайтда “Ўзбектуризм” халқаро даражада лойиҳаларни ишлаб чиқиш юзасидан мунтазам иш олиб бормокда. У йирик халқаро туризм биржалари – Лондон, Берлин, Милан, Москва ярмаркаларида Жаҳон туризм ташкилотининг “Ипак йўли”га бағишланган семинарларида қатнашиб келмокда.

“Ўзбектуризм” МК Греция, Миср, Испания, Исроил, Япония сайёҳлик вазирликлари билан ҳамкорлик тўғрисида имзоланган шартномаларга мувофиқ ушбу мамлакатларга туризм ва меҳмонхона менежменти, туризм соҳасининг бошқа йўналишлари бўйича тажриба алмашиш, малака ошириш учун тузилма бўлинмалари ходимларини жўнатмокда. “Ўзбектуризм” МК ҳар йили кўплаб халқаро ярмаркалар ўтказиб келмокда. 1995 йилнинг октябрида Тошкентда илк бор “Ипак йўли бўйлаб сайёҳат” халқаро ярмаркаси ўтказилди. Унда 33 мамлакатдан келган туризм ташкилотларининг 100 дан ортиқ вакили қатнашди, 2001 йилда 46 мамлакатдан 150 та туристик вакил иштирок этди. Бундай ярмаркалар 2002 йил 22-24 октябрь кунлари, 2003 йил ноябрь, 2005 йил 27-28 сентябрь кунлари, 2007, 2008, 2009, 2010, 2011, 2012 ва 2013 йилларнинг октябрь-ноябрь ойларида ҳам ўтказилди.

Маълумки, Ўзбекистонда иқтисодиётнинг бош тамойиллари аниқлаб олинган. Президентимизнинг истиқболга қаратилган, халқ хўжалигининг барча тармоқларини босқичма-босқич ривожлантиришга йўналтирилган изчил сиёсати, жумладан, туризм соҳасида ҳам ўзининг дастлабки самараларини бера бошлади. Негаки, халқаро туризм – асосий валюта тушумларининг манбаи, халқнинг маданий ва маърифий савиясини ўстирувчи восита ҳамда бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий механизмларидан бири ҳисобланади.

Халқаро туризм Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг нафақат энг истиқболли тармоқларидан бири, балки ялпи миллий маҳсулот ҳажми ўсишининг ва валюта тушумларининг асосий манбаи бўлиши мумкин. Мисол учун, Жаҳон туризм ташкилоти маълумотига кўра, ҳар йили қадимий Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига фақатгина Европа мамлакатларидан ташриф буюриш ниятида юрган сайёҳлар сони 10 миллионга етиб қоляпти. Ҳамма гап туризм соҳасига малакали мутахассисларни тайёрлаш, юқори даражали меҳмонхоналар, ресторанлар қуриб, уларда хизмат кўрсатиш сифатини оширишга боғлиқ. Бу борада эса ўтган қисқа вақт мобайнида катта муваффақиятларга эришилди, дейиш мумкин. Бунга пойтахтимизда қад ростлаган “Интерконтиненталь”, “Шератон”, “Ле-Меридиан” меҳмонхоналари ёрқин мисол.

Мамлакатимиздаги туристик инфратузилмалар йилига 2 млн. туристларга хизмат кўрсатиш имкониятига эга, ундан келадиган умумий тушум миқдори 700 млн. сўмдан ортиқни ташкил қилади, ялпи миллий маҳсулотдаги улуши – 2,2 фоизни, ялпи тушумларни эса 3,8 фоизини ташкил этади. Бугунги кунда Ўзбекистонда 1000 дан зиёд сайёҳлик ташкилотлари, жумладан, 744 меҳмонхона, 530 дан ортиқ туристик компаниялар фаолият юритмоқда.

“Буюк Ипак йўли” марказида жойлашган Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторидан жой олган. Мамлакатимизда тўрт мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорликлар бор. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг жаҳон метроси дурдоналари рўйхатига киритилган.

2005 йилда “Ўзбектуризм” миллий компанияси 40 млрд. сўм миқдорида даромад олган бўлса, 2007 йилда 55 млрд. сўм, 2008 йилда 67 млрд. сўм, 2009 йилда 82,4 млрд. сўм, 2010 йилда 107,1 млрд. сўм, 2013 йилда 2012 йилга нисбатан 15 фоиз сўм, 2015 йилда эса 1810,7 млрд. сўм кўп миқдорида даромад олинди.

1993-2017 йилларда 11,5 миллиондан ортиқ сайёҳ Ўзбекистонга ташриф буюрди, бу, ўз навбатида, катта миқдорда даромад келтирди. Биргина 2013 йилда республикамизга 1 миллион 977 минг 600 нафар

сайёҳ ташриф буюрди. Ушбу соҳада хизматлар кўрсатиш ҳажми 2012 йилга нисбатан 16 фоиз ўсди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев Хоразм вилоятига ташрифи чоғида: “Хоразмнинг туризм борасидаги имкониятларини тўлиқ ишга солиш, янги йўналишлар ташкил этиш ва уларни жаҳон бозорларида тарғиб қилиш, меҳмонхоналар ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш зарур. Зотан, туризм мамлакат иқтисодини ривожлантириш, айниқса, янги иш ўринлари яратишда муҳим соҳалардан ҳисобланади”³⁶, – дея қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 4861-сонли Фармонида туризм соҳасида давлат сиёсатининг сифат жиҳатдан янги босқичга ўтишини белгилаб берадиган ушбу тармоқни тубдан ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилмоқда.

10.3. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари

Мамлакатимизнинг бой тарихий мероси туристларни жалб этувчи асосий омиллардан биридир. Сайёрамизда бу каби ўтмиш ёдгорликлари кўп. Ўзбекистон эса мана шундай бой тарихий-маданий меросга, бетакрор ва гўзал табиатга эга ноёб мамлакатлардан саналади. Республикамиз ҳудудида турли даврлар билан боғлиқ 4000 дан зиёд тарихий ёдгорликлар мавжуд. Фарғона водийси мамлакатимизнинг оппоқ қорлар билан бурканган баланд тоғлар ўраб турувчи энг жозибадор ҳудуди, у ерда чанғи спортини ривожлантириш имкониятини берувчи барча табиий шароит муҳайё.

Ўзбекистоннинг бугунги туристик имкониятларини ҳисобга олганда, бу соҳада мавжуд бўлган улкан имкониятдан етарлича фойдаланилмаётгани маълум бўлади. Ўзбекистон учун бу соҳада муаммони ечиш қийин эмас. Хорижий ёрдам капитал жалб этиш зарур, холос. Ўзбек туризмининг бош вазифаси эса хориж

³⁶ <http://uza.uz/oz/politics/isti-bolli-i-tisodiy-loyi-alar-a-oli-farovonligini-yanada-osh-27-01-2017>

сармоясини имкон қадар кўпроқ жалб этишдир. Уларни Ўзбекистон – сармоя киритиш учун энг қулай ва энг ишончли ҳамкор эканлигига ишонтириш ва буни исботлаб бериш зарур. Қўшма корхоналар тузиб, ҳамкорликда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва туристик дам олиш жойларини қуриб битказиш, мавжуд туристик масканларни замонавийлаштириш ҳамда қайта таъмирлаш учун дунё миқёсида хорижий сармояларни бевосита жалб қилиш туризм тараққиёти борасидаги сиёсатнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда фуқароларга туризмнинг қуйидаги турлари бўйича хизмат кўрсатилади: маданий сайр-танишув, спорт-сайёҳлик (чанғи спорти, вело ва автосайёҳлик, қоя ошиш, археологик, ғор сайри, туяларда саёҳат ва бошқалар), оилавий сайёҳлик; болалар маршрути; талабалар маршрути; бизнесменлар учун маршрут; даволаниш-мақсадли маршрут; дам олиш маршрути ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий ва маданий алоқаларида яқин келажакда халқаро сайёҳлик – туризм муҳим ўрин эгаллайди. Унинг фаолиятини тўғри ташкил этиш эса экспортнинг юқори рентабелли усулидир. Саёҳат хизмати фойда олишнинг ишончли манбаи бўлиб, хорижий валютанинг кириб келишига ёрдам беради ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда чет эл сармоялари манбаи ролини ўйнайди.

Туризмга сарф қилинган маблағ бошқа соҳаларга қилинган харажатларга қараганда ўзини тезроқ оқлайди. Бироқ туризм фақат иқтисодиётнинг муҳим тармоғи, бизнес ва фойда олиш манбаигина бўлиб қолмай, у ташқи иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама ривожлантиришга, яхши қўшничиликка, турли халқларнинг маданияти, урф-одатлари, анъаналари билан кенг кўламда танишишга имконият яратади.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ва минтақавий саёҳатни ривожлантиришда: қулай географик жойлашуви, табиий иқлим шароитининг турли-туманлиги, ғоят қулайлиги, цивилизация тарихида муносиб ўринга эгаллиги, бебаҳо тарихий архитектура экзотикаси билан ажралиб туриши, юқори сифатли таъмга эга бўлган

мева ва полиз маҳсулотларига мўллиги ва албатта, ўз анъаналари, урф-одатларини сақлаб қолган меҳмондўст ва хушмуомала халқлиги туфайли катта имкониятларга эга. Буларнинг ҳаммаси чет эллик сайёҳларни қизиқтирмоқда.

Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришда асосий вазифалардан бири хорижий сайёҳларни Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва шу каби бошқа тарихий шаҳарларимиздаги тарихий, меъморчилик, диний ва маданий ёдгорликлар ҳамда республикадаги бошқа диққатга сазовор жойлар билан таништириш орқали уларга маданий-маърифий озуқа беришдир. Бу йўналишлардан ташқари мамлакатимизга ташриф этаётган хорижий сайёҳларни қизиқтирадиган яна 20 дан кўпроқ бошқа сайёҳлик йўналишлари ҳам мавжуд.

Сайёҳликнинг тарихий ва археологик турларидан ташқари кейинги йилларда экологик туризм Фарғона водийси ва Тошкент вилоятида кенг ривожланмоқда. Экологик туризм Зомин, Чимён, Чортоқ, Бўстонлик худудларининг диққатга сазовор жойларида яхши йўлга қўйилган.

2007–2017 йилларда экотуризмдан ва соғломлаштириш оромгоҳларидан келган тушум республикамизда барча туризмдан тушган тушумнинг ўртача 20 фоизини ташкил қилди ва бир қанча янги иш жойларини яратишга олиб келди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонга ташриф этадиган хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатишнинг замонавий инфратузилмаси дунёга келди. Республикамиз пойтахтида, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабзда халқаро андозалардаги беш юлдузли, тўрт юлдузли ва уч юлдузли ўнлаб меҳмонхоналар барпо этилди. Туризм ривожлангани сайин соҳа учун етук ва малакали кадрлар етказиб бериш масаласига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. «Ўзбектуризм» миллий компанияси бу компания 2016 йил 2 декабрдаги Президентимиз фармони билан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига айлантирилган, бўлимлари таркибига кирувчи юқорида қайд қилинган Тошкентдаги «Ўзбекистон», «Шодлик Палас»,

Самарқанддаги «Афросиёб Палас», Бухородаги «Бухоро Палас», Урганчдаги «Хоразм Палас» меҳмонхоналари чет эл сайёҳларига жаҳон андозалари бўйича хизмат кўрсатмоқда.

Ўзбекистан Республикаси ҳукумати тарихий ва меъморилик ёдгорликларини молиялаштириш муҳимлигини ҳисобга олиб, Бухоро, Самарқанд, Хива ва бошқа шаҳарлардаги кўплаб объектларни молиялаштиришнинг турли шакллари ишлаб чиқмоқда. 1997 йилда Бухородаги объектларни таъмирлаш ва 2500 йилликни нишонлаш учун давлат бюджетидан 10,5 миллион сўм ажратилди. Шунга ўхшаш мақсадли молиялаштириш алоҳида объектлар учун ҳам мавжуд - Ал-Бухорий мажмуаси, Нақшбандий, Ат-Термизий ва Ҳазрати Имом мажмуалари. Яқин йилларда давлат ва маҳаллий бюджетлари ҳисобидан кўплаб объектларни таъмирлаш режала Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2003 йил 17 сентябрдаги «Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини асраб-авайлаш ва янада ободошлаштириш, аллома меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонида юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонларни Имом Бухорий ёдгорлик мажмуига зиёратларни ташкил этиш бўйича нуфузли халқаро ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш ва ҳамкорлик ишларини янада ривожлантириш зарурлиги таъкидланди.

1995 йилда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг «Ўзбекистан Республикасининг «Буюк Ипак йўли» лойиҳасини амалга оширишдаги қатнашуви ва республикада «халқаро туризмни ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» Фармони эълон қилинди. Унда қуйидагилар кўзда тутилган:

- Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентда янги ташкил этилган туристик ташкилот ва корхоналарни биринчи фойда олгунга қадар, (рўйхатга қўйилгандан бошлаб 3 йил ўтмасдан) барча турдаги солиқлардан озод қилиш. Фойда олинган биринчи йилда бу ташкилотлар 50 фоиз миқдорида даромад солиғи тўлайдилар, иккинчи йили 75, учинчи йил 100 фоиз тўлайдилар. Бошқача айтганда, имтиёз 5 йилни ташкил этади;

- Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентдаги туризм соҳасидаги

қўшма корхоналарни 5 йил давомида солиқдардан озод қилиш режалаштирилган. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 июлдаги “Ўзбекистонда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида соҳага кадрлар тайёрлашни кўпайтириш мақсадида 1999 йил июль ойида Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида “Халқаро туризм” факультети очилди ва кейинги йилларда республиканинг қатор шаҳарлари – Тошкент, Бухоро, Қарши, Самарқанд ва бошқа ҳудудларида туризм касб-ҳунар коллежлари ташкил этилди. Масалан, Тошкент шаҳрида 2002 йил сентябрь ойида Тошкент шаҳар меҳмонхона хўжалиги ва туризм лицейи негизида Тошкент туризм касб-ҳунар коллежи ташкил этилди. Бу коллеж 1086 нафар талабани ўз бағрига олиб, туризм соҳасидаги билимларни кунт билан ўрганишлари учун барча қулайликлар яратилди. Коллежнинг моддий-техника базаси Корея кредити лойиҳаси асосида жиҳозланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 мартдаги қарори билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ташкил этилди. Бу институт энди маркетинг, туризм ва сервис хизмати кўрсатиш соҳалари бўйича кадрлар тайёрлайди. Самарқанддаги Сартепа туризм ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежида туристик фирма ва меҳмонхоналар учун кадрлар тайёрлаб бериш йўлга қўйилди.

АҚШ, Испания, Хитой, Австрия, Швеция, Греция, Мексика ва бошқа мамлакатлар тажрибасини Ўзбекистон туризмни ривожлантиришда қўллаш ўз самарасини бериши мумкин. Шунингдек, халқаро туризмнинг Ўзбекистонда ривожланишига нафақат туристик ресурслар, балки илғор давлатлар технологиясини қўллаш ҳам янги имкониятлар белгилаб беради. Республикамизнинг четдан кўплаб сайёҳларни қабул қилиш салоҳияти Испания, Хитой каби давлатларга жуда ўхшаб кетади. Бизда ҳам тарихий обидалар кўп, хушманзара ва маданий ҳордиқ, дам олиш жойларининг сони ҳам етарли.

Сайёҳлик соҳасида АҚШ орттирган тажриба беқиёсдир. Бугунги кунда жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларидан бирида туризм

ўз кўлами бўйича дунё мамлакатлари орасида учинчи ўринда, аҳолини иш билан таъминлаш бўйича иккинчи ўринда туради. АҚШда “туризм – ҳамманинг бизнеси” деган жумла одатий ҳолга айланган. Картошка етиштирувчи фермер ёки кўл сочиқ ишлаб чиқарувчи саноат корхонасининг оддий ишчиси ҳам “Мен туризм учун ишляпман” дейди. Чунки охир-оқибат ҳар иккисининг маҳсулоти ҳам туристлар томонидан истеъмол қилинади.

Бизнинг республикамыз ҳам АҚШ ва бошқа туризм соҳасидаги етакчи давлатлар тажрибасидан ўрнак олса, катта ютуқларга эришади, бунинг учун республикамызда барча имкониятлар мавжуд. 2000 йилда халқаро миқёсда сайёҳлар сони 800 миллиондан, ушбу соҳадан тушган даромад 700 миллиард АҚШ долларидан ошди. Халқаро саёҳлик Ташкилоти (ХСТ) тахминига кўра, 2015 йилда сайёҳлар сони 1,18 миллион киши, сайёҳликдан келган даромад 1,4 триллион долларни ташкил қилган

Кейинги йилларда мамлакатимиздаги сайёҳ ташрифи ортиб бормоқда. Масалан 2015 йилда салкам 2 млн. киши ташриф буюрган бу 2014 йилга нисбатан 3 фоиз, 2011 йилга нисбатан 37,5 кўпдир. 2011–2015 йилларда сайёҳларнинг ташрифини ўсиши ўртача 16,6 фоизни ташкил этди. 2017 йилда юртимизга 3 миллиондан зиёд сайёҳ ташриф қилди бу 2016 йилга нисбатан 30 фоиз кўпдир. 2018 йилда сайёҳлар ташрифи 4 миллиондан ортиши кутилмоқда. 2015 йилда туризм соҳасидан тушган барча даромад мамлакат ЯИМ ни 3,2 фоизини ташкил этди.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда Туркияда 1,5 млн ўринли меҳмонхоналар тизими мавжуд. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 2017 йилда 40 минггага яқин бўлган. Бу рақамлар мамлакатимизда йил сайин бойиб бораяпти, аммо юртимизнинг бугунги туристик салоҳияти учун бу паст натижа эканлиги ҳамда бугунги реал эҳтиёж уни камида 500 минггагача етказишни тақозо этишини Туркия ишбилармонлари таъкидлашмоқда ва ана шу талаблардан келиб чиқиб, “Чорсу” меҳмонхонасини реконструкция қилишга киритдик ҳамда Ўзбекистонлик ҳамкорлар билан биргаликда яна кўплаб лойиҳаларни амалга оширишга тайёрмиз, деб айтишмоқда.

Мамлакатга туристларни қандай жалб қилиш мумкин? Бунинг асосий воситаларидан бири турли анжуман, кўргазма ва фестиваллар ташкил этишдир. АҚШлик туризм соҳасидаги мутахассис, Фарбий Нью-Йорк меҳмонхона ассоциацияси президенти Теодор Холликувистнинг фикрича, туристик хизмат кўрсатиш фирмаларида қуйидаги хислатлар бўлса, шу фирманинг келажаги порлоқдир. Булар – бирлик, профессионализм, ҳалоллик, тадбиркорлик, дўстлик ва журъат.

Ўзбекистон Республикаси ҳам бор имкониятлардан оқилона фойдалана олса, XXI асрда туризм соҳасида етакчи ўринларга чиқа олади.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда туризм ва туристик хизматлар соҳасига маҳаллий ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилиш жараёни фаоллашди. Туристларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш мақсадида туристик корхоналар томонидан хусусий ва хорижий кредит ҳамда инвестициялар ҳисобига Евро 2-3 стандартларига жавоб берувчи 25 дан ортиқ янги автобуслар олиб келинди.

Маълумки, туристик тармоқ ривожининг асосини моддий-техника базаси, унинг жиҳозланганлиги ташкил этади. Демак, туризмнинг кейинги ривожи, кишиларга хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатининг ошиши кўп жиҳатдан капитал қурилишдаги ишлар ҳолатига боғлиқ. Кўпчилик давлатларда туризмнинг ривожланиши давлат томонидан қилинадиган капитал қўйилмалар ҳисобига амалга оширилади. Республикамизда давлат капитал қўйилмаларидан ташқари чет эл инвестициялари, маҳаллий ҳамда хусусий тадбиркорларнинг маблағлари ҳам жалб этилади.

Ҳозирги кунда республикамиз учун чет эл капиталини туризм соҳасига йўналтириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбек туризмнинг бош вазифаси чет эл сармоясини имкони борича кўпроқ жалб этишдир. Уларни Ўзбекистон сармоя қўйиш учун энг қулай ва энг ишончли ҳамкор эканлигига ишонтириш ва буни исботлаб бериш зарур. Қўшма корхоналар тузиб, ҳамкорликда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва туристик дам олиш жойларини қуриб битказиш,

мавжуд туристик масканларни замонавийлаштириш ҳамда қайта таъмирлаш учун дунё миқёсида хорижий сармояларни бевосита жалб қилиш туризм тараққиёти борасидаги сиёсатнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Хорижий сармоялар киритишнинг устувор йўналишларидан яна бири сифатида транспорт, телекоммуникация, ахборот хизмати кўрсатиш ва туристик сервисни ўз ичига олувчи замонавий туризм инфратузилмасини яратишдир.

Туризмни ривожлантиришда чет эл капиталидан фойдаланишда кўпроқ Саудия Арабистони банкларидан фойдаланмоқ маъқул. Бу банклар ўз қарзлари учун фоиз олмай, балки корхона бевосита фойдага кириши билан маълум даромаддан улушни олади, холос.

Халқаро туризм ривожланиши билан мамлакатимизда кўплаб аҳоли иш билан таъминланади. Халқаро туризм валюта ҳисобидан фойда келтирибгина қолмай, у фуқаролар кам яшайдиган эски, аммо тарихий жойларни катта ва обод ривожланган шаҳарларга айлантиради.

Бюджетга валюта тушиши ҳисобига туризм иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ривожига ҳам ижобий таъсир этади, ҳудудлар инфратузилмаси, янги иш жойлари яратиш, халқимизнинг тарихий ва маданий меросини тиклаш имконини беради. Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ортишида туризмнинг ҳиссаси катта бўлиши лозим. Бунинг учун республикамизда барча имкониятлар мавжуд, шунинг учун янги сифатли туристик объектларни кўпайтириш, шу йўл билан мамлакат иқтисодиётини янада юксалтириш мумкин.

Бунинг учун, фикримизча, қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- тарихий обида ва ёдгорликларни реклама қилиш, туристик оқимнинг барқарор вужудга келишини таъминлаш;
- туризм билан боғлиқ барча тармоқлар: маиший хизмат, алоқа, транспорт ва ҳ.к. ишини такомиллаштириш, халқаро талабга жавоб берувчи инфратузилмани яратиш;
- туризмга хизмат қилувчи ходимлар малакасини ошириш;

- туризм сервиси хизматини такомиллаштириш;
- туристик ҳудуд барқарорлигини қўллаб-қувватлаш;
- туристик тадбиркорлик самарадорлигини ошириш;
- туристик манзил менежменти тизимини яратиш;
- сайёҳатчилар оқимининг асосий қисми ҳамон Самарқанд,

Бухоро ва Хива шаҳарларига тўғри келмоқда. Шу сабабли мамлакатимизнинг бир қатор истиқболли минтақаларида инфратузилмани изчил ривожланишига эътибор қаратиш;

- туризмнинг таълим, илмий, экологик, спорт-соғломлаштириш тизими каби турларини янада ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш;

- мактаб, коллеж ҳамда лицейлар ўқувчиларининг сайёҳат йўналишлари дастурларининг ғоявий мазмунини бойитиш, ўзбек халқининг маданий мерос объектлари тарихи ва аҳамиятини тушунтирувчи материалларни тайёрлаш бўйича ишларни кучайтириш;

- ҳар бир туристик ҳудуднинг харитасини эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон туристик атласини тайёрлаш ва нашр этиш.

Таъкидлаш лозимки, мамлакат хазинасига туризмдан тушган валюта ҳажми ва янги иш ўринларининг ташкил топиши турли қўшимча хизматлар кенгайиши билан боғлиқ. Агар асосий хизматлар туристларни жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт хизматларини ҳам ўз ичига олса, қўшимча хизматлар туристик хизмат самарадорлигини янада оширишга қаратилган. Жумладан, сувенир савдо шахобчаларини, миллий санъат буюмларини сотишни кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Туристик фаолият давомида бу фаолият билан бевосита боғлиқ даромаддан ташқари, туристларга қўшимча хизмат кўрсатиш (улар ёдгорликлар сотиб олади ва шахсий эҳтиёжларини қондиради) ҳисобига ҳам даромад олинмоқда. Тадқиқотлар натижаси кўрсатишича, ҳар бир хорижлик турист республикага ташрифи давомида ўртача 1000 АҚШ доллари миқдорида даромад келтирмоқда. Шундан 35–40 фоизи туристик хизматлар қийматини ташкил этади. Қолганлари қўшимча хизматлар учун чиқимдир.

Туризм умумий иқтисодий ўсишга, кам ривожланган ҳудудларнинг ривожланишига кўмаклашади. Яхши ривожланган ҳудудларда туристик марказлар очиш кўпгина давлатларнинг асосий мақсади ҳисобланади. Тоғ ва қишлоқ жойларида туристик марказнинг ташкил этилиши шу жойларнинг ўзлаштирилишига, аҳоли турмуш шароити яхшиланишига ёрдам беради.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сайёҳликни ривожлантиришда ҳар бир ҳудудга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Масалан, “Бўстонлик – Ўзбекистоннинг Швейцарияси” деган таърифга эга бўлган Тошкент вилоятида ҳам сайёҳлик соҳасида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятда 500 га яқин маданий мерос объектлари рўйхатга олинган. Уларнинг аксарияти археологик томилмалар бўлса, 30 дан ортиғи йирик меъморий обидалар ва монументал санъат ёдгорликларидир. Ҳозирги кунда бу ерда туристик хизматлар тури ва кўлами йилдан-йилга ортиб бормоқда. Сайёҳлик йўналишида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари сони қарийб 100 та, жумладан 19 та меҳмонхона, 9 та ихтисослаштирилган дам олиш маскани, 3 та пансионат, 22 та сихатгоҳ, 50 дан ортиқ соғломлаштириш ва дам олиш масканларида 2015 йилда 20 миллиард сўмдан зиёд сайёҳлик хизмати кўрсатилди. Бу кўрсаткичлар вилоятда сайёҳлик соҳасини янада ривожланиб бораётганини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни, давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида”ги фармони, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори Ўзбекистонда сайёҳлик салоҳиятини янада оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, Самарқандда бир пайтлар бор йўғи 2-3 меҳмонхона ҳамда 5-6 та туристик фирма бўлган бўлса, бугунги кунга келиб, миллий ва замонавий услубларда қурилган, халқаро талабларга тўлиқ жавоб берадиган 90 га яқин меҳмонхона, 155 та туристик фирма сайёҳларга намунали хизмат кўрсатмоқда, натижада

туристлар оқими йилдан-йилга ўртача 10-15 фоиз ўсиб бормоқда. Биргина 2016 йилда Самарқанд шаҳрига 160 мингдан ортиқ сайёҳ ташриф буюриб, уларга кўрсатилган хизматлар ҳажми 33,6 миллиард сўмни ташкил этди.

Самарқандга келган инсон борки, бу азим шаҳарнинг файзу тароватига маҳлиё бўлиши турган гап. Жумладан, ушбу шаҳарга ташриф буюрган ХХР Раиси Си Цзиньпин шундай деганди: “Жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлган Самарқанд шаҳрини зиёрат қилиш шарафига муяссар бўлганимдан хурсандман. Ўзбекистонда мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш, қадимий осори-атиқаларни асраб-авайлаш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдим”.

2014 йилнинг октябрь ойида Самарқанд шаҳри БМТнинг Жаҳон туризм ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-мажлисига мезбонлик қилади. Ана шунинг ўзи ҳам шаҳарнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи тобора ошиб бораётганидан дарак беради.

Юқоридаги тадбирларни амалга ошириш республикамизнинг тармоқлар таркибини такомиллаштириш, иқтисодий ўсиш, ташқи бозорга фаол кириб бориш, хорижий шериклар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, жаҳон ҳамжамиятига интеграцияланиш ва аҳоли фаровонлигини янада ўстириш имкониятини яратади.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар бошқа соҳалар қаторида сайёҳлик соҳасининг барқарор ривожланишига, пировардида юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлигига хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Бу ижобий ютуқларнинг асосини, авваламбор, юртимизда олиб борилаётган пухта ва оқилона сиёсат, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, халқимизнинг фидокорона меҳнати, тинчлик ҳамда осуда ҳаёт ҳукм сураётганлиги ташкил этади.

Бу борада БМТ Жаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО) Бош котиби жаноб Талейб Рифаи Мустақилликнинг 23 йиллик байрами куни арафасида “Жаҳон” ахборот агентлигига берган интервьюсида шундай деди: “Ўзбекистонга амалга оширган сафарларим чоғида мамлакат ҳукумати ва шахсан Президент Ислам Каримов томонидан

Ўзбек халқининг маданий-тарихий ҳамда маънавий бойликларини тиклашга қаратилаётган улкан эътибор гувоҳига айландим... Туризм Ўзбекистон келажаги ва равнақининг энг муҳим пойдеворларидан бири бўлишига қатъий ишонаман... Тарихан қисқа муддат ичида Ўзбекистон етакчи давлатга айлангани ҳолда, ўзининг инсоният тарихида муносиб ўринга эга бўлган беқиёс маданий меросни бутун жаҳонга намоён этмоқда”. Халқаро ва миллий туризмнинг ривожланиши кўплаб қишлоқ жойларига янгича ҳаёт олиб келиши, аҳолининг жипслашувига кўмак бериши ва шу жойнинг ўзида қишлоқ, хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишга ва кластер тизимини ташкил қилишга туртки бўлиши мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, туризм соҳасида олиб борилаётган ишлар салмоқли.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан юртимизда туризмни ривожлантириш орқали иқтисодиётни тараққий топтириш ва халқ фаровонлигини юксалтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда қатор қарор ва фармонлар эълон қилинди. Жумладан 2016-йил 2-декабрда “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2018-йил 3-февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича кўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” ги фармонлари ва 2017-йил 2-июлдаги “Туризм соҳасини ривожлантиришда маҳаллий ижро этувчи ҳокимят органларининг масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида “ги қарори муҳум аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга туризм соҳасини боошқарув тузилмаси фаолиятини ва унинг вазифаларини янада саамаралии қилиш мақсадида Президентимизнинг 2016-йил 2-декабрдаги фармонига асосан “Ўзектуризм” миллий компанияси ўрнига янгидан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилди. Бу қўмита олдида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор

йўналишлари” деб номланган учинчи йўналишида туризм индустриясини жадал раванқ топтириш бўйича дастурий вазифалар белгилаб берилди. Умуман ўтган даврда туризмни жадал раванқ топтиришга қаратилган 16 та норматив ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниб, изчил ижро этилмоқда.

Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг маълумотига кўра , бугунги кунда дунё ЯИМ нинг 10 фоиздан кўпроғи жаҳон экспортининг 7 фоиздан зиёдроғи, умумий бандлик кўрсаткичларининг эса 8 фоизга яқини туризм соҳаси ҳиссасига тўғри келади.

Хар йили ўртача 1.2 млрд нафар киши саёҳатга чиқади. Ваҳоланки бундан 10 йил муқаддам рўйхатга олинган туристлар сони 576 млн нафарни ташкил этган эди, мазкур соҳа жадал ривожланишининг кўплаб омиллари бор, албатта. Улар ичида энг асосийси – бу дунёни билиш тарбия ва соғломлштиришни ўзида мужассамлаштиргандир. Қолаверса у бундай хизматларни ташкил этувчиларга катта даромад олиш имконини беради. Масалан, Туркияда сайёҳлик тармоғига “Туризм саноат” деб қаралади. Туркия бир йилда 36 млн сайёҳни қабул қилади ва ушбу соҳадан 34 млрд АҚШ доллари миқдорида даромад кўради. Бу борада жаҳонда 6-ўринни эгаллаганидек мувофаққиятига эришиб сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш йўлидан бормоқда.

Республиканинг туризм салоҳиятини биринчи навбатда инновацияларни тадбиқ қилиш, соҳага инновацион ғоя технологияларни жорий этиш, шунингдек мамлакатнинг бойтабиий, маданий ва тарихий меросларнинг мавжуд ресурслари ва имкониятлардан ҳар томонлама фойдаланиш ҳисобига ривожлантириш учун янада қулай шароитлар яратиш борасида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018-йил 3-февралдаги “Ўзбекисён Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароит ярайиш бўйича қўшимч чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони соҳа истиқболида нурли уфқларни очиб бергани алоҳида такидлаш ўринлидир. Сабаби ушбу ҳужжатга мувофиқ, туризмни иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш унинг инфра

тузилмасини янада такомиллаштириб янги миллий туризм салоҳиятларини яратиш ва уларни жаҳон бозорида кенг тарғиб қилиш, айниқса, виза тартибини соддалаштириш бўйича ишларни амалга ошириш каби вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, 2018-йил 10-февралдан бошлаб Исроил давлати, Индонезия республикаси, Корея Республикаси, Малайзия, Сингапур Республикаси, Туркия Республикаси ва Япония фуқаролари учун Ўзбекистон Республикасига мунтазам давлат қатновларини амалга оширувчи хорижий авиакомпаниялар ҳаво кемалари экипажининг аъзолари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш кунидан эътиборан 30 кун муддатга визасиз режим белгиланди. Ҳамда 2018-йил 1-июлдан эса электрон визалар жорий этилиши ва кўплаб бошқа янги қулайликлар белгилаб берилган. Биргина 2017-йилнинг ўзида Ўзбекистонга дунёнинг барча нуқталаридан 3 млн дан ортиқ сайёҳлар келиб яқин истиқболга ташқи ваички сайёҳларни сонини ортиши шубҳасиздир. 2017-йилда сайёҳлар ташрифи 2016-йилга нисбатан 30%га ортган. 2018-йилда эса 4 млн нафарга етиши кутилмоқда. Бу келажакда мамлакатимизни Марказий Осиёнинг асосий сайёҳлик нуқтасига айлантиради деб айтишимиз ҳамда сайёҳлик Ўзбекистонда мавсумий эмас, йил давомида даромад манбайига соҳа бўлишига олиб келади деб айтишга асос бор. Чунки туризм индустриясини ривожлантириш учун мамлакатимизда сарфланаётган капитал маблағлар йилдан йилга ўсиб бормоқда. Маълумотларга кўра бундай ҳаражатлар 2012-йилда 26.6 млрд сўм, 2015-йилда 46.3 млрд сўм, 2017-йилда 48.7 млрд сўм бўлган бўлса 2018-йилда 51.6 млрд сўм 2020-йилда 65.3 млрд сўм 2021-йилда эса 75.8 млрд сўм ёналтириш режалаштирилган. Бу туризм соҳасини ривожлантириш учун сарфланаётган маблағлар келажакда мамлакатимизга тууристар оқимини янада ривжлантириб, туризмдан келётган даромадлар миқдорини оширади. -сайёҳлар оқимининг асосий қисми ҳамон Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига тўғри келмоқда. Шу сабабли мамлакатимизнинг бир қатор истиқболли минтақаларида инфратузилмани изчил ривожлантиришга эътибор қаратиш;

- туризмнинг таълим, илмий, экологик, спорт-соғломлаштириш тизими каби турларини янада ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш;

- мактаблар, коллежлар ҳамда лицейлар ўқувчиларининг саёҳат йўналишлари дастурларини ғоявий мазмунини бойитиш, ўзбек халқининг маданий мерос объектлари тарихи ва ахамиятини тушунтирувчи материалларни тайёрлаш бўйича ишларни кучайтириш.

Туризм соҳасидаги вазифаларни амалга ошириш учун унинг ривожини учун яхши муҳит яратиш керак бўлади. Шундан келиб чиқиб, “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси ўрнида бозор шароитидаги барча туризм ташкилотларини тўплаш бўйича туризм Вазирлиги ёки давлат қўмитаси ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлур эди, деб ўйлаймиз.

Бу юқоридаги тадбирларни амалга ошириш, республикамизнинг тармоқлар таркибини такомиллаштириш, иқтисодий ўсиш, ташқи бозорга фаол кириб бориш, хорижий шериклар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, жаҳон ҳамжамиятига интеграцияланиш ва аҳолининг фаровонлигини янада ўстириш имкониятини яратади.

Қисқача хулосалар

Туризм жаҳон иқтисодиётининг энг рентабелли тармоқларидан бирига айланиб бормоқда. Бизнинг мамлакатимизда Давлат дастурига биноан, ягона туризм тармоғини шакллантириш, соҳанинг тез суръатларда тараққий этиши, мустаҳкам туризм сиёсатини шакллантириш, инфратузилмани режали равишда йўлга қўйишда Республиканинг туризм салоҳиятини биринчи навбатда инновацияларни тадбиқ қилиш, соҳага инновацион ғоя технологияларни жорий этиш, шунингдек мамлакатнинг бой табиий, маданий ва тарихий меросларнинг мавжуд ресурслари ва имкониятлардан ҳар томонлама фойдаланиш ҳисобига ривожлантириш учун янада қулай шароитлар яратиш борасида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароит ярайиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони соҳа истиқболида нурли уфқларни очиб бергани алоҳида

такидлаш ўринлидир. Ҳамда 2018 йил 1 июлдан эса электрон визалар жорий этилиши ва кўплаб бошқа янги қулайликлар белгилаб берилган. Биргина 2017 йилнинг ўзида Ўзбекистонга дунёнинг барча нуқталаридан 3 млн дан ортиқ сайёҳлар келиб яқин истиқболга ташқи ваички сайёҳларни сонини ортиши шубҳасиздир. 2017 йилда сайёҳлар ташрифи 2016 йилга нисбатан 30 фоизга ортган. 2018 йилда эса 4 млн нафарга етиши кутилмоқда. Бу келажакда мамлакатимизни Марказий Осиёнинг асосий сайёҳлик нуқтасига айлантиради, деб айтишимиз ҳамда сайёҳлик Ўзбекистонда мавсумий эмас, йил давомида даромад манбаига соҳа бўлишига олиб келади, деб айтишга асос бор. Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришда халқаро туризм соҳаси муҳим аҳамиятга эга соҳалардан бири ҳисобланади. Барча тармоқлар қатори туризм соҳасига профессионал ходимлар жуда зарур, шунинг учун ҳам Президентимизнинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосланган ҳолда, айрим олийгоҳ ва коллежларда туризм мутахассислари тайёрланиб берилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан туризмни янада ривожлантириш бўйича қарорлари, фармонлари қатори аҳамиятга эгадир.

Халқаро туризм алоҳида мамлакатларнинг ҳамда бутун жаҳон иқтисодиётини ривожлантиришга таъсир кўрсатади. Туризм халқаро муносабатларда ҳам муҳим ўринга эга.

Назорат саволлари

1. Жаҳон иқтисодиётида бандлик муаммоси.
2. Сиёсатнинг сайёҳлик ривожланишига таъсири.
3. Халқаро туризм жаҳон хўжалигида етакчи тармоқлардан бири сифатида.
4. Туризм соҳаси ва туризм иқтисодиётига таъриф беринг.
5. Туризмнинг давлатлараро муносабатлари ривожланишидаги роли.
6. Туризмнинг ривожланиш омилларини айтиб беринг.
7. Экология сайёҳлик билан боғлиқми?
8. Туризмда ташқи муҳит таъсирини айтиб беринг.
9. Туризм инфратузилмаси нимани англатади?
10. Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмни ривожлантиришдан асосий мақсад нималарда ифодаланади?

XI боб. ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА ИЖТИМОЙ СУҒУРТА ТИЗМИ

11.1. Суғуртанинг келиб чиқиш шарт-шароитлари

Суғуртанинг келиб чиқиш тарихи узоқ даврни ўз ичига олиб, дастлабки куртаклари қадимги Рим империяси ҳукмронлик даврига тўғри келади. Дастлаб ҳамкорлар бирлашуви натижасида ҳамкасб жамиятлар тузилган. Бу жамият аъзолари диний маросимларни ўтказиш учун “дафн кассаси”га бирлашиб, ўзаро бадаллар (пай) асосида пул тўплаганлар. Агар жамиятнинг бирорта аъзоси вафот этса, тўпланган пул унинг меросхўрига берилар эди. Вақт ўтиши билан бу тўпланган пул боқувчисиз қолган оила аъзоларига бериладиган бўлди. Шу даврлардан бошлаб шахсий суғурта турлари юзага кела бошлаган.

Римда вужудга келган илк суғурта жамиятлари давр ўтиши билан немис халқлари орасида шу ҳудуд хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган ҳолда мазмунан бир хил бўлса ҳам шаклан ўзгарган ҳолда қабул қилинган. Германияда савдогарлар гильдияси (уюшма) кейинчалик суғурта ҳамдўстлик жамиятлари шаклланиб ривож топди. Суғурта институтлари ўрта асрларда пайдо бўлганлиги, ўз навбатида, шу даврларда денгизлар орқали юкларни етказиб бериш кафолати билан боғлиқ. Савдо-сотикнинг ривожланиб бориши, суғурта тизимининг турли мамлакатлардаги ривожидида жамият турли соҳаларида суғурта муносабатлари шаклланиши алоҳида аҳамият касб этади.

Тарихий манбалар гувоҳлик беришича, дастлабки суғурта уюшмалари XII асрда Исландияда барпо этилган. Бу уюшмалар шу мамлакатларда яшовчи халқларнинг ўз мол-мулки ёнғиндан ва қорамоллари йўқолиб зарарланишидан суғурталанган. XIII асрда Европада денгизда ташиладиган юкларни суғурталаш ривожланиб, XV асрга келиб, денгиз суғуртаси ҳиссадорлик жамиятлари шаклида хусусий ҳолларда ҳам ташкил этилди. Айни пайтда юк ташувчи кемаларни туркумлаш ҳамда назорат этиш, ҳатто Англия ёки Германияга тааллуқли эканлигига эътибор берилди бошлади. Суғурта

тўғрисидаги дастлабки қонунлар ҳам шу даврларда қабул қилинди. 1446 йили Гольштейн суғурта жамиятлари Лондон ҳамда Парижда ташкил этилди. Бу жамиятлар фаолият кўрсатиб, жаҳонда машҳур эдилар. Европа мамлакатларидан бўлган Германия ҳамда Швейцарияда қишлоқ хўжалиги соҳасида қорамолларни ва қишлоқ хўжалиги экинларини суғурталаш бўйича суғурта жамиятлари ташкил этилди.

Айниқса, XVII асрга келиб, суғурта ҳиссадорлик компаниялари сон жиҳатдан ўсиб, фаолият олиб бордилар. Жумладан, Голландия-Ост-Ҳиндистон компаниясига 1602 йили асос солинди. 1613 йили Англия-Ост-Ҳиндистон компанияси ташкил этилди. 1726 йили Копенгаген, 1734 йили Стокгольм, 1745 йили Берлин 1720 йили Лондон ҳиссадорлик суғурта жамиятлари барпо этилди. XVIII асрга келиб Европа мамлакатларида денгиз суғуртаси, шохли йирик молларни нобуд бўлишдан суғурталаш, ёнғиндан суғурталаш, мулкни суғурталаш билан суғурта жамиятлари шуғулланиб келдилар.

Европа мамлакатларида суғурта жамиятлари фаолиятидан унинг аъзолари фойда олаётганлигини кўрган фуқаролар Германияда мулкий суғурта жамиятларига аъзо бўла бошладилар. Кейинчалик Англия, Германия, Ирландия, Франция, Шотландия мамлакатларида яшин уришдан суғурталаш ривожланиб борди.

XX асрга келиб иқтисодий ривожланган дунё мамлакатларида давлат томонидан аҳолини суғурталаш тизими вужудга келтирилди. XX асрнинг бошларида ишсизликнинг Европа мамлакатларида кўпайиб бораётганлигини ҳисобга олиб, Англия ва бошқа мамлакатларда ишсизликдан суғурталаш давлат йўли билан мажбуран жорий этилган эди. Дунёдаги ривожланган мамлакатларда суғурта тизими жамият ҳаётининг барча жабҳаларига кириб борди, ҳақиқатда ҳамма нарсани суғурталаш мумкин бўлиб қолди. Ривожланган ҳудудларда аҳоли ўртасида суғурта ҳақидаги билимлар кенг миқёсда тарғиб қилинганлиги туфайли ҳар бир фуқаро суғурта қонунларидан хабардор бўлиб, суғурта компанияларининг фойдали фаолиятидан баҳраманд бўлганликлари натижасида суғурталанувчилар сони йил сайин ўсиб борди. Суғурта фаолияти

байналминаллашиб борганлиги халқлар орасида муносабатлар ривожланишига катта ҳисса қўшди.

Суғурта жамиятларининг берадиган ёрдамидан фақат мулк эгалари эмас, балки жамият аъзолари ҳам манфаатдор бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар бир инсон суғурта тизими ривожидан фойда кўриш билан бирга, қўшимча даромадга ҳам эга бўлади. Ташқаридан етказиладиган зарарлар инсон соғлиғига салбий таъсир этади, ҳатто вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотиши ёки ишга яроқсиз бўлиб қолиши мумкин. Ана шу даврдаги тирикчилиги учун зарур бўлган маблағни суғурта компаниялари, суғурта жамиятлари тўлайди. Бу, ўз навбатида, фуқароларни олдиндан ўз ҳаётларини бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш ва одамлардан суғурта бадалларини мунтазам тўлаб боришни талаб этади. Суғурта ҳар бир фуқаронинг шахсий манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ эканлиги юқорида келтирилган маълумотлар орқали исботланади. Суғуртага таъриф бериш ҳамда суғуртанинг ўзига хос белгиларини кўрсатиб бериши объектив заруратдир.

Суғурта махсус фондларни ташкил этишда юзага келадиган иқтисодий муносабатлар тизими бўлиб, ундан турли ҳодисалар юз берганда кўрилган зарарларни қоплаш учун фойдаланилади. Суғурта муносабатлари икки томон, яъни суғуртачи ва суғурталанувчи ўртасида юзага келади. Суғурта ўзининг қатор белгиларига эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Суғурта мақсадли характерга эга бўлиб, суғурта тўловлари олдиндан белгиланган шартномага кўра, бу ҳодисалар юз берганда тўланади.

2. Суғурта эҳтимоллик характерига эга, чунки у ёки бу ҳодисанинг қачон содир бўлиши ва унинг кучи ҳамда келтирадиган зарари қандай бўлиши ва қайси суғурталанувчига тегишли бўлиши номаълум.

3. Суғурта маблағлар қайтарилиш характерига эга бўлиб (суғурталанувчилар), суғурта фондидан маблағлари айрим шахсларга тўлаш учун эмас, балки ҳамма суғурталанувчиларга тўлаш учун мўлжалланган.

11.2. Суғуртанинг функциялари

Барча иқтисодий категориялар каби суғурта категорияси ҳам ўз функцияларига эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Суғуртанинг тақсимлаш функцияси.

2. Суғуртанинг назорат функцияси.

Суғуртанинг тақсимлаш функцияси қуйидаги махсус функциялар орқали намоён бўлади:

а) таваккаллик функцияси бевосита суғуртанинг белгиланиши билан боғлиқ бўлиб, зарар кўрган жисмоний ёки юридик шахсга пул ёрдами берилиши билан тавсифланади. Бу функция орқали суғурта маблағлари қиймати қайта тақсимланади;

б) огоҳлантириш функцияси суғурта таваккаллигининг камайиши бўйича тадбирларга суғурта фондидан маблағлар молиялаштирилади, суғурта шартномалари тузилади ва суғурта таваккаллиги миқдорига қараб суғурта тўловлари белгиланади;

в) жамғариш функциясида суғурта фондидаги маблағлар жамғариб борилади ва бу маблағлар аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва нафақа даврида тўлаш учун йўналтирилади.

Суғурта назорат функциясида суғурта фонди маблағлари юзага келиши ва ундан фойдаланиш қатъий равишда назорат қилинади. Амалиётда бу функция мажбуриятлар бажарилишини кафолатловчи суғурта захиралари юзага келиши билан тавсифланади. Суғурталовчилар фаолиятининг маъмурий назоратини Республика суғурта давлат бош бошқармаси олиб боради.

Бошқарма компанияларга лицензиялар беради, улар фаолиятини зарур ҳолларда текширади, нормативлар белгилайди ва захираларни жойлаштириш қоидаларини ишлаб чиқади. Ўзбекистонда 1993 йил қабул қилинган “Суғурта тўғрисида”ги қонун ҳаётга татбиқ этилганлиги туфайли республикамизда давлат, хусусий, ҳамкорликдаги суғурта компаниялари фаол хизмат кўрсатиб келмоқда. Республикамиз шароити учун суғурта тизимини ривожлантириш объектив зарурат ҳисобланади. Инсон табиатдаги ўзгаришларни ҳали олдиндан аниқлаш ва унинг олдини олиш имкониятига эга эмас. Шунинг учун ҳам табиатда бўладиган сув

тошқинлари, ер қимирлаши, яшин уриши, кўчкилар, шамол, сел келиши, дўл ва ёмғир, қор кўчиши ҳоллари, кутилмаганда бўлиб турадиган ҳодисалар иқтисодиётга ва фуқароларга мислсиз катта зарар келтиради.

Америкалик иқтисодчилар ҳисобига кўра, ҳар йили ер қимирлаши туфайли кўриладиган зарар 7 млрд. долларни ташкил этар экан.

Бир йилда ер юзида бир миллиондан ортиқ ер қимирлаш ҳодисаси бўлиб, улардан юз минги сезиларли, юзтаси турли шаклларда талафот етказди, биттаси ҳалоқатли бўлар экан. Иқтисодчи олимлар дунё миқёсида суғуртага алоҳида эътибор бериш суғуртани табиий офатларни бартараф этувчи ва унга қарши курашувчи фан деб қарашмоқда.

Айрим иқтисодчилар суғуртани аҳолининг моддий бойликларини кўриқлайдиган ва муҳофаза этадиган фан деб қарашмоқда. Ҳуқуқшунослар эса суғуртага шартнома деб қараб, суғуртачи ва суғурталанувчининг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи воситалар қонуни деб ҳисоблайди.

Фикримизча, суғурта қаерда ассоциация мавжуд бўлса, ўзининг аъзоларига эга бўлган ҳамда аъзолик бадаллари, ўз навбатида, жадвал бўйича тўлаб турилган, тўловлар амалга ошган тақдирда ёрдам кўрсатиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Турли мулк шакллари амал қилаётган бозор муносабатлари ҳукмронлик қиладиган жамиятда суғурта компаниялари ҳам турли нормаларда бўлишини ҳаётнинг ўзи тақозо этади. Таъкидлаш жоизки, суғурталаш шароитлари ҳам суғурта ишида муҳим роль ўйнайди.

Маълумки, инсон мулкига ва унинг ўзига хавф соладиган вақтлар турли-туман бўлиб, суғуртани ташкил этишнинг асосий мақсади ҳам хавф туғдираётган фалокатларга қарши кураш олиб бориб, инсонларни алоҳида эмас, балки биргаликда фаолият кўрсатишини ташкил этиш зарур.

11.3. Суғурта ишини ташкил этиш

Бозор иқтисодиёти суғурта ташкилотларини талаб ва таклиф асосида шакллантиришни ва суғурта ишини қайтадан ташкил этишни талаб этади. Бунда олди-сотди объекти суғурта ҳимояси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида 1993 йил 6 майда қабул қилинган ”Суғурта тўғрисида”ги Қонун заминида мамлакатимизда суғурта бозорини ривожлантириш учун ҳуқуқий асослар яратилди. Республика иқтисодиёти ривожланишида суғуртанинг асосий ўрни ва тутган мавқеи ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурта хизматларига бўлган талабларини ҳар томонлама қондирилишига ушбу қонун кафолат беради.

Қонунда суғуртага қуйидагича таъриф берилган: “Суғурта – инсон фаолиятининг турли соҳаларида содир бўладиган табиий офатлар, фавқулодда ҳодиса ва бошқа воқеалар натижасида етказилган зарар ҳамда талафотларни жисмоний ва юридик шахслар тўлаган суғурта бадаллари (суғурта пули)дан ҳосил қилинадиган пул фондлари ҳисобидан тўлиқ ёки қисман қоплаш йўли билан жисмоний ва юридик шахслар манфаатлари суғурталанишини таъминлашга доир муносабатлар демакдир”.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан суғуртанинг иқтисодий тизимдаги ўрни тубдан ўзгариб, суғурта компаниялари бозор шароитида тўлақонли хўжалик субъектларига айланадилар. Суғурта бозорининг шаклланиши туфайли суғурта жамиятлари билан бирга суғурта компаниялари ҳам суғуртанинг асосий бошланғич бўғинига айланди. Суғурта жамиятларида суғурта фонди ташкил топади ва улардан фойдаланиш амалга ошмоқда. Суғурта фондларининг турли мулк шаклларида ташкил топиши натижасида шахсий, гуруҳ, жамоа манфаатлари бир-бири билан боғланиб кетади. Маълумки, бозор иқтисодиёти турли мулкчилик муносабатларига асосланиб ривожланиб бориши билан ҳар бир фуқаро бошқа фуқаролар билан турли йўналишлар бўйича биргаликда ҳамкорлик қилиш учун шартномалар тузиш ҳуқуқига эга. Худди шу жараёнларни суғурта бозори ҳисобга олган ҳолда мижозлар учун турли-туман соҳаларда суғурта хизматини кўрсатиши мумкин.

Эркин бозор иқтисодиёти шароитидаги рақобат талаб ва таклиф ўйини, баҳоларни бозор белгилаши, суғурта тарифларидаги ўзгаришлар суғурта бозоридаги суғурталовчилар орасида рақобатнинг кучайиши ҳамда суғурта жамиятларидаги ходимларнинг янги мижозларни топишлари туфайли рақобат янада ривожланиб боради. Демак, суғурта бозори бутун иқтисодий муносабатларни ўзида мужассамлаштириб, суғурта маҳсулоти ва суғурта хизматини кўрсатиш бўйича манфаатдор томонлар ўзаро муносабатининг такомиллашувига олиб келади. Бозор суғуртачи ва суғурталанувчиларнинг таркибий жиҳатдан бир-бирига бўлган муносабатларини ифодалайди.

Суғурта бозорининг таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- а) институционал жиҳат. Бунда ҳиссадорлик, кооператив ва давлат суғурта компаниялари ягона суғурта тизимига бирлашадилар;
- б) ҳудудий жиҳат. Бунда маҳаллий суғурта бозорлари миллий ва жаҳон суғурта бозорлари ўрганилади.

Бозор муносабатларининг ривожланиб бориши тараққиёт йўлидаги тўсиқларни йўқ қилиб, иқтисодий ҳамкорликнинг кенгайишига, миллий суғурта бозорларининг жаҳон суғурта бозорига уланишига олиб келади. Масалан, Умумевропа суғурта бозори худди шу йўл билан вужудга келган. Талаб ва таклиф қонунига асосланган ҳолда суғурта хизмати ички ва ташқи бозорга бўлинади:

1) *Ички суғурта бозори*. Бу бозор маҳаллий бозордан иборат бўлиб, бунда талаб аниқ ҳаракат қиладиган суғурталовчи компаниялар томонидан қондирилади.

2) *Ташқи суғурта бозори*. Бу маҳаллий бозордан ташқарида ҳаракат этиб, суғурта хизматига бўлган таклиф жаҳон хўжалиги миқёсида таъминланади.

Агар суғурта бозорини тармоқлар бўйича ўргансак, у шахсий, мулкий жавобгарлик, иқтисодий таваккалликлар суғурталарига бўлинади. Ҳар бир суғурта тури ҳам бир неча бўғинлар орқали туркумланади. Республикамизда барча суғурта турлари бўйича суғурта иши ҳали унча ривожланган эмас.

11.4. Ўзбекистонда суғурта ишини ривожлантириш истикболлари

Бозор иқтисодиёти миллий иқтисодиётимизда ижобий ўзгаришларни амалга оширишга ва молия тизимида кенг миқёсдаги иқтисодий ислохотларнинг рўёбга чиқишига туртки бўлди. Мамлакат молия тизимининг муҳим омилларидан бўлган суғурта соҳасида бир қанча ижобий ўзгаришлар юз берди, иқтисодий ислохот суғурта соҳасида ҳам амалга оширилди.

Ўзбекистонда “Суғурта тўғрисида”ги қабул қилинган қонун (1993 йил 6 май) ва мамлакатимизда суғурта тизimini ўзгартириш, уни ҳар томонлама ривожлантириш учун ҳамда турли мулк шаклидаги суғурта ташкилотларини вужудга келтириш учун ҳуқуқий асос яратиб берилиши натижасида бир қанча суғурта компаниялари ташкил топди. Масалан, 1994 йил 21 январда “Ўзбекистон экспорт-импорт миллий суғурта компанияси” (“Ўзбекинвест”), 1997 йил 25 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан “Ўзагросуғурта” давлат акциядорлик компанияси ташкил этилди. Ҳозирги кунда бу компаниянинг 12 вилоятда дирекциялари ҳамда республиканинг барча туманларида 163 та бўлим фаолият кўрсатиб, қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатиш учун 2 мингдан ортиқ мутахассислар жалб этилган.

1997 йил 14 мартда “Кафолат” очик турдаги давлат ҳиссадорлик суғурта компанияси ташкил этилди. Ушбу компаниянинг республика вилоятларида филиаллари бор. Бу компания чиқараётган акциялар мижозлар томонидан кенг миқёсда сотиб олинмоқда, республикамиз суғурта бозорида фаол иш олиб бораётган компанияларидан бири ҳисобланади.

1996 йил 22 июлда Ўзбекистон Республикасида банклараро суғурта жамияти – “Банксуғурта” ташкил этилди. “Банксуғурта” ёки “Ишонч” суғурта жамиятининг олдига қўйган муҳим вазифалари қуйидагилардан иборат: республика банк тизimini суғурта орқали кафолатланган ҳолда ишончли ҳимоялашни амалга ошириш; республика банкларининг комплекс равишда ихтиёрий суғурталашни амалга ошириш банк ходимларининг соғлиғи ва раҳбарларнинг малака масъулиятини суғурталаш; суғурта объекти бўлган банклар,

лизинг, клиринг операциялари ва бошқа жараёнларни суғурталаш; ихтиёрий равишда банк тизимини, хорижий, юридик ва жисмоний шахсларни суғурталаш.

1995 йил 26 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни суғурта йўли билан ҳимоя қилувчи “Мадад” агентлиги ўз фаолиятини бошлади. Ушбу “Мадад” агентлигининг асосий вазифаси бозор шароитида тадбиркорлик таваккаллигидан ҳимоя этиш мақсадида суғурта хизматини кўрсатиш ва суғурта васиқаларини бериш бўлиб, суғурта васиқаси тадбиркорга “Бизнес Фонд” томонидан имтиёзли кредит олиш имконини беради. Шу билан бирга, агентлик мулкларни суғурталаш, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик масъулиятини учинчи бир шахс зарар кўришидан суғурталаш, бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш кабиларни ҳам амалга оширади. “Мадад” суғурта агентлигининг Ўзбекистонда 13 та филиали мавжуд бўлиб, буларнинг ҳаммаси фаол фаолият юритмоқда.

Кейинги йилларда республикаimizдаги суғурта компанияларининг молиявий имкониятлари кенгайиб бормоқда. Масалан, “Кафолат” давлат акциядорлик суғурта компаниясининг устав фонди қарийб 1,5 баробарга ошди. Бу эса суғурталанувчиларга турли ҳодисалар оқибатида етказилган зарарни қоплаш имконияти яхшиланаётганини билдиради. Лекин ҳанузгача суғурта фаолиятининг аҳамиятини кўпчилик тўлиқ англаб етмаяпти.

Шуни англаб олишимиз зарурки, ҳаётда, ишлаб чиқаришда, фаолиятнинг бошқа турларида бахтсиз ҳодисалар, офатлар рўй бериб турадики, бундан корхоналарга, одамлар соғлиғига, ҳаётига жиддий зарар етади. Бунинг оқибатини тугатиш катта сарф-харажатларни талаб қилади. Натижада корхона даромадига ёки оила бюджетига путур етади. Агар жабр кўрган шахс суғурта полисига эга бўлса, зарар компания ҳисобидан тўланади. Суғурта хизматининг аҳамияти мана шу жараёнда яққол кўринади. Ривожланган давлатларда корхоналар, тадбиркорлар суғурта полисига эга бўлмаса, бошқалар улар билан ҳамкорликда ишламайдилар. Чунки ўзини ҳурмат қилган,

уддабурон, тежамкор тадбиркор, аввало ўз фаолиятидаги ҳамда шерикликдан етиши мумкин бўлган зарардан эҳтиёж чораларини кўриб кўяди. Бундан ташқари, суғурталанувчилар томонидан тўланадиган бадаллар фақат банк муассасаларида инвестиция тариқасида жамланиб, мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштириш ва ривожлантиришга хизмат қилади.

11.5. Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ва ишончли тараққиётини таъминлашда суғурта фаолиятини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бозор инфратузилмасининг энг муҳим институтларидан бири – тадбиркорлар ва аҳолини эҳтимоли бўлган турли зарарлардан ҳимоя қилишга қаратилган суғурта фаолияти изчил ривожланиб бормоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда бу соҳада 20 дан ортиқ компания, 450 дан ортиқ шахобчалар иш юритмоқда, ҳамда улар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга 150 дан ортиқ турдаги суғурта хизматлари кўрсатилмоқда.

Суғурта маҳсулот ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини ошириш, капитал, ишчи кучи, маҳсулот экспорти ҳамда импорти, ишлаб чиқариш интеграцияси кабилар билан узвий боғлиқликда амалга ошириладиган фаолиятларни рисклардан ҳимоялаш, шунингдек, у ҳар бир субъектнинг ўз фаолиятини кенгайтириш, инвестицияларни ишончли жойлаштириш, кредит олиш имкониятларини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов қарори билан тасдиқланган ”2007–2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастури” ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжатда суғурта фаолиятини ва суғурта назоратининг қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий базасини халқаро амалиётга мувофиқ янада такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини, импорт-экспорт операцияларини суғурталаш, инсон ҳаётини узоқ вақтга суғурталаш, бу хизматнинг жамғарма турлари кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш кўзда тутилган.

Мамлакатимизда “Давлат – иқтисодий ўзгаришларнинг ташаббускори ва бош ислохотчиси” тамойилига асосланиб, иқтисодиётни янада эркинлаштириш мақсадида суғурта фаолиятини ривожлантириш йўналишлари асосланди, унинг ҳуқуқий асослари ва ташкилий услубий жиҳатлари яратилди ҳамда такомиллаштирилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниши билан суғурта соҳасидаги давлат монополиясига марҳам бериши учун зарурий ҳуқуқий асос яратилган эди. Унинг бажаришини ҳамда мамлакат иқтисодиётини ишончи суғурта ҳимояси билан таъминлаш мақсадида мамлакатимиз Президентининг махсус фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг бир қанча йирик (“Ўзбекинвест” ЭИМСК, “Ўзагросуғурта” ҳамда “Кафолат” ДАСК, “Мадад” СА ва бошқа) суғурта компанияларини ташкил этиш тўғрисидаги қарорлари қабул қилинган эди. Ўз вақтида қабул қилинган бу фармон ва қарорлар мамлакатимиз суғурта фаолиятини самарали йўлга қўйишга хизмат қилди.

Республикаимиздаги бир қатор вазирлик ва идоралар зиммасига суғурта ташкилотлари билан биргаликда ишлаб чиқилган дастур асосида 2007–2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш вазифаси юклатилди. Мазкур ҳужжатда суғурта фаолияти ва суғурта назоратининг қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий базасини халқаро амалиётга мувофиқ янада такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини, импорт-экспорт операцияларини суғурталаш, инсон ҳаётини узоқ муддатга суғурталаш, бу хизматнинг жамғарма турлари кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш кўзда тутилди. Шунингдек, қарорда шу соҳани ривожлантириш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурталашда кенг қатнашишини рағбатлантириш учун мол-мулкни ва ҳаётни узоқ муддатга суғурталаш бўйича суғурта мукофотлари солиққа тортилмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Мазкур масала 2008 йилнинг 1 январидан амалга киритилган Солиқ кодексининг 31-боб, 179-моддасида, яъни “Жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган даромадлари” қисмининг 20, 21-

бандларида меҳнат шартномаси бекор қилинганда энг кам иш ҳақининг 12 баробари миқдори доирасида тўланадиган ишдан бўшатиш нафақаси, давлат ижтимоий суғурталаш ва давлат ижтимоий таъминоти бўйича нафақалар, ишсизлик нафақалари, хомиладорлик ва туғилиш нафақалари, бундан вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари (шу жумладан, оиланинг бемор аъзосини парваришlash нафақалари) мустасно, шунингдек, хайрия ва экология жамғармаларидан жисмоний шахсларга бериладиган нафақалар ҳамда бошқа ёрдам турлари, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг суғурта бўйича оладиган суммаларига солиқ солинмаслиги белгиланган. 28-бандда солиқ солиниши керак бўлган ва мол-мулкни суғурта қилиш ҳамда ҳаётни узоқ вақт суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотлари тўловчи учун йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иш ҳақининг ҳамда бошқа даромадларининг суммалари солиқлардан озод қилиниши кўрсатиб ўтилган. Шунга кўра, вилоятлардаги мавжуд суғурта идораларига 2008 йилда фойда солиғи бўйича қарийб 600 минг сўмлик солиқ имтиёзлари берилди.

11.6 Мамлакатимизда мажбурий суғурталашнинг айрим турлари жорий этилиши

Президентимизнинг қатор маърузалари ва асарларида иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнини тегишли бозор инфратузилмаси, жумладан, суғуртани ривожлантирмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмаслиги алоҳида таъкидланган. Ўтган йиллар давомида банк фаолияти, аудиторлик ва суғурта компаниялари бўйича қонунчиликни тартибга солиш ҳамда мустаҳкамлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Натижада 27 та суғурта компанияси ўз низом жамғармалари миқдорини белгиланган талаблар даражасига етказди ва уларнинг ялпи ҳажми 2012 йилда 3 баробарга кўпайди.

Биргина 2007 йилда суғурта мукофотлари миқдори 45 фоизга ортиб, қарийб 70 миллиард сўмни ташкил этди. Ихтиёрий шахсий суғурталаш бўйича суғурта хизматлари барқарор суръатлар билан

ривожланиб, 80 фоизга ўсди, мулкни суғурталашнинг ихтиёрий турлари эса 48 фоизга ошди.

Айни пайтда мажбурий суғуртанинг улуши ниҳоятда паст бўлиб, 6 фоиздан ҳам ортмайди. Чунки жаҳонда мавжуд мажбурий суғурталашнинг айрим турлари бизда жорий этилмаган. Шулардан келиб чиқиб, бизда ҳам мажбурий суғурталашнинг айрим турлари жорий этилмоқда. 2008 йил 11 сентябрдан “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги ҳамда 2009 йил 1 январдан кучга кирган “Транспорт воситалари эгаларининг жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилиниши мамлакатимизда инсон ва унинг манфаати ҳар нарсадан устун эканлигидан дарак беради. Айниқса, транспорт воситаси билан етказилган зарар ўрнини қоплаш, жабрланувчига ўз вақтида моддий ёрдам кўрсатиш фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Бунда эса суғурта хизмати алоҳида ўрин тутди.

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 21 февралда қабул қилинган ва Олий Мажлис Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлисида маъқулланган “Транспорт воситалари эгаларини фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонун шу жиҳатларга кўра долзарбдир.

Ушбу қонун транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлигини суғурталашнинг мажбурий тартибини белгилаш орқали жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кафолатлайди. Қонуннинг ўзига хос жиҳатларидан бири суғурталашнинг мажбурийлиги бўлиб, бундай тартиб, биринчи навбатда, транспорт воситасидан жабрланган фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий йўқотишлари ўрнини ўз вақтида қоплаш ва бузилган ҳуқуқларнинг тикланишини назарда тутди.

Қонунда мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиш муддати бир йил, деб белгиланган. Шу билан бирга, хориж давлатларида рўйхатдан ўтказилган ва Ўзбекистон Республикаси

ҳудудида вақтинча фойдаланилаётган транспорт воситаларини эгалари ушбу транспорт воситаларидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча фойдаланиладиган бутун муддатга, лекин камида ўн беш кунга мажбурий суғурта шартномаси тузишлари лозимлиги Қонуннинг 9-моддасида ўз ифодасини топган.

Мазкур Қонуннинг аҳамиятли жиҳатларидан бири, унда мажбурий суғурта бўйича суғурта захирасини шакллантириш белгиланган. Унга кўра, агар мажбурий суғуртани амалга ошириш пайтида мазкур суғурта тури бўйича суғурталовчининг даромад ва харажатлари орасида фарқ бир йилда кўрсатилган даромадларнинг 5 фоизидан ортиқ бўлса, ортиқ сумма суғурталовчи томонидан кейинги йилларда суғурта тўловларини амалга ошириш харажатларини қоплаш учун суғурта захирасини шакллантиришга йўналтирилади.

Айни пайтда транспорт воситаси билан боғлиқ ҳодиса содир бўлганда суғурта қилдирувчи ва жабрланувчи амалга ошириши лозим бўлган ҳаракатлар ҳам белгиланган. Унинг энг асосий жиҳатларидан бири суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) ёки унинг ваколатли вакили уч календарь кунидан кечиктирмай жабрланувчига (унинг меросхўрларига) суғурта полисининг нусхасини топшириши ҳисобланади. Суғурта ҳодисаси содир бўлганда жабрланувчи томонидан суғурталовчига тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар ҳам ушбу суғурта тури учун муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Қонун бундай ҳужжатлар жумласига қуйидагиларни киритади: суғурта полиси, зарар етказилганлиги далилини ва унинг миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (тижорат далолатномалари, юк халталари, асосий воситалар дафтарида кўчирмалар, тўлов ҳужжатлари, хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажариш учун тузилган шартномалар, мол-мулкни мустақил баҳолаш далолатномалари ва шу кабилар). Қолаверса, улар жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ва даъвогарларнинг меърос ҳуқуқини ёки ҳуқуқий ворисликни олганлиги, шунингдек, меросхўрларнинг шахсини ёки рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни ҳам тақдим этадилар.

Мазкур Қонун, энг аввало, бугунги кунда транспорт воситалари эгаларининг вужудга келиши мумкин бўлган мулкий йўқотишларини бартараф этади, қолаверса, уларни моддий тарафдан қўллаб-қувватлайди, ҳамда муайян тарзда жабрланувчилар зарарини қоплайди. Аниқроқ таърифлаганда, бир вақтнинг ўзида ҳам зарар етказувчи, ҳам жабрланувчи манфаатдорлиги таъминланади.

Транспорт воситалари эгаларини мажбурий суғурталаш бўйича суғурта суммасининг минимал миқдори 3000 АҚШ доллари эквиваленти миқдорида белгиланмоқда. Бу эса МДХда амал қилаётган меъёрлар билан бир хиллаштиришга эришиш мақсадида жорий этилмоқда.

Қолаверса, қонун лойиҳасида халқаро меъёрларга мувофиқ транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш жамғармаси ташкил қилади. Бу орқали суғурталовчига банкротлик жараёни қўлланилганда ёки етказилган зарар учун жавобгар шахс номаълум бўлганда ёхуд зарар етказган транспорт эгаси фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш бўйича мажбуриятини бажармаган тақдирда компенсация тўловларини тўлашни кафолатлайди.

Таъкидлаш жоизки, суғурта бозори ривожланишининг асосий омилларидан бири, бу – аҳолининг суғуртага бўлган ишончини оқлаш, шартнома шартларининг ижросини ўз вақтида таъминлаш, шу тариқа суғурта бозори иштирокчилари сафини кенгайтиришга эришишдир. Шу маънода мажбурий суғурта турларининг жорий этилиши натижасида хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг кенг қатламлари бевосита суғурта жараёнларида қатнашадилар. Бу эса аҳоли суғурта маданиятининг ошишига сабаб бўлувчи асосий туртки бўлади. Суғурта бозорини ривожлантириш юридик ва жисмоний шахсларни суғурталашда кенг қатнашишини рағбатлантириш мақсадида янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 145-моддасига мувофиқ, суғуртанинг мажбурий турларига ажратмалари солиқ тўловчининг харажатлари солиқ солинадиган фойдани аниқлаш пайтида чегириб ташланиши белгилаб қўйилган.

Ҳар иккала қонуннинг амалиётга татбиқ этилиши, биринчидан, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга, иккинчидан, вақтинча бўш ётган суғурта маблағларини у ёки бу соҳаларга жалб этиш орқали иқтисодиётни ривожлантиришга хизмат қилади.

Хуллас, мамлакатимизда суғурта тизимида амалга оширилаётган ишлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. 2008 йилда республикаимизда суғурта мажбуриятлари ҳажми 2007 йил кўрсаткиларига таққослаганда салкам 30 фоизга кўпайди. Юртимизда суғурта бозорини ривожлантириш юзасидан қабул қилинган ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлари талабларини изчил бажариш орқали шундай ижобий натижаларга эришиш таъминланди.

Мамлакатимизда суғурта тизими ишларини янада кучайтириш учун хориж мамлакатлари тажрибасидан кенгроқ фойдаланиш, ўрганиш мувофиқдир. Шу билан бирга республика шаҳар ва қишлоқ жойларида суғурта турлари, уларнинг аҳамияти, иқтисодий самараси, юқорида кўрсатилган суғурта компанияларининг фаолиятлари тўғрисида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш зарур, ҳамда суғурта тизимида фаолият кўрсатаётган ходимлар малакасини янада ошириш мақсадга мувофиқдир.

Шунинг учун, фикримизча, суғурталаш тизими аҳолининг турмушига чуқур кириб бориши лозим. Бунга фақат тушунтириш-тарғибот воситасида эришиш мумкин. Матбуотда, телевидениеда кўпроқ чиқишлар қилиш, учрашув ва йиғинларда бу ҳақда батафсилроқ тушунтириш бериш лозим. Аниқ мисоллар, асосли ҳисоб-китоблар ва таҳлилларга бой суҳбатлар яхшироқ самара беради. Булар келажакда суғурта аҳоли турмушидаги биринчи даражали эҳтиёжлардан бири бўлишига олиб келади.

Иқтисодиётни ривожлантиришда, молия тизимининг муҳим бўғинларидан бўлган суғурта соҳасини тўла ҳаётга татбиқ этиш ва суғуртанинг янги турларини қўллаш муҳим ҳисобланади. Хориж суғурта компанияларининг тажрибаларидан фойдаланган ҳолда ва улар билан ҳамкорликда иш олиб борилса, республикаимиз суғурта тизимида муваффақиятларга эришиш мумкин, чунки иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда суғурта тизими ривожланган бўлиб,

суғурта тизими иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Кейинги йилларда мамлакатимиз суғурта бозорида амалга ошираётган изчил ислоҳатлар ўзининг самарасини бермоқда. Натижада жорий этилган мажбурий суғурта турлари, таклиф қилинаётган суғурта хизматлари кўпайиб аҳолининг уларга бўлган талаби қаторида ишонч ҳам ортмоқда. Масалан, 2015 йилга келиб суғурта бозорида фаолият юритаётган компаниялар сони 30 дан ошгани, улар томонидан 2014 йилда 436,1 миллиард сўмлик суғурта мукофотлари йиғилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Бу ижобий ютуқларда “Ўзагросуғурта” давлат акциядорлик суғурта компаниясининг муносиб ҳиссаси бор. У ҳозирги кунда катта тажрибага эга бўлган муассасадир. Компания томонидан дастлаб фақат қишлоқ хўжалиги таваккалчиликлари суғурталанган бўлса, айти пайтда тақдим этилаётган хизмат турлари 100 дан ортди. Шундан 50 дан зиёд аҳоли ва корхоналар мол-мулкини бахтсиз ҳодисалардан ҳимоялаш, 40 дан кўпи қишлоқ хўжалиги суғуртаси, қолгани эса мажбурий ва фуқоролик жавобгарлиги суғурта турлари улушига тўғри келади. Ўтган йиллар давомида “Ўзагросуғурта” компаниясининг активлари 55 устав жамғармаси 15, асосий воситалари 35, қўйилган инвестициялари эса 63 баробар кўпайди.

Қисқача хулосалар

Мустақиллик йилларида республикамизда миллий суғурта тизимининг яратилганлиги, суғурта бозорининг ташкил этилганлиги, аҳолини суғурта тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлашга алоҳида аҳамият берилаётганлиги катта ижобий аҳамиятга эга. Суғурта тизимининг асослари яратилган, яъни суғурта бозори ривожланишининг ҳуқуқий асоси бўлиб, Олий Мажлис томонидан 1993 йил 6 майда қабул қилинган ва 1994 йил 23 сентябрь ҳамда 1997 йил 26 декабрда маълум ўзгаришлар, қўшимчалар киритилган “Суғурта тўғрисида”ги қонун хизмат қилади. Республикамиздаги суғурта ташкилотлари 3 гуруҳга бўлинади:

1. Давлат суғурта компаниялари, масалан, “Ўзагросуғурта” давлат ҳиссадорлик компанияси, “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси, “Кафолат” суғурта компанияси, “Мадад” суғурта агентлиги.

2. Ўзбекистон Республикаси суғурта назоратига қарашли ташкилотлар («Ўздавлат суғурта назорат»);

3. Хусусий ва қўшма суғурта ташкилотлари.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар даврида суғурта фаолиятининг мазмун-моҳияти тубдан ўзгарди. Бозор инфратузилмасининг таркибий қисми бўлган суғурта фаолиятининг ўзгариши, кўлами ва йўналиши кенгайиб бораётганлиги, уни стратегик аҳамиятга эга бўлган сифатида тадқиқ этиш зарурлигини юзага келтирди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда суғурта фаолиятининг иқтисодий-ҳуқуқий базасининг яратилиши унинг ривожланиши учун объектив шарт-шароит туғдирди. Шунингдек, суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизми яратилди ва такомиллаштирилиб борилмоқда. Суғурта фаолияти равнақида Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастури муҳим аҳамият касб этмоқда.

Товар ишлаб чиқарувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) субъектларнинг суғурта хизматидан фойдаланишлари рағбатлантириш, яъни ихтиёрий суғуртани турлари бўйича сарфланган харажатларни маҳсулот (иш, хизмат) таннарига киритилиши уларнинг суғурта фаолиятидан фойдаланишдаги фаоллигини оширишнинг омили бўлмоқда.

Халқаро тажрибани ўрганиш кўрсатмоқдаки, бозор инфратузилмаси суғурта инфратузилмасини шакллантириш билан бир бутунликда кечадиган жараён дир. Ўзбекистонда суғурта инфратузилмасининг шакллантирилиши бирмунча ўзгача кечмоқда. Хусусан, суғурта инфратузилмасида алоҳида мустақил фаолият кўрсатилиши лозим бўлган суғуртачи, суғурта воситачилари, аудиторлари, суғурта объектларини баҳоловчилари ва экспертлари,

хорижий амалиётдагидан фарқли равишда, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотларининг ўзига бириктирилган.

Назорат саволлари

1. Суғурта категориясининг вазифаларини баён қилиб беринг.
2. Суғурта бозорининг таркибига нималар киради?
3. Суғурта ташкилотлари нечта гуруҳга бўлинади?
4. Қандай суғурта ташкилотларини биласиз?
5. Республикамизда “Суғурта тўғрисида”ги қонун қачон қабул қилинган?
6. Дастлабки суғурта уюшмалари қачон ва қайси мамлакатда барпо этилган?
7. Суғурта қандай ўзига хос белгиларга эга?
8. Суғурта шартномаси нима ва у қандай ҳолатларда бекор қилиниши мумкин?
9. Жаҳон суғурта бозорининг мақсади ва вазифаларини тушунтириб беринг.
10. Суғурта турларига таъриф беринг.

Таянч тушунчалар: *суғурта тизими, суғурта жамиятлари, суғуртанинг функциялари, суғурта фонди, суғурта турлари, суғурта бозори, суғурта компаниялари, халқаро суғурта компаниялари, суғурта агентликлари.*

ХII боб. ИЖТИМОЙ СОҲАДА СОЛИҚ ТИЗИМИ

12.1. Давлатнинг солиқ тизими ва унинг вазифалари

Солиқ иқтисодий категория сифатида соф даромаднинг бир қисмини бюджетга жалб қилиш шакли бўлиб, молиявий муносабатларнинг таркибий қисмини ташкил қилади. Солиқ ёрдамида миллий даромаднинг тегишли қисми тақсимланади ва қайта тақсимланади.

Давлат томонидан олинадиган солиқлар ҳамда уларнинг ташкил қилиниш шакл ва усуллари биргаликда *солиқ тизимини* ташкил қилади.

Турли хил даромадлар, мол-мулк товар ва хизматлар *солиқ солиш_объектлари* бўлиши мумкин.

Миллий иқтисодиётда солиқлар қуйидаги *учта муҳим вазифани* бажаради: давлат харажатларини молиялаштириш (фиксал вазифани); ижтимоий тенгликни ушлаб туриш (ижтимоий вазифани); иқтисодиётни тартибга солиш (тартибга солиш вазифаси).

Давлат барча солиқ тўловчилардан олинган солиқ тушумларининг бир қисмини аҳолининг маълум қатлами ўртасида ишсизлик бўйича нафақага, ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича тўлов, уруш ва меҳнат фахрийларига нафақа каби шаклларда қайта тақсимлайди. Бошқа қисми ҳисобига давлат сарфлари молиялаштирилади. Давлат сарфлари солиқ тушумлари ҳисобига амалга ошса-да, давлат сарфлари миқёсининг ўсиши, ўз навбатида, солиқларнинг ўсишини тақозо этади ва унинг даражасини белгилаб беради.

Ҳозирги даврда умумий тенденция бўлган давлат сарф-харажатлари, шунга мос равишда солиқ ҳажмининг ошиб боришига қуйидаги омиллар таъсир этади:

1. *Аҳоли сонининг ўсиши.* Аҳоли жон бошига давлат сарф-харажатлари даражаси ўзгармай қолган тақдирда ҳам аҳолининг ошган қисмини ижтимоий неъмат ва хизматлар билан таъминлаш қўшимча маблағни талаб этади.

2. *Ижтимоий соҳа хизматлари сифатига талабнинг ортиши ва урбанизация.* Кишилар турмуш даражасининг ортиши ижтимоий соҳа хизматлари ҳажми ва сифатига талабни оширади.

Аҳоли сони ўсиши билан бирга, урбанизациянинг кучайиши кўчалар, ва умумий транспорт, қўриқлаш, ёнғин хизмати, канализация ва шу кабиларга жуда катта сарфларни зарур қилиб қўяди.

3. *Атроф-муҳитнинг ифлосланиши.* Аҳоли сонининг ўсиши ва урбанизациянинг кучайиши атроф-муҳитнинг сифати муаммосини кескинлаштиради. Жуда кўп миқдордаги моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш ҳаво, сув ва ернинг ифлосланиши шаклидаги қўшимча харажатларнинг ўсишини келтириб чиқаради. Атроф-муҳит муаммосини ҳал қилиш, асосан, давлат зиммасига тушади.

4. *Қашшоқлик ва даромадлар тенгсизлигини қисқартириш дастурларини амалга ошириш.* Буларга, хусусан, ижтимоий суғуртани ривожлантириш, ишсизлик бўйича нафақалар, ижтимоий таъминот, бепул тиббий ёрдамлар давлат дастури, озиқ-овқат маҳсулотларига дотациялар, давлат уй-жой қурилиши киради.

5. *Миллий мудофаа, давлат хавфсизлигини таъминлаш ҳаракатлари ҳажмининг ўсиши.* Ҳозирги даврда солиқ сиёсатини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва унинг жойлардаги (вилоят, шаҳар, туман) муассасалари амалга оширади.

Республика ҳудудида амал қилувчи солиқлар, унинг тўловлари солиқ ундириш объектлари, солиқ тўлаш тартиби, солиқ тўлаш бўйича имтиёзлар, солиқ тўлаш билан боғлиқ равишда келиб чиқадиган мунозараларни ҳал қилишнинг умумий тартиби Ўзбекистон Республикасининг солиқ тўғрисидаги қонунлари билан аниқланади.

Корхоналар фаолиятида солиқни тартибга солиш қўйидагилар асосида амалга оширилади:

- барча даромадлардан, уларнинг манбаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда солиқ ундиришнинг мажбурийлиги;
- солиқ ундиришда барча учун ягона умумдавлат сиёсати;

- солиқ тўлови бўйича барча субъектлар мажбурияти устидан молиявий назорат.

Солиқ солиш ва унинг ставкасини белгилаш бир қатор принципларга асосланади. Солиқ солиш тартиб (принцип)лари жуда оддий, шу билан бирга уларни амалиётга жорий қилиш анча мураккаб. Солиқ тизими ривожланган мамлакатларда, одатда, солиқлар даражасини белгилашнинг қуйидаги тамойиллари ажратиб кўрсатилади.

1. Нафлилик тамойили – ҳар хил кишилардан, уларнинг солиқлар ҳисобига молиялаштириладиган дастурлардан фойдаланиши даражасига қараб турлича солиқлар ундирилиши керак.

2. Тўловга лаёқатлилик тамойили – солиқ миқдори солиқ тўловчининг бойлиги ва даромадлари даражасига мос келиши зарур.

3. Адолатлилик тамойили – даромадлари ва ҳукумат дастурларидан фойдаланиш даражаси бўйича тенг бўлган кишилар тенг миқдорда солиқ тўлаши зарур.

Агар ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан тенг бўлган солиқ тўловчилар тенг миқдорда солиқ тўласа, тенг бўлмаганлар тенг бўлмаган миқдорда солиқ тўлаши зарур. Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт мураккаб бўлган жамиятда, солиқ солишнинг барча принципларига аниқ амал қилиш, табиийки, мумкин бўлмаган масала. Шу сабабли ҳозирги давр солиқ тизими ҳар доим юқоридаги тамойиллар билан сиёсий ҳокимият ўртасида осон бўлмаган келишувдан иборат.

“Нафлилик тамойили” амалиётда ҳар хил ижтимоий дастурларни молиялаштирувчи солиқларни ҳар бир дастур амал қилувчи даража билан ва солиқ ундиришнинг тегишли объектларини аниқлаб, у билан мослаштириш орқали амалга оширилади. Масалан, Ғарб давлатларида маҳаллий йўллар, полиция ва ўт ўчириш хизмати, ахлат ва кўчаларни йиғиштириш, ўрта таълим кабилар маҳаллий солиқ тўловчилар ҳисобига қопланади. Маҳаллий бюджетнинг асосий даромади мулк солиғи ва қисман савдо (сотиш)дан олинладиган солиқ ҳисобланади.

Солиқ солишнинг қолган икки тамойили солиқ ундиришни шакллантириш ва солиқ солинадиган даромад таркибини аниқлаш натижасида амалга оширилади.

Тўловга лаёқатлилиқ ва олинган даромаддан солиқ ундириш тамойилларининг ҳар қандай мунозараси охир-оқибатда солиқ ставкасининг у ёки бу даромад миқдорининг ўсиб бориши билан ўзгариш усули ҳақидаги масалага олиб келади.

Солиқ бўйича имтиёзлар қонунчилиқ битимларида белгиланган тартиб ва шароитлар асосида ўрнатилади. Амалиётда солиқ имтиёзларининг қуйидаги турлари кенг тарқалган:

- объектларнинг солиқ олинмайдиган энг кам даражасини белгилаш;
- солиқ тўлашдан алоҳида шахс ёки маълум гуруҳлар (масалан, уруш фахрийлари)ни озод қилиш;
- солиқ даражаси (ставкаси)ни пасайтириш;
- солиқ олинадиган суммадан чегириш;
- солиқ кредити (солиқ олишни кечиктириш ёки солиқ суммасини маълум миқдорда камайтириш).

12..2. Солиқ турлари

Назарий жиҳатдан таҳлил қилишда алоҳида аҳамиятга эга бўлган солиқлар (тўғри) ва билвосита (эгри) солиқлардир. Бевосита солиқлар, одатда юқори даромадга қараб, фақат катта сумманигина эмас, балки даромаднинг каттагина қисмини ҳам ташкил қилади. Бевосита солиқлар таркибида даромад (фойда)га солиқ, ресурсларга солиқ, мулкка солиқ муҳим роль ўйнайди.

Солиқ тизимида билвосита (эгри) солиқлар ҳам ўзига хос ўрин тутади. Билвосита солиқларни қўллашга сабаб, биринчидан, бевосита (тўғри) солиқларни ўзи бюджет даромадларини шакллантириш учун етарли эмас, иккинчидан, бевосита солиқларнинг кўпайиши харажатларни ҳаддан зиёд кўпайиб кетишига олиб келади.

Билвосита солиқлар бевосита солиқларга нисбатан кам сезиларли йўл билан, яъни товар ва хизматлар нархида давлат томонидан белгиланган устама тарзида олинади. У харидорлар

томонидан тўланиб, давлат бюджетига тушади. Билвосита (эгри) солиқларга қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС), акциз, бож тўлови киради. Улар бевосита солиқ тўловчининг даромади билан боғлиқ эмас. У иқтисодий фаолиятнинг пировард натижасидан қатъи назар тўланади. Солиқ объекти билан унинг манбаи мос келмайди. Шунинг учун уни билвосита солиқлар деб аталади.

Билвосита солиқлар даромадлар миқдори қандай бўлишидан қатъи назар, ҳамма учун тенг, яъни даромади юқори оила ҳам, даромади кам оила ҳам бир хил нархда сотиб олади.

Солиқлар, одатда, прогрессив (ўсиб борувчи), пропорционал (мутаносиб) регрессив (камайиб борувчи) солиқларга бўлинади. Бу бўлиниш солиқ ставкаси ва даромадлар ўртасидаги нисбатга асосланади.

1. Агар солиқнинг ўртача ставкаси даромадлар ортиши билан ўсиб борса, прогрессив солиқ ҳисобланади. Бундай солиқ нафақат мутлақ катта суммани, балки даромадлар ўсиб бориши билан ундириладиган даромаднинг ҳам анча катта ҳиссасини тақозо қилади.

2. Даромадлар ўсиб бориши билан ўртача ставкаси пасайиб борувчи солиқлар регрессив солиқлар дейилади. Бундай солиқлар даромадлар ўсиб бориши билан уларнинг камроқ ва янада камроқ қисмини тақозо қилади. Регрессив солиқлар мутлақ катта сумма келтириши мумкин, лекин даромадлар ортиб борганда солиқлар мутлақ миқдорнинг ўсишига олиб келмаслиги мумкин.

3. Пропорционал солиқ ўртача солиқ ставкаси даромад ҳажмига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзгаришсиз қолишини тақозо қилади.

Юқорида айтилганларни шахсий даромад солиғи мисолида тушунтириб берамиз. Фараз қиламиз, солиқ ставкаси шундайки, шахсий даромад олувчи солиқ сижатида ўз даромадининг 10 фоизини тўлайди. Сўзсиз бу пропорционал даромад солиғи ҳисобланади.

Энди фараз қиламиз, солиқ ставкасининг ўзгариш характери қуйидагича: даромад олувчи солиқ олинadиган йиллик даромади 15 минг сўмдан кам бўлса, даромад солиғи сифатида 5 фоиз, 15 мингдан

30 минг сўмгача даромадга эга бўлган шахс 10 фоиз, 30 мингдан 40 минг сўмгача даромад олувчи – 15 фоиз тўлайди ва ҳоказо. Бу прогрессив даромад солиғи бўлади.

Охирги ҳолат: агар сиз 15 минг сўмдан кам даромад олганингизда, даромаддан солиқ сифатида 15 фоиз тўлашингизга тўғри келса, 15 мингдан 30 минг сўмгача олганда – 10 фоиз, агар сизнинг даромадингиз 30 минг сўм билан 40 минг сўм оралиғида жойлашганда 5 фоиз солиқ тўласангиз ва ҳ.к. регрессив даромад солиғи ҳисобланади.

Прогрессив солиқнинг умумий хусусияти – юқори даромад олувчиларга, регрессив солиқлар кам даромад олувчиларга энг кучли таъсир кўрсатади. Лекин уларга бевосита ёрдам бериш дастурлари ва солиқларнинг даражасини белгилаш орқали таъсир кўрсатиш мумкин.

Солиқлар амал қилиш доирасига кўра икки даражадаги солиқларни ўз ичига олади: умумдавлат солиқлари ва маҳаллий солиқлар.

Маҳсулот баҳосига – қўшилиш характерига кўра солиқлар эгри ва тўғри солиқларга бўлинади. Эгри солиқлар товар баҳоси устига қўйиладиган устама ҳисобланса, тўғри солиқлар таннархнинг таркибий элементи сифатида бевосита нархнинг ичига киради.

Корхона, аҳоли ва мулк эгаларидан олинладиган барча солиқлар ўзларининг иқтисодий мазмунига кўра қуйидаги асосий турларга бўлинади: оборот солиғи, қўшилган қийматдан олинладиган солиқ, ресурс тўловлари, амортизация ажратмалари ва ижтимоий суғуртага тўловлар, шахсий даромад солиғи, иш ҳақи фондидан ва корхона (корпорация) фойдасидан олинладиган солиқ, мулк солиғи, акциз йиғинлар ва божхона тўловлари, мерос қилинган ва тақдим қилинган мулк солиғи, лицензия ва визалардан олинган солиқ ва ҳ.к. Бу солиқларнинг асосий қисми жамият миқёсида тартибга солинади ва умумдавлат асосий бўғини бўлган давлат бюджетига келиб тушади.

Ҳокимият бошқарувининг қуйи бўғинлари бюджетни асосан сотишдан олинладиган солиқлар ва мулк солиқлари ҳисобига шаклланади.

Айланма солиғи. Оборот солиғининг ҳосил бўлиши ва ишлатилишининг ўзига хос механизми (тўлашнинг шартлиги, тўловлар муддати ва миқдорларнинг қайд қилиниши) унга маблағларни жамлашнинг солиқ усулига оид ташқи белгиларни касб этади. Айланма солиғи эгри солиқлардан фарқ қилиб, маҳсулот баҳоси таркибига киради.

Айланма солиғи маҳсулотнинг белгиланган улгуржи нархи билан унинг таннархи ўртасида тафовутнинг қатъий қайд этилган қисмини давлат бюджетида жамлашнинг алоҳида воситаси бўлиб хизмат қилади. У товарнинг нархини оширмайди, балки қўшимча маҳсулотнинг бир қисми сифатида киради. Давлат ишлаб чиқариш ва тақсимотнинг юзага келган шароитларига таяниб, соф даромаднинг улушини ҳамда қайси товарлар нархлари орқали соф даромаднинг айланма солиғи шаклида бюджетга келиб тушишини белгилаб қўяди. Айланма солиғи миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш шакли сифатида ҳам майдонга чиқади.

Кейинги йилларда айланма солиғи республикада амал қилиб турган, солиқ тизимидан чиқарилди ва “корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан солиқ олиш ҳақидаги” Қонунга кўра акциз солиғи амалиётга жорий қилинди.

Қўшилган қиймат солиғи. Айрим Ғарб мамлакатлари ва АҚШда инвестициялардан кутиладиган фойдани ошириш ва янги ишлаб чиқариш объектларини рағбатлантириш мақсадида корпорациялар фойдасидан олинадиган солиқни камайтириш ёки умуман тугатиш таклиф этилмоқда. Агар иқтисодиёт тўлиқ бандлилик ҳолатида ёки шу ҳолатга яқин жойлашса, зарур ресурслар истеъмолчилик товарлари учун қўшилган қийматга солиқ киритиш тавсия этилмоқда. Қўшилган қиймат солиғи чакана сотишдан олинадиган солиққа жуда ўхшаш, фарқи фақат шундаки, ҚҚС нарх билан бошқа фирмадан сотиб олиш қиймати ўртасида фарққа қўлланилади. Моҳияти билан ҚҚС истеъмолчилик товарлари сотишдан олинадиган умумдавлат солиғига тенглашади. Кўпчилик Европа мамлакатлари, масалан, Англия ва Швеция ҚҚСдан даромаднинг муҳим манбаи сифатида фойдаланилади.

ҚҚС маълум даражада истеъмолни чеклайди, лекин бу маблағларнинг катта қисмини жамғаришга йўналтириб (истеъмолга эмас) ҚҚС тўлашдан қочиш имконини беради. Шу билан бирга жамғариш (истеъмолдан озод бўлган маблағ) ресурсларини истеъмолчилик товарлари ишлаб чиқариш мақсадига йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Қорхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан солиқ олиш ҳақидаги” (1991 йил 15 февраль) қонуни ва шу Қонунга киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар (1992 йил 15 январь), 1992 йил 2 июль, 1992 йил 9 декабрь ҳамда Молия вазирлиги ва республика солиқ қўмитасининг 1993 йил 15 январдаги “Қўшилган қийматга солиқ тўлаш ва ҳисоблаш тартиби ҳақидаги” қўлланмасига асосан республикада ҳам қўшилган қиймат солиғи ундирила бошланди.

ҚҚС бюджет даромадига соф даромаднинг 1 қисмини олиб қўйиш шакли бўлиб, бу солиқ товарлар ва хизматларни сотиш жараёнида янгидан қўшилган (яратилган) қиймат ҳисобидан тўланади. Солиқ ставкаси эркин (шартнома) баҳоларда ва тарифларда жўнатилган (бажарилган) товарлар (хизматлар) айланма бўйича 25 фоиз миқдорда ўрнатилади.

Бунда қўшилган қийматга солиқ суммаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$CA = \frac{C_{\text{ойл}} * 25}{100};$$

CA – истеъмолчидан олинadиган солиқ суммаси.

Бу ерда: $C_{\text{ойл}}$ – солиқ олинadиган айланма.

Қайд қилинган баҳо ва тарифлар бўйича жўнатиладиган товар ва бажарилган хизматларга солиқ суммаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$CA = \frac{KKB * 25}{100};$$

Бу ерда: KKB – қайд қилинган баҳо.

Ресурс тўловлари. Ресурс тўловлари ставкаси амал қилиб турган қонунчилик бўйича ишлаб чиқаришга сарфланган моддий харажатлар (МХ) қийматнинг 6 фоизи миқдорида ўрнатилади ва унинг миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$P_T = \frac{MX \cdot 6}{100} ;$$

Бу ерда: P_T – ресурс тўловлар.

Ресурслар тўловларининг объекти таннархга киритилган моддий харажат ҳисобланади. Ресурс тўловлари суммаси маҳсулот таннархига киритилади, бу эса ишлаб чиқарувчиларни моддий харажатларни тежашга рағбатлантиради.

Тўловнинг бу тури халқ хўжалигининг ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришни бюджетдан молиялаштиришнинг қўшимча манбаи ҳисобланади.

Амортизация ажратмасидан тўлов. Тўловнинг бу турида бюджетга амортизация ажратмаларининг маълум қисми (30 фоиз) ўтказилади. Тўлов миқдори қуйидаги формула билан аниқланади:

$$A_{ат} = \frac{A_a \cdot 30}{100} ;$$

Бу ерда: $A_{ат}$ – амортизация ажратмаси.

Солиқ олишнинг объекти асосий фондларнинг йил давомида эскирган қиймати суммаси ҳисобланади (унинг қийматини қайта баҳолаш ҳисобга олинади).

Ижтимоий суғурта ажратмаларидан тўлов. Солиқнинг бу тури иш ҳақи фонди ҳисобидан олинади. У ижтимоий таъминот дастурларининг кенгайиши ва ривожланиши ҳамда ишчи кучи сонининг ўсиши натижасида ортиб боради. Республикада амал қилиб турган қонунчилик бўйича, корхоналар иш ҳақи фонди ҳажмидан 37 фоиз ҳажмида ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобланади. Бу

маблағнинг 32 фоизи Пенсия фондига ва ижтимоий суғурта фондига, қолган 5 фоизи бюджетга ўтказилади. Демак, бюджетга ўтказиладиган ижтимоий суғурта ажратмаларидан тўлов ставкаси 5 фоиз миқдорни ташкил қилади.

Шахсий даромад солиғи. Солиқнинг бу тури фуқароларнинг йиллик даромадига ҳисобланиб, солиқ тизимининг асосий элементи ҳисобланади.

Шахсий даромад солиғи орқали миллий даромад қайта тақсимланади ва ундан тушган маблағлар бюджет даромадининг муҳим манбаи ҳисобланади.

Даромад солиғи ставкасини аниқлашда фуқаро оладиган барча даромад турлари – иш ҳақи, мукофот, тақдирлаш, овқат пули, пенсия ва нафақа, алимент, кўшимча даромадлар, рента ва акция бўйича дивидендлар ҳисобга олиниши керак.

Шахсий даромад солиғини батафсил ўрганиб чиқиш учун, солиқ ставкасини рақамларда ифодалаймиз. Солиқ ундирилмайдиган ойлик иш ҳақи минимуми 250 сўмни ташкил қилиб, 36 минимал ойлик иш ҳақи суммасигача бўлган даромаддан (9000 сўмгача) 14 фоиз солиқ тўланади деб фараз қиламиз. Солиқ ундирилмайдиган йиллик даромад миқдори ўсиб борганда солиқ ставкасини 1-жадвал маълумотларидан фойдаланиб аниқлаймиз.

3-жадвал

Шахсий даромад солиғи ставкаси (тахминий маълумотлар)

Солиқ олинадиган умумий даромад (сўм)	Охирги солиқ ставкаси (сўм)	Даромаднинг ўсиши (сўм)	Солиқнинг ўсиши (сўм)	Умумий солиқ (сўм)	Ўртача йиллик ставка (5)/(1)
1	2	3	4	5	6
0	0	—			
9000	14	9000			
12000	16	3000			
15000	20	3000			
22300	30	7500			
30000	40	7500			
30000<	50	-			

Жадвалнинг 2-устунида даромад солиғи ставкасининг динамикаси келтирилган. 14 фоизли ставка 9000 сўмдан кам бўлган барча йиллик даромадларга (30000 сўмдан юқори) қўлланилади. Солиқ олинадиган йиллик умумий даромад 9000 сўмлик даражадан ортиб бориши билан, шунга мос равишда солиқ ставкаси ҳам ўсиб боради. Умумий йиллик даромад 30000 сўмни ташкил қилганда, даромаднинг ўсган қисми (7500 сўм) умумий солиқ суммасини (7500 сўм) қопламайди. Умумий йиллик даромад суммаси 30000 лик даражадан ортиб бориши билан солиқ суммасининг ўсиши ўртасидаги фарқ солиқ фойдаси ҳисобига боради.

Шахсий даромад солиғи билан боғлиқ масалани чуқурроқ аниқлаб олиш учун охири ва ўртача солиқ ставкаси ўртасидаги фарқни тушунтириш зарур. Охири солиқ ставкаси ўсган ёки кўшимча даромадга тўланадиган солиқ ҳисобланади. Охири солиқ ставкаси тўланадиган солиқнинг ўсган қисмини ўсган даромадга бўлиш йўли билан аниқланади.

Ўртача солиқ ставкаси – умумий солиқ суммасининг солиқ олинадиган йиллик даромадга бўлинган нисбати. Агар умумий солиқ суммаси 1740 сўмни, солиқ олинадиган йиллик даромад 1200 сўмни ташкил қилганда, ўртача солиқ ставкаси 14,5 ($1740 : 12000$) фоизга тенглашади.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси “Солиқ тўғрисида”ги Қонун шахсий даромад солиғи тўлашдан четлашишларга маълум даражада чек қўйган бўлса, унда прогрессивлик даражасини оз бўлса-да, камайтириш учун алоҳида имкониятларга йўл қўйилади. Юқори даромад олувчи кўп кишилар, солиқ олинадиган умумий суммани турли йўл билан сезиларли даражада камайтириши мумкин. Масалан: аҳолининг юқори даромад ставкасини, пулларни жамғарма депозитлари ва корхоналар облигацияларига жойлаштириб, 50,0 дан 0 даражагача камайтириш мумкин. Бундан ташқари, йиллик даромадлари суммасини даромадлар тўғрисидаги декларацияда камайтириб кўрсатиш орқали солиқ тўлашдан четлашиш йўллари ҳам қонунда тўлиқ бартараф этилмаган. Солиқ қонунчилигида солиқ тўлашдан аниқ кўриб турган четлашиш йўлларида ташқари

қонунсиз (яширин) бош тортишнинг бартараф қилиб бўлмайдиган муаммолари ҳам мавжуд. У ерда даромадларнинг гиёҳванд моддалар сотиш, фоҳишабозлик, қимор ўйинлари ва шу каби фаолият турлари орқали яширин иқтисодиётга оқиб кетиши кўзда тутилади. Бунга алоҳида кишиларнинг фоиз ва дивиденд шаклида оладиган даромадларини яшириши ҳам киради: майда бизнес эгаси нақд оладиган пулларни яшириши ёки солиқ декларациясида қисман кўрсатиши мумкин.

Иш ҳақидан олинадиган солиқлар. Иш ҳақи умумий йиллик даромаднинг таркибий қисми ҳисобланади. Шу сабабли фуқароларнинг умумий даромадидан олинадиган даромад солиғи иш ҳақиға тегишли. Солиқнинг бу турини юқорида батафсил қараб чиқдик. Иш ҳақи фондидан олинадиган ижтимоий суғурта ажратмалари ва ундан тўловлар (5 фоизли) ҳам солиқларнинг алоҳида тури сифатида кўриб чиқилди. Булардан ташқари, иш ҳақидан бўйдоқлар, сўққабошлар ва кам оилалилар ҳам солиқ тўлайди. 1992 йил республикада солиқнинг бу турлари аҳолидан олинадиган солиқларнинг 1,8 фоизини ташкил қилган. Фуқаролар ўз иш ҳақидан турли ижтимоий ташкилот ва фондларга тўлов, хайр-эҳсонлар қилиши мумкин.

Корхона даромадидан олинадиган солиқ. Солиқ қонунчилигида давлат корхона ва ташкилотлари ҳамда жамоа ва мулкчиликнинг бошқа шакллариға асосланган корхона ва ташкилотлар даромадларидан давлат бюджетига солиқ тўлаши кўзда тутилади.

Даромад солиғи корхона даромадининг мутлақ суммасидан олинади. Солиқ олинадиган даромад суммаси қуйидаги кетма-кетликда ҳисоблаб топилади:

1. Умумий даромад аниқланади. У ўз ичига ялпи фойда (амортизацияни ҳам ўз ичига олади), бошқа корхоналардан келиб тушадиган дивидендлар ва облигация бўйича фоизлар (акция ва облигацияларға эға бўлгани учун), заём ва банкдаги қўйилмаларға олинадиган фоизлар ва шу кабилар ҳамда ижараға берилган корхона мулкидан рента тушумлари, патент ва лицензия сотишдан тушумлар, мол-мулкни сотишдан тушадиган даромадларни олади.

2. Даромадни камайтирувчи умумий сумма ҳисоблаб топилади (чиқим). Даромадни камайтирувчи чиқимлар ўз ичига ва хизматчиларга тўловлар (ялпи фойдани ҳисоблашда маҳсулот қийматини оширмайдиган), тўланган солиқ ва фоизлар хайр-эҳсон фондларига ажратмалар, амортизация ажратмаси суммаси, ўз пенсия фондига ажратма ва ишчиларга тўланган дивидендларни олади. Солиқ олинандиган даромад умумий даромад билан умумий ажратма (чиқим)лар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Мулкчиликнинг барча шаклларига асосланган корхоналар даромадига маълум ставка бўйича (бизда 18 фоизли) даромад солиғи ўрнатилади. Халқ хўжалигининг айрим тармоқлари учун пасайтирилган (12 фоиздан кам бўлмаган) ва оширилган солиқ ставкаси (35 фоиздан юқори бўлмаган) ўрнатилиши мумкин.

Корхоналардан олинандиган даромад солиғини қўллаш айрим камчиликлардан ҳоли эмас. Биринчидан, солиқнинг ҳаракат қилиш соҳаси анча ноаниқ. Юқори фойда олишни кўзда тутиб маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва ўз маҳсулотига максимал фойдани таъминловчи нархни ўрнатган корхона фойдасига солиқ ўрнатилганда ишлаб чиқариш ҳажми ва нархни ўзгартириш учун асосга эга бўлмайди.

Акцияга эгалик қилувчи компания солиқнинг бутун оғирлигини анча паст дивиденд ёки тақсимланмайдиган кам фойда суммаси шаклида ўз елкасида кўтаришга мажбур. Иккинчидан, корхоналар даромадига солиқ қисман анча юқори нархлар орқали истеъмолчиларга ва анча паст нархлар орқали ресурсларни етказиб берувчиларга ўтади.

Акциз солиғи. Бу солиқнинг объекти натурал ёки қиймат шаклида сотилган товарлар ҳажми ҳисобланади. Акциз солиғи эгри солиқ ҳисобланиб товар бирлигига ўрнатилади ва унинг чакана нархига киради ҳамда анча юқори нархлар орқали сотувчидан истеъмолчига ўтади. Акциз солиғи ставкаси ва солиқ олинандиган товарлар рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан аниқланади.

Маҳсулот ва хомашё ресурсларини республикадан ташқарига сотган корхоналар улар учун ҳам солиқ тўлайди. Ташқарига чиқарилган маҳсулот ва хомашё ресурслари учун тўланандиган солиқ,

айрим маҳсулотлар нархига киради ва сотилганда истеъмолчидан ундириб олинади. Солиқнинг бу турли қўшилган қиймат солиғига қўшимча ҳисобланади.

Мулк солиғи. Мулк солиғининг асосий қисмининг оғирлиги шу мулк эгасининг елкасига тушади, чунки бу солиқни бошқага юклаш мумкин эмас. Бу ер, шахсий мулк, хусусий уй ёки квартира солиқларига тегишли. Масалан, ҳатто ер сотилганда ҳам мулк солиғининг қандайдир юкини унга ортиш мумкин эмас. Харидор шу ер учун келажакда тўлашга тўғри келадиган солиқ ҳажмини эътиборга олиб, ернинг нархини пасайтиришга ҳаракат қилади.

Ижарага олинган ёки тадбиркорлик мулкига солиқ бутунлай бошқа характер касб этади. Ижарага олинган мулкка солинган солиқ тўлиқ ёки қисман мулкдордан ижарачига рента тўловларини ошириш йўли билан ўтказилиши мумкин.

Тадбиркорлик мулкига солинадиган солиқ ишлаб чиқариш харажатлари сифатида қолади ва шу сабабли маҳсулот баҳосини ўрнатишда ҳисобга олади. Шу орқали бундай солиқлар истеъмолчилар елкасига юклатилади. Бундан ташқари, деҳқон хўжаликларини юритувчи фуқаролар даромадидан ҳам солиқ ундирилади. Солиқ ундириладиган даромад ялпи даромад (пул ёки натурал шаклидаги) ва шу даромадни олиш учун қилинган харажатлар ўртасидаги фарқ ҳисобланади. Солиқ ставкаси ойлик тушумнинг 10 фоизи миқдорида ўрнатилади.


Яхлит олинган солиқ тизимини таҳлил қилиш унинг фавқулодда хилма-хиллиги амалий жиҳатдан кенг қамровлиги ва жамиятнинг хўжалик молиявий ҳаётининг ҳар бир босқичидаги мураккаб тузилишини акс эттиришини кўрсатади.

12.3. Солиқларнинг иқтисодий фаолиятга таъсири

Солиқлар такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир кўрсатиб, иқтисодий фаолликни тартибга солиш воситаларидан бири ролида янги сифат касб этади. Бу таъсир кўрсатиш ғоят кўп қирралидир. Унинг айрим томонларини қисқача қараб чиқамиз. Биринчидан, давлат фойдага солиқ солиш йўли билан, капиталнинг жамғарилиш

жараёнига жуда сезиларли таъсир кўрсатади. Иккинчидан, солиқни тартибга солиш тадбирларидан у ёки бу тармоқнинг рақобатга лаёқатлилигини ҳамда корхоналар ижтимоий фойдали фаолиятини рағбатлантириш ва уларнинг капитал жамғаришга ноқулай шароит яратиш учун кенг фойдаланилади. Учинчидан, давлат имтиёзли солиқлар ёрдами билан ишлаб чиқарувчи кучларни худудий жойлаштиришга, инфратузилма объектларини яратиш ва шу кабиларга сезиларли таъсир кўрсатиш мумкин. Тўртинчидан, давлат бутун хўжалик конъюктурасига умумий таъсир кўрсатиш мақсадида, солиқ механизмидан кенг фойдаланилади. Давлат иқтисодий турғунликни бартараф этиш учун имтиёзли солиқлар ёрдамида капитал қўйилмаларни рағбатлантиради, ҳам истеъмолчилик, ҳам инвестицион товарлар ялпи товарни камайтириш учун қулай шароит яратади. Умумий иқтисодий конъюктурани рағбатлантириш бўйича йирик миқёсдаги тадбирларга, 80-йиллар бошларида АҚШдаги солиқларни кескин қисқартириш мисол бўлади. Бу дастурни назарий жиҳатдан асослашга иқтисодчи А. Лаффер ҳисоб-китоблари асос бўлди. У солиқларни пасайтириш иқтисодий юксалиш ва давлат даромадларининг ўсишига олиб келишини исботлайди. А. Лаффернинг мулоҳазаларига кўра, корпорациялар даромадига солиқлар ставкасини ҳаддан ташқари ошириш, уларнинг капитал қўйилмаларига бўлган рағбатини сусайтиради, фан-техника тараққиётини тўхтатади, иқтисодий ўсишни секинлаштиради, пировардида, Давлат бюджети тушумларига салбий таъсир кўрсатади.

Давлат бюджети даромадлари ва солиқ ставка (норма)си ўсиши ўртасидаги боғлиқликнинг графикда тасвирланиши «Лаффер эгри чизиғи» номини олган (расмга қаранг).



2-расм. Лаффер эгри чизиғи

График тик ўқида солиқ ставкаси, ётиқ ўқида – давлат бюджетига тушумлар (Y) акс этган. Солиқ ставкасининг оптимал миқдори ($K_{л}$) давлат бюджетига энг юқори тушум (V)ни таъминлайди. Солиқлар янада оширилганда ишлашга ва тадбиркорликка қизиқиш сусаяди, 100 фоизли солиқ олишда давлат даромади нолга тенг бўлади, чунки ҳеч ким текинга ишлашни хоҳламайди. Бошқача айтганда, узоқ муддатли истиқболда ҳаддан ташқари юқори ўрнатилган солиқларни пасайтириш жамғармалар, инвестициялар бандликнинг солиқ ундириладиган ялпи даромад ҳажмининг ўсишини таъминлайди. Натижада солиқли тушумлар суммаси кўпаяди, давлат даромадлари ҳажми ўсади, тақчиллик камаяди ва инфляциянинг сусайиши рўй беради. Лекин ўз-ўзидан тушунарлики, Лаффер самараси фақат эркин бозор механизми меъёрида амал қилган ҳолдагина намоён бўлади.

Лаффер назариясининг ҳақиқатга яқинлиги шундаки, солиқ нормасининг ошиши ёки тушиши шубҳасиз капитал қўйилмалар динамикасига тўсиқ бўлувчи ёки аксинча, рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади. Аммо бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларга солиқ ставкасидан ташқари кўплаб омиллар таъсир кўрсатади. Бу омиллар ичида муҳим ўринли даврнинг хусусиятлари бирор-бир корхона маҳсулотларига талаб ва таклиф нисбати, улар фойдасининг даражаси эгаллайди.

12.4. Ўзбекистонда солиқ тизимини такомиллаштириш масалалари

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида умумиқтисодий барқарорликка эришиш молиявий барқарорликни таъминлаш вазифасини ўз ичига олади. Молиявий аҳволни мустаҳкамлаш орқали иқтисодиётни барқарорлаштиришга эришишда солиқ сиёсатини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда солиқ тизими ўзига хос вазифаларни, хазинани тўлдириш қайта тақсимлаш ва рағбатлантириш вазифаларни тўла даражада бажариши зарур. Солиқларнинг биринчи вазифаси давлат бюджети даромад қисмининг энг муҳим умумдавлат, халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган миқдорда шаклланишини таъминлашга қаратилиши лозим. Унинг иккинчи вазифаси, ЯММнинг бир қисмини қайта тақсимлаш ва шу иқтисодиёт тузилишини ўзгартириш, аҳоли ижтимоий ҳимоялаш кафолатини таъминлашда бевосита иштирок этишидан иборат. Солиқларнинг учинчи вазифаси ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий хомашё, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишдир.

Бу вазифаларни реал бажариш учун амалдаги солиқ тизимини ислоҳ қилиш талаб этилади. Солиқ тизимини ислоҳ қилиб олишга асос қилиб олинган асосий тамойил – корхоналар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш. Бу уларнинг ўз маблағларини ишлаб чиқаришини ривожлантириш, техника билан қайта қуроллантириш ва айланма маблағларини тўлдиришга сарфлаш имкониятларини беради. Бу эса, натижада, ишлаб чиқаришнинг юксалишига олиб келади.

Корхоналар зиммасидаги солиқ юкини камайтиришда даромад солиғидан фойдадан ундириладиган солиққа ўтиш кўзда тутиладигани, бу ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини кучайтириш имкониятини беради. Фойданинг ишлаб чиқаришини кенгайтиришга қаратилган умумий миқдор кўпайиши билан бирга, айтилиши вақтда, меҳнаткашлар иш ҳақини кўпайтириш имконияти ҳам яратилади. Натижада фаол меҳнатни фаол рағбатлантирувчи иқтисодий муҳит яратилади.

Корхоналар зиммасидаги солиқ юкини енгиллаштиришга эришишда қўшилган қийматдан олинадиган солиқ ставкасини камайтиришга ҳам эътибор қаратилмоқда. Республикада солиқ тизимини ислоҳ қилишда унинг таркиби тубдан ўзгартириш, ресурслар, мол-мулк солиғининг ролини ошириш, жисмоний шахслардан солиқ ундиришнинг прогрессив тизимини жорий этиш вазифаси қўйилади.

Табиий ресурсларни қайта тиклаш имкониятини яратиш ва улардан эҳтиёткорона фойдаланиш мақсадини амалга ошириш учун ер, ер ости бойликлари, сув ва қайта тикланмайдиган бошқа ресурсларга тўлов ўрнатиш солиқ сиёсатининг навбатдаги йўналишидир.

Республика аҳамиятига эга солиқлар билан маҳаллий солиқ ўртасида аниқ чегарани белгилаш солиқ тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишидир. Бунда давлат бюджети даромадининг катта қисмини жойларга бериш, маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлашга асосий эътибор қаратилади.

Давлат бюджети мутаносиблигини кучайтириш мақсадида, солиқ тизимини такомиллаштириш билан бир қаторда, корхоналарнинг молия интизомини мустаҳкамлаш тўлов мажбуриятларини бир меъёрга келтириш, қарзларнинг салбий оқибатларини тугатиш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

“Жумладан, янги ташкил этилаётган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида Имтиёзли кредит жамғармасининг ресурс базасини икки баробар ошириш кўзда тутилган. Шу билан бирга, берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати узайтирилди, айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган кредитларнинг энг узок муддати 12 ойдан 18 ойга оширилди.

Молиявий, маиший ва бошқа хизматларни кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловидан 3 йил муддатга озод этилди. Бунда микрофирмалар ва кичик корхоналар, нодавлат хўжалик юритувчи субъектларни оладиган дивидендларининг инвестицияларга, аввал олинган кредитлар учун

ҳисоб-китоб қилишга йўналтириладиган қисми 5 йил муддатга солиқдан озод этилди. Хуллас, кейинги йилларда мамлакатимиз солиқ тизимида кўплаб ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда, яъни солиқ юкини камайтириш сиёсати давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрда Олий мажлисга тақдим қилган Муроҷотномасида солиқ тизимини янада такомиллаштириш зарурлиги масаласига эътибор қаратиб шундай таъкидлади Ўзбекистонда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни ниятида бўлган инвесторлар учун мамлакатимизни жозибали қилиш мақсадида солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича ҳали куп иш қилиниш керак. Барча бизнес тоифалари учун солиқ юкини камайтириш ва қулайлаштириш шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш зарур.

Ўз эҳтиёжи учун объектлар қурқётган янги ташкил этилган кичик ва урта тадбиркорлик субъектларига ягона солиқ туловини маълум муддатга кечиктириш ҳуқуқини бериш даркор. Шунингдек, кичик корхоналар учун қўшимча қиймат солиғи тўлашга ўтишини рағбатлантирилиши шарт. Солиқ имтиёзжари беришда идивидуал ёндашувлардан воз кечиб уларни фақат иқтисодиётнинг маълум тармоқлари учун қўллаш амалиётига ўтишни таклиф этаман.

Энг муҳим инвесторлар назари билан қараганда солиқ тизими узоқ муддат давомида аниқ ва тушунарли бўлиши керак. Шунинг учун солиқ тизимида пухта ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган сиёсатни амалга ошириш лозим. Бундай фикрлар 2017 йил 7 февралда Президент томонидан имзоланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги фармонида ҳам ўз аксини топган.

Кейинги йилларда солиқ тизимида бирқанча яхши ва самарали ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2018 йилга “Фаол тадбиркорлик, Инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қуватлаш йили” деб ном берилиши билан тадбиркорлик субъектларининг молиявий хўжалик фаолиятини текширишни 2 йилга тўхтатиш лозимлиги қайд этилди. Солиқ юки йилдан-йилга пасайиб бормоқда. Агар ялпи ички

маҳсулотга нисбатан солиқ юки 1995 йилда 41.2 фоиз бўлган бўлса, 2017 йилга келиб бу кўрсаткич 20,6 фоизга тенг бўлди. Шундай ижобий кўрсаткичларга қарамай, юқорида баён қилинган Президентимиз фикрларига кўра, ҳали солиқ тизимида ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам бор . Бу муаммолардан бири янги таҳрирдаги Солиқ кодексини қабул қилиши солиқ юкини пасайтириш солиқни рағбатлантирувчилик ролини янада ошириш ҳамда солиқ тизимида мавжуд бўлган айрим иллатларни (коррупция ҳолати) ва кадрларнинг билим савиясини ошириш лозимлигини Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқларида бир неча марта таъкидлаб ўтдилар.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромад қисмини асосан солиқ тушуми ташкил қилади. Унинг 2015–2017 йиллардаги ҳамда 2018 йил 1-чорагидаги жадвалда ўз аксини топган (млрд. сўм). 1

7.1-жадвал.

Кўрсаткичлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й. 1-чорак
1. Даромадлар (мақсадли жамғармаларсиз) – жами	36493.3	41043.5	49684.8	14163.2
-бевосита солиқлар	8798.4	9852.8	11538.9	3132.1
-билвосита солиқлар	19193.8	21130.7	26133.6	7468.1
-ресурс тўловлар ва мулк солиғи	4816.1	5306.3	6867.4	2402.0
-бошқа даромадлар	3685.0	4753.7	3729.6	841.1
2. Харажатлар (мақсадли жамғармаларсиз) – жами	36257.3	40911.3	49344.9	14120.5
Профитсит (+)	+236.0	+132.2	+339.9	+42.7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тузилди.

Мухтасар қилиб айтиш мумкинки, солиқалр мажбурий тўлов шаклида гирмалар, ташкилотлар ва аҳоли давлатга тўлайдиган пулдир. Давлат жамият аъзоларига Ижтимоий хизмат кўрсатади. Солиқлар 3 вазифани бажаради:

1) Фискал вазифа, давлат бюджетига пул тушуриш.

2) Иқтисодий фаолликни рағбатлантириш.

3) Аҳолини айрим тоифаларига имтиёз бериб, уларни Ижтимоий ҳимоялаш вазифаси. Шу билан бирга мамлакатимизда кейинг йилларда солиқ тизимида кўпгина самарали ишлар амалга оширилди. Текширишлар сони қисқарди. Солиқ юки қисқариб бормоқда. Кези келганда, кичик бизнеснинг жадал ривожланишида аввало, мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ сиёсати рағбатлантирувчи рол ўйнамоқда. Масалан, 1996–2016 йиллар мобойнида кичик бизнес субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари 38 фоиздан 5 фоизга ёки 7,6 мартага қисқартирилди. Ялпи ички маҳсулотга нисбатан солиқ юки 1995 йилда 41,2 фоиз, 2000 йилда 39,5 фоиз бўлган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 20,6 фоизга тенг бўлди. Соддалаштирилган солиққа тортиш тартибига ўтган кичик тадбиркорлик субъектлари бир нечта солиқ ва мажбурий тўловлар ўрнига ягона солиқ тўловини тўлайдилар. Ушбу солиқнинг асосий ставкаси 2010 йилда 7 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 6 фоиз, 2013 йилдан эса 5 фоиз этиб белгиланди. Кейинг йилларда солиқ кодексига бир қанча ўзгартиришлар киритилди, бугунги кунда солиқ кодексини янги таҳрирда қабул қилиш ишлари амалга оширилмоқда. 2019 йилдан бошлаб ер солиғи ва мол-мулк солиғи бир хиллаштирилиб, битта солиқ бўлиши тўғрисида фикр билдирилмоқда. Хуллас, солиқлар давлатнинг ихтиёрида кучли молиявий восита ҳисобланади. Солиқлар ўз-ўзидан эмас, балки муқобил танлов қондасини ишга солиш орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи дастакдир.

Қисқача хулосалар

Ўзбекистоннинг ҳозирги солиқ тизими мустақиллик йилларида шаклланди ва ривожланиб ҳозирги кўринишга келди. Умуман, солиқлар корхона, ташкилот, фуқаролар даромадининг бир қисмини қонуний, белгиланган тартиб, миқдор ва муддатларда, бюджет фондини ташкил қилиш мақсадида давлат ихтиёрига олинadиган пул маблағларидир.

Солиқ тизимининг таркиби ва вазифалари солиқ сиёсати асосида белгиланади. Назарий жиҳатдан таҳлил қилишда алоҳида аҳамиятга

эга бўлган солиқлар бевосита (тўғри) ва билвосита (эгри) солиқлардир.

Солиқ тизимида солиқ ставкасини даромадларга нисбатан белгилаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Кейинги йилларда солиқ ставкалари камайтирилиб борилмоқда.

Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш республикамиз корхона, компания ва хўжаликлар ўз молиявий ресурсларининг қўшимча равишда кўпайишига олиб келмоқда. Бу эса инвестицияларнинг ўсиши, корхоналарнинг айланма маблағини тўлдириш ва меҳнатга ҳақ тўлашни ошириш учун қўшимча манба бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрда Олий мажлисга тақдим қилган Муроҷотномасида солиқ тизимини янада такомиллаштириш зарурлиги масаласига эътибор қаратиб, шундай таъкидлади: Ўзбекистонда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни ниятида бўлган инвесторлар учун мамлакатимизни жозибали қилиш мақсадида солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича ҳали кўп иш қилиниш керак. Барча бизнес тоифалари учун солиқ юкини камайтириш ва қулайлаштириш шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш зарур.

Ўз эҳтиёжи учун объектлар қурқётган янги ташкил этилган кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига ягона солиқ тўловини маълум муддатга кечиктириш ҳуқуқини бериш даркор. Шунингдек, кичик корхоналар учун қўшимча қиймат солиғи тўлашга утишини рағбатлантирилиши шарт. Солиқ имтиёзлари беришда индивидуал ёндашувлардан воз кечиб уларни фақат иқтисодиётнинг маълум тармоқлари учун қўллаш амалиётига ўтишни тақлиф этаман.

Энг муҳими, инвесторлар назари билан қараганда солиқ тизими узоқ муддат давомида аниқ ва тушунарли бўлиши керак. Шунинг учун солиқ тизимида пухта ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган сиёсатни амалга ошириш лозим. Бундай фикрлар 2017 йил 7 февралда Президент томонидан имзоланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги фармонида ҳам ўз аксини топган.

Кейинги йилларда солиқ тизимида бир қанча яхши ва самарали ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2018 йилга “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қуватлаш йили” деб ном берилиши билан тадбиркорлик субъектларининг молиявий хўжалик фаолиятини текширишни 2 йилга тўхтатиш лозимлиги қайд

этилди. Солиқ юки йилдан-йилга пасайиб бормоқда Агар ялпи ички маҳсулотга нисбатан солиқ юки 1995 йилда 41.2 фоиз бўлган бўлса, 2017 йилга келиб бу кўрсаткич 20,6 фоизга тенг бўлди . Шундай ижобий кўрсаткичларга қарамай, юқорида баён қилинган Президентимиз фикрларига кўра, ҳали солиқ тизимида ўз ечилишини кутаётган муаммолар ҳам бор. Бу муаммолардан бири янги таҳрирдаги Солиқ кодексини қабул қилиш, солиқ юкини пасайтириш, солиқнинг рағбатлантирувчилик ролини янада ошириш ҳамда солиқ тизимида мавжуд булган айрим иллатларни (коррупция ҳолати) ва кадрларнинг билим савиясини ошириш лозимлигини Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқларида бир неча марта таъкидлаб ўтдилар .

Назорат саволлари

1. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва функцияларини тушунтириб беринг.
2. Миллий солиқ тизимининг ривожланиш босқичларини йиллар бўйича кўрсатиб беринг.
3. Савдо корхоналари учун солиқ солиш объекти нима ҳисобланади?
4. Солиқ тизимидаги бешта асосий функцияни баён қилиб беринг.
5. Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ органлари тўғрисидаги низом қачон тасдиқланган ва қачондан амал қила бошлади?
6. Давлат солиқ органлари тизими нечта даражали поғонадан иборат?
7. Тўғри ва эгри солиқлар моҳиятини изоҳлаб беринг.
8. Лаффер эгри чизиғи нимани ифодалайди?
9. Ўзбекистонда солиқ тизимини ислоҳ қилиш қандай йўналишларда олиб борилмоқда?

Таянч тушунчалар: *солиқ тизими, солиқ солиш объектлари, солиқларнинг вазифалари, солиқ сиёсати, солиқ солиш тамойиллари, солиқ имтиёзлари, солиқ турлари, Лаффер эгри чизиғи.*

ХШ-БОБ. ИЖТИМОЙ СОҲАДА МЕҲНАТ ХАРАЖАТЛАРИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

13.1. Ижтимоий соҳада меҳнат ва моддий харажатлар

Хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари меҳнати жамият янги меҳнатининг бир қисми ҳисобланади. У жамият учун фойдали бўлгани сабабли жамият томонидан назорат қилиб борилади.

Моддий ишлаб чиқаришда меҳнат оддий вазиятлар: фаолиятнинг турли-туманлиги, меҳнат воситалари, меҳнат предмети ва меҳнатнинг бевосита ўзи билан тавсифланади.

Ижтимоий соҳада инсон ва табиат ўртасида бевосита алмашувнинг йўқлиги сабабли бу соҳалар меҳнати моддий ишлаб чиқариш ходимлари яратган буюмлар ва шу буюмларни яратишдаги фойдали самарадорлик воситаси орқали аниқланади. Бу фойдали самарадорликка эришиш учун ишлатиладиган моддий воситалар моддий ишлаб чиқаришда ҳам, ижтимоий соҳада ҳам буюмларни тавсифи ва истеъмол қиймати бўйича бир хил қўллаш мумкин, деганидир.

Хизмат кўрсатиш соҳаларида ишлатиладиган моддий воситалар чиқариш воситалари сифатида эмас, балки алоҳида истеъмол предмети сифатида юритилади. Лекин ижтимоий соҳада истеъмол предмети сифатида фойдаланиладиган моддий воситаларни оддий эҳтиёж предметидан алоҳида ажратиладиган томонлари ҳам мавжуд. Биринчидан, ундан шахсий эҳтиёж учун эмас, балки умумэҳтиёж учун фойдаланилади. Иккинчидан, унинг истеъмоли бевосита умумий шаклда амалга ошади. Учинчидан, уларнинг истеъмол қийматидан фойдаланиш фақатгина яратилган фойдали самарадорлик истеъмол қилингандагина рўй беради.

Кўрсатиб ўтилган вазиятлар ижтимоий соҳада моддий ва меҳнат харажатларининг алоҳида томонларини очиш учун хизмат қилади.

Ижтимоий соҳада меҳнатнинг ўзига хос томони уларда меҳнат предметлари иқтисодий маънода қатнашмайди. Бу ерда, биринчидан, меҳнат инсонга бевосита ёки буюм сифатида (санъат асари), меҳнат маҳсулоти каби ижтимоий ва бадий тасвирни ташкил қилувчи

маънавий самарадорлик орқали таъсир кўрсатади. Иккинчидан, хизмат кўрсатиш соҳалари меҳнатида моддий ишлаб чиқаришдаги сотиш ва алмаштириш билан боғлиқ меҳнат предметлари қатнашмайди. Шунинг учун ҳам муомала соҳасида меҳнат самараси янги моддий фаровонлик яратиш кўринишида ифодаланмайди. Аксинча, ижтимоий соҳада меҳнат баъзи умумий вазифаларни бажариш учун қаратилган бўлиб, қиймат шаклини алмаштиради. Учинчидан, ижтимоий соҳада қатъий иқтисодий мақсадга мўлжалланган меҳнат воситалари ва куруллари йўқ.

Ижтимоий соҳада меҳнатнинг алоҳида томони шундан иборатки, бу ерда асосий жараён хизмат кўрсатиш асосида амалга оширилади, лекин моддий фаровонлик истеъмол қилинибгина қолмайди, балки меҳнат-кашлар шахсий эҳтиёжларининг бир қисмини қондирувчи янги эҳтиёж фаровонлиги яратилади ва истеъмол қилинади. Бу соҳаларда меҳнат жараёни кўп ҳолларда бевосита замон ва вақтдан келиб чиқиб шахсий эҳтиёжга мос тушади ва унинг асосий қисмини ташкил қилади. Ноишлаб чиқариш жамғармаларини истеъмол предмети ҳисобланишининг исботи сармоя қўйилмаларини режалаштиришда молиялашни ташкил қилишда ва такрор ишлаб чиқаришда ўз аксини топади. Эҳтиёж предмети сифатида улар ноишлаб чиқариш маҳсулотини яратишда қиймат олиб келмайди ва такрор ишлаб чиқариш учун жавоб берадиган иқтисодий база яратмайди. Соҳа ходимлари меҳнати моддий ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар меҳнатидан тубдан фарқ қилиб, алоҳида умумий шаклда тавсифланади. У қиймат яратмайди ва ўзига сарфланадиган моддий харажатлар қийматини қоплаш хусусиятига эга эмас.

Ноишлаб чиқариш жамғармаларидан фойдаланиш моддий маҳсулотнинг маълум қисмини охиригача истеъмол қилиш билан тенгдир. Ноишлаб чиқариш жамғармалари истеъмол кўринишини йўқотиш билан бирга иқтисодий қийматини ҳам тўла йўқотади. Ноишлаб чиқариш жамғармаларининг кенгайтирилган ва оддий такрор ишлаб чиқаришнинг ягона манбаи жамият томонидан яратилган миллий даромаднинг ноишлаб чиқариш эҳтиёжига

ажратилган қисмидир. Ижтимоий соҳа моддий ресурслари ва меҳнати иқтисодий табиатнинг асоси, уларнинг қиймат яратишдаги ўрни, чегараси, ўзаро алоқаси, мутаносиблиги ва таъсир даражаси яратилаётган хизмат ҳажмини баҳолаш имкониятини беради.

Меҳнат ва моддий ресурслар хизмат яратиш жараёнида мутаносибликни аниқлашнинг тавсифловчи, харажат ва меҳнат унсурлари сифатида кўринади.

Хизматни яратиш катта харажатлар эвазига амалга оширилиши билан тавсифланади, энг кўп харажат иш ҳақи учун сарфланади. Бу харажат ижтимоий соҳада юқори меҳнат сиғимидан далолат беради ва бу соҳалар фаолиятига таъсир кўрсатувчи асосий омил меҳнат ҳисобланади.

Моддий ва меҳнат ресурслар ўртасидаги алоқа бир кишига тўғри келади ва асосий жамғармалар ҳажмини ҳисоблашда ва ходимларнинг жамғарма билан қуролланишида ўз аксини топади. Шунинг учун ноишлаб чиқариш жамғармалари ҳажмининг ошиши аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини юқори даражага кўтариш омили ҳисобланади. Янги замонавий касалхоналар, мактаблар, олий ўқув юртларини ишга тушириш хизмат сифати даражасини оширишга хизмат қилади. Бунда сифат ўз аҳамиятига кўра хизмат фаолияти натижасида амалга ошади.

Иккинчи томондан, асбоб-ускуналар, механизмлар ва мосламаларнинг қўлланиши янги хизмат турини яратиш учун зарур ҳисобланади. Масалан, бир қатор касалликларни замонавий тиббий ускуналар, жиҳозлар ва дори-дармонларни қўллаш эвазига даволаш мумкин. Бу соҳаларнинг янги хизмат турларини яратишда ноишлаб чиқариш жамғармалари асосий рол ўйнайди. Кўп сиғимли биноларни қуриш, замонавий техника воситаларини қўллаш, хизмат кўрсатилаётган аҳоли сонини кўпайтириш имконини беради. Моддий воситалар ижтимоий соҳада ишчи кучининг алмашинувида ва ҳар бир миқдорга кўрсатилаётган хизмат бирлигига қилинаётган харажатни қисқартиришга олиб келади.

13.2. Ижтимоий соҳадаги меҳнат натижаларининг ўлчовлари

Ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг пировард натижаси

доимо жамиятнинг ўзи, яъни инсон ва унинг ижтимоий муносабатлари ҳисобланади. Соҳа ходимлари фаолияти таъсирида шахс ва ижтимоий ҳаёт баъзи томонларининг шаклланиши бу соҳа меҳнатининг пировард натижаси ҳисобланади. Масалан, тиббиёт ходимлари меҳнатининг пировард натижаси беморларни соғломлаштириш бўлса, халқ таълимида ўқувчилар билимидир.

Пировард натижа жамият ёки шахснинг алоҳида эҳтиёжини қондириш билан ўлчанади. Ижтимоий соҳа меҳнат фаолияти ана шу йўналишга қаратилган. Лекин, меҳнат жараёнининг йўналиши ва мақсадини аниқлаш ижтимоий соҳа ходимларининг меҳнат натижаларига тўлиқ боғлиқ эмас. Масалан, инсон саломатлиги фақат тиббиёт ходимлари меҳнат фаолиятига эмас, балки генетик омиллар, меҳнат шароитлари ва яшаш манбаларига ҳам боғлиқ. Ўқувчининг билим даражаси фақат педагог меҳнатига эмас, балки бошқа шартларга, яъни ўқувчининг салоҳиятига ҳам боғлиқ. Шундай қилиб хизмат кўрсатиш ходимлари меҳнатининг пировард натижаси тўлиқ шаклланмай қолиш эҳтимоли бўлиши натижанинг яхши бўлишига улар ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Меҳнат натижалари натурал, вақт ва пул ўлчовларида ўлчанади. Ижтимоий соҳадаги эришилган натижалар эса сон ва сифат жиҳатидан турлича баҳоланади. Пировард натижа шахс ва жамият алоқаларини ўзида мужассамлаштиргани учун уни баҳолаш қийин кечади. Кўпинча баҳолаш сон кўринишида бўлмайди. Ижтимоий соҳа меҳнатида фойдаланган инсон шахсини иқтисодий таҳлилда пул орқали баҳолаш қабул қилинмаган.

Пировард натижаларни баҳолашда инсон эҳтиёжини қондирувчи сифат кўрсаткичлари эътиборга олинади. Бу эса маълум доирада пировард натижага эришиш даражасини эътиборга олишни тақозо этади.

Хизмат кўрсатиш соҳалари меҳнат натижаларини баҳолашнинг оддий усули – натура ўлчовини қўллашга асосланган. Бу усул бир хил фаолият натижаларини ҳисобга олишда қўлланилади. Тармоқларда ижарага берилган буюм сони, ташилган йўловчилар, олий ўқув юртларида тайёрланган мутахассислар, театр томошасига келган

томошабинлар сони ва бошқа кўрсаткичларни аниқлашда натура ўлчовларидан фойдаланилади.

Лекин бир фаолият натижаси бир неча хил натура кўрсаткичларида тавсифланиши мумкин. Масалан, шифохонанинг даволаш фаолияти бир томондан, ташриф буюрган даволанувчилар миқдори, иккинчи томондан, кўрсатилган даволаш курси сони билан, ўқув юртида эса қабул қилинган ўқувчилар ва тўла ўқув курсини тугатганлар сони билан баҳоланади.

Меҳнат натижасини натура ўлчовларида ўлчашда меҳнатнинг ўзини ўлчаш билан бажарилган ишни ажрата билиш керак. Бажарилган иш ҳажми дарслар, театр томошалари сони билан тавсифланса, ўқув юртларини битирган талабалар, залдаги томошабинлар сони ва бошқа кўрсаткичлар тўғридан-тўғри натижа деб ҳисобланади.

Пул ўлчови ижтимоий соҳада меҳнат натижаларининг универсал ўлчови ҳисобланади, улар ёрдамидаги кўрсаткичлар у ёки бу натижанинг мазмунига умумий баҳони ўзида акс эттиради.

Ижтимоий соҳада қиймат яратилмайди. Чунки бу соҳаларнинг бир қисми меҳнат натижаларининг буюм шаклини олади, холос. Бу ҳолатда умумий, зарурий харажатлар қиймати тўла шаклланмаслиги сабабли ҳисобланмайди. Чунки юқоридаги ишларни баҳолаш якка харажатларга ёки талаб ва таклиф таъсирида ҳақиқий сотиш баҳосига асосланади.

Ижтимоий соҳа ходимлари меҳнат натижаларининг кўп қисми юқорида таъкидлаганимиздек, фойдали самарадир. Унинг ташкил топиши умумий, зарурий меҳнат харажатларининг шаклланиши билан тавсифланади. Лекин ижтимоий соҳада улар қиймат шаклини қабул қилмайди. Чунки фойдали самарадорлик қиймат ташувчи сифатида тирик меҳнатдан ажралган ҳолатда мавжуд бўлмайди.

Шундай қилиб, хизматни турли кўринишда пул орқали ўлчаш мумкин. Биринчидан, хизмат ижтимоий зарурий меҳнат харажатларини пул эквиваленти сифатида ўзида акс эттирилишини кўрсатади. Бунда баҳолаш қийматга тўғридан-тўғри алоқадор эмас ва аниқ шартли тавсиф даражасини олади. Бу усул турли корхоналар ва

ташкiлотларни йиғма кўрсаткичлари ва натижаларини таққослашда жуда ҳам қулайдир.

Иккинчидан, хизмат товар-пул алоқалари объектига тенглашяпти ва пул қийматини олаяпти. Бунда пул баҳоси ижтимоий соҳада хизматни сотишдан келган қиймат даражасини акс эттиради. Бу қиймат моддий ишлаб чиқаришда яратилган ва ижтимоий соҳа билан тўғридан-тўғри алоқа қилмайди.

Хизмат кўрсатиш соҳаларида натура ва пул ўлчовлари билан бир қаторда, меҳнат натижаларини вақт ўлчовлари ҳам қўлланилади. Бунга биринчи навбатда, бўш вақтдан самарали фойдаланиш мисол бўла олади.

Маданий оқартув ташкiлотлари, томошабинлар, театрлар, туризм, жисмоний тарбия, спорт ва бошқалар аҳолига хизмат кўрсатиб, уларга мароқли дам олишга шароит яратиб беради. Бу корхоналар меҳнат натижаларининг тавсифи, шахснинг ҳар томонлама ривожланиш, дам олиш, спорт билан шуғулланиш ва бошқа эҳтиёжларини қондиришдаги бўш вақтни “ўзлаштириш” билан изоҳланади. Бўш вақтни ўзлаштиришни баҳолаш аниқ истеъмол қилинган машғулот даражасига боғлиқ.

Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичи миллий даромад ҳисобланади. Миллий даромад – бу моддий ишлаб чиқариш натижасидир. Моддий ишлаб чиқариш ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришишда ҳал қилувчи ўринни эгаллайди.

Аҳолининг турмуш даражасига комплекс баҳо беришда аҳоли томонидан истеъмол қилинган хизмат ҳажмининг статистик кўрсаткичлари муҳим аҳамиятга эгадир. Бу кўрсаткичлар пул шаклида ифодаланади. Аҳоли томонидан истеъмол қилинган хизмат ҳажми ва умумий истеъмол қилинган моддий неъматлар ва хизматлар буларнинг асоси ҳисобланади. Яъни, ижтимоий соҳа баъзи тармоқларининг хизмати пул билан ифодаланса, яна бошқа тармоқлари моддий неъматларни буюм шаклида яратади.

Аҳоли томонидан истеъмол қилинадиган хизматнинг умумий ҳажми савдо ва умумий овқатланишнинг янги маҳсулотини, аҳолини маиший хизматнинг ишлаб чиқариш соҳаларига, ноишлаб чиқариш

турларига қилган харажатларини, аҳолини сув билан таъминлаш тармоқларининг ялпи маҳсулоти, газ, электр қуввати, йўловчилар транспорти харажатлари, алоқа хизмати, соғлиқни сақлаш тармоқларини, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот, таълим соҳасидаги жамиятларни, санъат ва маданият тармоқларини сақлаш харажатлари, алоҳида фуқаролар томонидан аҳолига кўрсатиладиган хизматлар ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

Ижтимоий соҳанинг тармоқлари аҳолига пуллик, бепул ва енгилликлар бериб хизмат кўрсатади. Буларнинг сақлаш харажатлари аҳоли, давлат, корхона – ташкилотлар, жамоалар ҳисобига олиб борилади. Ижтимоий со-ҳанинг пуллик хизмат кўрсатувчи тармоқларининг харажатлари аҳоли, корхона ва ташкилотлар ҳисобига, бепул хизмат кўрсатувчи корхона, мак-таб ва шу кабилар давлат бюджети харажатлари ҳисобига олиб борилади

13.3. Харажатларни қоплаш муаммолари

Маиший хизмат, маданият, спорт ва соғлиқни сақлаш тармоқларида хўжалик фаолияти аҳолини уларнинг хизматига бўлган талаби натижасида шаклланадиган кўпгина ташқи омиллар билан ҳамда меҳнатдан фойда-ланишни, моддий ва молиявий ресурсларнинг самарадорлигини ёритувчи ички омиллар билан тавсифланади.

Юқоридаги муассасалардан бир гуруҳи хизмат жараёнида харажатларни тўла қоплаши ва рентабеллик даражасининг юқорилиги билан ажралиб турса, қолган қисми зарар кўриб ишлайди, яъни ўз харажатларини давлат дотациялари ҳисобига қоплайди.

Маиший хизмат уйлари аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида кўп харажатларини қопловчи муассасалар жумласига киради. Эътиборли томони шундаки, аҳолига бевосита ва номоддий хизмат кўрсатадиган маиший хизмат соҳаларида рентабеллик даражаси жуда ҳам паст.

Спорт тадбирларига сотилган патталардан ҳосил бўлган тушумлар спорт муассасаларининг даромад манбаи ҳисобланади. Умумий тушумнинг кўп қисмини алоҳида корхона ва ташкилотларнинг спорт иншоотларини ижарага олишларидан тушган

маблағ ташкил қилади. Спорт муассасаларининг харажатлари таркибини, асосан иш ҳақи ва спорт иншоотларини сақлаш, командалар йиғинини ўтказишга сарфланадиган маблағлар ташкил қилинади. Хўжалик юретишнинг асосий шарти аҳолига намунали хизмат кўрсатиш ва спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш орқали ўз харажатларини қоплашдир.

Бу соҳада молиявий барқарор натижалар қиш фаслига мўлжалланган ёпиқ спорт заллари ва иншоотларида кузатилмоқда. Фойда машқ қилиш билан банд одамлар сонига ва шуғулланиш вақтига боғлиқ. Спорт иншоотларида аҳоли талабига жавоб берадиган турли ҳажмда ҳар хил хизмат кўрсатилмоқда. Бундай ютуққа эришишнинг асосий сабаби ёпиқ спорт иншоотларининг замонавий жиҳозланиши, ювиниш хоналари, ҳакамлар хоналари, тиббий ходимларнинг мавжудлиги, матбуот марказ-ларининг, овқатланишнинг ташкил қилиниши ва бошқа қулайликларнинг яратилганлигидадир. Аҳоли реал даромадларининг ошиб бориши, сузиш, футбол, самбо, бокс, бадминтон, каратэ, умум жисмоний тайёргарлик каби пуллик спорт хизматларига бўлган талабининг ортишига сабаб бўлмоқда. Спорт иншоотларининг иқтисодий натижалари йилнинг турли фаслларида аҳоли талабининг ўзгаришига боғлиқ. Бу эса ўз навбатида асосий фондлардан бир текисда фойдаланиш шартларини қўйиб, янги хизмат турларини ишга солишни тақозо қилади. Шунинг учун ҳам асосий эътиборни рекламага қаратиш баъзи спорт турларига қатнашиш камайиб кетса, шу турларга ҳақ тўлашга энгилликлар жорий қилиш орқали спорт клубларига аҳолининг келишини барқарорлаштириш керак.

Ижтимоий, маданий соҳаларда ўз харажатларини қопловчи муасса-салар билан бир қаторда кўпгина зарар кўриб ишлаётганлари ҳам мавжуд. Бу муассасалар даромад ва харажатларини таҳлил қилиш орқали қуйидагиларни кўриш мумкин: театрнинг молиявий хўжалик фаолияти натижалари асосан чипталар сотиш, биноларни ижарага бериш, ижара тўлови, дастурлар реализациясига боғлиқ.

Сўнгги вақтларда театр томошаларидан тушум камайиб бормоқда. Тўғри, жамоа асосий даромадини театр намоёишидан

олади, лекин асосий харажат, театрни сахналаштиришга сарфланади. Театр жамоалари шунинг учун ҳам замонавий спектаклларни кўплаб сахналаштириш, томошабинлар миқдорини оширишлари ва томоша тайёрлаш харажатларини камайтиришлари лозим. Бозор иқтисодиёти шароитида театр муассасалари ўз харажатларини қоплаши асосий иқтисодий вазифа ҳисобланади. Уни ечишда бир қанча объектив ва субъектив сабаблар мавжуд. Репертуар сиёсати, шаҳар аҳолисининг малакаси, касби ва демографик тавсифи, шунингдек, чипталар баҳоси кабилар асосий омиллар ҳисобланади.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, харажатларни қоплаш театр ишини тўғри йўлга қўйиш, томошабин билан алоқа, рекламани тўғри йўлга қўйилиши каби тадбирлар орқали амалга оширилиши мумкин.

Қисқача хулосалар

Ижтимоий меҳнат соҳаси – ижтимоий эҳтиёжларни қондириш мақсадидаги фаолият айирбошлаш соҳасидир.

Ижтимоий меҳнат соҳаси ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришнинг барча босқичларини ва унинг ижтимоий барча содир бўлишини ифодалайди.

Ижтимоий соҳада меҳнатнинг алоҳида хусусияти шундаки, бу ерда асосий жараён хизмат кўрсатиш асосида амалга оширилади. Хизматни яратиш катта харажатлар асосида амалга оширилади, энг кўп харажат иш ҳақи учун сарф қилинади.

Пировард натижа жамият ёки шахснинг алоҳида эҳтиёжини қондириш билан ўлчанади. Ижтимоий соҳада меҳнат натижалари натура ва пул ўлчовларида аниқланади.

Меҳнат натижасини натура ўлчовларида аниқлашда меҳнатнинг ўзини ўлчаш билан бажарилган ишни бир-биридан ажрата билиш лозим бўлади.

Пул ўлчови ижтимоий соҳада меҳнат натижаларининг унверсал ўлчови ҳисобланади, пул ёрдамидаги кўрсаткичлар у ёки бу натижанинг мазмунига умумий баҳони ўзида акс эттиради.

Ижтимоий соҳа тармоқларида аҳолига пуллик, бепул ва енгилликлар бериш шаклида хизмат кўрсатилади. Бу харажатлар

аҳоли, давлат, корхона ташкилотлар, жамоалар ҳисобидан амалга оширилади.

Ижтимоий соҳанинг пуллик хизмат кўрсатувчи тармоқларининг харажатлари аҳоли, корхона ва ташкилотлар ҳисобига, бепул хизмат кўрсатувчи корхона, мактаб ва шу қабилар давлат бюджети харажатлари ҳисобидан олиб борилади.

Таянч тушунчалар

Ижтимоий соҳада ишлатиладиган моддий воситаларнинг хусусиятлари, ижтимоий товарлар таърифи, ижтимоий соҳада меҳнатнинг алоҳида хусусиятлари, ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг пировард натижаларининг ўлчовлари (натурал, вақт ва пул), бўш вақтни «ўзлаштириш», ижтимоий соҳадаги меҳнат харажатларининг алоҳида хусусиятлари.

Назорат учун саволлар

1. Ишлаб чиқариш харажатларига умумий тушунча беринг.
2. Ижтимоий соҳа сарф-харажатларининг моҳиятини, таркибини ва ўзига хослигини тушунтириб беринг.
3. Ижтимоий соҳадаги моддий ва меҳнат харажатларига изоҳ беринг.
4. Ижтимоий соҳадаги меҳнатнинг асосий хусусиятларини мисоллар ва далиллар билан баён қилиб беринг.
5. Ноишлаб чиқариш жамғармалари хусусиятларини тушунтириб беринг.
6. Ижтимоий соҳада меҳнат натижаларининг пировард натижаси нималарда кўринади ва қандай тартибда ўлчанади?
7. Бўш вақтдан самарали фойдаланишда ижтимоий соҳани ўрни ва роли қандай деб ўйлайсиз?
8. Ижтимоий соҳа харажатларини қоплаш тартибини баён қилиб беринг.
9. Аҳоли реал даромадлари билан ижтимоий хизмат соҳалари ўртасида қандай боғлиқлик бор?
10. Ижтимоий соҳа тармоқларидаги баъзи зарар кўриб ишлайдиган ташкилотларнинг самарали ишлашлари учун қандай тадбирларни амалга ошириш зарурлигини далиллар ва мисоллар билан изоҳлаб беринг.

XIV-БОБ. ИЖТИМОЙ СОҶАНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА АСОСЛАРИ. ИЖТИМОЙ СОҶАНИНГ МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ

14.1. Ижтимоий соҳада моддий техника асоси ва унинг таркиби ҳақида тушунча

Ижтимоий соҳа моддий-техника асосининг шаклланиши ишлаб чиқариш тизими алоқалари таъсирида амалга ошади.

Бозор иқтисодиёти шароитида соҳанинг моддий-техника асосини мақсадга йўналтирилган ҳолда ташкил қилиш ва ривожлантириш, мамлакатнинг ижтимоий сиёсати олдида қўйган вазифаларини амалга ошириш шартларини таъминлаб, халқ фаровонлигини ошириб жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини тайёрлаш ва ривожлантириш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Ижтимоий соҳанинг моддий-техника асоси деганимизда жамият аъзоларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш, ҳар томонлама ривожланаётган турмуш тарзини замонавийлаштириш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида иқтисодиётнинг ўсишига, самарадорликнинг ошишига таъсир кўрсатувчи омиллар тушунилади.

Илмий-техника тараққиёти ҳам ижтимоий соҳа моддий-техника асосининг ўсиш омилларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги даврда соғлиқни сақлаш, халқ таълими, илм-фан, бошқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг бошқа тармоқларида замонавий воситалар қўлланилмоқда.

Аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқларининг моддий-техника таъминоти хизмат ҳажмини оширибгина қолмай, балки ёрдамчи ишчилар ва малакали ходимларнинг меҳнат самарадорлигини, хизмат маданияти ва сифатини ошириш учун ҳам хизмат қилади. Соғлиқни сақлаш, уй-жой хўжалиги, таълим соҳаларида хизмат кўрсатувчи ходимларга ишни механизациялаштириш ва автоматлаштириш йўли орқалигина ҳал қилиш мумкин.

Илм-фан, ижтимоий суғурта, кредитлаш, давлат бошқариши каби соҳаларда моддий-техника таъминотининг сифат даражаси жамиятни иқтисодий ва ижтимоий бошқаришни

мукаммаллаштиришда янги лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, иқтисодий математик усуллардан фойдаланиш орқали прогрессив технологияга ўтишда асос бўлади.

Шундай қилиб, хизмат кўрсатиш соҳаларининг моддий-техника асосини мукаммаллаштириш илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг асосий бўғини ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестиция таркибини яхшилаш, илм ва техниканинг энг яхши ютуқларидан кенг миқёсда самарали фойдаланиш, илмий-техник тараққиёти орқали бошқаришнинг ўсишини таъминлаш кабилар бу ишнинг асосий йўналиши ҳисобланади.

Ижтимоий соҳа моддий-техника асосининг буюмли белгилари уларнинг фондларидир. Лекин улар ишлаб чиқариш фондларидан тубдан фарқ қилади ва умумий ташкилий фаолият соҳасида эҳтиёж предмети сифатида узоқ муддат фойдаланилади. Фондлардан фойдаланиш жараёнида ходимлар меҳнати орқали хизмат кўрсатиш фондларининг истеъмол қиймати яратилаётган маҳсулот қийматига ўтказилмайди, балки фондларни такрор ишлаб чиқариш миллий даромад эвазига амалга оширилади.

Ноишлаб чиқариш фондлари фойдаланиш мақсадига ва меҳнат жараёнига кўра асосий фондларга ва жорий истеъмол моддий ресурсларига бўлиниб, пул ва натура кўрсаткичларида ифодаланади.

Ноишлаб чиқаришнинг асосий фондлари - бу меҳнат жараёни учун моддий шароит яратиш, узоқ муддат давомида хизмат қилувчи, ўзининг натурал-буюм шаклини сақлаб қолиб, истеъмол ва ўз қийматини аста-секин йўқотиб боровчи фондлардир. Бинолар, қурилмалар, жиҳозлар, транспорт воситалари, кутубхона фондлари ва бошқалар асосий фондлар ҳисобланади.

Меҳнат жараёнида қисқа муддатларда тўлалигича истеъмол қилинадиган моддий-техника унсурлари жорий истеъмол моддий ресурслари деб аталади. Уларга электр қуввати, дори-дармонлар, болалар муассасалари ва даволаш муассасаларида овқатланиш, ўқув қўлланмалари, ўқишнинг техник воситалари ва жиҳозлар кабилар кирази.

Хизмат кўрсатиш соҳаларининг асосий фондлари жисмоний ва

маънавий жиҳатдан эскиради. Жисмоний эскириш – бу асосий фондларнинг меҳнат жараёни мобайнида табиий иқлим шароитида истеъмол қийматини йўқотишдир. Жисмоний эскириш даражаси кўпгина омиллардан иборат бўлади. Булардан бири - ташқи эскириш, яъни бинолар ташқи қисмининг об-ҳаво таъсирида эскириши, ички эскириш, яъни асосий фондларнинг фойдаланиш даражаси натижасида рўй беради. Ташқи эскириш кўп ҳолларда қурилиш-монтаж ишларининг ва фойдаланилган материалларнинг сифатига боғлиқ бўлади. Ички эскириш иш вақти тартибига, ходимлар малакасига, техник хизматга, фойдаланиш суръатига, иш ҳажми даражаси ва бошқаларга боғлиқ бўлади.

Асосий фондларнинг маънавий эскириши – бу техника тараққиётининг базаси яратилиши натижасида меҳнат харажатларини пасайтирувчи, аҳолига хизмат даражасини кўтарувчи, асосий фондларнинг сифат меъёрлари даражасига бўлган талабни ўзгартирувчи янги фондларнинг жорий қилиниши натижасида рўй беради. Техника тараққиёти таъсирида жамият учун жисмоний янги, лекин маънавий эскирган асосий фондлардан фойдаланиш самарасиз бўлади.

Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни давом этаётган ҳозирги вақтда ноишлаб чиқариш асосий фондларини янгилаш, эскиларини ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш қониқарли даражада эмас. Бунга асосий сабаб жамият ресурсларининг чегараланганлигидир.

Ноишлаб чиқариш асосий фондларини янги асосий фондлар ҳисобига шакллантириш ва такрор ишлаб чиқариш асосан ижтимоий соҳанинг моддий техника асосини ривожлантириш учун йўналтирилган капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилади.

14.2. Сармоя қўйилмалари. Ижтимоий соҳада моддий ресурсларнинг таркиби

Ноишлаб чиқариш асосий фондлари эскирган қисмларининг ҳисобдан чиқарилиши, миқдорий ўсиши ва сифат жиҳатидан мукаммаллашуви ноишлаб чиқариш сармоя қўйилмалари ҳисобидан

амалга оширилади.

Сармоя қўйилмалари умумий даражаси кейинги йилларда маълум даражада камайди. Ижтимоий соҳа сармоя қўйилмалари давлат бюджети ҳисобидан, хўжалик ташкилотлари, жамоа хўжаликлари, ҳиссадорлик жамиятлари, саноат ва хусусий корхоналари, касаба уюшмалари ва бошқа жамиятлар, шунингдек, аҳоли ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Капитал қурилишни молиялаштиришда асосий ролни давлат бюд-жети ўйнайди. Шунингдек, корхоналар, бирлашмалар, жамоа хўжаликлари ижтимоий соҳа мақсадига мўлжалланган капитал қурилмаларига ўзлари-нинг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Бу мақсадлар учун ижтимоий маданий тадбирлар ва бошқа иқтисодий ривожлантириш фондларидан фойдаланилади. Бунда жамоа хўжаликларининг ҳиссалари катта бўлмоқда. Чунки улар ўз ҳудудларида мактаблар, маиший хизмат корхоналари, участка амбулаториялари қуришда актив иштирок этишмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳаларида капитал қурилиш ишлари пудрат асосида олиб борилади. Шунинг ҳам айтиш керакки, қурилишни хўжалик усули билан олиб бориш бу соҳалар фаолиятига хос эмас. Чунки меҳнат ресурслари ва моддий ресурслар йўқ. Бу усул ишлаб чиқариш корхоналари ва жамоа хўжаликлари учун мос бўлиб, болалар яслилари, мактаблар ва профилакториялар қурилишларида кенг қўлланилмоқда.

Янги замонавий, яхши ёритилган ижтимоий соҳа объектлари аҳоли учун қулайликлар яратиш билан бир қаторда малакали ходимларни ҳам талаб қилади, лекин бунинг учун кўп миқдорда харажат сарф бўлади.

Ноишлаб чиқариш асосий фондлари сифатини ошириш сармоя қўйилмалари доимий ўсиб бориш даражасининг асосий омилidir.

Моддий-техника асосининг қатъий ҳолда ўсиши соҳа учун характерlidir. У асосий фондлар қийматининг доимий ўсиб бориши билан ифодаланади. Ноишлаб чиқариш асосий фондлари моддий ишлаб чиқаришдагига нисбатан секин ўсмоқда. Натижада хизмат кўрсатиш соҳасида асосий фондларнинг таркиби камайиб бормоқда.

Бунинг турли сабаблари бор:

Биринчидан, ижтимоий соҳада бевосита инсонга хизмат кўрсатилади, бунда машиналарни қўллаш чегараланилади ва меҳнат буюмлашмайди. Бу ноишлаб чиқариш асосий фондларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиши учун асосий омил деган маънони бермайди. Кўрсатилаётган техника воситаларидан фойдаланиш инсон касаллигига ташҳис қўйиш ва уни даволаш, илмий ижодий ва маданий-оқартув ишларини, маиший ва уй-жой хизматини кенгайтириш имкониятини яратади.

Иккинчидан ноишлаб чиқариш асосий фондларининг кўпайиши ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги, асосий капитал сифмининг ўсиши ва фонд динамикасига боғлиқ. Ноишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш меҳнат унумдорлиги даражасининг ўсиши билан аниқланади. Иқтисодиёт инвестиция имкониятининг ўсиши капитал қўйилмалар самарадорлигининг ошиши, моддий ишлаб чиқаришда асосий фондлардан фойдаланишнинг яхшиланиши ижтимоий соҳа моддий-техника асосининг таъминоти кўпайиши учун шароит яратади.

Натижада хизмат кўрсатиш соҳаларининг моддий ресурслар билан таъминланиши, биринчи навбатда асосий фондлар билан таъминланиш даражаси ортади. Бу эса ўз навбатида ижтимоий соҳа ходимлари меҳнатини оқилона ташкил қилишни ва аҳолининг хизматга бўлган эҳтиёжини тўла қондиришни таъминлайди.

Ноишлаб чиқариш асосий фондларининг аҳамияти бозор иқтисодиёти шароитида фақат сон жиҳатидан эмас, балки сифат жиҳатидан ҳам мукаммалашади. Улар, биринчи навбатда, фан ва техникани янги ютуқлари асосида таъминланади. Масалан, давлат бошқаруви ходимлари фаолиятида ахборотларни йиғиш, сақлаш ишлари компьютер ёрдамида амалга оширилмоқда. Соғлиқни сақлаш соҳасида лазер ва бошқа мураккаб техника қурилмаларидан фойдаланилмоқда. Транспорт ва йўловчи ташиш транспорти воситалари доимий янгиланилмоқда.

Асосий фондлар сифатининг ошиб бориши қўшимча харажатлар

талаб қилади. Бу янги ишга туширилаётган объектлар баҳосининг қимматлилигида кўринади.

Асосий фондлар динамикасининг қиймат шаклидаги кўриниши қуйидаги омиллар таъсири остида иқтисодий имкониятнинг, моддий ишлаб чиқаришнинг ўсиши, соҳаларда моддий ресурсга бўлган истеъмол фондларининг сифат жиҳатидан мукаммалашуви ва уларнинг ишлаб чиқаришга харажатларнинг ўзгариши натижасида шаклланади. Юқоридаги омилларнинг ўзаро боғлиқлиги ижтимоий соҳа асосий фондларининг доимий ўсишига олиб келади.

Хизмат кўрсатиш соҳаларининг асосий фондлари таркиби барча тармоқларда ҳам бир хил эмас. Масалан: йўловчилар ташиш транспортида транспорт воситалари улуши юқори, уй-жой коммунал хизматида узатувчи қурилмаларнинг аҳамияти кўпроқ бўлади. Асосий фондлар орасида бинолар ва иншоотлар етакчи ўринни эгаллайди. Бу кўп жиҳатдан шу соҳалардан меҳнатнинг буюмлашмаслигидан, меҳнат жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялаштириш чегаранланганлигидан келиб чиқади.

Ҳозирда соғлиқни сақлаш, таълим, спорт соҳасида моддий техника базаси юқори даражада ўсмоқда.

Соғлиқни сақлаш тармоғи моддий-техника базасининг ўсиши ўрни сонининг ўсишига боғлиқ. Ҳозирда поликлиника ва амбулаторияларнинг жамоаларга хусусий мулк сифатида сотилиши бу соҳада асосий фондларнинг ортишига сезиларли даражада таъсир қилмоқда.

Республикамизнинг кўпгина тиббиёт муассасаларида аҳолига пуллик даволаш маслаҳат хизмати кўрсатилмоқда. Тиш даволаш поликлиникаларида, аёллар маслаҳатхоналарида бу ишлар яхши йўлга қўйилган. Уларда хўжалик ҳисобининг ўзига хос томони шифокорлар, тиббий ходимлар хизматига тўланадиган ҳақлар ва бошқариш харажатлари даромадлар ҳисобидан қопланади. Шунинг учун ҳам бу муассасаларда юқори малакали шифокорлар хизмат кўрсатади. Лекин ҳозирча хўжалик ҳисобидан даволаш муассасалари давлат рухсатисиз кенгайтирилиши, пуллик тиббий хизмат қатъий чегараланиши ва ташкилот томонидан ўзгартирилиши мумкин эмас.

Мамлакатимиздаги барча дорихоналар хўжалик ҳисобида иш юритишмоқда. Сотиб олиш билан сотиш баҳоси ўртасидаги фарқ дорихоналарнинг даромади бўлиб, давлат бюджетига солиқлар тўлагандан кейин қолган қисми фойда ҳисобланади ва у моддий-техника базасининг мустаҳкамлашга ва ижтимоий-маданий тадбирларга сарфланади.

Олий таълим соҳасида умумий қабул қилинган талабаларга нисбатан қўшимча равишда 40 фоиз ўғил қизни пул тўлаш шарти билан биринчи курсга қабул қилиш, пуллик тайёрлов курслари очиш, махсус пуллик курслар ва фирмалар ташкил этиш йўлга қўйилган. Булардан тушган маблағ профессор-ўқитувчиларни бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимоя қилишга ва олийгоҳларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланади.

Бугунги кунда республикамизда 65 та олий ўқув юрти бўлиб, уларда 263,6 мингдан ортиқ йигит-қизлар таълим олмоқда ва улардан 36,9 мингтаси шартнома асосида ўқимоқда. Республикамизнинг ҳар 10 минг аҳолисига олий ўқув юртида таҳсил олаётган 82 та талаба ва ўрта махсус ўқув юртларида 84 та талаба тўғри келмоқда.

Ҳамма олий ўқув юртлари республика бюджетидан молиялаштирилади, умумий харажатларнинг ўртача 32,3 фоизи иш ҳақиға, 24,1 фоизи стипендияга (биргаликда 56,4 фоиз), 43,6 фоизи эксплуатация ва бошқа коммунал харажатларга сарфланади.

Жумладан, ўқишга иштиёқманд ёшларга кўмак бериш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, айти чоғда таълим тизимини жаҳон андозалари даражасида ислоҳ қилиш давлатимиз диққат-эътиборида бўлаётир.

Инсон саломатлигини мустаҳкамлаш ва уни ҳар томонлама жисмонан баркамол бўлишини таъминлаш жисмоний тарбия ва спортнинг асосий вазифасидир. Ана шу мақсадда спорт муассасалари корхона ва ташкилотлар ишчи ходимлари ўртасида, мактабларда, олийгоҳларда ва аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ташвиқот қилиб, бепул мусобақалар ўтказмоқдалар. Спорт томошахоналарида хўжалик алоқалари чегараланган. Бунинг асосий

сабаби, спорт томошаларининг кўп ҳолларда бепул кўрсатилишидир, уларга кетадиган харажатлар давлат бюджети, касаба уюшмалари ҳисобидан ва ҳар бир вазирликлар томонидан қопланмоқда.

Шу билан бирга, шаҳарларда жойлашган йирик спорт комплексларида хўжалик ҳисобида иш юритилмоқда, чунки улар бақувват моддий базага, молиявий ресурсларга ва тажрибали ходимлар жамоасига эгадир. Бу эса жисмоний тарбия ва спортни аҳоли ҳамда ташкилотлар ўртасида самарали йўлга қўйишга, спорт иншоотининг моддий таъминотини яхшилашга имконият яратади. Жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатини ривожлантириш мақсадида тегишли муассасалар давлат бюджетига тўланадиган солиқлардан озод қилинадилар. Солиқлар учун олинадиган маблағ муассаса моддий-техника базасини ривожлантиришга сарфланади.

14.3. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат ресурсларнинг бандлиги

Ижтимоий соҳанинг меҳнат ресурслари жамиятнинг ҳаракатдаги меҳнат ресурсларининг бир қисми ҳисобланади. Ижтимоий ишлаб чиқариш таркиби, жамиятнинг меҳнат тақсимооти даражаси, ривожланишининг мақсадга йўналтирилган вазифалари мамлакат меҳнат ресурсларини фаолият соҳалари бўйича тақсимлашни шарт қилиб қўяди. Моддий ишлаб чиқаришда банд бўлганлар сони билан ижтимоий соҳада банд бўлганлар сони таққослаш халқ хўжалигини мутаносиб ривожлантиришнинг асосидир.

Илмий техника тараққиётининг ривожланиши, жамият ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва мамлакат иқтисоди, ижтимоий ривожланишининг тезлашишини таъминлаш имконияти ва меҳнат ресурслари сонининг ўсишини таъминламоқда. Шунинг учун ҳам моддий ишлаб чиқариш билан ижтимоий соҳада банд бўлганлар сони ўртасидаги алоқа ўзгариб бормоқда.

Ижтимоий соҳада бандлилик иккита турли хилдаги омиллар гуруҳи билан шартланади: 1) ходимлар сонинг ўсиши, 2) улар сонининг камайиши билан.

Хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлганлар сонини келажакда ўсишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади. Биринчидан, мамлакатимизда кучли иқтисодий имкониятнинг мавжудлиги, жамият меҳнат унумдорлигининг юқорилиги, бозор иқтисоди шароитида ижтимоий соҳанинг мукаммаллашуви бу соҳада банд бўлганлар сонининг ўсиш омилларидан ҳисобланади. Моддий ишлаб чиқаришнинг муваффақиятли ривожланиши жамият меҳнати унумдорлиги даражаси ва ижтимоий соҳанинг аҳамияти уларнинг келажакдаги ривожланишига ва меҳнат ресурсларини ўз фойдаларига қайта гуруҳланишга йўл очиб беради. Иккинчидан, соҳада банд бўлганлар сонининг ўсишига аҳоли эҳтиёжининг ўзгаришига таъсир кўрсатади. Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий соҳа хизматида аҳолининг эҳтиёжи ортиб бормоқда. Бу маданиятнинг ўсиши ва аҳоли маънавий эҳтиёжининг ортиши, умумий ва махсус таълимнинг зарурлиги халқ саломатлигини сақлашда, аҳоли дам олишининг замонавийлашиши ва бўш вақтдан унумли фойдаланишни таъминлашда ўз аксини топмоқда.

Бозор иқтисоди шароитида мамлакатимиз аҳолисининг моддий ва маданий ҳаёт даражаси сифат жиҳатидан янги эҳтиёж таркиби билан тавсифланмоқда. Озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-рўзғор ашёлари аҳолининг биринчи эҳтиёжи ҳисобланади, шунингдек, ижтимоий маданий эҳтиёж ҳам биринчи навбатда қондирилиши лозим.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг сифатли тиббиётга, малакали кадрлар хизматида, маданий хизматга эҳтиёжи ортиб бормоқда. Бу эса янги махсус ўқув юртларини очишни ва уларда малакали ходимларнинг тайёрланишини тақозо қилади, ижтимоий соҳада бандлилик келажакда илм фаннинг ривожланишига таъсир кўрсатади.

Мамлакатимиз аҳолиси маънавий ва маданий эҳтиёжининг ортиб бориши санъат ва маданият ходимлари сонининг кўпайишига таъсир кўрсатади. Аҳоли реал даромадларининг ортиши маиший хизмат ходимларининг хизматида бўлган талабни кўпайтиради, бу эса соҳада банд бўлган ходимлар сонининг кўпайишига олиб келади.

Ижтимоий соҳа ўз вазифаларига кўра турли хил тармоқлардан ташкил топганлиги сабабли, унда банд бўлган ходимларнинг малакаси ҳам турличадир. Шунинг учун соҳалар махсус тайёргарликка, амалий ва назарий билимларга эга бўлган аниқ меҳнат фаолиятини олиб борувчи ходимларнинг малакасига кўра асосланган. Меҳнатнинг бундай тақсимлаш аниқликни талаб қилади ва ўз ўрнида ходимларни мутахассислиги бўйича тақсимлашни шарт қилиб қўяди.

Малака билан мутахассислик ўртасида катта фарқ бор. Ижтимоий соҳада юздан ортиқ асосий малака мавжуд бўлиб, уларга шифокор, ўқитувчи, тарбиячи ва бошқалар киради, мутахассислик эса малака доирасидаги меҳнат тақсимоли натижасида аниқланади. Масалан, шифокор малакаси терапевт, кўз, қулоқ бўйича ва бошқа мутахассисликларга, ўқитувчи малакаси эса математик, физик, химик каби мутахассисликларга ажратилиши мумкин.

Малакалар умумий белгилари билан малака гуруҳларини ташкил қилади. Бундай гуруҳлаш аниқ турдаги меҳнатнинг бир гуруҳ ходимлар томонидан бажарилишини билдиради. Хизмат кўрсатиш соҳасида бундай гуруҳларга тиббиёт, маданият ва санъат, фан ва фан хизмати кабиларда бандлилик даражаси бошқа тармоқлардагига қараганда юқори. Иқтисодий таҳлил ижтимоий соҳада банд бўлганлар сонининг йилдан йилга кўпайиб бораётганини кўрсатмоқда.

Моддий ишлаб чиқариш соҳалари каби бу соҳаларда ҳам хизмат кўрсатиш турларига қараб меҳнатда бандлилик таснифи мавжуддир. Бу таснифда раҳбар ходимлар, мутахассислар, муҳандис ва техник ходимлар ва ишчилар гуруҳлари фарқланган.

Ижтимоий соҳанинг кўпчилик тармоқлари (соғлиқни сақлаш, таълим, илм-фан соҳасидаги хизматлар, маданият, санъат, бошқариш ва ҳ.к.) корхонанинг асосий ишини ўрта махсус ва олий маълумотли мутахассислар бажариши билан (ўқитувчилар, шифокорлар, бошқариш ходимлари, илмий ходимлар ва бошқалар) тавсифланади.

Соҳалар ходимларининг бажарадиган вазифаларига кўра таркиби ҳам ҳилма-ҳилдир. Вазифа бу ходимнинг бажариши лозим бўлган иш чегарисини билдиради, яъни унинг бурчи, ҳуқуқи ва

масъулияти зиммасидаги вазифада умумлашади. Масалан, Олий ўқув юртларида асосий ходимлар таркиби (илмий педагог ходимлар) ректор, ўқув ва илмий ишлар буйича проректор, деканлар, кафедра мудирлари, профессорлар, доцентлар, катта ўқитувчилар, ўқитувчилар ва ассистентлардан иборат ходимларни ўз ичига олади.

Моддий ишлаб чиқариш тармоқларига нисбатан ижтимоий соҳа ўз йўналиши, бир соҳага махсуслашуви жиҳатидан ўрта махсус ва олий маълумотли кадрлар билан ўз меҳнат ресурсларини қамраб олишда анча устунликка эга, масалан, бошқарув аппаратида ҳар мингта банд одамга 650-700, соғлиқни ва халқ таълимида 470-500 мутахассис тўғри келса, моддий ишлаб чиқаришда бу кўрсаткич 200-250 кишини ташкил этади. Чунки хизмат кўрсатиш соҳаларида асосий иш турини бажарувчилар мутахассислардир. Шунингдек, ижтимоий соҳа ходимларининг демографик таркиби, яъни ишловчиларнинг жинси ва ёши билан ҳам моддий ишлаб чиқариш соҳаларидагидан бир мунча фарқ қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда соҳада аёллар меҳнатидан эркакларникидан кўра кўпроқ фойдаланилади. Ҳозирги кунда республикамизда умумтаълим мактабларида ўқитувчиларнинг деярли 4 дан 3 қисмини аёллар ташкил этади.

Яна бир ўзига хос томони шундаки, ижтимоий соҳада пенсия ёшидаги ходимлар бошқа соҳаларга қараганда кўпроқ меҳнат қиладилар. Бу соҳалар ақлий меҳнатни кўпроқ талаб қилгани сабабли юқори малакали ходимлар олий ўқув юртларида, илмий ишларда, бошқарув ташкилотларида пенсия ёшида ҳам ишларини давом эттирадилар.

Хизмат кўрсатиш соҳаларида қўшимча ишчи кучидан фойдаланишга кенг йўл берилган, шунинг учун ҳам бу соҳаларда ўриндошлик сифатида меҳнат қилувчилар кўпчиликни ташкил қилади. Бу ўз навбатида соҳаларнинг махсуслашуви эҳтиёжидан келиб чиқади. Чунки бу соҳаларнинг айримларида мавсумий ишлар бажарилади, ҳафтанинг баъзи кунларида ва сутканинг баъзи соатларида жонли меҳнат талаб қилинади, бу эса ҳар хил даражадаги малакали меҳнат ресурсларига эҳтиёж яратади. Шунинг учун ҳам

ижтимоий соҳада маълум иш ҳақи эвазига ўриндошлик тўлиқсиз ишчи кунда соатбай ишлайдиган нафақа ёшидаги кишилар, аёллар, талабалар, уй бекалари меҳнатидан ҳам фойдаланилади.

14.4. Ижтимоий соҳада меҳнат ресурсларининг шаклланиши

Меҳнат ресурсларининг шаклланиши дейилганда ижтимоий соҳа тармоқлари учун ходимлар танлаш, шунингдек ходимлар малакасини оширишга тайёрлашни ташкил этиш тушунилади.

Хизмат кўрсатиш соҳалари учун ходимларни тайёрлаш меҳнат ресурсларини шакллантиришнинг умумий қонунияти билан тавсифланади. Бу соҳаларда ҳам ходимларни танлаш асосан меҳнатга қобилиятли, ёши етган шахслар ҳисобига амалга оширилади. Мутахассислар махсуслашган олий ва ўрта махсус юртларида тайёрланади.

Меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг ўсиб бориш суръатлари ошган ва иқтисодиётнинг айрим тармоқларида ортиқча ишчи кучи юзага келган, ишлаб чиқариш бир, шаклидан бошқа шаклга ўзгартирилаётган бир шароитда Ўзбекистонда тўлақонли ишчи кучи бозорини шакллантиришга ғоят жиддий эътибор берилмоқда. Меҳнат қилишниинг ихтиёрийлик тамойили қонун билан мустаҳкамланган, мажбурий меҳнат ман этилган, ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш, уларни янги касбларга ўргатиб қайта тейёрлаш механизми яратилган.

Мулкни босқичма-босқич давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хусусий, ижара ва бошқа хўжаликларни барпо этишни ривожлантириш, тадбиркорликни йўлга қўйиш ва қўллаб қувватлаш ерларни аҳолига бўлиб бериш натижасида бандлик соҳасидаги мавжуд кескинликни бартараф этишга, аҳолининг иш билан банд бўлмаган катта қисмини фойдали меҳнатга жалб қилишга эришилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий соҳа учун бозор талабига жавоб берадиган маънавий баркамол, соғлом билим жихатидан етук мутахассислар талаб қилинмоқда. Уларнинг сиёсий ва ишчанлик сифатларига эътибор берилмоқда. Бу соҳаларга мутахассислар тайёрлашда ёшларнинг қизиқишларига аҳамият бериш

керак, чунки бу соҳа ходимлари ҳаётӣ зарур бўлган ижтимоӣ вазифаларни ҳал қиладилар, бу эса юқори малака талаб қилади.

Ёшлар ижтимоӣ соҳанинг меҳнат ресурслари манбаининг асоси ҳисобланганлиги сабабли уларни тайёрлаш вазифаси муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эгадир. Ёшларга касб танлашда ёрдам бериш, илмӣ тизимли касб йўналишига қаратиш мамлакатимизда меҳнат ресурсларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш механизмининг ажралмас қисмидир.

Республикамизнинг барча вилоятларидаги меҳнат биржалари умумтаълим мактаблари ва бошқа ўқув юртларини тугатган ёшларга соҳа бўйича иш топишга ёрдам бермоқдалар. Ижтимоӣ соҳани ходимлар билан таъминлаш маҳаллий ҳокимларнинг диққат марказида турибди. Ёшларни бу соҳа ишларига қизиқишини орттириш республика ҳукуматининг ва тегишли кўмиталарнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳалари учун ходимлар тайёрлаш икки йўналишда: 1) корхона, ташкилотларда шогирд сифатида тажриба орттириш; 2) махсус касб ҳунар ва олий ўқув юртларида таълим олиш орқали амалга оширилмоқда.

Ижтимоӣ соҳанинг ҳаракат қилиш шарти уни юқори малакали олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондиришдир. Республикамизда соҳалар учун педагогика, тиббиёт ва бошқа колледж ва лицейларда иқтисод, ҳуқуқ, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, таълим, санъат ва маданият соҳалари учун мутахассислар тайёрланади. Олий таълим тизимининг ярмидан кўпроғи ижтимоӣ соҳа учун мутахассислар етказиб беради.

Мамлакатимизда умутаълим мактаблари ўқитувчиларининг малакасини ошириш институтлари ҳар бир вилоятда фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида олий таълим, ўрта махсус ўқув юртлари, коллежлар ўқитувчилари ва шифокорлар малакасини ошириш институтлари ишлаб турибди. Турли мавқеидаги анжуманлар ўтказиш ходимлар малакасини оширишнинг яна бир йўналиши сифатида хизмат қилмоқда.

Булардан ташқари, республикамизда илмий педагогик ходимлар ва раҳбар ходимлар малакасини ошириш олий мактаби ҳам ишлаб турибди. Бу тизим малака ошириш институтлари ва факультетларини, аспирантураларни, ижодий таътилларни, қисқа муддатли курсларни, олий ўқув юртларида стажировка қилишни, ҳаракатдаги семинарларни ўз ичига олади.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида мутахассисларнинг малака-сини бозор муносабатлари асосида ошириш давр талаби бўлиб турибди. Ўз билимини тинмай ошириш, илмий техника янгиликларини ўзлаштириб бориш бозор қонуниятларининг асосидир.

14.5. Ижтимоий самарадорлик

Ижтимоий иқтисодий ривожланишнинг асосий шарти бу хўжалик амалиётида бўлган ишлаб чиқаришнинг сифат ва самарадорлигини оширишдан иборатдир. Бу муаммо тўла ҳолда халқ хўжалигининг ижтимоий соҳасига ҳам тааллуқлидир.

Хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг самарадорлигига баҳо беришда, биринчи навбатда, бутун халқ хўжалигининг ҳолати ҳисобга олинади. Жумладан, асосий эътибор, бу соҳанинг ишлаб-чиқаришнинг ривожланишига таъсир кўрсатишига, халқ фаровонлигининг ўсишига ва шахснинг камол топишига шароит яратишга қаратилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида республикамиз иқтисодий стратегиянинг асосий йўналиши илмий техника тараққиётини ҳар томонлама юксалтиришдан иборатдир. Ижтимоий соҳанинг фан ва халқ таълими тармоқлари мамлакатимизнинг илмий техник куч қудратининг шаклланишида бевосита қатнашади. Халқ хўжалигининг ривожланишида илмий тадқиқотлар натижаларининг янги техникада мужассамлашувида, ишлаб чиқаришнинг замонавий усулларини қўллаш орқали меҳнат унумдорлигининг ошишида илм фаннинг қўшаётган ҳиссасини кўриш мумкин.

Халқ таълими мамлакат илмий техника салоҳиятининг талабларига мос келадиган малакали мутахассисларни тайёрлайди. Ходимлар малакасининг ошиши меҳнат унумдорлигига, бу эса

ижтимоий маҳсулот ва миллий даромаднинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади.

Моддий ишлаб чиқаришнинг интенсивлашувига ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқлари ҳам таъсир кўрсатади. Масалан: соғлиқни сақлаш тизимидаги ютуқларнинг ўлим ва касалликнинг камайишига таъсири натижасида ишлаб чиқаришдаги йўқотишлар камаяди, бу эса меҳнат самарадорлигини оширади.

Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш шароитларининг ўсишида маиший хизмат ва уй жой хўжалигининг ўрни каттадир. Бу тармоқлар хизмати ҳажми ва сифатининг ўсиши ходимлар бўш вақтларининг кўпайишига олиб келади. Бўш вақтдан оқилона фойдаланиш ҳам ноишлаб чиқариш тармоқларининг жисмоний тарбия, маданият, санъат каби соҳалари ҳисобига амалга оширилади.

Шундай қилиб, ижтимоий соҳани ривожланиш самарадорлигининг ошиши моддий ишлаб чиқариш ўсишини тезлатиш учун хизмат қилади. Бу соҳаларнинг асосий вазифаси инсонга, унинг онгига ва одамлар ўртасидаги алоқаларга таъсир этишдан иборатдир. Шунинг учун бу соҳада ижтимоий самарадорлик тушунчаси алоҳида аҳамият касб этади.

Ижтимоий самарадорлик ва унинг таъминланиш шартлари ижтимоий иқтисодий тизим билан аниқланади. Асосий иқтисодий қонуният пировард натижа ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий соҳада харажатларнинг иқтисодий самарадорлиги шахснинг жисмоний ва маънавий мукаммаллашувида, инсон ҳаёт тарзини ва ижтимоий алоқаларнинг мужассамлашувида кўринади. Ижтимоий самарадорликка эришиш натижаларига мисол тариқасида соғлиқни сақлаш соҳасидаги муваффақиятлар, аҳолининг маданий даражаси, бўш вақтдан самарали фойдаланиш, инсонлар тафаккурининг ўсишини кўрсатишимиз мумкин. Тушунарлироқ қилиб айтганда, ижтимоий соҳанинг таъсири ижтимоий самарадорлик ижтимоий ҳаётда шахснинг тўла камол топишдаги ўзгаришларда кўринади.

Хизмат кўрсатиш соҳаларида иқтисодий ва ижтимоий самарадорлик барча тармоқлардаги аниқ меҳнат жараёнларига

боғланган холда кўриб чиқилади. Масалан: тиббиёт соҳасида соғлиқни сақлаш самарадорлиги, халқ таълимида педагогика самарадорлиги ва х.к.

Ижтимоий соҳанинг халқ хўжалигининг равожланишидаги самарадорлигини, моддий ишлаб чиқариш ўсишини тезлаштиришдаги хиссасини аниқлаш мураккаб вазифадир. Амалиётда бундай баҳо бериш илмий техника тараққиётини таъминлаш билан алоқаси бўлган тармоқларда, яъни фан ва халқ таълими, шунингдек, соғлиқни сақлашда қўлланилади.

Халқ таълими тармоғидаги самарадорлик улар тайёрлаган кадрларнинг маълумоти ва малакаси даражаларини таққослаш орқали аниқланади. Мисол учун икки гуруҳ ишчиларни тўлиқ ўрта маълумотли ва тўлиқсиз ўрта маълумотли ишчилар ишлаб чиқарган маҳсулотлар кўрсаткичларини ёки махсус ҳунар техника ўқув юртини битирган ишчи билан бевосита ишлаб чиқаришда етишган ишчининг кўрсаткичларини солиштириш орқали аниқлаш мумкин. Соғлиқни сақлаш билан боғлиқ харажатларнинг самарадорлиги касал бўлиш даражасининг пасайиши оқибатида иқтисодий йўқотишларнинг пасайиши орқали аниқланади.

Касалликнинг пасайиши туфайли эришилган иқтисодий самарадорликни баҳолаш учун, биринчи навбатда, касалнинг қандай турига қарши олиб борилган муваффақияли кураш орқали иш вақти йўқотилишининг олди олинганлигини аниқлаш лозим. Бартараф этилган вақт йўқотишларини ишлаб чиқариш кўрсаткичларига кўпайтириш орқали қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини аниқлаш мумкин. Шу билан бирга, касалликни даволаш ишлари билан боғлиқ харажатларнинг миқдорига эътибор бериш лозим. Уларни таққослаш орқали соғлиқни сақлашдан олинадиган иқтисодий самарадорликни баҳолаш мумкин.

Лекин саломатликни мустаҳкамлаш ва касалликнинг камайиши фақат даволашга боғлиқ бўлмай, балки касалликнинг олдини олишга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Масалан: ёппасига эмлаш орқали бир неча турдаги касалликнинг олди олиниши мумкин. Бу эса иқтисодий йўқотишларни камайтириш учун сарфланадиган харажатларни тезда қоплайдиган тиббий тадбир ҳисобланади.

14.6. Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий соҳада сифат кўрсаткичлари

Ижтимоий соҳа харажатлари самарадорлигини ошириш унинг тармоқлари ва бўғинларида иш сифатини ошириш билан боғлиқдир. Хизмат сифати иқтисодиётнинг ривожланиши натижасида содир бўлаётган эҳтиёжларнинг қондирилиш даражаси аниқланади. У ўзида ижтимоий иқтисодий самарадорликка таъсир қилувчи барча омиллар йиғиндисини мужассамлаб, самарадорликнинг шаклланиш жараёнини кузатиш имкониятини беради.

Сифат кўрсаткичлари турли-тумандир. Кўп ҳолларда улар андозалар асосида ишларни ўтказишда объектив шартларга ва талабларга мувофиқ аниқланади. Энг асосий ролни меҳнат ва хизматларнинг сифат кўрсаткичлари ўйнайди. Аниқ хизмат турларининг сифат кўрсаткичлари шу тармоқнинг махсус йўналишига боғлангандир. Масалан, ижтимоий соҳанинг турар-жой хўжалигида, транспортда ва алоқа хизматида истеъмолчиларга ўз вақтида хизмат кўрсатиш асосий кўрсаткич ҳисобланади.

Баъзи бир тармоқларда, масалан, маиший хизмат соҳасида хизмат сифатини икки усулда аниқлаш мумкин: а) маҳсулот сифати билан; б) хизмат сифати билан.

Бу тармоқда истеъмолчи талабини унга хизмат кўрсатиб вақтдан иқтисод қилиш учун шароит яратиш пировард натижа ҳисобланади. Бундай аниқлаш усуллари моддий ишлаб чиқаришга таалуқли бўлган тармоқларга хизмат кўрсатиш учун қулайдир. Ижтимоий соҳанинг моддий ишлаб чиқаришдан фарқи шундаки, сифат кўрсаткичлари маҳсулотнинг жисмоний ва бошқа тавсифларига қараб эмас, балки бевосита хизмат жараёнининг зарур томонларига қараб баҳоланади. Масалан, очиқ дарслар ва назоратли текширишлар каби усуллар халқ таълими соҳасига хос бўлса, театр соҳасида спектаклнинг маънавий-баддий даражаси кенгаш томонидан баҳоланади.

Булардан ташқари, аҳолидан тушаётган шикоятлар ва таклифлар ҳам эътиборга олинади. Аҳолининг турар-жой ва ижтимоий-маданий хизматга бўлган талабини ўрганиш учун аҳоли ўртасида ижтимоий тадқиқотлар ва махсус сўровлар ўтказилади. Лекин бундай

тадқиқотлар кўп вақтни ва маблағни талаб қилади. Шунинг учун ҳам биринчи навбатда юқори сифатли хизмат кўрсатиш учун ижтимоий соҳа етарли даражадаги ресурслар билан таъминланиши керак. Ходимлар малакасининг юқори эканлиги ишнинг сифатига ижобий таъсир кўрсатади, лекин ижтимоий соҳанинг баъзи тармоқларида ўрта малакали ходимлар кўпроқ талаб қилинади.

Меҳнат сифатини ошириш учун соҳаларни истеъмолчиларнинг хизматга бўлган талабларини қондира оладиган миқдорда малакали ходимлар билан таъминлаш лозим. Шунинг учун ҳам соғлиқни сақлаш тизимининг шифокорлар билан таъминланиши тиббий хизмат сифатига бир ўқувчига тўғри келадиган ўқитувчиларнинг ўртача сони таълим сифатига таъсир қилади.

Меҳнат ресурслари билан таъминланган ижтимоий соҳанинг сифат кўрсаткичларига моддий-техника базасининг ҳам катта таъсири бор. Масалан, маҳаллий театрлардаги жойлар сони, кутубхоналардаги китоб фондлари кабила хизмат кўрсатиш сифатига таъсир этувчи омиллардан ҳисобланади. Бунда асосий эътибор моддий ресурсларнинг таркибига уларнинг замон талабига жавоб беришига, шунингдек, асосий воситаларнинг жисмоний ва маънавий эскиришига қаратилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий соҳада сифат кўрсаткичларини янада мукамаллаштириш, сифатини бошқариш муҳим вазифа бўлиб, у доимий равишда назорат қилиб борилади. Сифатини бошқариш орқали маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштириш, моддий-техника ҳолати таъминотини аниқлаш, аттестация ва сифат кўрсаткичларининг ҳолати, ходимлар малакасини ошириш ишлари тўғри йўлга қўйилади.

Қисқача хулосалар

Иқтисодиёт меъёрида фаолият қилиш ва барқарор ўсиши учун барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг ўзаро боғлиқлиги ва мувозанатли ривожланиши талаб қилинади. Бунда ижтимоий соҳани ўрни бекиёсдир. Бу соҳани жадал ривожланиши, унинг моддий-техника асоси қай даражадалигига боғлиқ. Аҳолига хизмат кўрсатиш

тармоқларининг моддий-техника ҳолати хизмат ҳажмини оширибгина қолмай, балки ушбу соҳа ходимларининг меҳнат самарадорлигини оширади. Ижтимоий соҳа моддий-техника асосининг натурал шакли уларнинг фондларидир.

Ижтимоий соҳанинг моддий-техника асоси мамлакатимиз миллий бойлигининг бир қисми ҳисобланади.

Ижтимоий соҳанинг меҳнат ресурслари миллий иқтисодиёт меҳнат ресурсларининг бир қисмидир. Ижтимоий соҳа ўз вазифаларига кўра турли хил тармоқлардан иборат бўлганлиги учун, унда банд бўлган ходимларнинг малакаси ва таркиби турличадир. Малака билан мутахассислик ўртасида катта фарқ мавжуд. Соҳалар ходимларининг бажарадиган вазифаларига кўра таркиби ҳам ҳилма-ҳилдир ва уларни малакаларини ошириб бориш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий соҳани ривожланиш самарадорлигини ортиб бориши моддий ишлаб чиқаришнинг ўсишини тезлатиш учун хизмат қилади.

Назорат учун саволлар

1. Ижтимоий соҳанинг моддий-техника асосини баён қилиб беринг.
2. Ижтимоий соҳанинг асосий фондлари ва жорий истеъмол моддий ресурслари деганда нималар тушинилади?
3. Ижтимоий соҳадаги капитал қўйилмаларнинг манбаларини тушунтириб беринг.
4. Ижтимоий соҳа тармоқларидаги асосий фондларнинг ўзига хос хусусият-ларини изоҳлаб беринг.
5. Хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлганлар сонини ўсиши қандай ҳолатлар билан изоҳланади?
6. Малака билан мутахассислик ўртасида қандай фарқ бор?
7. Ижтимоий соҳа ходимларининг демографик таркибини моддий ишлаб чиқариш соҳаларидагилардан фарқини тушунтириб беринг.
8. Ижтимоий соҳа учун кадрлар тайёрлаш ва уни ҳозирги кундаги ҳолати ҳақида тушунча беринг.
9. Ижтимоий соҳа учун ходимлар тайёрлаш қандай йўналишларда амалга оширилади?
10. Ижтимоий самарадорлик деганда нималар тушинилади?
11. Ижтимоий соҳадаги сифат кўрсаткичларига изоҳ беринг.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Қонституцияси – Т: “Ўзбекистон” 2017..
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси Т: Ўзбекистон , 2008.
3. Ўзбекистон Республикасининг “ Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири). –Т. 2004.
4. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, ЎЗР. 1995 йил 21 декабрдаги Қонуни билан тасдиқланган ва 1996 йил 1 апрелдан амалга киритилган.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Фармонлари ва қарорлари

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 7 февралдаги қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “ Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги 2018 йил 22 январдаги Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 3 февралдаги Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 априлдаги Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018–2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги 2018-йил 4-июндаги қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошираётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли Фармони// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017-йил 6-сон.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикаси инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида. 2017 йил 31 март, ПФ-4996-сон.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Нукус-Фарм”, “Зомин-Фарм”, “Косонсой-Фарм”, “Сирдарё-Фарм”, “Бойсун-Фарм”, “Бўстонлик-Фарм” ва “Паркент-Фарм” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида. 2017 йил 3 май, ПФ-5032-сон.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида. 2017 йил 5 май, ПФ-5037-сон.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иш ҳақи пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги 2019 йил 12 июлдаги Фармони. // Халқ сўзи, 2019 йил 13 июль.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 сентябрдаги 714-сон қарорига 1-илова Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тўғрисида НИЗОМ

17. Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида 1. Илова Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида НИЗОМ

18. Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида 1-илова 2019-2025-йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепсияси тўғрисидаги Низом

IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

19. Мирзиёев Ш.М. “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”. Тошкент : Ўзбекистон, 2017. -592 б.

20. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” 2017. – 56 б.
21. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” 2017–47 б.
22. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” 2017. – 485 б.
23. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб – интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент “Ўзбекистон” 2017 й.
24. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан ватан ҳимоячиларига байрам табриги . Халқ сўзи. – 2017. – 14 январь.
25. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 23.12.2017.
26. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 29.12.2018.
27. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганлигининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2017 йил 6 декабрь.
28. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича янги тизим жорий этилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 23 июль куни кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши материаллари. // Халқ сўзи, 2019 йил 24 июль.
29. Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори Олий таълим муассасасида сиртқи (махсус сиртқи) ва кечки (сменали) таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги 930-сон қарорига
- 1-ИЛОВА Олий таълим муассасасида сиртқи (махсус сиртқи) таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

V. Дарсликлар

30. Абдуғаниев А., Мирзакаримова М. “Ўтиш даври иқтисодиётида меҳнат бозори”. Т., «Меҳнат», 1999. 98-бет.
31. Ваҳобов А.В. «Бозор муносабатларига ўтиш босқичидаги кўп

укладли иқтисодиёт ва унинг такроран ҳосил бўлиши». Т., «Молия», 2002. 330-бет.

31. Ходиев Б. Ю.Шодмонов Ш.Ш., Гофуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Iqtisod-moliya, 2017. – 728 бет.

32. Фуломов С.С. «Ўзбекистон Республикаси: бозор иқтисодиётига ўтиш йўли». Т., «Фан», 1996. 131-бет.

VI. Ўқув қўлланмалар:

33. Абулқосимов Х., Мўминов Н. «Таркибий ўзгаришлар ўсиш омили» // Иқтисод ва ҳисобот. 1997. №2. 24-26-б.

34. Ваҳобов А. «Кўп укладли иқтисодиёт ва даромадлар». // Иқтисод ва ҳисобот. 2000. №3. 11-14-б.

35. Т.М.Зияев., Ш.Т.Исраилова., Д.Т.Ёқуб. “Ишчи кучи ва бандлик назариялари” Ўқув қўлланма. ТДИУ, - Т.: 2011 йил.

36. Исроилова Ш. «Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон иқтисодиётида таркибий ўзгаришларнинг зарурияти». // Иқтисодиёт ва таълим. 2003. №4.

37. Йўлдошев З., Ҳалифаев А. «Ўрта табақа синфини шакллантириш вазибалари». // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2001. №4. 6-9-б.

38. Каримов Н. «Аҳоли бандлиги - бозор талаби». // Иқтисод ва ҳисобот. 1998. №8. 44-45-б.

39. Хайдаров Ҳ. «Саноат тармоқларида таркибий қайта тузишнинг хусусиятлари». // Иқтисодиёт ва таълим. 2003. №1. 40-46-б.

40. Хўжаев Н. «Иш билан бандлик». // Ҳаёт ва иқтисод. 1991. №2. 2-5-б.

41. Гофуров У. «Кичик бизнеснинг катта имкониятлари». // Иқтисод ва ҳисобот. 1997. №11-12. 16-18-б.

VII. Статистик тўпламлари маълумотлари:

42. «Народное хозяйство Республики Узбекистан в 1992 году». Т.1. - Ташкент, 1993. с.301.

43. «Народное хозяйство Республики Узбекистан в 1992 году». Т.2. - Ташкент, 1993. с.323.

44. «Основные показатели социально-экономического развития Республики Узбекистан за 1995 год». -Ташкент, 1996. с.95.

45. «Узбекистан 1991-1995. Информационный сборник». -Ташкент, 1996. с.47.

46. «Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари». Қисқача статистик тўплам. -Тошкент, 1998. 95-бет.

47. «Социальное-экономическое положение Республики Узбекистан

за 2000 год». Т.: 2000. с.286.

48. «Ўзбекистон иқтисодиёти». Таҳлилий шарҳ, 2004 йил. Т., 2005. 127-б.

49. «Ўзбекистон Республикаси 2005 йил статистик ахборотномаси». – Т.: 2006. 97-бет.

50. «Ўзбекистон Республикаси 2006 йил статистик ахборотномаси». – Т.: 2007. 103-бет.

51. «Ўзбекистон Республикаси 2007 йил статистик ахборотномаси». – Т.: 2008. 103-бет.

52. «Ўзбекистон Республикаси 2008 йил статистик ахборотномаси». – Т.: 2009. 104-бет.

53. «Ўзбекистон Республикаси 2009 йил статистик ахборотномаси». – Т.: 2010. 104-бет.

54. «Ўзбекистон Республикаси 2010 йил статистик ахборотномаси». – Т.: 2011. 104-бет.

55. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 1995-2018 йиллардаги ахборотномаси.

56. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати 2018 йил январь-декабрь. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Тошкент -2019 й. 142-146 бетлар.

VIII. Интернет сайтлари

57. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.

58. www.uza.uz – Ўзбекистон Республикаси Миллий Ахборот Агентлиги расмий сайти.

59. www.ceep.uz – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Самарали иқтисодий сиёсат маркази расмий сайти.

60. www.internetindicators.com – Иқтисодий индикаторлар Интернет веб-сайти.

61. www.uzreport.com – SAIPRO konsalting kompaniyasiga tegishli, O'zbekiston va butun dunyodagi biznes tizim va iste'molchilarga axborot yetkazib berishga mo'ljallangan integratsiyalashgan internet loyiha.

62. www.uzsecurities.com – O'zbekiston Respublikasining Qimmatli qog'ozlar bozori haqida axborot beruvchi rasmiy sayti.

63. www.uzexport.com - O'zbekiston Respublikasining mamlakat eksport salohiyati haqida axborot beruvchi rasmiy sayti.

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	3
I боб.	“ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ НАЗАРИЯСИ” ФАНИНИНГ МАЗМУНИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ	8
1.1.	“Турмуш фаровонлиги назарияси” фанининг предмети ва вазифалари	8
1.2.	“Турмуш фаровонлиги назарияси” фанининг иқтисодиётда тутган ўрни	10
II боб.	ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА ИШЧИ КУЧЕНИНГ ТАҚРОР ҲОСИЛ ҚИЛИНИШИ ВА ИШЧИ КУЧИ БОЗОРИ ТЎҒРИСИДАГИ ТУРЛИ НАЗАРИЯЛАР	15
2.1.	Аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигига демографик вазиятнинг таъсири	15
2.2.	Меҳнатнинг мазмуни. Ишчи кучи тушунчаси иқтисодий категория сифатида	21
2.3.	Ишчи кучини тақрор ҳосил қилиш	24
2.4.	Ишчи кучи бозори тушунчасига турли хил ёндашувлар	26
III боб.	ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА ИШЧИ КУЧИ БОЗОРИ. ИШЧИ КУЧИГА БЎЛГАН ТАЛАБ ВА ТАҚЛИФ.	36
3.1.	Ишчи кучи бозорининг моҳияти, мазмуни ва тузилиши	36
3.2.	Ишчи кучи бозорининг таркибий қисмлари	39
3.3.	Ишчи кучи бозорининг амал қилиш шартлари	42
3.4.	Ишчи кучи бозорининг шаклланиш тамойиллари, омиллари ва тартибга солиш усуллари	44
3.5.	Ишчи кучи бозорининг моделлари	47
IV боб.	ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА ИШЧИ КУЧИ БОЗОРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	55
4.1.	Ишчи кучи бозори ва бандлик хизматини такомиллаштиришда давлат сиёсат	55

4.2.	Меҳнат биржалари ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш йўллари	57
4.3.	Давлатнинг иш билан бандлик сиёсати даражалари	62
4.4.	Аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилишда давлат томонидан кўриладиган чора-тадбирлар	65
V боб.	ИШЧИ КУЧИ БАНДЛИГИ БЎЙИЧА ТУРЛИ ХИЛ ЁНДАШУВЛАР ВА НАЗАРИЯЛАР	69
5.1.	Классик ва неоклассик назариялар	69
5.2.	Ж. Кейнс ва неокейнсчиларнинг иш билан бандлик назарияси	71
5.3.	Ҳозирги замон неоклассик назарияларида иш билан бандлик масалалари	74
5.4.	Иш билан бандликнинг ҳозирги замон назарияларидан фойдаланиш	80
VI боб.	ИЖТИМОЙ СОҲАНИНГ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ РОЛИ	85
6.1.	Ижтимоий соҳа тушунчаси ва унинг ривожланиши	85
6.2.	Ижтимоий соҳа иқтисодиётининг ўзига хослиги	89
6.3.	Ижтимоий соҳа таркиби	91
6.4.	Миллий иқтисодиётда ижтимоий соҳанинг аҳамияти	93
VII боб.	ТАЪЛИМ СОҲАСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ИСЛОҲ ҚИЛИНИШИ	96
7.1	Узлуксиз иқтисодий таълим тизимини шакллантириш	96
7.2	Ўзбекистон Республикасида узлуксиз иқтисодий таълим концепцияси	100
7.3.	Узлуксиз иқтисодий таълимни маблағ билан таъминлаш йўллари	104
7.4.	Кадрлар тайёрлаш миллий дастури	107
VIII боб.	СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ НАЗАРИЙ АСОС-ЛАРИ. ЎЗБЕКИСТОНДА БУ ТИЗИМДА ОЛИБ БОРИЛАЁТ-ГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ	113
8.1.	Соғлиқни сақлаш соҳасининг иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрни	113
8.2.	Соғлиқни сақлаш тизимининг ижтимоий-иқтисодий вазифалари	115
8.3.	Соғлиқни сақлаш тизимининг самарадорлиги	118

8.4.	Соғлиқни сақлаш тизимининг бозор муносабатларига ўтишдаги ўзига хос хусусиятлари	121
IX.	СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ ИСЛОҲ ҚИЛИНИШИ ВА УНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ	126
9.1	Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларнинг мақсадлари ва вазифалари	126
9.2	Соғлиқни сақлаш тизимида эришилаётган ютуқларнинг халқаро миқёсда эътироф этилиши	130
9.3	Ривожланган мамлакатлар соғлиқни сақлаш соҳасидаги тиббий суғурта тизими ва унинг моҳияти	133
9.4.	Соғлиқни сақлаш тизимидаги молиявий сиёсат	143
X боб.	ИЖТИМОЙ СОҲАДА ТУРИЗМНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ	151
10.1.	Туризм соҳасининг ўзига хос хусусиятлари	151
10.2.	Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришнинг мақсадлари ва йўналишлари	153
10.3.	Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари	160
XI боб.	ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА ИЖТИМОЙ СУҒУРТА ТИЗИМИ	176
11.1.	Суғуртанинг келиб чиқиш шарт-шароитлари	176
11.2.	Суғуртанинг функциялари	179
11.3.	Суғурта ишини ташкил этиш	181
11.4.	Ўзбекистонда суғурта ишини ривожлантириш истиқболлари	183
11.5.	Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари	185
11.6.	Мамлакатимизда мажбурий суғурталашнинг айрим турлари жорий этилиши	187
XII боб	ИЖТИМОЙ СОҲАДА СОЛИҚ ТИЗИМИ	195
12.1.	Давлатнинг солиқ тизими ва унинг вазифалари	195
12.2.	Солиқ турлари	198
12.3.	Солиқларнинг иқтисодий фаолиятга таъсири	208
12.4.	Ўзбекистонда солиқ тизимини такомиллаштириш масалалари	211

ХШ БОБ.	ИЖТИМОЙ СОҲАДА МЕҲНАТ ХАРАЖАТЛАРИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ	218
13.1.	Ижтимоий соҳада меҳнат ва моддий харажатлар	218
13.2.	Ижтимоий соҳадаги меҳнат натижаларининг ўлчовлари	220
13.3	Харажатларни қоплаш муаммолари	224
XIV БОБ.	ИЖТИМОЙ СОҲАНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА АСОСЛАРИ. ИЖТИМОЙ СОҲАНИНГ МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ	228
14.1.	Ижтимоий соҳада моддий техника асоси ва унинг таркиби ҳақида тушунча	228
14.2.	Сармоя қўйилмалари Ижтимоий соҳада моддий ресурсларнинг таркиби	230
14.3.	Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат ресурсларнинг бандлиги	235
14.4.	Ижтимоий соҳада меҳнат ресурсларининг шаклланиши	239
14.5.	Ижтимоий самарадорлик	241
14.6.	Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий соҳада сифат кўрсаткичлари	244
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	247

**Т.М. ЗИЯЕВ, Ш.Т. ИСРАИЛОВА,
Д.Т. ЁҚУБ, Б.Э. МАМАРАХИМОВ**

Турмуш фаровонлиги назарияси

Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма

Муҳаррир: Г. Саъдуллаева

Лицензия АІ № 240. 04.07.201 . Теришга берилди 20.04.2015. Босишга рухсат этилди 19.05.2015. Қоғоз бичими 60x80 1/16. Times гарнитураси. Офсет муҳри. Офсет қоғози. Шартли босма табоғи 8,2. Ҳисоб нашр варағи 7,9.